

Н.Тұраназаров, Н.Худойбердиев

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА
МУСИҚА ТАРБИЯСИ**



Н.ТҮРАНАЗАРОВ, Н.ХУДОЙБЕРДИЕВ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
ЖАРАЁНИДА
МУСИҚА ТАРБИЯСИ
(методик қўлланма)**

Тошкент -2015
«Тафаккур» нашриёти

УДК: 372.546(072)

КБК: 74.645.27

T-64

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий мақсади тарбияланувчиларни гўзалликни севишга ва ундан баҳраманд бўлишига ўргатишdir. Чуники, гўзаллик ва нафосат ҳар бир куй-қўшиқларда, ҳаттоқи меҳнат жараёнларида ҳам мавжудdir. Уни фаҳмлай олиш ва баҳраманд бўла олишдек қобилиятга эга бўлиш жуда муҳимdir.

Шу фикрлардан келиб чиқсан ҳолда мактабгача таълим муассасаларининг мусиқа раҳбарлари, услубчилари, тарбиячилари, катта тарбиячилари ҳамда педагогика коллежларининг мактабгача таълим йўналиши талабалари ва ўқитувчилари, олий даргоҳларнинг мактабгача таълим йўналиши талабалари ва профессор-ўқитувчилари ушбу методик қўлланмадан унумли фойдаланишса фойдадан холи бўлмайди.

Маъсул мухаррир:

Анвар Омонтурдиев,
филология фанлари доктори,

Такризчилар:

Х.Шарофуддинова,
педагогика фанлари номзоди,
А.Рахматуллаев,
педагогика фанлари номзоди.

Нота мухаррири:

О.Ҳакимов

Ушбу услубий қўлланма Термиз давлат университети илмий кенгашининг 2015 йил 24 апрелдаги З-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-24-096-4

© Н.Тўраназаров
© “Тафаккур” нашриёти

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, “Таълим тўғрисида”ги Конун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Бу эса ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш, интеллектуал қобиلىятларини юзага чиқариш, уларни жаҳон цивилизацияси билан ҳамқадам ва маънавий-рухий жиҳатдан етук бўлишларини ифодалайди. Шундай экан, шахс камолотини таъминлашда узлуксиз таълим тизимининг бош бўғини бўлган мактабгача таълим муассасалари алоҳида ўрин тутади. Узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи мактабгача таълим деб номланади. Таълим тизимидағи кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати миллий истиқлол мафкураси билан суғорилиб модернизациялаштирилди.

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий мақсади тарбияланувчиларни гўзалликни севишга ва ундан баҳраманд бўлишга ўргатишидир. Чунки, гўзаллик ва нафосат ҳар бир куй-кўшиқларда, ҳаттоқи меҳнат жараёнларида ҳам мавжуддир. Уни фахмлай олиш ва баҳраманд бўла олишдек қобиلىятга эга бўлиш жуда муҳим.

Мусиқа машғулотлари жараёнида бастакорларимизнинг кичик ёшдаги болалар учун ёзган энг сара кўшиклари орқали тарбияланувчиларнинг эзгу нияти бўлишларига, кийиниш маданияти, маънавий дунёкараши, ахлок-одоб қоидаларига ўргатиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, мактабгача таълим муассасаларидағи мусиқа раҳбарлари бор имкониятларини ишга солмоғи даркор. Ушбу услубий қўлланманинг асосий вазифаси ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Баркамол инсон тарбияси худди шу маънода ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва унинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шундай экан, ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёшлар бўлиб, буюк давлат барпо этилиши уларнинг қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Чунки, ҳаётда фаол бўлиш, сўз билан иш бирлигини эътиқодга айлантириш инсон шахси учун муҳим фазилатdir. Ушбу ишга киритилган мавзуулар соддадан мураккабга қараб тузиб чиқилган бўлиб, изчиллик билан бир-бирини тўлдириб боради. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида мусиқий тарбиянинг аҳамияти ва вазифалари, мусиқий фаолиятнинг шакллари ва кўринишлари, йўл-йўриклири, турлари, мусиқий фаолиятларни ташкил қилиш шакллари ва бошқа бир қатор бир-бири билан боғлиқ бўлган фикр-мулоҳазалар киритилди.

Куй ва кўшиқ инсониятнинг доимий ҳамроҳи, унинг шодмон ва қайғули онларидаги йўлдошидир. Мусиқа она Ватан келажаги ва фаровонлиги учун курашга унрайди.

Мактабгача таълимдаги мусиқа дарслари болаларга бадиий таълим ва ахлоқий-эстетик тарбия бериш тизимининг ажralmas бир қисми ҳисобланади. Мактабгача таълимнинг самараси устознинг тажрибасига, маҳоратига ва шу соҳага оид керакли маълумот берадиган қўлланмага боғлиқ. Услубий қўлланмада мактабгача таълим муассасаларини модернизациялаш жараёнида мусиқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳаётий тажрибалар асосида янги рух билан суғорилган ҳолда кенг ёритилган.

I-қисм I-БЎЛИМ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУСИҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

§ -1

Мусиқа санъатининг аҳамияти

Мусиқа санъатининг ёпи авлод тарбиясидаги ўзига хос ўрнига халқимиз қадим замонлардан буён ишониб келган. Ҳақиқатан ҳам бола эндиғина дунёга келган кунидан бошлаб онанинг ёқимли алласини эшитади. Аста-секин катталарнинг болаларга нисбатан муносабати натижасида мусиқий ҳамда эстетик дунёқарашлари шаклланади. Бундай мусиқий шаклланиш бола ёши ва руҳиятининг ҳамма томонларида ўз аксини топади. Болалар ўйинлари, ракслар ва қўшиқлари эса уларнинг келгусидаги хатти-ҳаракатлари учун қулай замин яратади. Болани ёшлигиданок қўшиқ айтишга, рақсга тушишга ўргатиш каби машғулотлар оддий, лекин жамиятимизга муносиб ворис қилиб тарбиялаш, жамият учун, юрт учун фидойи инсонлар қилиб вояга етиширишда кагта ёрдам беради. Мусиқа барча кишиларга бир хил таъсир қиласими, деган савол туғилиши табиий. Албатта йўқ, чунки, мусиқанинг ўзига хос хусусиятлари бўлганлиги сабабли ҳар бир инсон мусиқани ўзича тушунади ва талқин қиласи. Киши ўз ички дунёсига садодош қўшиқ ёки куйни маъқул кўради. Шу сабабдан шинаванда мусиқанинг бутун куйи давомида эшитиб, кузатиб уни тўлиқ ҳазм қилишга ҳаракат қиласи. Бунинг натижасида баъзан мусиқа эшитишга ёки қўшиқ айтишга бўлган интилиши пайдо бўлади ҳамда бадиий хиссиятлар ранг-баранг ва нозик бўлиб боради.

Мусиқанинг яна бир хислати бола дунёга келган кунидан бошлаб унга таъсир қила олишидир. Масалан, Онанинг бола билан бўлган муносабатидан бошланган лирик ҳислар, шоирона эркалатишлар бола ўсган сайни унинг руҳиятига, маънавиятига сингиб боради. Аллалаётган она бугун айтган алласини эртага бошқачароқ қилиб, бойитиброқ айтади. Шу йўсинда аллалар, қўшиклар, термалар, хуллас, оз-оздан йиғилиб бутун бир дарёга айланади. Бу эса болани мусиқа тинглашга, қўшиқ куйлашга, мусиқий ҳаракатлар қилишга олиб келади ва она қўшиғига мослашиб, уни тобора ёқтириб бораверади.

Шундай қилиб, боланинг илк ёшлигидан бошлаб эмоционал хистайғуларини шакллантиришда мусиқа санъати онанинг энг яқин ёрдамчиси сифатида хизмат қиласи.

Бола шахсининг ривожланишида мусиқанинг аҳамияти

Болаларни ақлий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни санъатга ва умумий мухитга бўлган эстетик муносабатини ўстиришда мусиқий тарбия мухим аҳамият касб этади. Мусиқа тарбияси орқали болаларнинг эстетик дунёқарашларини ривожлантиришда уларнинг бир неча асосий хусусиятларини билиш жуда мухимдир.

1-хусусият. Ҳар қандай ёшдаги бола ҳам мусиқанинг тавсифини тезда илғаб олиш, мусиқий асарларнинг кайфиятини англаш, мусиқага нисбатан эмоционал муносабатда бўлиш ва мусиқий фикрлай олиш имкониятига эга.

2-хусусият. Мусиқани ҳавас билан тинглашга ўргатишда мусиқанинг айrim оҳангларини эсида сақлаб қолишга қизиқтириш лозим. Натижада болаларнинг мусиқий эшитиш маданиятини тўла ривожлантириш имкониятини

беради. Келтирилган бу асослар болаларда мусиқий ижодни намоён қилишда, уларнинг ўзларига яраша мусиқий тушунчалар ҳосил қилишда, ўрганган кўшик ёки ўйинга тақлид қилаб ҳаракат қилиш ва бошқа шу каби мусиқий дидга талпуқли хусусиятларни шакллантиришда жуда зарур ўринни эгаллади.

Болаларнинг маънавий дунёқараашларини шакллантиришда мусиқанинг ўрни

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, маънавий камолот масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Чунки, жамият тараққиёти маънавият юксалишига бевосита боғлиқ. Шундай экан, болаларга мусиқий таъсир қилиш, уларда маънавий дунёқараашни бойитади, шакллантиради. Айрим вақтларда болаларга мусика жуда кучли таъсир қиласи ва уларда мусиқий асарнинг персонажларига нисбатан ҳис-туйгулар қўзғалади. Масалан, Ватан ҳақидаги қўшикни тинглашганида, Ватангага бўлган меҳр-муҳаббат янада ошади, гуллар ҳақида тинглашганларида эса нафис гулларга нисбатан ҳиссиётлари ошади. Бу каби ҳар хил мусиқий ҳиссиётларни бошдан кечириш болаларнинг ички дунёсини кенгайтиради. Мусиқий тарбия вазифалари асосан болаларни жамоа тарзда қўшиқ айттириш ва рақсга тушириш орқали бажарилади. Бу эса болаларнинг шахсий ривожланишида асос бўлади ва болаларнинг умумий маданий ривожланишида шаклланниш пайдо қиласи.

Болаларнинг ақлий ривожланишида мусиқа воситаси

Болаларнинг мусиқий қабул қилиши ақлий жиҳатдан соғлом ривожланишида муҳим ўрин тутади. Чунки, соғлом болаларда кузатувчанлик, ижодий фикрларни хусусиятларига нисбатан мойиллиги бўлади. Масалан, бола мусиқанинг ижросига, унинг маъносига, тавсифига ва образига эътибор беради. Мусиқа ҳам бошқа санъат турлари каби инсон ҳис-туйгуларига катта таъсир қилиш кучига эга. Мусиқа оламида мураккаб ҳаётини воқеалар, бадиий образлар мужассамлапганки, мактабгача таълим ёшидаги болаларда янгича тасаввур қилиш имконияти очилади. Н. Тўраназаровнинг “Бахтиёрлар” қўшиғида болаларнинг дўстларга бўлган меҳр-муҳаббати намоён бўлади, қўшиқ куйлаш асносида рақсга ҳам тушадилар.

Шунинг учун болаларни эстетик ва ақлий жиҳатдан ривожланишида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш керак. Агар катта киши болага бирон-бир мусиқий вазифа берса, болада изланиши пайдо бўлади ва уларда ақлий фаолият фаоллашади ва ўзича ижод қила бошлайди, ўзича куй тўқишига ҳаракат қиласи, қўшиқ матнига ўзича ёндашади. Болалар ритмик фаолиятларга катта қизиқиш билан киришадилар, ўйин яратиб, ҳар хил ҳаракатлар бажаришга интиладилар. Натижада болаларда ҳаётини тасаввур қилиш фаоллашади, янги-янги образлар, хаёл сурини, фикрларни, ижод қилиш кабилар шаклланади.

Бахтиёрлар күшиги

У. Курбен: шеъри

Н.Тураназаров мусикасы

Танганавор

8

Ку-чок о - чиб, мех- ринг со-чиб, о - на ва - тан яй - ранг дер.

Кув - ноқ ку - либ, завк - ка тү - либ, бул - бул ка - би сай - ранг дер.

Хал - ким бул - о - мон юр - тим бул - о - мон

2.

мен Хал - ким бул - о - мон. юр - тим бул - о - мон

1. мон 2. мон

Кучок очиб, меҳринг сочиб,
Она ватан, яйранг дер.
Кувноқ кулиб, завқка түлиб,
Булбул каби сайранг дер.

Накорат:

Халким бул омон,
Юртим бул омон

Кўп миллатли хамдаммиз,
Кўллар кўлда, кўзлар йўлда.
Шон кучамиз ҳардам биз,
Зеҳнимиздан, меҳримиздан.

Накорат:

Халким бул омон,
Юртим бул омон

Болаларнинг жисмоний ривожланишида мусиқанинг ўрни

Мусиқа эшитиш инсоннинг бутун аъзоларига сезиларли даражада таъсир қиласди. Аъзодаги қон айланиш фаолияти билан бирга нафас олиш органларига ҳам таъсир қиласди. В.М.Бехтерев шу таъсирни ҳисобга олиб, “музиқанинг таъсир қилиши механизмидан тўғри фойдаланган ҳолда инсон сезгисини қўзғаш ёки бўшашибтиришда фойдаланиш мумкин”, дейди. П.К.Анохиннинг “мажор ҳамда минор” ладининг таъсири тўғрисидаги холосасига кўра, agar мусиқий куйни, унинг усулини тўғри ифодаланган ҳолда инсонга таъсир эттирилса, унинг иш фаолиятида ва дам олишида катта ёрдам беришини таъкидлайди. Шундай қилиб, мусиқа боланинг психо-физиологик хусусиятларига таъсир қила олиши болалар тарбиясида мусиқага ёндошиш имкониятини беради. Бола тарбиясида кўшик куйлашни ривожлантириш воситасида овоз бойламларини мустахкамлаб, нутқни ўстириш ва тиниқлаштириш мумкин. Кўшикни тўғри талаффуз қилиш нафас олиш аппаратини мувозанатга келтиради ва нафас олишни чукурлаштиради. Ритмика билан шугуллантириш эса боланинг мувозанатини саклашни, енгил чопишни, сакрашни, аниқ қадам ташлашини ривожлантиради.

Мусиқа суръати ва ифода воситаларидан эса болаларнинг диққатини ҳамда йўналишини ўзгаришида фойдаланилади.

§ -2.

Болалар мусиқий тасаввурларининг ривожланишида ёш хусусиятларининг аҳамияти

Болаларда мусиқий фаолиятни ривожлантиришда болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш ва йўналтириш педагогнинг энг биринчи ва муҳим вазифаси ҳисобланади. Болаларга мусиқий товушларнинг паст-баландлиги сингдирилмаса, етти ёшга боргандা вазифани уddyalай олмай қоладилар. Мусиқий ривожланишининг айрим хусусиятларига эшиши қобилияти, мусиқий куйга эмоционал ёндашиш ва мусиқий ижрочиликнинг энг содда усувлари киради.

Болаларнинг биринчи ёшида мусиқанинг ўрни

Психологларнинг хуносасига қараганда, болада эшиши қобилияти жуда эрта пайдо бўлади. А.А.Люблinskyнинг фикри бўйича ўн-ўн икки кунлик бола товушни эшигади, икки ойлигига эса бола товушни эшитиб, ҳаракатдан тўхтайди ва товушга қулоқ солади, тўрт-беш ойлигига эса товуш манбасини излайди. Шу фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, бола бир ойлигидан бошлаб нормал ривожланса, мусиқага бўлган муносабати фаоллашади ва буни ҳар хил белгилар – кувониш ёки тинчланиш билан билдиради. Бундан ташқари, товушларнинг паст-баландлигини, кучли-кучсизлигини, тембрини англай оладилар. Бу борада энг содда ҳаракатлар: қарсак чалади, оёғини силкитади ва мусиқа оҳангидан оғушида айланади.

Болаларнинг уч ва тўрт ёшлик даврларида мусиқанинг ўрни

Бу ёшдаги болаларнинг сезгига бўлган муносабати анча ривожланади, жисмларни аниқ кўради, шу билан биргаликда мусиқани ҳам аниқ эшигади, айрим куй ва қўшиқларни аниқ қилиб айтиб бера оладилар. Бу даврда болаларда мустақил ҳаракатланишга интилиш кучаяди, ҳаракат қилиш мускуллари анча мустаҳкамланади. Болалар тўрт-олти ёшда катта одамнинг ёрдамида кичик-кичик қўшиқларни айта бошлайдилар. Рақсга тушиш, қўшиқ айтиш, бирорта қўшиқнинг айрим жойларини куйлашни мустақил равишда ўzlari бажаришга интиладилар. Уч-тўрт ёшдаги болаларга ёқадиган, тасаввурига мос келадиган репертуар тайёрлаш педагогнинг энг мушкул вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, уларнинг дидига мос бўлмайдиган қўшиқ ёки ўйин салбий таъсир қилиши мумкин. Мусиқий-ритмик фаолият мусиқий машғулотларнинг ярмини ташкил қиласиди. Машғулотларнинг биринчи қисмини ҳар хил машқлар қамраб олади ва бу машқлар рақс элементларини ўргатишида фойдаланилади.

Болаларнинг беш ёшлик даврида мусиқанинг ўрни

Болаларнинг беш ёшида савол бериш жараёни бошланади. Бунда воқеалар билан ҳодисаларга нисбатан эътибор кучаяди ва “Бу нима?, Қаерда?, Қачон?” деган саволлар билан катталарни кўмиб ташлайдилар. Бу даврда болалар жуда синчков ва кузатувчан бўлади. Мусиқанинг кувноқлиги ёки ғамгинлиги, тезлиги ва секинлиги, майнлиги, баландлиги ёки пастлигини аниқ сезадилар. Уларда қўшиқни ёки рақсни қандай бажариш кераклиги тушунарли бўлиб қолади, овозлари эса жуда тиниқ ва жарангдор бўлади.

Болаларнинг қўшиқ айтиш оҳанги жуда турғун бўлиб, катталарнинг ҳамиша назорати остида бўлишини талаб қилади. Айрим болалар эса бир-бирига тақлид қилмасдан ўзича ҳаракат қиласидилар, айримлари эса ўзининг қобилиятини хисобга олиб, фаолиятнинг бирон бир турига қизиқадилар.

Болаларнинг олти-етти ёшлик даврларида

мусиқанинг ўрни

Болаларнинг олти ва етти ёшида мактабга тайёрлаш ишлари бошланади. Улардаги йигилган тажрибалар хисобига болалар факат саволларга жавоб беригина қолмасдан, балки мустақил равишда мусиқий асарларни таҳлил қила бошлайдилар. Масалан, бу рақс ўзбекча, бу қўшиқ жуда майин ва ҳ.к. деб қисмларга ажратадилар. Олти-етти ёшдаги болаларда овоз боғламлари яна ҳам мустаҳкамланади, кенгаяди ва диапазони силлиқлашади, мусиқага қизиқиши янада яққол кўринади. Ўқитувчи болаларнинг ёшига, уларнинг ёшлик хусусиятларига қараб ижод қилиши мусиқий тарбиянинг вазифалари ва мазмунини тўғри танлаб режалаштиришга катта енгиллик туғдиради.

Мусиқий тарбиянинг вазифалари

Мактабгача таълим муассасаларидаги асосий вазифалардан бири болаларни ҳар томонлама гармоник ривожлантимишdir. Бу вазифани бир томондан мусиқа тарбияси ҳам бера олади. Мусиқий тарбия болаларнинг мусиқага бўлган қизиқишини, қобилиятини ҳамда мусиқага бўлган эстетик ёндашишни шакллантиради.

Болаларнинг мусиқий ривожланишида мусиқий тарбия

Болаларни мусиқий ривожлантариш, улар шаклланишининг хулосаси хисобланади (агар мусиқий фаолияти фаол даражада давом этган бўлса). Болаларда мусиқий ривожланиш қуйидаги даражада давом этади: Болаларда эмоционал импульсдан тортиб, энг содда мусиқанинг хусусиятигача, анча ёрқин ва хилма-хил эмоционал муносабатгача, мусиқий қабул қилиш ва эшигишдан айрим товушларни аниқлаш, уни онгига сингдириш ҳамда товушларнинг паст-баландлигини аниқлашгача, болаларнинг мусиқага бўлган муносабатини турғун бўлмаган муносабатдан аниқ бўлган қизиқишига ва биринчи мусиқий дидга бўлган талабигача, ижро этиш фаолиятидан ҳаракатли кўрсатишгача, мустақил ижод қилишдан ижро этиш ва рақсга тушишгачадир.

Педагогнинг мусиқий тарбияси болаларда мусиқий бойликни, тажрибанинг ортишига катта ёрдам беради ва болалар буни ўзларига тезда сингдириб олишга ҳаракат қилади. Рус психологи С.Л.Выготский фикрига кўра умумий тарбия ва якка тарбия олдинга қараб ривожланиши ва болани ўзи билан бирга изма-из олиб юриши керак. Болаларнинг ривожланиши мусиқий машғулот пайтида ўзини қандай тутиши орқали белгиланади. Масалан, болалар мусиқий машғулотларда фаол иштирок этса, яъни, катта қизиқиши билан қўшиқ айтса, рақсга тушса, шунинг ўзи болаларнинг мусиқий ривожланиши яхши бораётганлигини кўрсатади. Тарбиячи ўз мақсадига эришиш учун болаларни ҳар бир шахсий ривожланишини хисобга олиб туриши ва белгилаб бориши керак. Якка тартибда ва дифференциал ёндашиш мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳамма босқичларида зарурдир. Бола қанча кичик бўлса, педагог томонидан шунча кўп ёндашиш талаб қилинади.

§- 3.

Мусиқий тарбиянинг вазифалари

Ушбу бўлимда келтирилган фикр ва мулоҳазалар мактабгача таълим муассасаларида барча мусиқий вазифаларни ҳал қилишда мухим вазифани ўтайди. Тарбиячи болаларни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришда куйидаги талабларни бош мақсад қилиб олиши мумкин.

1. Болаларнинг мусиқага бўлган муносабатини кенгайтириб бориш;
2. Болаларнинг мусиқий тушунчасини бойитиб, ҳар хил мусиқий асарларни эшигтириб бориш орқали;
3. Энг содда мусиқий тушунчалар орқали болаларнинг қўшиқ айтиш, рақсга тушишини аниқ ва маъноли қилиб ижро этишгача бўлган давр;
4. Болаларнинг эмоционал муносабатлари орқали уларнинг эшитиш қобилиятини, мусиқий усулга бўлган сезгисини, уларнинг қўшиқ айтиш вақтидаги овозларини шакллантириш ҳамда уларнинг ҳаракатидаги маънодорликни ривожлантириш;
5. Болаларни ижод қилишга ўргатиш, ўрганган қўшиқ ва рақсларини янгисига алмаштириш, кичик-кичик қўшиқларни ўзлари қайта ишлашларига қизиқтириш, қўшиқ ва рақсларни кундалик фаолиятларида ишлатишни ўргатиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Савол ва вазифалар

1. Болаларни эстетик ривожлантиришда, уларнинг маъноли тушунчаларини шакллантиришда ҳамда уларни ақлий ва жисмоний ривожлантиришда мусиқа тарбиясининг ролини тушунтириб беринг?
2. Мусиқа санъатнинг бир тури эканлигига тавсиф беринг?
3. Болаларнинг мусиқага бўлган муносабатининг асосий белгиларини санаб беринг?
4. Болаларни мусиқий ривожлантиришда ёш хусусиятларининг аҳамиятини тушунтириб беринг?
5. Мусиқий тарбия болаларнинг ҳар томонлама гармоник жихатдан ривожлантиришини исботлаб беринг?
6. Яхши кўрган қўшиғингиз ёки куйингизнинг номини айтиб беринг ва у нима учун сизга ёқади?
7. Хоҳлаган таниш мусиқий асарингизни номини айтинг ва уни таҳлил қилиб беринг?
8. Болалар қўшиқларидан қанчасини биласиз ва биронтасини айтиб беринг?
9. Биронта билган қўшиғингизни ижро этиб беринг ва ўз тушунчангиз бўйича таҳлил қилинг?

2- БҮЛІМ

БОЛАЛАРДА МУСИҚИЙ ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ ВА КҮРИНИШЛАРИ

§1.

Билим ва малакалар

Мусиқа ҳамиша ҳар хил сезгиларни, тушунчаларни, ҳодисаларни ва воқеаларни акс эттиради. Мусиқанинг ўз тили борки, бу шинавандага мусиқанинг мазмунини ва кайфиятини ифодалайди. Болалар билан күшик айтиш машғулотларини ўтказища қуйидаги тушунчалар берилади:

1. Куйнинг тавсифи (кенг, узун-юлук, енгил, куйчан);
2. Аник талаффуз қилиш (тушунарлы, тиник, бурро);
3. Мелодик ҳаракатлар (куйнинг юқорига ва пастга ҳаракат қилиши);
4. Метроритм ҳақида тушунча (товушларнинг узун-қисқалиги).

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар ўргатиш вақтида болаларга қуйидаги тушунчалар берилади:

а) Мусиқий тавсиф билан бирга ҳаракатдаги тавсиф;

б) Мусиқий асарнинг тузилиши (аниқ, жонли, мулойим, тиришқоқлик билан ва х.к.). Рақс ҳаракатлари бўйича кўл ҳаракати, бел ҳаракати, гавда ҳаракати ҳамда қаторларга тизилиш.

Мусиқа эшитиш орқали мусиқий асарлар билан таништириш болаларнинг мусиқий тажрибасини бойитади. Улар ҳар хил мусиқий жанрлар (марш, полка, ҳалқ қуйлари ва термалар) билан танишадилар. Мусиқий эшитишни қабул қилиш малакалари болаларга мусиқанинг эшитиш маданиятининг бошланғич асосларини ўргатади (мусиқий асбобда ижро этилаётган куйлар, вокал мусиқалари, рақс мусиқалари, тантанавор ва қахрамонона кўшиклар ва куйлар). Маълумки, хор бўлиб куйлаш маданияти, вокал асосига суюнган ҳолда талаффуз қилиш, нафас олиш ва нафас чиқариш, ҳамоҳанг бўлиб айтиш оҳанги, куйнинг суръатига монанд ҳолда айтиш, унинг мусиқий ифодасига ва тембрига риоя қилиб куйлаш. Бунинг учун болаларнинг овозларини ҳисобга олиш керак бўлади. Мусиқий-ритмик малакаларга эмоционал муносабатда бўлишда ҳар хил машқларни ўз ичига олади (мусиқий образга бўлган ҳисобот, унинг тавсифи, қисмларнинг ўзгаришига, асарнинг тузилишига, ифода ва суръатига мос машқлар).

Рақс малакалари миллий рақсларнинг энг содда элементларини ўз ичига олади. Болаларни бирон бир чолғу асбобида ижро этишга ўргатища ҳар хил мусиқий асбоблар билан таништириш, уларнинг тузилиши, товуш рангларини ажратиш, кичик ансамбл бўлиб мусиқа ижро этишда мухим аҳамият касб этади.

§- 2.

Мусиқий фаолиятнинг турлари ва шакллари

Мусиқий фаолиятнинг асосий кўринишларидан бири мусиқа тинглаш ҳисобланади. Мусиқа эшитиш йўли қўшиқ айтишга ўрганиш ва ёд олиш, рақсга тушиш ҳамда болалар ансамблининг товуш рангини фарқлашга ёрдам беради. Мусиқа фаолиятининг яна бир тури болаларнинг ижрочилик маҳоратидир. Ижрочилик маҳорати қўшиқ айтишда, мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажаришда ҳамда мусиқанинг ички ҳиссиёт билан ҳаракатларни ва кайфиятни яратишда ёрдам беради. Навбатдаги мусиқий фаолиятларнинг турларидан яна бири мусиқий-ижодий ёндашишdir. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда энг

бошлангич белгиларни, яъни, содда қўшиқларни қайта ишлашга ҳаракат қилиш, таниш бўлган рақсга янги ҳаракатлар қўшишга интилиш ва бошқа хислатларни кузатишимиз мумкин. Мусиқий фаолиятнинг яна бир тури мусиқий билимга эга бўлишидир. Бунда болалар мусиқанинг энг содда элементларини ўзлаштириши, мусиқий ифодаларнинг хусусиятларини ва ижрочилик бўйича айрим билим ва малакаларни ўрганадилар.

Мусиқий фаолиятни ташкил қилиш шакллари

Мактабгача таълим педагогикаси мусиқий фаолиятни қуидаги шаклларга ажратади. Мактабгача таълим муассасаларидаги мусиқий машғулотларда болаларнинг ёшига қараб гурухларга бўлган ҳолда шугуллантирилади. Бунда болалар умумий ишни бажаришади. Улар жамоа бўлиб қўшиқ айтишади, рақсга тушишади. Машғулотнинг бу шакли жуда кулагай ҳисобланади. Тарбиячи айрим болаларнинг яхши жиҳатларини тенгдошлирига намуна тариқасида кўрсатади, бу эса вазифани ўзлаштиришга қийналаётган болаларнинг ўзлаштириб олишига ёрдам беради. Тарбиячи тузилган материалларни бир неча машғулотларга бўлиб чиқади ва ҳар бир машғулотдан кейин навбатдаги машғулот қайси мавзуда эканлигини эълон қилиб боради. Шунинг учун, тарбиячи машғулотлар орасида психологик мухитни сақлаб боришга ҳаракат қилиши керак. Шу фикрлардан келиб чиқиб, қуидаги тахминий иш режасини тузиб чиқини мақсадга мувофиқ бўлади:

1-илова

Илк ёш	1-кичик гурӯҳ	2-кичик гурӯҳ
Мусиқий товушларни эшитишига қизиқтириш, қўшиқ айтишга илк бор қизиқтириш, биринчи марта мусика ёрдамида ҳаракат қилиш	Мусиқага бўлган айрим эмоционал муносабатларни бойитиш, товушларнинг паст-баландлигини аниқлаш	Мусиқий тушунчаларни бойитиш, ҳар хил усулларнинг фарқини ривожлантириш

Ўрта гурӯҳ	Катта гурӯҳ	Мактабг.тарб.гурӯҳи
Мусиқий хис-туйгуларни ривожлантириш ва мусика тинглашга қизиқтириш	Мусиқий тушунчаларни кенгайтириш, мусика орқали нафосат ва дунёқараашларини ривожлантириш	Жамоа бўлиб қўшиқ куйлашга қизиқтириш, қўшиқ куйлаш ва рақсга бўлган ижобий қобилиятларини ўстириш

Мусиқий ижрочилик қобилиятини ривожлантириш

	Овоз бойламларини ривожлантиришни давом эттириш. Металлафонга ижро этишини ўргатиш. Қўшиқ нақоратларини интонация қилиш	Жамоа бўлиб қўшиқ куйлашга ва рақсга тушишга қизиқтиришни давом эттириш. Ижодий ёндашишни ривожлантириш
--	---	---

Иш давомида содир бўлган қийинчиликларни хисобга олиб, тарбиячи мусиқа машғулоти билан якка тартибда ҳам шуғулланиши мумкин. Чунки, айрим болалар кўп қунлаб боғчага келмай қўяди ва келган вақтларида ўзини қандай тутишини билмай туради. Шунда тарбиячи қисқагина қилиб келмай қолганини сабабини суриштиргандан сўнг қўшиқ айтиш усулларидан айримларини кўрсатиб беради. Ҳаракат бўйича ҳам айрим ҳаракатларни бажартириб, уни йўлга туширади. Лекин машғулотлар давомида тарбиячи уларни кузатиб боради ва яна якка тартибда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланади.

Мусиқа тинглаш, қўшиқ айтиш, мусиқий-ритмика билан шуғуллантириш мусиқа тарбиясининг асосий таркибий қисми бўлганлиги сабабли болаларга мусиқий малакалар бўйича тушунча беришга имкониятлар туғилади. Бунда тарбиячи болаларга мусиқанинг ифода воситаларини, мусиқий асарларнинг шаклини, яъни мусиқани ижро этиш ёки қўшиқ айтишни бошлиш йўллари, нақоратлар, фразалар ва ҳ.к. тушунтирилади. Шундан сўнг болалар мусиқа ҳақида, мусиқани таҳлил қилишда мусиқада бўлаётган жараён: қувноқ ёки ғамгин, нозик ёки ёқимли, мулойим ёки зерикарли, шиддатли ёки суст эканлигини фарқлай оладилар. Мана шу усулларни ўзлаштириб олган болалар мусиқанинг характеристини ва мазмунини тезда илғаб оладилар.

Байрамлар ва қизиқарли ўйинлар

Болалар мусиқий фаолиятини ривожлантириш нафосат ва маънавий вазифаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Айтайлик, боғчага бирон-бир санани нишонлаш муносабати билан. Масалан, "Наврӯз" байрамига бағишланган эрталик ташкил қилинди дейлик. Бунда ижро этилган куй ва қўшиқлар, рақслар болаларни бир-бири билан мустаҳкам боғлайди, дўстларининг муваффақиятидан хурсанд бўладилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шундай пайтларда тарбиячилар байрам дастурларини тузишда катталар эътиборига йўналтирадилар.

Бундай эрталиклар болаларда анча оғир кечади ва ўзларини ёш хусусиятларига мос бўлмаган материалларни ўзлаштиришга қийналишадилар. Эрталикларда ижро этиладиган материаллар тўғри танланган бўлиши керак. Агар тарбиячи илгари ўрганилган материал намуналаридан олаётган бўлса, бунда болаларда катта интилиш юз беради ва қизиқиш билан ижро этадилар ҳамда уларга маъқул бўлади. Эрталикларда ижро этиладиган материалларни шундай танлаш керакки, тарбиячиларнинг тарбиявий ишларига халақит бермайдиган ва болаларни толиқтириб қўймайдиган даражада тузилиши керак. Тарбиячи айрим мавзуларни аралаш ҳолда ҳам тузиши мумкин. Масалан, кичик ёшдаги болалар томошабин бўлиб, катта ёшдаги болалар ижро этадилар ва аксинча, ёки биргаликда ижро этадилар. Лекин бу усулнинг бир томонига эътибор бериш керакки, бу ҳам бўлса болаларга оғир тушириб уларни толиқтириб қўймасликдир.

Шундай қилиб, болаларни қизиқарли ўйинлар билан овутиш мусиқий фаолиятнинг тарбияловчи қисми бўлиб қолади. Чунки бу фаолият болаларга олам-олам завқ бахш этади ва уларда мустақил ижод қилишга мойиллик туғдиради.

Мактабгача таълим муассасаларида ҳар кунги мусиқий ҳаётнинг аҳамияти

Мактабгача таълим муассасаларида ҳаракат ўйинлари ҳар хил машғулотларни боғларда олиб бориш, табиатни томоша қилдириш, эрталабки гимнастик машғулотларни бажариши болаларнинг кайфиятини яхшилайди, уларни тартиб-интизомга чақиради. Бу борада тарбиячидан юксак маҳорат ва малака ҳамда ташкилотчилик талаб қилинади. Чунки, ўша дақиқада болаларнинг кайфиятига қараб уларга у ёки бу кўшиқни ижро эттириши ва улар билан биргалиқда кўшиқ айтиши, рақсга тушиши керак.

Болаларда мустақил фаолият

Мустақил мусиқий фаолият болаларнинг хоҳиши билан намоён бўлади. Ҳар бир бола ўзича куй ва қўшиқларни мустақил равишда дикқат билан қайтаради ва мусиқа машғулотларида ўрганган мусиқавий элементлардан фойдалана бошлайди. Бу хусусиятларни кузатиб юрган тарбиячи пайтдан фойдаланиб аниқ қилиб, уларнинг мустақил ишига ёрдам беради ва раҳбарлик қилиб туради. Бунинг учун тарбиячи болаларга етарли шароит яратиб бериши керак. Масалан, болаларнинг гурухда ўтирадиган ўз ўрнини, уларнинг мусиқа билан шугулланадиган жойини ва керагича ўйинчоқларни олишга имкониятлар яратиб бериши керак. Мустақил мусиқий фаолият мусиқий машғулотларнинг натижаси бўлиб, болалар бутун машғулотлар давомида ўрганган тажрибасини мустақил равишда ишлата олишдир.

Мусиқий репертуар

Мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш, мусиқа оҳанги жўрлигида ҳаракат қилиш боғчаларда дастурий ҳисобга олиш орқали тузилади. Бу дастурий ишлар бадиий педагогик талабларга жавоб бера оладиган даражада тузилади. Дастурий ишлар режасини куйидагича тузиш мумкин:

1. Мусиқий шаклнинг мазмун бирлиги;
2. Мусиқий фаолиятларнинг ҳамма турларига мос келиши;
3. Мактабгача тарбия ёшидаги ҳамда гурухлардаги ҳамма болаларнинг ўзлаштириши ва мусиқий қабул қила олишини назарда тутган ҳолда бўлиши ва ҳ.к.

Мусиқий асарларнинг мазмун ва шакл бирлиги

Халқ мусиқаси ёки бастакорларнинг болалар учун ёзган мусиқий асарлар намунаси ҳамиша ёрқин, образли, болалар ички дунёсига жуда яқин бўлиши керак. Чунки, бу қўйилган талаблар болаларнинг эмоционал муносабатини бойитади. Мусиқа оламига кириш бу мусиқа тилини ўрганиш демакдир. Шунинг учун, мусиқий шакл жуда қийин бўлмаслиги керак. Болалар мусиқани мазмун жиҳатдан образи билан биргалиқда ўзларига қабул қиласидилар. Масалан, болалар фортењяно жўрлигида чегарачилар ҳақидаги қўшиқни тинглаган пайтларида мусиқий бошланишнинг мазмунига эътибор берадилар. Жумладан, куйда кандайдир сирли ва эҳтиёткорлик, тинишлар пастки регистрлар бу хиссиётларни кучайтиради. Шу билан мусиқада юқори бадиий-мусликий ҳис-туйғу мужассамлашганлигини кўрамиз. Болалар учун худди шундай мусиқий асарларни танлаш энг асосий талаб эканлигини назарда тутиш керак бўлади.

Мусиқий фаолият турларида репертуарнинг мослаштирилиши

Мусиқий тарбия дастуридаги мусиқа тинглаш, қўшиқ айтиш, ритмика билан бирга репертуарга мос бўлиши керак. Мусиқа тинглашга асосан вокал ва ғулғу асарлар олинади. Халқ мусиқасидан эса ўйноқи ва ҳазил қўшиқлар

танланади. Бу қўшиқлар тузилиши бўйича содда бўлиб, болаларнинг онгига тез сингади. Шунинг билан биргаликда юқори савиядаги асарлардан ҳам олиб эшиттирилиши мумкин бўлиб, болаларнинг руҳиятини тетиклаштиради. Масалан, ўзбек бастакорларидан Ф. Назаров, И. Акбаров, Ф. Қодиров, чет эллик классиклардан Чайковский, Римский-Корсаков ва бошқа мумтоз бастакорларнинг асарларидан ҳам эшиттирилади. Болалар учун кўпгина мусиқий асарларни бастакорлар яратадилар. Лекин, мана шу яратилган мусиқий асарларнинг ҳаммаси ҳаётий воқеалар билан сугорилган бўлиши лозим. Мана шу юқорида келтирилган фикрларнинг ўзи ҳаётий воқеалар билан сугорилганлигини кўрсатиб туради. Мана шундай ҳаётий воқеалар билан сугорилган мусиқий асарлар болаларни қўшиқка, унинг образига нисбатан эътиқод билан ёндаштиради.

Кўшиқларни болаларга ижро эттиришда тарбиячи асарнинг ритмик хиссиётларини аниқ қилиб кўрсатиши ва тушунарли қилиб талаффуз қилдиришга эришиши керак. Бундан ташқари товуш жўрлигини тўғри олиб айттиришга ҳаракат қилиш зарур. Кўшиқ танлашда ва ўргатишда асарнинг қайси жойларини қайси усул билан ўргатиш кераклигини мусиқа раҳбари аниқ тасаввур қилиши даркор. Репертуар танлашда тарбиячи болаларнинг қобилиятини ҳисобга олиши керак. Чунки, бунда асарнинг бадиий образи болаларнинг ички дунёсига яқин бўлиши талаб этилади.

Танланган қўшиқлардан ташқари, бошқа қўшиқларни ҳам айттириш мумкин. Бундай қўшиқларни болалар эрталикларида, байрамларда жуда яхши ижро этадилар. Шуни эсда сақлаши керакки, бир маромда ўргатилиб бориладиган репертуар бир неча муваффақиятларга эга. Чунки, тез-тез айтилиб туриладиган қўшиқлар болаларнинг мустақил равишдаги фаолиятида жуда муҳим ҳисобланади. Натижада ўрганган қўшиқларини мустаҳкам эгаллаб, қўшиқни тўғри ва аниқ қилиб ижро этадилар. Репертуар бир йиллик қилиб чоракларга ажратилади. Кўшиқлар маълум бир мураккабликда сайланиб, ҳар бир ўйин ёки қўшиқ хусусиятига қараб танланади. Танланган қўшиқлар мавсумга, воқеаларга қараб маълум бир байрамларга аталиб тузилган бўлиши керак. Шундай қилиб, мусиқий репертуар мусиқий тарбиянинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Болаларни нафосат жиҳатдан ривожлантиришни бир маромда олиб бориш билан бирга болаларга мусиқа адабиётидан ҳам тушунча бериб борилади ва боғчалар учун ёзилган услубий қўлланмалар орқали амалга оширилади.

Савол ва вазифалар

1. Мусиқий дастурни тузишда асосий тамоилларга тавсиф беринг?
2. Мусиқий-амалий ва мусиқий малакалар орасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг?
3. Мусиқий репертуарда асосий бадиий-педагогик талабларни санаб кўрсатинг?
4. Болалар мусиқий фаолиятининг асосий хусусиятлари ва уларнинг ранг-бараанглигини санаб беринг?
5. Болаларнинг мусиқий фаолияти билан мусиқий машғулотларнинг фарқи ва ўхшашлигини айтиб беринг?
6. Мусиқий фаолиятнинг шаклларини ташкил қилишининг яна қандай усуслари бор?

З-БҮЛІМ
МУСИКІЙ ТАРБИЯ БЕРИШНИНГ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИ
§ 1.
Мусиқий тарбиянинг услублари

Мусиқий тарбия бериш услуби ўқитувчининг болаларга мусиқий нафосат тарбиясини беришда қиласынан қылдиган харакати ҳисобланади. Мана шу кийин педагогик жараёнда энг мұхим ролни катталар бажарадилар. Тарбия бериш услублари жуда хилма-хилдир. Бу аниқ ўкув вазифаларидан ва ҳар хил мусиқий фаолиятдан ташкил топған бўлади. Шунинг учун педагогиканинг иккита асосий тамойилларига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ишонтириш услуби;
2. Ўргатиш ва машқлар.

Мусиқий воситалар орқали ишонтириш услублари

Болаларга мусиқий тарбия беришда ишонтириш услублари қўйидагича бўлади: Аниқ ижро қилиб беришда ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Ижро этилган мусиқий асар аниқ ва равшан бўлиши учун шу асарни яхши билиши, унинг мазмунини, тавсифини ва кайфиятини яхши ҳис қилиши керак. Болаларнинг ички ҳиссиётини ўйғотиш учун авваламбор мусиқа нима ҳақида қўйланадиганлигини, унинг оҳангини тушунтириши керак, ундан сўнг у ёки бу талабни қўйипши лозим. Бунинг учун болаларни ишонтиришда мусиқанинг таъсиридан фойдаланиб қолмасдан, балки мақсадга яқин қилиб ишни ташкил қилиш, режанинг мазмунини аниқ тасаввур қилдириш лозим. Шундай қилиб, ишонтириш услуби болаларнинг дидини шакллантириб, ижро этилган куй ва қўшикни тўғри тушунтиришни жонлантиради.

Мусиқий машқларни бажартириш методи

Машқ қилдириш болалар мусиқий фаолиятининг ташкил қилиш услуби демакдир. Болаларнинг мусиқага бўлган эстетик муносабатини ривожлантириш учун уларнинг мусиқага бўлган қизиқишини ўстириш, товушларни фарқлаш, фаол ҳаракат қилишга, диққат билан эшитишни ҳамда товуш хусусиятларини ажратишни ва фарқлашни ўргатиш керак. Бу ишлар йилма-йил амалга оширилиб борилиши натижасида болаларда интилиш ва мустақил ҳаракат қилишга ҳоҳиш ўйғонади. Таниқли педагоглардан В.А.Сухомлинский тарбиявий сезгининг мураккаблигини изоҳлаб, (нафосат тарбияси) болаларнинг бир мартағина юрагини жимирлатиш учун йиллаб кутиш керак, дейди. У яна шундай дейди: "Тарбиячининг асосий вазифаси шундан иборатки, ҳар қайси бола қўлига чолғу асбобини оладиган, мусиқанинг қандай түғилганлигини биладиган бўлсин". Болаларни эстетик муносабатда бўлишга ўргатишда тарбиячи жуда кўп куч сарфлаши, чидам ва сабр-тоқат билан ишлашига тўғри келади. Агар бола қўлига биронта мусиқий асбоб оларкан, тарбиячи ўз мақсадига етганидир, яъни болани мусиқа оламига олиб кира олгани ва келажакда унинг ижодий фаол инсон бўлиб етишиб чиқишига ташаббускор бўлганидан далолатдир. Шундай қилиб, мусиқий тарбиянинг ривожланиши фаолиятнинг ҳамма турларида муңтазам равищада машқ қилдириш орқали муваффақиятга эришиш мумкинлигини назарда тутади.

Ўқитиши ва методик усуллар

Ўқитиши услуби деганда болалар билан ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабат тушунилади. Ўқитиши болаларни тарбиялайди, ривожлантиради. Машғулотлар давомида болалар ўз билим ва малакаларидан қўшиқда, рақсда ҳамда мусиқа асбобларида куй ижро этишда фойдаланадилар. Шунинг натижасида нафосат ва мусиқий вазифаларни муваффакиятли ҳал этишда муҳим ўринни эгаллади.

Таниқли педагоглардан Б. Осипов, М. А. Данилов, А. П. Усова ва бошқалар ўқитиши услубини кўллаш ўқув дастурига, предметнинг мазмуни ва тарбияланувчининг ёшига боғлиқ деган фикрни таъкидлайдилар. Ўқув вазифаларининг мақсади болаларга қўшиқ, рақслар ўргатиш ҳамда илк мусиқий билимларни беришdir.

Бу ишларни амалга ошириши учун қуидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади. Бу жадвалда ўқув вазифалари билан ўқитиши услубини таққослашнинг тахминий режаси кўрсатилган.

2-илова

Ўқув вазифалари	Ўқитиши усуллари
<p>1.Мусиқа тинглаш бўйича мусиқий ижро билан қўшиқ айтиш, ритмик харакатлар билан илк бор таништириш.</p> <p>2. Навбат билан қўшиқ, рақс ва машқлар ўргатиб бориш ҳамда мусиқий билим ва малакаларни ўзлаптириш.</p> <p>3.Ўрганилган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш ва ижро этилган мусиқий асарларнинг мазмунини тушунтириш бўйича машқлар бажариш.</p> <p>4.Ўрганилган репертуарларни ва билим малакаларни сифатли текшириш.</p>	<p>Катталар ижросида куй ёки қўшиқни аниқ қилиб ижро этиш, унинг мазмунини ва кайфиятини хис қилдириш, бадиий кўргазмали қуроллардан фойдаланиш. Катталар ёрдамида ижро этиш усулларини кўрсатиш. Ижро этиш жараёнида малака ва билимларни якка ва гуруҳ ҳолда тушунтириш. Мусиқий асарларнинг айrim қийин жойларини бир неча бор тақрорлаш ҳамда тўлиқ қайтариш. Сўнгти суҳбатдан кейин болалар ижросини баҳолаш. Ҳар доим болаларнинг жамоавий харакатларини кузатиб бориш, якка тартибда савол-жавоб килиш. Мустакил фаолиятларни назорат қилиб бориш. Байрамларда қўшиқ ва рақсларни кузатиб бориш</p>

Ўқитиши ва ривожлантиришнинг шартли бўлишига қарамай бошқа тахминий жадвал режасини ҳам тузиш мумкин. Бу жадвалда мусиқий

қобилятни ривожлантиришнинг услублари ҳамда мусиқий ривожлантиришнинг умумий таъсирини осонлик билан кузатиш мумкин. Шундай килиб, ўқитиш услуби мусиқий қобилятни ривожлантириш билан бирга болаларнинг севимли бўлган мусиқий фаолиятини ривожлантиради.

З-илова

Мусиқий қобилятни ривожлантириш вазифаси	Ўқитиш услублари
<ol style="list-style-type: none"> 1. Болаларнинг эмоционал муносабатларини ривожлантириш. 2. Мусиқий ифода сезгисини, муносабатларини ривожлантириш. 3. Эшитиш қобилятларини ривожлантириш. 4. Мусиқий усулга бўлган сезгисини ривожлантириш. 5. Эсада сақлаб қолиши қобилятларини ривожлантириш. 6. Мусиқий ижодий қобилятни ривожлантириш. 	<ol style="list-style-type: none"> 1 Мусиқий образга тасниф бериш орқали ҳар хил жанрдаги мусиқий асарларни аниқ қилиб ижро эттириш. 2 Товуш баландлиги, усули, тембри ва динамик хусусиятларини тушунтириш. 3 Овоз қиздириш машқларини ўtkазиш, берилган тонга созлангандан кейин жўрсиз қўшиқ айтиш. 4 Ҳаракат қилиш орқали машқлар (ўйин, ракслар) бажариш, ҳар хил ритмик усулларни аниқлаш, усулни график тасвиirlар билан тушунтириш (чорак, саккизталиқ) ва х.к.

Шуни айтиб ўтиш керакки, болаларда мусиқий қобилят бир хилда ривожланмайди. Шунинг учун бу ҳолаг педагогга анча қийинчиликлар туғдиради. Шу туфайли тарбиячининг тушунтириши ҳам, қўрсатиши ҳам мусиқий асарни кўргазмали равишда олиб боришини тақозо қиласди. Чунки, тарбиячининг вазифаси болаларнинг мусиқага бўлган муносабатини тўғри шакллантириш, куйлашга бўлган интилишини уйғотиш каби вазифаларни олиб боришдан иборатdir.

Методик усуллар

Ўқитиш усуллари болаларнинг ёшига қараб ўзгариб боради. Бунда юқоридаги усулни кўллаш шарт эмас. Юқори гурухларда педагог болаларни кайфиятини кўтаради, яна ҳам бадиий жихатдан таъсирили бўлиши учун Р.Толиб шеъри. Н.Тўраназаров мусиқаси "Кўшиқ куйлар қизалоқ" номли кўшиқнинг шеърини ўқиб беради (бошқа шунга ўхшаш шеърлар ҳам бўлиши мумкин).

Кўшиқ куйлар қизалоқ,
тинглар боғлар, далалар.
Овози шўх кўнғироқ,
кўшиқ нурдай таралар.

Күшик куйлар қизалоқ

Үртача
шұх ва енгіл

Р. Толібшеви

Н. Тұраназаров музикасы

Күшик куйлар ки - за - лок тинг-лар бөг-лар да - ла - лар

о - во - зи шұх күн - ги - рок күшик нур - дай та - ра - лар.

Күшик куйлар ки - за - лок жа - ранг - лай - ди ос - мон - лар

Бөг-лар а - ро на - ман - да теб - ра - нар гул раи - хон - лар

Накорат:

Бирдан тұхтаб әсіппән,

Күшик куйлар қизалоқ,

Елшар қулоқ солади.

Жараптайды осмонлар.

Бийрон-бийрон бұлбуллар,

Бөглар аро чаманды,

Аста жиміб қолади.

Тебранар ғул раихондар.

Үқитишининг турли усуллари болаларни үқитиши жараёнида онгли равища муносабатда бўлишга чорлайди. Шу билан педагог болаларда эмоционал боғланишини ҳал қиласиди. Масалан, Н.Тұраназаровнинг "Күшлар" номли қўшигини олайлик, бунда педагог мусиқий фразаларни аниқ килиб айттиришга эришиш керак. Шундан кейин болалар фақаттгина унинг усулинини эмас, балки шу усулининг мазмунини ҳам тушуниб оладилар ва тасаввур қилиб ижро этишади.

Күшлар

С.Тожи шетри
Н.Тұраназаров мусыкасы

Шүх-енгіз

Күтогим көңг очаман.

Қанот қоқиб осмонда,

Сизларға дөн сочаман.

Яйранг тулзор чаманда.

Күниңк күйинтиз күшлар,

Сизларға хәв хавф йүк,

Күнгил бөгимни хүшлар.

Бизнинг гүзәл ватанда.

Накораг:

Накорат:

Сайранг бөгимда күшлар.

Сайранг бөгимда күшлар,

Яйранг бөгимда күшлар.

Яйранг бөгимда күшлар.

Үқитиш методикаси ва усулиниңг бир-бири билан чамбарчас бөглиқлиги шундаки, катталарни үқитаёттган вактда ҳам мусиқаның айрим жойларини күрсатиши усули билан амалға оширилади. Шунинг учун болаларда ҳам юқорида айттылган усульдан фойдаланиш мухимдир. Үқитиш усууллари педагогикаси билим узатиши йүлларини үргатади. Методик усууллар эса педагог узатаёттган билим ва малакаларни ихчамлаштиради. Бу методик усууллар ёрдамида педагог үз маҳоратини мужассамлаб, үзининг ижодий фикрини баён қила олади.

Савол ва вазифалар

1. Мусиқий услубларни санаб беринг?
2. Ўқитувчининг болаларга у ёки бу қўшиқни ижро этиб бериш усулини, болаларнинг ҳаракатига ва мустақил ҳаракатига бўлган таъсирини изоҳлаб беринг?
3. 6-7 ёшлик болаларда янги мусиқали асарни ўргатиш жараёнида сухбат усулининг мазмунини тушунтириб беринг?
4. Ўз олдингизга маълум ўқув вазифасини кўйиб, қўшиқ ёки рақс ўргатишининг методик усулларини ўйлаб топинг?
5. Навбат билан қўшиқ ўргатишда ёки рақс ўргатишда мактабгача тарбия ёшидаги ва кичик гурӯҳ ёшидаги болаларга ўргатиш усулларини ёзма равища да баён қилинг ва фарқини изоҳлаб беринг?

II-қисм 4-БЎЛИМ

БОЛАЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

§ 1.

Мусиқа тинглаш – фаолият туридир

Мусиқа ҳам санъатнинг бошқа турлари каби ҳақиқатни очиб беради. Опера ва балетларда мусиқа жасорат, ўзаро муносабат ва инсоний ички ҳис-туйғуларни очиб беради. Мусиқа инсоннинг ҳар кунги фаолиятида ҳамроҳ бўлади ва атроф-муҳит билан боғлайди. Мусиқа тили деганда ҳамма тасвирий муносабатлар тушунилади. Масалан, ҳис-туйғуларни сингдириш, яъни, мусиқий асарнинг мазмuni, кайфияти, ритмик бойлиги, ҳамоҳанглиги, тембри, суръати ва динамик ифодалари ҳамда асар тузилишининг ҳаммаси шу муносабатларга киради. Шу фикрдан келиб чиқиб айтиш керакки, мусиқанинг таъсири инсоннинг шахсиятига ва унинг ўзига сингдиришга бўлган тайёргарлигига боғликдир. Мусиқани ўзига сингдириш жуда мураккаб, хиссий ва шоирона жараёнки, унда инсон ички ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган бўлиши керак. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни фақат қўшиқ айттириш ва маънавий жиҳатдан бойитиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мусиқа тинглашни ҳам юқори савияда олиб бориш керак. Бунинг учун болаларнинг мусиқий малакаларини бойитиша мусиқа тинглаш бўйича алоҳида тарбиявий қисм бўлиши керак. Бу қисмда ҳар хил мусиқий асарлар ва айрим мураккаб асарлар билан танишириш ва ҳ.к. Лекин болаларнинг ўzlари мустақил равища ижро эта оладиган мусиқий асарлардан мураккаброқ бўлиши керак.

§ 2.

Мусиқа тинглаш бўйича дастурлар

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга мусиқа тинглаш мухим вазифалардан бири ҳисобланади. Болаларга улар учун тушунарли бўлган, айниқса, миллий мусиқалардан кўпроқ эшиттириш қобилиятини, мусиқий образни фарқлай олишни, асардаги ҳис-туйғуларни сезишни ривожлантиради. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мусиқа маданиятининг элементар асосини сингдиришда болаларнинг ёшини алоҳида назарда тутиш керак. Кичик ёшдаги гурӯхларда болалар асосан кичик-кичик асарлар, айниқса, қўшиқ турини

яхши қабул қиласылар. Бунинг сабаби уларга ташқи эмоционал мұхиттінг таъсири, уларда рүй берадиган ҳайрон бўлиш, хаяжонланиш ҳолатлари пайдо бўлади (айниқса, сакраш ёки қарсак чалиш ҳолатлари). Лекин бу ҳолатлар тез ёниб, тез сўнади. Тўрт-беш ёшли болаларда айрим эмоционал турғунлик бўлиб, шўх ва қувнок қуқаси қўйларига қизиқадилар. Енгил ва мулоийм мусиқалар эса болаларда вазминлик ҳолатини пайдо қиласи ва ушбу асарнинг мазмунини билишни хоҳлайдилар ҳамда саволлар берадигандар. Масалан, мусиқа нима ҳақида ҳикоя қиласыпти? Нимага шўх? Ёки нимага вазмин? ва ҳ.к. деб, саволлар беришади. Беш-етти ёшдаги болалар эса етарли даражада турғун бўладилар ва мусиқанинг ҳар бир элементларини илиб оладилар. Яна шуни айтиш керакки, болалар мусиқий асарнинг умумий тавсифини сезадилар ва бутун куй давомида бадиий образи тушунчаларини кузатиб борадилар ҳамда мусиқанинг секин ёки вазминлигини сезадилар. Мусиқий дастурнинг мазмунин учта асосий элементдан ташкил топган.

1. Мусиқий асар билан таништириш, асарларга бўлган муҳаббат руҳида тарбиялаб бориш, эслаб қолишга қизиқтириш ва мусиқий тушунчаларни мужассамлаштириш;
2. Мусиқа тинглаш малакаларини ошириш;
3. Мусиқа тинглаш жараёнида мусиқий дид ҳамда бошланғич тушунчалар.

Мусиқий билим беришни ташкиллаштириш

Мусиқа тинглаш дастури аниқ тузилган бўлиши ва навбати билан болани мусиқа оламига етаклайди ва унинг эмоционал муносабатини кенгайтиради.

Мусиқий дастурнинг таркибида учта асосий мавзу бўлади. **1-Мавзу:** Болаларга мусиқа қандай таъсир кўрсатади? – Асарларнинг тавсифи ва уларнинг турлари билан таништиради. Болаларни мусиқий эмоционалликка йўллайди.

2-мавзу: Мусиқа нима ҳақида бაён қиласи? – Мусиқий асарнинг қаҳрамони, унинг кайфияти ҳамда ҳаётини воқеалар ҳақида ҳикоя қиласи.

3-мавзу: Мусиқа қандай қилиб ҳикоя қиласи? – Болаларни бадиий образлари ҳамда мазмуний воситалар билан таништиради. Булар ўз навбатида куй, усул, динамик белгилар ҳамда суръат ўзгаришлари орқали ҳикоя қиласи. Шундай қилиб, болаларда йигилган мусиқий асарлар мусиқий асарларнинг турларини, характерли хусусиятларини (марш, рақс, кўшқ) ва ҳ.к ажратга оладилар.

Мусиқа тинглаш учун репертуар

Мусиқа тинглаш учун репертуар мавзуий ва маънавий томонларга эътибор берган ҳолда тузилади ва болаларнинг ёши ҳисобга олинади. Болани

Ўзбекистоним

вальс

Т.Усмонов шевър

Н.Тураназаров мусикаси

Жонди

The musical score consists of eight staves of music. The first staff begins with a treble clef, a key signature of one sharp (F#), and a 3/4 time signature. The lyrics are written below the notes in a cursive font. The lyrics are:

Бах - мал юр - лар кенг ай - лов - лар чек - сиз бе - по ён
гал - ли - ко - рим пах - та - ко - рим бой - лик - лар - га кон
Ши - рин шар - бат ме - на у - зум сен - да бў - да - гон
Ўз - бек э - лим тул - ди - ё - рим жон ўз - бе - кис - тон
Биз ёш - шар - эни ке - ла - жа - гинг юр ўз - бе - кис - тон
Маф - тун бў - либ куй - лар вас - финг буд - буд - га - зал - хон.
Ўз - бе - кис - тон бой - ўд - кам - сан кў - шик та - ро - нам
мус - та - ки - лик кўю а - раги - гон од - тин - ко - шо - нам

Below the eighth staff, there is a bracketed section labeled "1." and "2." indicating two endings. The score concludes with a double bar line and a repeat sign.

Ўзбекистон, гўзал бўстон, боқий баҳорим,
Хавас бирлан боқар жаҳон гулгун диёrim.
Мехрим, ишқим ҳам йўлларим кон гулу нурга,
Ардоклагум бир умрга жон Ўзбекистон.

тарбиялашда онгли равища хорижий ва ўзбек бастакорларининг мусиқий асарларидан унумли фойдаланиш керакки, бу асарлар она ҳақида, ватан ҳақида, ҳарбийлар ҳақидаги образлардан ташкил топган бўлсин. Бу қўшиқлар қўйидаги қўшиқларда ўз аксини топган; Т.Усмонов шеъри Н.Тўраназаров мусиқаси билан “Ўзбекистоним” ва бошқа қўшиқлар.

Маълум бир навбат билан танланган асарлар репертуари болаларда атроф-мухитга бўлган муносабатига катта таъсир қилади. Репертуар дастурида классик мусиқалар, ҳалқ мусиқаси ва замонавий мусиқалар киритилган бўлиши керак. Мусиқашунос И. Нестьев мусиқий образ билан сугорилган ҳақиқий манба бу табиатдаги товушлар ва инсоннинг нутқи дейди.

Ҳақиқатан ҳам болалар табиатдаги товушлардан катта қизиқиш билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Масалан, болаларнинг бирин-кетин қушнинг ёки ҳайвоннинг товушини ўхшатишга ҳаракат қилишибдан юқоридаги фикрлар тўғри эканлигини билса бўлади. Мусиқа тинглаш бўйича тарбия бериш болаларнинг умумий эмоционал кайфиятини яхшилайди, уларга ҳушёрлик ҳамда кувонч бағишлийди. Шунингдек, болаларда атроф-мухитга, табиатга ва юз берадиган барча эзгуликларга муҳаббат уйғонади. Ўз-ўзидан маълумки, табиатни севган бола унга завол етказмайди. Она юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда ҳам мусиқанинг ўрни бекиёсdir.

Болаларни мусиқий тарбиялаш жараённида уларда ҳис-туйғу ва дунёқараш улгайган сари кенгаяди. Мусиқий ҳис-туйғуларнинг энг қимматли манбаи бу ҳалқ термалари ва миллий йўлда басталангандан кий ва қўшиқлардир. Болалар учун яна бир қизиқарли жанр мумтоз мусиқий асарларнинг рақс туридир. Мусиқанинг бу тури болалар учун жуда қизиқарли ва хилма-хилдир. Хорижий мамлакатлар бастакорларининг асарларига ҳам эътибор билан қаралади ҳамда болалар мусиқасида алоҳида ўринни эгаллайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг эстетик жиҳатдан тарбиялаш учун мусиқанинг иккита асосий туридан фойдаланилади.

- А) Чолғу;
- Б) Қўшиқчилик.

Илк ёшдаги болалар учун вокал йўли қулайдир. Чунки мусиқани бошланиши, унга жўр бўлиши ва тугаши болаларда чолғу куйларни ўзига сингдиришга яқинлаштиради. Чолғу мусиқаси орқали болалар бадиий образ оламини англайдилар.

Жумладан, қушлар, ҳайвонлар кайфияти ва тавсифи ҳамда хилма-хил қизиқарли жараёнларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Буни қўйидаги асарларда изоҳласа бўлади. Н.Тўраназаровнинг “Қушлар”, “Қўзичноқ” каби қўшиқлари ва бошқа бир қатор чолғу куйларни мисол келтириш мумкин.

Күшлар

С.Тожи шеъри

Н.Тұраназаров мусикасы

Шүх-енгіл



Сай-ранг бо - гим - да күш - лар яй - ранг - бо - гим - да күш - лар



Кү - ши - гин - из күнг - лим - да зав - ку о - ром ба - гиши - лар.



Сай-ранг бо - гим - да күш - лар яй - ранг бо - гим - да күш - лар

1.



Сай-ранг бо - гим - да күш - лар яй - ранг бо - гим - да күш - лар

2.



яй - ранг бо - гим - да күш - лар

Күчогим кенг очамад,

Қанот қоқиб осмонда,

Сизларга дон сочаман,

Яйранг тулзор чаманда.

Күшик күйингиз күшлар,

Сизларга хеч хавф ийүк,

Күнгіш бөгимни хүшлар.

Бизнинг ғұзал ватанда.

Нақорат:

Нақорат:

Сайранг бөгимда қүшлар,

Сайранг бөгимда қүшлар.

Яйранг бөгимда қүшлар.

Яйранг бөгимда қүшлар.

Мусиқаның бу икки туридан байрамларда, умумий тантаналарда көнт күләмдә фойдаланиш мақсадда мувофиқдир. Шундай қилиб, мусиқа тинглаш бүйічә танланған репертуар мұмтоз бастакорлар, халқ оғзаки ижоди, замонавий бастакорлар ижодидан ҳар хил мавзулардаги ва жанрлардаги мусиқий асарлардан ташкил топған бўлиши керак ва бу репертуарларни болаларнинг ёшига, мусиқавий асарларни қандай қабул қила олишига қараб тузиш мақсадда мувофиқдир.

Мусиқий малакаларни ўзлаштириш услуби

Болаларга мусиқий асарларни сингдиришдек мураккаб жараёнда бадий ижрочилик, кўргазмали қуроллар ва ўқитувчининг сўз бойлиги энг муҳим хисобланади. Мусиқанинг ижро этилиши ва ўқитувчининг сўз бойлиги ўқитиш услубидир.

Бадий ижрочиликда ўқитувчи томонидан камчиликларга йўл қўйилиши мумкин эмас. Чунки, бу кабилар болаларнинг эмоционал ҳис-туйғусини майиб килиб қўяди. Шунинг учун вокал ва чолғу асарларини эшиттираётган вақтда ёки ижро этиб бераётган вақтда асарнинг жўрлигига, унинг суръатига эътибор бериш лозим. Куй ёки қўшиқларни бир маромда ижро этаётганда, товушларни табиий ва мулоим қилиб болаларга сингдириш керак. Педагогнинг сўз нутқи ва тушунтириши аниқ бўлиши керак ҳамда асарнинг мазмунига, тавсифига эътибор каратилган бўлиши керак. Мусиқа ижро этишдан олдин, албатта, педагог томонидан тушунтириш сўзи бўлиши керак. Педагогнинг сўзи мусиқий асарнинг у ёки бу хислатларини ва кайфиятларини очиб бериши керак. Ҳатто педагогнинг овози ҳам ижро этилаётган мусиқага сингиб кетиши керак. Педагог мулоимлик билан алла ёки байрам ҳақидаги, марш ва бошқа жанрлар ҳақидаги мусиқий асарларнинг мазмунини тушунтириб бериши ва акс эттириши керак. Сўз бойлиги орқали болаларга раҳбарлик қилишнинг ҳар хил шакллари мавжуд. Масалан, сухбат килиш, савол-жавоб уюштириш ва ҳ.к. Болаларнинг вокал мусиқасига бўлган эътиборини шакллантиришда педагог болалар билан сухбат уюштириб, мусиқий ва шоирона лавҳаларга суюнган ҳолда олиб бориш лозим. Агар куйнинг номи бўлса, чолғу мусиқаси билан таништириш вақтида ўқитвчи асарни умумий қилиб тушунтиради. Масалан, “Яллама ёrim” қўшигини эшиттирган вақтда педагог ҳақиқий ҳалқ куйи қандай бўлиши, уларнинг турларини тушунтириши, шу билан биргалиқда куй ҳаракатининг енгил турларини ёки тантанавор боришини, сўзларнинг кетма-кет келишини уқтиради.

Педагогнинг қисқа тушунтириши ва шу дақиқада мусиқий мисол келтириши болаларда бадий образни ҳис қилишга ёрдам беради. Педагог мусиқали кўргазмаларга суюнган ҳолда болаларни мусиқа орқали хўroz, булбулча ёки кичик барабанчага эътиборини тортади, ўрта гурухларда, айниқса, катта мактабгача тарбия ёшдаги гурухларда кенг кўламда сухбат уюштирилади. Болаларнинг дикқатини бадий образнинг ривожланиб боришига жалб этади ва унинг мазмуний томонларини тушунтириб боради.

Кўргазмали қуроллар ўқитиш услубидир

Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мусиқа ҳақидаги қўшимча маълумотларга киради. Кўргазмалик болаларга мусиқани англашиб демақдир. Болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришда мусиқий адабий муносабатлар жуда ҳам қимматлидир, чунки болаларга бирон мусиқий асарнинг у ёки бу тавсифини изоҳлашга ва мусиқанинг хусусиятларини англашиб алоҳида эътибор қаратилади. Шуни назарда тутиш керакки, ижрочи билан болаларнинг ўзаро муносабати мусиқий қабул қилишга шароит яратишидир, лекин магнит ёзуви орқали мусиқа тинглашни ҳам ўзига яраша яхши томонлари бор. Агар педагог томонидан бирон мусиқий асарни эшиттириб, ундан кейин оркестр жўрлигига эшиттирилса, болалар қўшимча кўргазмали тасаввур оладилар ва сезиларли даражада уларнинг дунёқараши кенгаяди. Болалар билан ишлаш вақтида бадий қўғирчоқлардан кенг фойдаланилади. Болалар

құғирчоқлар билан мулокотда бұла туриб, мусиқа ҳам әшитиб борадилар. Табиат тасвиirlари, инсон мәхнати, жамоа воқеаларининг бадий тасвирини мусиқа санъати орқали сингдиришда методик қўлланмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу борада болалар мусиқа тинглаш ёки марш тинглаётгандаридаги шартли белгиларга қараб тасаввур қиласидилар. Масалан, югуриб бораётган ёки секин юриб бораётган болалар ва х.к.

Болалар икки ёки уч қисмли куйларни әшитган ҳолда фланелографдаги тасвирга қараб мусиқа суръатининг узунлиги ва бошланиш қисмини белгилаб борадилар. Бундан ташқари болаларни ўқитишида қўргазмали қурол сифатида чўп, байроқчаларга, ҳар хил кубиклардан ҳам фойдаланилади. Бунда болалар мусиқа фразаларини, паст-баландлигини ҳамда ритмик хусусиятларини тақиллатиш, қарсак чалиб қўлини юқорига ва пастга харакатлантириш йўли билан амалга оширилади. Мусиқа ҳар такрорланган вақтида болалар қувониши ёки ниманидир ўзлаштиришлари керак. Мусиқий асарлар билан таништирилаётган вақтда болаларнинг кайфиятини назарда тутиб, куйни чиройли ва аниқ қилиб ижро этиб, ёрқин әшитилган жойларини уқтириб бориш керак. Куйни қайта әшитаётган вақтда (айниқса катта гурӯх болаларига) фақат куйнинг умумий бадий фикри ҳамда алоҳида жойларини ва мусиқий хусусиятларини очиб бериш талаб қилинади. Шундай қилиб, болалар ички кечинмаларини ҳар бир машғулотда янги вазифалар билан бойитиб бориш орқали мусиқий қабул қобилиятини янада бойитган бўламиз.

Машғулотлардан намуналар

1-машғулот:

Ўқитувчи болалардан сизлар кўзичоқни кўрганмисизлар, “Кўзичоқ” кўшиғини әшитганмисизлар деб сўрайди ва мусиқа раҳбари “Кўзичоқ” кўшиғини ижро этиб беради.

Кўзичоқ

Тезрок

Б. Содиков шевъри

Н. Тўраназаров мусиқаси

The musical score consists of four staves of music for voice and piano. The first staff starts with a forte dynamic (f). The lyrics are:

Kу - зи - чо - гим кү - зи - чоқ ик - ка - ла - миз дўст и - ноқ
 ne - sho - nang dum - du - ma - dok ne - sho - nang bi - ram ba - rok
 Ta - ral - la jał - la jał - la ta - ral - la jał - la jał - la
 Ta - ral - la jał - la jał - la ta - ral - la jał - la jał - la

The second staff continues the melody. The third staff begins with a forte dynamic (f). The lyrics are:

ta - ral - la jał - la jał - la da - jał - la

The fourth staff concludes the melody. The piano accompaniment consists of simple chords and eighth-note patterns.

Тұнинг майин юм-юмшоқ,
Ялтирап худди чақмоқ.
Боқавергин ҳар ёққа,
Чопқиллайвер ўтлоққа.
Нақорат:
Кенг яловинг Боботоғ,
Дикирлайсан вақтинг чог.

Рахбар асарни ижро этиб бергандан кейин “Бу қүшик нима ҳақида ҳикоя қилиб берди”, деб савол ташлайды. Рахбар болалар билан савол-жавоб орқали “Құзичоқ” қүшиғи ҳақидағи тушунчаларга аниқлик кирилади. Натижада болаларда қүшик ҳақида аниқ тушунча пайдо бўлади.

2-машғулот.

Мусиқа раҳбари “Құзичоқ” ҳақида ёзилган шеърни ўқиб беради.

Құзичноғим, құзичоқ,
Иккаламиз дўст иноқ.
Пешонанг дум-думалоқ,
Сочларинг бирим бароқ.

Тұнинг майин, юм-юмшоқ,
Ялтирап худди чақмоқ.
Боқавергин ҳар ёққа,
Чопқиллайвер ўтлоққа.

Рахбар шеърни ўқиб бўлгандан сўнг куйини ижро этиб, бу куйни бастакор Н. Тұраназаров басталаган деб қисқача маълумот беради. Шундан сўнг раҳбар қўшиқнинг куйини яна бир бор ижро этиб, асарнинг умумий тавсифини очиб беради.

3-машғулот:

Мусиқа раҳбари болаларга қаратса “Құзичоқ ҳамиша сакраб юрадими” деган савол ташлайди ва куйини яна бир бор ижро этиб беради. Шу жараёнда раҳбар болаларга қаратса “Қаранглар, құзичоқ гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоклашапти, овози ҳам гоҳ яқиндан, гоҳ узокдан эшитилаяпти” деб тушунтириб туради. Агар секин юрса, қўлларингизни орқага туширгилар, деб таклиф киритиб, асарни яна бир бор ижро этиб беради. Натижада болаларда динамик белгиларга бўлган сезги намоён бўлади ва мақсаддага эришилади.

4-машғулот:

Рахбар қўзичоқ ҳақидағи қўшиқнинг охирини ижро этиб беришда “Болалар қўшиқнинг охири нима ҳақида ҳикоя қиласапти?” “Құзичоқ онасини ёнига борадими ёки узоклашиб кетадими?” деб сўрайди-да, куйининг охирини ижро этиб беради. Бунда болалар мусиқий асарнинг тугалланганлигини онгли равишда ҳис этадилар.

5-машғулот:

Рахбар болаларга қаратса “Қайси қўшик куйини ижро этдим?” деб орага “Құзичоқ” қўшиғини охирини ижро этади, мусиқа тўхтайди, болалар мусиқа тугаганлигини ҳис этадилар. Шундай қилиб, мусиқий қабул қилиш турли

усуллардан иборат бўлиб, болаларнинг ички кечинмалари ва мусиқа тилининг барча хусусиятларини ривожлантиришда муҳим вазифани ўтайди.

§ 5.

Илк ёшдаги болаларнинг мусиқа тинглаш муносабати услуби

Мусиқа тинглаш бўйича ишлар болаларнинг машғулотлари ва мустақил фаолият давомида амалга оширилади. Машғулотлар давомида мусиқа тинглаш дарсига кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади, чунки бу машғулотларнинг натижаси қўшиқ айтишда ритмикадан кам эмас. Лекин болаларга мусиқа асарлари билан тинглаш қобилиятини ривожлантириш уларнинг дунёқарашларини кенгайишида ҳамда улардан фаол шинаванда тайёрлашда узлуксиз равишда шуғулланиб бориш талаб этилади. Шинавандаларнинг эмоционал бойитишининг мақсадларидан яна бири концертдир. Концерт болаларда яхши кайфият намоён қиласди. Концерт асосан машғулот дастуридан тузилган бўлиб, гўё ўтилган материалларнинг хуносаси бўлади ва янги-янги қизиқишлирни ўйғотади. Масалан, бирон-бир бастакорнинг ижодига бағишлиланган концерт берилса, педагог ҳар томонлама болаларга бастакорларнинг маҳорати ҳақида тушунча беради. Болалар ҳар хил мусиқий асбоблар билан танишиб, уларнинг кўриниши, овоз тембри, қандай ижро этилиши ва х.к. билан чукурроқ танишадилар. Бундан ташқари мусиқий топишмоқлар, дисклар орқали ҳам концертлар уюштириши мумкин. Машғулот шаклларидан яна бири болаларнинг мустақил фаолиятларидаги мусиқий машғулотлардир. Болаларнинг мусиқий фаолиятларини ривожлантириб бориш ҳамда узлуксиз таъсир қилиб туриш учун гуруҳ хонасида тарбиячининг ўзига хос кичкина мусиқий кутубхонаси бўлиши ва бу кутубхонада ҳар хил расмлар, дастурлар, мусиқий расмлар, дисклар ва х.к. болаларнинг ёшига караб тахлаб қўйилган бўлиши керак. Болалар мустақил фаолиятлари давомида энг яхши кўрган дискларини олиб эшитадилар. Гоҳида тарбиячининг ташаббуси билан ҳам болаларга мусиқа эшиттирилади, мусиқий топшириклар бажарилади, у ёки бу мусиқий асарлар ҳақида сұхбатлар уюштирилади. Мусиқа тинглашнинг фойдали томони шундаки, бирор мусиқий асарни мазмундор қилиб ижро этиш, кўргазмали услублар орқали муносабат қилиш, ҳар хил мусиқий вазифаларни амалга оширишни фаоллаштирадиган манба бўлиб ҳисобланшидири.

§ 6

Илк ёшдаги болаларда мусиқа тинглаш муносабатини ўстириш услуби

Биринчи ёшдаги болаларга мусиқа тинглашни ўргатишга ҳаракат қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мусиқа тарбияси орқали энг содда миллий мусиқалар, лапарлар билан болаларда миллийликни, чиниқтириш ва бошқа айрим ҳаракатлардаги эмоционал ҳис-туйгуларини ўйғотади. Тарбиячи болаларнинг мусиқа манбасини мусиқа асосида ижро этганда унга қулоқ солишини ва шу мусиқий товушларни диққат билан ёки кўзи билан ахтариб топишга ўргатиши керак. Болаларнинг иккинчи ёшида мусиқага бўлган қизиқиши пайдо бўлади, улар мусиқий асарларни тинглаб қолмасдан, балки хурсанд бўлишиб, ўзларининг ҳиссий муносабатларини билдира бошлайдилар. Масалан, ҳаяжонланади, диққат билан тинглайди ёки хоҳиш белгилари кўринади. Болаларнинг мусиқий қабул қилиш фаолиятини шакллантиришда куйни

тинглаш, қўшикларнинг сўзини қайта тингланган пайтларида сезишлари каби хислатларига эътибор берилади. Мусика тинглашнинг бу йўли қўпинча болаларга таниш бўлган куй ва қўшикларга бўлган тасаввурини бойитишда катта ёрдам беради. Болаларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантириш жараёнида қўйнинг паст-баландлиги, унинг тембри ва товушларнинг баланд-пастлигини сингдирилиши яхши натижа беради. Масалан, “Ким қичқирайпти?” деган савол билан аниқлик киритилади ва болалар товушларни фарқлай бошлайдилар, яъни мусиқий товушларнинг паст-баландлигини ажратадилар. Натижада динамик белгиларнинг ўзгаришини фарқлай бошлайдилар. Илк ёшдаги болаларда мусика тинглаш бўйича алоҳида репертуар бўлади. Мусика тинглашда асосий нарса мусиқий асарни мазмундор қилиб ижро этиш ҳисобланади. Болаларнинг биринчи ёшида машғулотлар якка ҳолда бўлиб, кейинчалик бир неча болалар бириктирилади. Тарбиячи товуш манбасини топишга ҳаракат қилишга ўргатиш жараёнида хона бўйлаб юради ва болаларнинг кўзи ёки бошини буриб товуш манбасини топишга ҳаракат килдиради. Бу билан педагог болаларни қўшиқ мазмунига бўлган эътиборини аниқлаб олади.

§ 7

Кичик ёшдаги болаларда мусика тинглаш муносабатини ўстириш услуги

Кичик ёшдаги болалар мусика тинглаш бўйича унча-мунча тажрибага эга бўлади. Шунинг учун болаларга мусиқий қабул қилишнинг янги вазифа ва шакларини амалга оширишга имконият яратади. Биринчи кичик гуруҳларда мусиқий асарларни дикқат билан тинглашга (вазмин, ҳаяжонли) ва ҳар хил тавсифдаги қўшиқларни ўргатиш лозим. Иккинчи кичик гуруҳларга мусиқий асарларни охиригача дикқат билан тинглашга, мусиқий асарда нималар ҳақида ҳикоя қилинаётганлигини ўргатиб бориш лозим. Кичик гуруҳдаги болалар жуда сезгир бўлишади, улар қувноқ қўшиқларни жону-дилдан севиб ижро этадилар. Агар вазмин ва нозик куй бўлса, улар жимиб қоладилар. Болалар икки қисмлик асарларни осонлик билан ажрата оладилар ва қўшилиб ижро этиши истаги уйгонади. Бунда улар ҳар хил ҳаракатлар билан қўлларини силкитишади, оёқларини топиллатишади ёки раксга тушишади. Болаларнинг мусиқий тасаввурини ривожлантириш билан бирга педагог айрим мусиқий асарларни қайта эшиттирилиши жараёнида эслаб қолишиларига ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун педагог болалар мусика асбобларини олиб, болалар билан биргаликда ижро этилаётганлиги ҳамда товушларнинг паст-баландлигини таққослаб бориши лозим. Иккинчи кичик гуруҳларда эса мусиқий дидактик ўйинлар бир мунча мураккаблашади. Масалан, “Чилдирма chalay” ўйинида педагог болалардан “Чилдирма қандай товуш беради?, Унинг товуши йўғонми?, Жарангорми?, Жарангизми ёки ингичками?” деб болалардан аниқлаб беришни таклиф қиласди.

Болалар чилдирма чалишиб айлана шаклида туришади. Тарбиячи шу мавзудаги қўшиқни айтади сўнгра болалардан бирига қаратади “Тўра, бизнинг Гулнора қаёққа кетди, балки чилдирмачилар олдигадир” деб сўрайди. Ундан сўнг педагог болалардан биронтасини чақиради. Болалардан биронтаси келиб чилдирмани ким чалади, деб чақиради. Бунда болалардан бирори чилдирма чалади. Агар бола чилдирманинг товушини жарангли ёки жарангизлигини топа олса, чилдирмачилар сафига киради ва чилдирма ҳақидаги қўшиқни айтади (бошқа мавзуда ҳам бўлиши мумкин).

Чилдирма чалай

Г. Комилов шевъ
Н. Тұраназаров мусикасы

Үртата

Овозлари хам,

Роса жержаран.

Шундайми Адхам,

Бум-бак-бак-бум-бак

Репертуар хусусиятлари

Репертуарлыштириш вазифаларини бажариш учун дастурий репертуар мухим рол үйнайды. Бириңчи кичик гурухларда тавсиф жиҳатдан контрастты асарлардан ташкил топған бўлиши керак. Масалан, “Булбулчам”, “Қўзичноғим”, “Алла” ва х.к. Иккинчи кичик гурухлар учун эса мусике тинглашга мураккаброқ асарлар танланади. Бунда табиат манзарадар куйланадиган асарлар олинади. Асарларнинг кўзга кўринарли жойларини эса чолғу мусиқаси олади.

Методик усуллар.

Мусиқа тинглашни ташкил қилиш услуби мусиқий асарнинг мазмундор ижро этиб бериш ҳисобланади. Бунга педагогнинг ilk муносабати, овоз оҳангъ орқали таъсир этиши, уларнинг бадиий образга бўлган савиисини орттиради. Уч ёшли болалар билан ишлаётган вақтда эса кўргазмали усуллардан қисман қўғирчоқлар орқали болаларни мусиқага қизиқтириш мумкин. Масалан, болалар қўғирчоққа қараб мусиқа тинглаган вақтларида болаларга олам-олам қувонч завқ баҳш этади. Чунки, у ёки бу кўшик қаҳрамони ҳақида қўғирчоққа тикилишиб тинглаётганда болаларда анча таъсирланиш пайдо бўлади. Масалан, кўргазма тарзда мусиқий қабул қилиш шу асарнинг мазмунини, уни эсда саклаб қолишини акс эттиради. Мусиқий тушунчаларни эгаллаб олишда педагогнинг қисқача тушунтириши ҳам асосий роллардан бири ҳисобланади. Масалан, ўқитувчи янги кўшик билан таништираётган вақтда мусиқанинг тавсифини ҳамда айрим ёрқин мусиқий дақиқаларини тушунтиришга ҳаракат қиласди. Айрим ёрқин динамик тавсифдаги мусиқий асарларга ўқитувчи томонидан тушунтириш бериб борилади. Машғулотларда дидактик ўйинлар билан ҳам

бошлангич таништирув ишлари олиб борилади. Масалан, бир товуш билан иккинчи товушни аниқлаш ёки мусиқий товушларнинг хусусиятларини бир-бирига таққослаш ва ҳ.к. Болалар шу ўйинларни эгаллаб олганларидан кейин ўқитувчи чолғу асбобида ижро этиб беради. Йилнинг охирига бориб мактабгача тарбия ёшидаги болалар оддий мусиқий асарларни қизиқиши билан тинглашиб мусиқий асарларни мазмун ва образларини топишлари керак.

§ 8

Ўрта гурух болаларида мусиқа тинглаш муносабатини ривожлантириш услуби

Мусиқа тинглаш бўйича қўйилган дастурий талаблардан болаларнинг мусиқий савиасини ривожлантиришни давом эттиришда унумли фойдаланилади. Мусиқа ниманидир ҳикоя қилиб бериши, уларни ҳаяжонга солиш, болаларни мусиқа оҳангига қулоқ солишга бўлган хоҳишини ўйғотиши лозим. Щунинг учун мусиқий асарда ҳар хил саргузаштлар, қувноқ байрам кайфиятлари акс эттирилган бўлиши керак. Бу эса асарнинг умумий тавсифини, унинг кайфиятини ва мазмун жиҳатларини анча тушунишга ёрдам беради. Болаларда қўшиқни эслаб қолиш маҳоратини ривожлантириш учун ўқитувчи шу қўшиқни матнсиз куйлаб беради. Чолғу куйларда ўқитувчи фақат куйини ижро этиб бериш керак. Ўйлаб тузилган репертуар методик усуllibарга суюнган холда мазмунли қилиб ижро этилган у ёки бу асарлар болаларда мусиқий асарларни диққат билан тинглаш, унинг тавсифини англаш ва билиб олиш қобилиятига катта таъсир қиласи.

Репертуар хусусиятлари

Болалар мусиқани қабул қилиши учун унча мураккаб бўлмаган мусиқий репертуарлар асосан лириқ, қаҳрамонлик ҳамда ҳажвий мазмундан иборат бўлган мусиқий асарлар бўлиши керак. Куйлардаги ҳамма фактурада айrim мураккабликлар кузатилади. Масалан, миллий куй ва қўшиқлардаги ранг-баранг хусусиятлар ва ҳаракатлардир.

Болалар учун ёзилган мусиқий асарлар албатта уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқлиги табиат, ҳайвонот дунёси ҳақидаги мусиқий асарларда ўз аксини топади. Бу асарлар болаларнинг бадиий образларни англашларига, уларнинг ички дунёсининг бойишига анча салмоқли ҳисса қўшади.

Методик усуllibар

Болаларни ўқитими услубидан фойдаланган холда тарбиялашнинг асосий омилларидан бири болаларнинг эмоционал туйгуларини ривожлантиришdir. Бу вазифани амалга оширишда асосийси мусиқий асарни мазмундор қилиб ижро этиш, қисқача тушунтириш ишини олиб бориши, ҳар хил қўргазмали қуроллардан унумли фойдаланишdir. Болаларнинг қувноқ тавсифдаги мусиқавий асар билан таништираётган ўқитувчи болалардан асар нима ҳақида ҳикоя қилаётганини сўрайди. Агар ўқитувчи болалар қийналаётганини сезиб қолса, унда иккинчи мусиқий топшириқни беради ва “Ким қўшиқ айтаяпти?” дейди. Табиатдаги машғулотларда болаларнинг диққатини мусиқий образга жалб қиласи. Масалан, асарнинг куйига қараб болалар қўғирчоқлар ёрдамида у ёки бу ҳайвоннинг ҳатти-ҳаракатига ўхшатиб ҳаракат қилишга уринадилар. Ўқитувчи бутун машғулотлар давомида болаларда мусиқа тинглаш машқларини амалга ошириш ишларини олиб бориши керак. Болалар бу жараёнда мусиқа тинглашга қўнимка ҳосил қилишиб, куй ижро этилаётган вақтда саволлар бериб куйни бўлиб қўймаслик кераклигини тушуниб етадилар. Ўқитиш жараёнида болалардан у ёки

бу асарнинг ёққан-ёқмаганлигини сўраб бориш керак. Энг муҳими болалар мусиқани онгли равиша тинглаб боришлари зарур. Болаларнинг мусиқага бўлган қизиқишиларини сусайтирмаслик учун ўқитувчи куйни такрор-такрор ижро этиб туриши ва ҳар бир машғулотда янги бир вазифа, янги бир усулларни қўллаб туриш керак. Шундай қилиб, болалар мусиқа тинглашни билиши, мусиқий асарларни охиригача тинглашлари, асарнинг нима ҳақида хикоя қилаётганлиги ва мусиқий асар қувноқ ёки ғамгин эканлигини ҳис қилиб боришлари керак.

Болалар қўникмаларини текшириб бориш

Йилнинг охирига бориб ўқитувчи болаларнинг мусиқага нисбатан қизиқиши борми, улар мусиқа тинглашни хоҳлайдиларми, уларнинг энг севимли мусиқаси қайси куй ва қўшиклар, улар ҳар хил тавсифдаги мусиқаларга қандай муносабатда бўляяпти, тинглаган куй ёки қўшикни эшишиб шу асарни тушунадими, деган саволларга жавоб топиб, аниқлик киритиш керак. Бу ҳиссиётлар кўп машғулотлардан кейингина аниқланади. Масалан, ўқитувчи болалар билан бирга ўрганилган қўшиклардан, тасвир этилган жараёнлардан (персонажлардан) бирини беради, бошқа болаларга эса у кўрсатилмайди, ўша бола қайси куй ёки қўшиқ эканлигини топиши керак. Шундай усул билан ўқитувчи болаларнинг шахсий қизиқишини аниқлайди.

§ 9

Катта гуруҳдаги болаларга мусиқа тинглаш малакаларини ўргатиш услуби

Дастурда болаларнинг ҳар хил мусиқий асарлар, чолғу асарлар ҳамда асар характеристи ва мазмуни билан таништириш бўлиб, шу асосда болаларнинг эстетик дунёқарашларини мустаҳкамлаш каби вазифалар киради. Болалар жамиятда бўлаётган ҳар хил воқеаларга жуда ҳам қизиқишиди, шунинг учун уларга китоблар ўқиб, ҳикоялар айтиб берилади. Бундан ташқари ватан, она шаҳри, катталарнинг меҳнати ва бошқа миллат вакилларининг ҳаёти ҳақидаги қўшиклар ижро этиб берилади. Мусиқий асарларнинг ранг-баранглиги болаларнинг фаол бўлишида ва уларнинг ички дунёсини шакллантиришда таъсирчан восита бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, дастурнинг талаби катта гурухлардаги болаларнинг диққат билан мусиқа тинглаши, куйнинг қувноқ ёки ғамгинлигини фарқлай олиши, куйнинг бошланишидан қайси мусиқий асар эканлигини айтиб бериш ва эсда сақлаш кабилардан иборат бўлиши керак.

Репертуар хусусиятлари

Мусиқий асарлар репертуари педагогик вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, санъатнинг асосий кўринишларини акс эттиради. Масалан, қўшиқ, рақс, марш каби мусиқа санъаги турларини болалар тез сингдира оладилар. Болаларнинг шу каби жанр хусусиятларини эгаллаб олишлари орқали улардаги мусиқани қабул қилиш ва тасаввuri кенгайтирилиб борилади. Чолғу асарлар ҳам қўшиқ куйларини тўлиқ ифодалай олади.

Методик усуллар

Болалар мусиқани чукур тушуниши учун педагог анча изланиши керак. Бундан ташқари қўшикларни таҳлил қилиш, керакли усулларни топиш, қисқача тушунча берётган вақтда болалардан “Нимага бу қўшиқ ғамгин ёки шўх?” деб сўраб белгилаб бориш керак. Болаларнинг етарли даражада ривожланишида болаларга фақат асарнинг тавсифи эмас, балки уларнинг айрим қисмларини ҳам

диққат билан тинглаши зарур. Асарнинг тавсифини белгилай олиш таълимтарбия давомида аниқлаб борилади. Болаларнинг мусикий қабул қилиш малакаларини мустахкамлаш учун дидактик ўйинлар ҳам яхши самара беради. Масалан, “Топчи, ким қўшиқ айтаяпти?” ўйинида болалар қўшиқ айтаётган кишини овоз тембридан ажратиб олади. Болалар билан маданий малакалар устида иш олиб борилаётган вақтда ўқитувчи болаларнинг эмоционал кечинмаларини ўйготиш ва ижобий натижаларга эришиши керак. Шу билан бирга эшитиши қобилиятини назорат қилиши, мусиканинг элементар тушунчаларини ҳам сингдириб бориш керак. Мусиканинг элементар тушунчаларини сингдиришда бир-бирига ўхшаш иккита мусикий асарни таққослаш орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, болалар дикқатини юқори ёки пастги оҳангларга тортиш орқали ҳар бир мусикий асарнинг эсида сақлаб колиш ва уни эгаллаб олиши учун, ҳар бир машғулотда такрорлаб туриши керак. Мақсадга эришиш учун қуидаги машғулотлардан фойдаланиш мумкин.

1-машғулот:

Биронта куйни эшитиб, унинг тавсифини айтиб бериш.

2-машғулот:

Марш жанридан биронта асарни эшиттириб, яна қандай тавсифдаги мусикалар бўлиши мумкин дея савол бериш.

3-машғулот:

Совук кимни излайди?

Уртacha - кескин

Ц.Мұымшыры

Н.Тұраназаров мусикасы

The musical score consists of five staves of music for voice and piano. The lyrics are written below each staff. The piano part includes dynamic markings such as forte (f), piano (p), and sforzando (sf).

Staff 1:

Со-вук ким - ни из - лай - ди ша - мо - ши гиз - гиз - лай - ди.

Staff 2:

У ким - лар - ни из - лай - ди кан - дай - лар - ни кий - най - ди.

Staff 3:

Со-вук ким - ни из - лай - ди со-вук - ким - ни из - лай - ди.

Staff 4:

Ки-янин - во - либ шай - да - ниб юр - са кий - наб ай - да - ниб

Staff 5:

Бу - шаш - ма - са ким а - гар ун - дай - лар - га бўйин - ә - гар.

Staff 6:

Со-вук ким - ни из - лай - ди со-вук ким - ни из - лай - ди.

Бўлса ланжу дангаса,
Тугмасини тақмаса.
Совуқ тезда йиқади,
Ундан ғолиб чикади,
Совуқ кимни излайди?

Кийинволиб шайланиб,
Юрса қийнаб айланиб.
Бўшашмаса ким агар,
Ундейларга бўйин эгар,
Совуқ кимни излайди?

Кувонтириб янада,
Учиради чанада.
Бўлинг дея қаҳрамон,
Кийнайди қор бўрон.
Совуқ кимни излайди?

Н. Тўраназаров мусиқаси, П. Мўмин шеъри “Совуқ кимни излайди” кўшиги билан Й. Хайдаров мусиқаси, Б. Содиков шеърига басталантан “Боғчам” кўшигини ижро этиб, иккаласини таққослаш ва ҳ.к. Биринчи кундан кейин болаларнинг эсида қолган-колмаганилигини аниқлаш мақсадида бирорта эшигтирилган куйни ижро эттириб кўриш яхши натижа бериши мумкин.

Боғчам

Б.Содиков шеъри

Й.Хайдаров мусиқаси

Andante

Сен боғ-ча-сан мөх-ри бон у-йи-миз-сан жо-на-жон.

Ис-сик бағ-ринг биз-лар-ни ку-тиб ту-пар хар ка-чон.

Ис-сик бағ-ринг биз-лар-ни ку-тиб ту-пар хар ка-чон

Боғ-чам боғ-чам

жон боғ-чам о-шин-га, но-нин-га,

чо-йин-га минг раҳ-мат. Боғ-чам боғ-чам жон боғ-чам

Дар-син-га, мөх-рин-га, жо-йин-га минг раҳ-мат.

Йилнинг охирида болалардан қайси мусиқий асарни ёқтириши, қайси мусиқий асарларни эшлишини хоҳлаши ҳақида сұхбатлашиб, болаларнинг билим ва малакалари текширилиб күрілади. Болаларнинг ҳар хил жанрдаги тасаввурини аниклаб бўлгандан кейин унча мураккаб бўлмаган асарларни шу асарларга мос келадиган ракслардан фойдаланган ҳолда ижро этиб берса ҳам таверади. Олти ёшдаги болалар нафақат дикқат билан мусиқа тинглашлари, бетки марш, рақс, халқ йўлида айтиладиган кўшиқларни ҳам бошланишидан фарқлай билиши, уларнинг тавсифини ёрқин ва мазмуний ҳолатларини ҳам иккялаб беришлари лозим.

§ 10

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг мусиқа тинглашга бўлган муносабатини ривожлантириш услуби. Ўқитишининг мазмуни ва вазифалари

Мактабгача таълим ёшидаги болалар мусиқий асарларнинг айrim хусусиятларини мустақил равища фарқлаш қобилиятига эга бўладилар. Болаларнинг атроф-мухитга бўлган тасаввурлари ҳам ривожланган бўлади. Айниқса, ватанпарварлик руҳидаги асарлар уларни кўпроқ ҳаяжонга солади. Бу ёшдаги болалар вокал чолғу асарларини тинглаб боришилари уларнинг дунёқарашларини яна ҳам кенгайтириб бойитади. Масалан, диск ёзуви орқали чолғу куйлардан биронтасини тинглаган пайтларида рубоб, доира товушларини дарров ажратади. Чунки, етарли даражада мусиқа тинглаш малакалари ривожланган бўлади.

Асарнинг умумий тавсифини фарқлайдиган болалар педагог учун бундан кейинги ишларни давом эттиришга имконият ярагиб беради, натижада асардаги мазмундорликни тушунтиришга қулайликлар туғилади. Болалар бунда мусиқий фразаларни, куйнинг бошланишини ва тугалланишини фарқлай оладилар, ўзларининг амалий фаолиятларида фойдаланадилар. Шундай қилиб, дастур билан маслаштирилган ўзбек, рус ва бошқа миллият бастикорларининг ижодига бўлган қизиқиши руҳида тарбиялаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Вокал чолғу асарлар ва бошқа фортеپъяно, скрипка ҳамда миллий асбобларнинг оҳангларини тинглашни ўргатиб бориш керак. Ўқитувчи болаларнинг ҳамиша мусиқа тинглаш бўйича хоҳишини қондириб бориши ва улар билан мусиқий асарлар ҳақида сұхбатлар ўтказиб бориш.

Репертуар хусусиятлари Мусиқий репертуар

Мусиқа тинглаш бўйича танланган репертуар дастур асосида бўлиши керак. Айrim вақтларда бошқа бирон асар билан алмаштириш мумкин, лекин амалда синалган бўлиши шарт. Репертуарда асосан болалар учун ижод қиласиган бастикорлар асарлари ва мумтоз асарлардан иборат бўлиши керак. Кўпинча мусиқанинг пайдо бўлиш манбай табиат оҳанглари, инсоннинг нутқи хисобланади.

Мусиқашунос И. Нестьевнинг таъкидлашича, қадим замонларда инсон ўзининг қўшиғида ёки ижро этишида атрофида нимани эшитган, нимани кўрган бўлса, ўщани қушларнинг сайраши, сойларнинг шилдираши, ҳайвонлар товушлари ўхшатмасини ижро этишган дейди. Шу сабабли асарлардаги шунга ўхшаш белгилар болаларни тез жалб қиласди, уларни фаол қабул қилишади. Масалан, каккунинг сайраши, қарғанинг қагиллаши ва бошқа қушларнинг сайрашини қизиқиши билан тинглайдилар.

Хар хил табиат ҳолатлари, жониворларнинг товушларини, лирик қўшиклар оҳангларини эшитавериш натижасида болаларнинг диққати фаоллашиб бораверади. Лекин, мана шу ҳаётий кечинмаларни мусиқий образдан ажралган ҳолда олиб бормаслик керак. Мусиқий образ билан биргаликда олиб борилган ҳар бир кўриниш ёки ҳар бир кечинма бола тушунчасига мосланса, у бола руҳиятини бойитади. Мусиқий мазмундорлик шу асарнинг бадиий образига бўйсунади.

Бу қўшиқда куйнинг нозиклиги болаларда кувноқ ҳиссиёт пайдо бўлиши билан бирга улар кулча ноннинг хушбўй ҳиди ва мазасини тасаввур қиласди. Асардаги мана шу образ болаларни ўзига тортади ва ҳис-ҳаяжон билан куйлашга ундейди. Мусиқа тинглаш репертуарида вокал ва чолғу асарлар мавжуд бўлиб, вокал мусиқасида куй билан сўз матнининг биргаликда ижро этилиши болаларнинг кўп жиҳатларини, айниқса, тарбиявий муносабатларига, ички кечинмаларига ва сезгисига таъсир қиласди.

Шундай қилиб, мусиқий репертуарнинг ўзлаштирилиши катта гурух, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг эшитиш қобилиятларини мукаммал ривожлантиради.

Методик усуллар

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлаш учун ўқитувчидан пухта тайёргарлик кўриш талаб қилинади. Болаларга мусиқа ёки қўшиқ ўргатиш жараёнида уларнинг психологиясига ва ҳар бир ўқувчининг ўргатилаётган мавзуни қай даражада ўзлаштириб олишига катта эътибор беришни унутмаслик лозим. Вокал мусиқасини тинглаш малакаларини ривожлантириш жараён билан биргаликда айрим асосий маънога эга бўлган сўзлар устида тўхталиб, асар тўғрисида қисқача тушунтириш олиб бориш керак. Унда асарнинг қизиқарли жойларидан иқтибослар келтириб, мазмунини ўқувчига тушунтириб беришнинг аҳамияти каттадир. Шундай қилинганда болаларнинг мусиқага ва қўшиқ куйлашга ихлоси ошади ҳамда улар ўzlари ҳам мусиқий матнни ўқишга қизиқиб қоладилар.

Ўқитувчи асарга тавсиф берадиган вақтда асарга нисбатан аниқ баҳо бериши керак. Ўқитувчи усталик билан куйнинг қайси жойи таъсир этганлигини аниқлаш учун савол-жавоб қилиб кўриши орқали болаларнинг эмоционал муносабатини аниқлай олиши керак. Мусиқий асар билан биринчи марта таништираётган вақтда албатта сўз билан тушунтириш муҳимдир. Педагог болаларни бирон асар билан таништираётгандага мен сизларга “Кушлар” қўшиғини ижро этиб бераман дейди ва табиатда шундай қуш бор, у жуда чиройли сайрайди деб, қўшиқ оҳангини ижро этиб, унинг нозик ва ёқимли эшитилишини тушунтиради.

Күшлар

С. Токи шеъри

Н. Тураназаров мусиқасы

Шүх-енгил

Күчогим көңг очаман,

Канот қоқиб осмонда,

Сизларга дон сочаман.

Яйранг гузор чаманда.

Күшик куйингиз күшлар.

Сизларга хеч хавф йўқ,

Кўнгил боғимни хүшлар.

Бизнинг тўзали ватанда.

Накорат:

Накорат:

Сайранг боғимда күшлар,

Сайранг боғимда күшлар,

Яйранг боғимда күшлар.

Яйранг боғимда күшлар.

Шундан сўнг асарга нисбатан болаларда тасаввур пайдо бўлиб, асарнинг мазмунига сингишга ҳаракат қиласди. Машғулот охирида шу қўшиқнинг бир бандини ўқиб тушунириб беради. Кейинги машқларда яна шу асар такрорланиб, унинг оҳанг хусусиятлари билан таништирилиб борилади. Мусиқий хусусиятларни мусиқанинг куи орқали ёки фортепъяно жўрлигига аниклаш қулайдир. Мусиқа тинглаш жараёнида ўқитувчи саволни шундай кўйиши керакки, болалар аниқ ва тушунарли, образли ҳамда ҳаётий кечинмаларга боғлаган ҳолда жавоб берсин. Мусиқа тинглашда болаларнинг амалий ҳаракатлари ҳам фаоллаштирилади. Улар биргалашиб куйлайдилар, рақсга тушадилар, расмларга қараб ҳаракат қиласдилар. Бу эса асарнинг

тавсифини тушунишга ёрдам беради. Бу ёшдаги болаларга шартли белгилари бор расмлар ҳам қизиқарлидири. Бу эса болаларнинг эшитиш қобилиягини ўстиради. Масалан, айрим расмларда валсга тушаётган раққоснинг расми ёки миллий рақсга тушаётган раққоснинг расми ёки бўлмаса бошқа расмлар бўлиши мумкин. Бунда болалар мусиқий асарни эшитиш билан бирга расмга қараб асарнинг мазмунни, унинг тавсифини айтиб берадилар. Шундай қилиб, мусика тинглаш услубидан фойдаланиш ўзининг ранг-баранг усуллари билан фарқ қилиб, пухта ўйлаб ижодий ёндашишни талаб қиласди.

Билим ва малакаларни текшириш

Йил охирида болаларнинг эмоционал муносабатига, эшитиш қобилияти чегарасига, мусиқий мазмунга тушунишга ва айрим тушунчаларнинг ўзлаштириб олишларига қараб кичик-кичик вазифалар берилади. Берилган вазифаларни сифатини аниқлаш учун ҳар хил услублардан фойдаланиш мумкин. Масалан, вокал ва чолғу асарларнинг фарқини аниқлаш, мусиқий топишмоқлар орқали уларнинг эслаб қолиш, эшитиш қобилиятини, мусиқий асарларга бўлган муносабатини аниқлаш ва х.к. Шундай қилиб, олти-етти ёшдаги болалар вокал чолғу асарларини эшитиб, мустақил равишда унинг тавсифини, мазмундорлигини ҳамда атоқли бастакорларнинг асарларини фарқлай олишга ўрганилиши керак.

Савол ва вазифалар

1. Нима учун тарбиявий дастурда маҳсус мусиқа тинглаш қисми киритилган ва унинг вазифалари нималардан иборат?
2. Қайси йўналиш бўйича дастурлар мураккаблашиб бориши керак?
3. Мусиқа тинглаш қайси умумий саволларни очиб беради?
4. Ўқитувчининг кўргазмали ва тушунтириш услубининг аҳамиятини тушунтириб беринг?
5. Дастурий репертуардан биронта асарни қўйлаб, унинг тавсифини очиб беринг?
6. Катта гурухларда мусиқа тинглашни ташкил қилиш йўлларини айтиб беринг?
7. Мусиқа раҳбарининг болалар эмоционал муносабатларини ўйғотиш учун қайси усуллардан фойдаланиши мумкин?
8. Кўшиқ ва ракс ўрганишда мусиқа тинглашни ролини айтиб беринг?
9. Мусиқа тинглаш учун ўзингиз севган бирон қўшиқни қайси хусусияти сизга ёқади ва сиз бу асарни тинглашни қандай ташкил қилардингиз ва қайси услубий усуллардан фойдаланган бўлар эдингиз?

5 - БЎЛИМ Қўшиқ қўйлаш § 1

Қўшиқ қўйлашнинг тарбиявий аҳамияти

Кўпгина илғор жамият арбоблари инсон ҳаётида қўшиқ қўйлаш аҳамиятини юқори баҳолаб келмоқдалар. Н. Г. Чернишевский қўшиқ айтишининг аҳамиятини бундай изоҳлаган: Кўшиқ ижро этаётганда шинавандада факат мусиқий оҳангни, сўз матнини сингдириш, ҳис-туйгусини англатиш эмас, балки бошқаларда ҳам эмоционал қизиқиши, ҳамдардлик ўйғотиш мумкин. Болаларнинг мусиқий қабул қилишга йўл очиш ҳам шу йўл билан амалга оширилади. Инсон овозининг

мазмуни, оғанғи, маълум ҳатти-харакатлар билан сингдирилиши энг кичик болаларни ҳам ўзига тортади.

Болаларнинг илк ёшлигига ҳам мусиқага бўлган сезгиси маълум даражада бўлади. Вакт ўтиши билан уларнинг фикрлаши, нутқининг ривожланиб бориши, янги-янги тасаввурлар билан бойиб боришлари қўшиқда, эшитишда маълум даражада ўса бошлайди. Болаларда жамоа бўлиб қўшиқ ижро этиш алоҳида қувонч бахш этади. Бу хислат мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ҳам зарур ҳисобланади. Чунки, болалар ҳам ўзларининг ҳис-туйғуларини қўшиқ айтиш орқали ифода этишга ҳаракат қилишади. Фикримизнинг далили учун бола хонада дадил қадам ташлаб юраётганда биронта маршнинг оғанги ёки усули кўйланса уларда кўтаринкилик ва тантанаворлик, қиз бола қўғирчоқ билан ўйнаётган вактида эса алла айтиб ухлатишга ҳаракат қиласди. Болаларнинг овози улар учун табиий мусиқа асбоби, шунинг учун ҳам уларнинг ҳаётий фаолияти давомида қўшиқ куйлаш учун энг яқин ҳамроҳдир. Улар қўшиқ куйлашиб ижодий ёндашишга, қандайдир ўйинларни ташкил қилишиб анча вақтгача шугулланиб ўтиришади. Болалар учун қўшиқ куйлаш жуда ёрқин образли шакл бўлиб, атроф-мухитдаги ҳодисаларга нисбатан жуда чуқур тасаввурга эга бўладилар. Болаларга қўшиқ бутун борлиқдаги гўзалликка нисбатан яхши муносабатда бўлишга чақиради. Ватан, она, дўстлик ҳақидаги қўшиқларни кўтаринки рух билан куйлайдилар. Болаларни қўшиқ куйлашга ўргатиш учун улардан катта фаоллик ва ахиллик хусусиятлари талаб қилинади. Қўшиқ куйлаш болалар организмига ижобий таъсир қилиб, уларнинг нутқини ривожлантириб нафас олишини чуқурлаштириш билан бирга овоз аппаратларини ҳам мустаҳкамлайди. Болалар қўшиқ куйлашни ўрганаётган вақтларида уларнинг мусиқий қобилияtlари, эмоционал муносабатлари, мусиқий эшитиш қобилияtlари, ритмга бўлган сезгиси фаол ривожлана бошлайди. Шунинг учун ҳам қўшиқ куйлаш мактабгача таълим муассасаларида, мактаб тўгаракларида, ансамблларда кенг кўламда ўрганилади. Шундай қилиб, қўшиқ куйлаш мусиқий тарбияда болаларни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

§ 2

Болаларнинг эшитиш қобилияtlари ва овоз хусусиятлари

Қўшиқ куйлаш, бу овоз ҳосил қилишнинг мураккаб жараёни бўлиб, эшитиш билан овознинг биргалиқдаги фаолиятига айтилади. Болалар катталарнинг нутқига, қўшиқ куйлаётганда уларнинг интонацияларига ўхшатишга ҳаракат қилишади, айниқса уй ҳайвонларининг товушларига, қушлар овозларини ўхшатишга ҳаракат қилишади. Бу билан педагог овоз ўхшатишларни тўғри олишларини назорат қиласди. Эшитиш ва овознинг ўзаро муносабати билан кўплаб олимлар шугулланмоқдаки, доктор Е. И. Алмазов болаларнинг табиий овозлари билан шуғулланиши натижасида бундай дейди: “Кўпгина болаларда овозларнинг ривожланмаслиги бу касалланган томоқ, эшитиш ва овознинг бир-бири билан боғланмаслиги ҳамда овоз бойламларининг ўз вақтида врач изоратидан ўтказиб турилмаганлигига”.

Агар тарбия тўғри олиб борилса, эшитиш қобилиятини яхши ривожлантириш мумкин. Боғчалардаги кичик гурухларда болалар куйни аниқ қилиб кичик-кичик қўшиқларни куйлашлари керак. Бу борада мусиқа раҳбари томонидан аниқ қилиб созланган мусиқа асбобида ижро этиб бериш талаб

килинади. Болалар эса тарбиячининг ижросига караб талқин қиладилар ва астасекинлик билан уларнинг эшитиш дикқати шаклланиб, кейинчалик эшитиш қобилияти ривожланиб боради. Натижада болаларда товушларнинг пастбаландлигига бўлган тушунча кенгайиб, ҳар доимги машқлар натижасида катта ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ритмик ҳамда товушларнинг пастбаландлигини айрим элементлари билан танишиш ва методик эшитиш қобилияти пайдо бўлади. Бунда болалар товушларнинг чўзими, интерваллар ҳамда ҳар хил нақоратчаларни айта бошлайдилар. Куйнинг тўғри куйланиши болаларнинг эшитиш қобилиятини ҳар доим назорат қилиб туради. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг овози нозик, овоз бойламлари жуда ингичка, кам харакатчан, нафас олиши суст бўлади. Шунинг учун болаларнинг овозларини яхши саклаш талаб қилинади. Овозни сақлаш йўлларидан бири қўшиқнинг тўғри куйланишидир. Бу ишни бажаришда эса тарбиячи репертуарларни болаларнинг ёшига қараб тўғри танлаши керак. Тўғри танланган репертуар болаларнинг овоз диапазонини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қўшиқчилик диапазони бу овоз ҳажми бўлиб, интервал (масофа) яъни овознинг энг юқориги товуши билан энг пастги товуши оралиғи ҳисобланади ва оқтаваларга бўлинади. Мана бу жадвалга қаралсинг:

Болаларнинг ёши	Овоз диапазони
1.2-3 ёшдаги болалар.	Ми-ля
2.3-4 ёшдаги болалар.	ре-ля
3.4-5 ёшдаги болалар.	ре-си
4.5-6 ёшдаги болалар.	ре-си(до-2)
5.6-7 ёшдаги болалар.	(до)ре-до-2

Қавс ичидаги товуш ўткинчи товуш бўлиб, жуда кам учрайди. 2 рақами билан белгиланганлари эса иккинчи оқтава ноталарини билдиради. Болалар қўшиқ куйлашдаги ёш хусусиятлари устида кўпгина олимларимиз иш олиб борганлар. Масалан, Н. Д. Орлованинг бу ҳақда фикр юритиб, болалар овозининг ишчи диапазони биринчи оқтаванинг ми-си оралиғида деб таъкидлаган. Юқоридаги жадвалда эса мактабгача таълим муассасаларида дастур бўйича диапазонлар Е. И. Алмазов, Н. А. Ветлюгиналар болалар зўриқмасдан олган табиий овозлари ре-си дан ҳам юқориги товушларни олишлари мумкин деб кўрсатганлар. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар бирини овоз диапазонини аниқлаб олиш ва уларнинг овозини ҳар доим мустаҳкамлаб бориш керак, болаларда овоз сфераси доирасида яхшигина шароит яратиб бериш керак. Чунки, бу шароит болаларнинг овозини ва эшитиш қобилияtlарини назорат қиласи ҳамда сақтайди. Болаларни қўшиқ куйлашга ўргатиш ва шакллантириш жараёнида уларни жуда баланд ёки бақироқ овозда айттирумаслик керак, чунки бу ёшдаги болаларда ёш хусусиятлари мустаҳкамланмаган ва овозлари жуда нозик бўлади. Тарбиячи болаларни зўриқмасдан қўшиқ куйлаш, катталарнинг овоз тембрига тақлид қилмасликлари ҳамда совуқ пайтларда қўшиқ куйламасликларини ҳар доим уқтириб бориши керак. Шундай қилиб, болаларнинг овоз ва эшитиш қобилияtlарини бир-бири билан узвий боғлаш қўшиқ ўргатишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Дастурий талаблар

Дастурнинг асосий талаби болаларни мазмундор, сидқидилдан тушунарли ижро этишга ўргатишдир. Кўшиқ куйлатиши педагогик аҳамияти түндан иборатки, болаларга мусиқий образларнинг ижросини тўғри тушунириш, зарур малакаларни шакллантириш ҳамда ҳис-туйғусини бўдалашдир. Масалан, “Аллаё, алла” кўшигини ижро этиш жараёнида педагог бу кўшиқ болаларни ардоклаши, уларни тинчлантириши, ухлатиши ҳақида гапириб бериши, шунинг учун ҳам бу кўшиқ секин ижро этилишини уқтириб бориши керак.

Аллаё, алла

Д.Омонуллаева шеъри ва мусиқаси

Охиста, майин

(Оғиз юмиб) Kyz-gir-chotum,

A musical score for two voices and piano. The top staff shows a soprano vocal line with lyrics in Russian and English. The bottom staff shows a piano accompaniment with bass notes. The music is in common time, key of G major.

The image shows two staves of musical notation. The top staff is in treble clef and has lyrics in Russian: "о-ром ол, о-вун- чо гим, ал - ла. Ал - ла ё,". The bottom staff is in bass clef and provides harmonic support. The music consists of eighth and sixteenth notes, with rests and dynamic markings like forte and piano.



Педагог марш күшиқларини ижро эттираётган вақтда болаларга марш суръатидаги күшиқтар жарангдор, жонли, кувноқ, тантанавор ҳамда сўзлари аниқ қилиб ижро этилади деб уқтириши лозим. Шундан сўнг болаларга кўйилган талаблар моҳияти тушунарли бўлади. Машғулотлар давомида асосий вазифалар қуидагилардан иборатдир:

1. Болаларнинг мазмундор қилиб ижро этишда кўшиқ куйлаш маҳоратини ва малакаларини шакллантириш;
2. Мусиқий асбоблар ёрдамида тарбиячи билан бирга болаларга жўрсиз кўшиқ куйлатишга, мустақил равишда кўшиқ куйлашга ўргатиш;
3. Кўшиқни тўғри куйлатишга ўргатиш давомида уларнинг эшитиш қобилиятини, товушларнинг паст-баландлигини, чўзимини, ўзини-ўзи эшитишга ҳамда нотўғри айтган жойларини ўзлари тузатиб куйлашларини шакллантириш;
4. Болаларнинг овозларини ривожлантириш жараёнида уларнинг табиий овозларини шакллантириш билан бирга олиб бориш;
5. Кўшиқ куйлаш диапазонини кенгайтириб бориш ва мустаҳкамлаш;
6. Болаларнинг ижодий хусусиятларини шаклланиб боришига ёрдам бериш, таниш бўлган кўшиқлардан мустақил фойдаланиш, мусиқа асбобларида ижро этишга ҳаракат қилдириш.

Кўшиқ куйлаш бўйича тўғри танланган тарбиявий ишлар болаларни кейинги кўшиқ куйлаш фаолиятларининг ривожланишига катта ёрдам беради. Кўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда болаларни кўшиқ куйлаш усулларини, якка тартибда ва хор бўлиб кўшиқ куйлаш малакаларини ўргатиш лозим.

Кўшиқ куйлаш малакалари ва маҳоратларини ривожлантириш

Кўшиқ куйлаш малакалари ва маҳорати вазифаларини муваффақиятли бажариш учун болалар кўшиқ куйлаш усулини ҳамда вокал-хор малакаларини ўрганиши лозим. Кўшиқ куйлаш усуллари болаларни кўшиқ куйлаётганда тўғри ўтириши, елкаларни кўтармаслиги, стулнинг суюнчиғига суюнмасдан кўлларини тиззасига кўйиб ижро этишлари керак.

Вокал малакалари. Бу нафас олиш билан бирга талаффуз, товуш ҳосил қилишнинг ўзаро бир-бири билан боғланиши тушунилади. Нафас олиш тез ва чуқур бўлиши ҳамда шовқинсиз бўлиши, нафас чиқариш эса секин бўлиши ва

сўзлари аниқ, тушунарли бўлиши керак. Бу борада тилнинг, лабнинг ҳолати тўғри бўлиши ва пастки жағнинг эркин ҳаракат қилиши назорат қилиб борилиши лозим.

Хор бўлиб қўшиқ қуйлаш малакалари. Бу ансамбл билан овозни ўзаро бир-бирига боғланиши тушунилади. Ансамбл бу хор оҳангидаги товушлар паст-баландлигининг йиғиндисидир. Соз эса тоза ва аниқ қилиб айтилган қўшиқ оҳангидир. Болаларга вокал-хор малакаларини ўргатишда бир қатор хусусиятлар мавжуд. Масалан, товуш ҳосил қилиш, овознинг тўғри ишлатилиши ва бошқалар. Бу хусусиятлар болаларнинг овозларини жарангдор, енгил ва мулојим бўлишига замин яратади. Лекин, болалар овозининг тўлик ривожланмаганини, уларнинг тез толиқиб қолишлигини назардан четда қолдирмаслик керак. Чунки болалар баланд овозда қўшиқ айта олмайдилар. Улар қўшиқларни қўпинча шеърга ўхшатиб куйлайдилар. Катта болалар эса мулојим қилиб айта олишлари мумкин. Гоҳида кичқириқ ва чарчаши аломатлари ҳам сезилади.

Болаларнинг нафаси калта бўлганлиги учун қўпинча сўз ўрталарида нафас олиб, қўшиқ куйини бузиб қўядилар. **Дикция** (талаффуз). Бу сўзларни аниқ қилиб қуйлаш ҳисобланади. Бу жараён аста-секинлик билан шаклланиб боради. Лекин қўпигина болаларда нутқ камчиликлари бўлади. Улар сўзларни аниқ ва тушунарли қилиб айтишга қийналишади. Бу камчиликлар эса болаларни ланж қиласида ва сусайтиради. Бундан холи бўлиши учун жуда узоқ ишлашга тўғри келади. Болаларнинг ансамблда қўшиқ қуйлаши қийин кечади. Чунки бири иккичисидан олдин кетса, иккинчиси кейинга қолади, охирги фразани бирга қўшилиб айтадилар. Болалар тоза ва соз қуйлашга, айниқса, қийналишадилар. Фақат болаларнинг озчилиги енгил ва аниқ интонация қиласидар. Шунинг учун бу камчиликлар устида алоҳида ишлаш керак бўлади. Қўшиқ ўрганиш давомида вокал-хор малакалари ўзлаштирилиб борилади. Қўшиқ қуйлашни ўрганиш жараёнида қўшиқ айтиш малакалари мураккаблашиб боради. Буни очиқ тасаввур қилиш учун қуйида кўрсатилган жадвалга қаранг. Бу жадвалда уч-ёшдан етти ёшгача бўлган болаларнинг қўшиқ қуйлаш малакалари тизими кўрсатилган.

4-илова

Вокал ва хор малакалари	Ёшига қараб гурухлар	
	2- кичик гурух	Ўрта гурух
1. Вокал малакалари. 2. Товуш ҳосил қилиш. 3. Нафас олиш. 4. Дикция (талаффуз) сўзларни аниқ талаффуз қилиш. 5. Хор малакалари (соз, тиниқлик) 6. Вокал ва хор малакалари (интонация, ансамбл).	Табиий овоз билан зўриқмасдан қўшиқ қуйлаш. Сўзларни тиниқ ва тўғри талаффуз қилдириш.	Табиий овоз билан зўриқмасдан майин қўшиқ қуйлаш. Кисқа мусиқий фразалар орасида нафас олиш. Қўшиқни бирга бошлаб бирга тугатиш.

Вокал ва хор малакалари	Ёшига қараб гурухлар	
	Катта гурух	Макт.тарбия гурух
1. Вокал малакалари. 2. Нафас олиш. 3. Дикция(талаффуз). 4. Вокал ва хор малакаларини бажартириш. 5. Вокал ва хор малакалари (ансамбл).	Зўриқмасдан бир маромда кўшиқ куйлаш. Мусиқий фразалар оралигига нафас олиш. Сўзларни аниқ қилиб талаффуз қилиш. Куйни аниқ кўрсатиб бериш. Баланд ва паст товушда куйлаш, бир вақтда кўшиқни бошлаб бир вақтда тугатиш. Ҳар хил тезликда куйлашга ҳаракат қилиш.	Жарангдор товуш билан мазмундор ва майин қилиб кўшиқ ижро этиш. Кўшиқ айтишни бошлишдан олдин нафас олиш, елкаларни кўттармасдан нафасни охиригача сарфлашга ҳаракат қилиш. Унли товушларни тўғри талаффуз қилиш ва сўзларни тўғри айтишга ҳаракат қилиш. Унли товушларни тўғри талаффуз қилиш билан сўзларни тўғри айтишга ҳаракат қилиш. Сўз охирида унли товушларни тўғри талаффуз қилиш. Ҳамма биргаликда мустақил равища куйлаш, кўшиқни gox тезлатиб, gox секинлатиб куйлашга ҳаракат қилиш.

Кўшиқ куйлаш малака ва маҳоратларни ривожлантириш

Вокал-хор малакалари кўшиқ айтиш жараёнида эгалланади. Кўшиқ айтиш йўллари мусиқий асарларнинг мураккаблашгани сайин кўшиқ айтиш малакалари ҳам мураккаблашиб боради. Бу жараён юқорида келтирилган жадвалда ўз аксини топган. Бу жавдалда дастурнинг умумий ҳажми берилган бўлиб, бир мунча гурухлараро мураккаблашиб боради. Айрим нотали мисоллар кўшиқ айтиш малакаларини оширишда ишлатилади. Болалар йилнинг охирига бориб кўидагиларни билишлари керак.

2-гурух. Педагогнинг ёрдами билан энг содда кўшикларни мусиқий асбоблар ёрдамида куйлаш.

Ўрта гурух. Мусиқий асбоблар ёрдамида ва асбобларсиз энг осон кўшикларни куйлаш.

Катта гурух. Тарбиячининг ёрдами билан мусиқий асбобларнинг жўрлиги ва жўрсиз тарзда, мустақил равища қўшиқ куйлашни билиши, ўрганилган кўшикларни эслашлари, тўғри ёки нотўғри ижро этилаётганигини сезиши, товушларнинг паст-баландлигини ва чўзилмаларини сезиши, тўғри талаффуз қилишни ўрганишлари керак.

Мактабгача тарбия гурухи. Қўшиқни жўрли ва жўрсиз, мазмундор қилиб айтишлари, ўрганилган қўшикларни эслашлари, жамоа ва якка ҳолда қўшиқ айтишлари, ўзларини эшитиб, хатоларини тузатишлари, куйнинг ҳаракатини аниқлаб фарқлашлари, ноталарнинг номларини билишлари, товушларнинг нота чизигининг қаерига жойлашишини, пастдаги ноталарнинг қаерга жойлашишини билишлари ҳамда айрим товуш ўхшатмалари қилишни билишлари керак. Педагог бир йилда болаларга нималар ўргатганлигини, қайси болаларнинг мусиқий қобилияти ривожланганликларини ва х.к. аниқлаб бориши ва қилинган педагогик ишларни ҳисобга олиб бориши керак.

Нотага қараб куйлашга ўргатиши.

Олти-етти ёшли болаларга нотага қараб қўшиқ айттириш қийин вазифа бўлиб, бу вазифани аста-секинлик билан амалга ошириб бориши керак. Унинг мураккаблиги шундаки, етти ёшли болаларда товушларнинг паст-баландлигини нота орқали тасаввур қилишга мослаштиришdir. Агар мактабгача тарбия ёшидаги болаларда мусиқий куйларни эшитиш, таққослаш ва товушларни фарқлаш каби малакалари ривожланган бўлмаса, мактабга боргандан сўнг бу малакаларни ривожлантириш қийин бўлади. Шунинг учун болаларни расмларга, карточкаларга, аниқ қилиб айтганда, график тасвиirlарга яқинлаштириш лозим. Натижада болалар график тасвиirlарнинг кенг ва торлигига қараб товушларнинг узун қисқалигини фарқлай оладилар. Мактабгача таълим муассасаларида ҳали нота йўллари ўргатилмайди, балки ноталарнинг кўриниши ҳамда товушларнинг номи билан айтиладиган товушқаторлар ўргатилади. Масалан, болалар бу товушқаторларни куйлаш билан бирга улар охирги ноталарнинг чўзилиши, товушларнинг пастга ва баландга ҳаракат қилишларини ўрганадилар. Товушларнинг мана шу ҳаракатларини ўзларига сингдириб олганларидан кейин ўрганган малакаларидан мусиқий асбобларда, ритмик ҳаракатларida фойдаланадилар.



Бу билимларни доимий равишда мустаҳкамлаб бориши услублари кейинги мавзуларда ёритилиб борилади.

Қўшиқчилик ижоди.

Маълумки, болаларнинг кўпчилиги ўзининг ташаббуси билан энг кичик болалар ҳам бир неча товушни бирин-кетин куйлай оладилар ва шулардан энг ёққанини танлаб олишиб, узоқ вақт давомида куйлашади. Бунинг асоси шундаки, куйлаш орқали болакайлар эстетик завқ олишиб, ўзларининг ички кечинмаларини ифода этадилар. Агар шу кечинмаларга раҳбарлик қилиб, ижодий томондан ёндашилса, болаларда бу хислат фаол даражада кечади ва мусиқий ривожланиши тезлашади, ўзларининг мусиқий қобилиятлари устидан назорат қила оладилар. Мактабгача тарбия дастурида болаларнинг ижодий изланиши ва кичик-кичик қўшикларни айтишга ўрганиш каби вазифалар назарда тутилади. Бошланишда қўшиқ айтиш интонациялари: Каккунинг ку-кулаши ёки куй билан бир-бирини чақириши, (“Шаҳодат каердасан? – Мен шу ердаман”, “Исминг ким? – Баҳодир”) каби савол-жавоблар, кейинчалик берилган матнга импровизация (сайқаллаш) қилиш каби вазифалар қўйилади. Қўшиқ айтишда ижодий вазифалар оз вақт олса-да, мунтазам равишда шуғулланиш талаб

этлади. Шундай қилиб, қүшик ўргатиш жараёнида қуидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ранг-баранг қүшиқлар билан таништириш. Бу қүшиқлар болаларнинг маънавий дунёсини бойитадиган, яхши хислатларга ундейдиган, эстетик завқ бағищлайдиган ҳамда болаларнинг мусиқий илҳомини кўтариадиган бўлиши керак;

2. Вокал-хор малакаларини эгаллаш учун аста-секинлик билан гуруҳларо нотага қараб қўшиқлар айттиришга замин яратиб бориши керак. Чунки, қўшиқлар борган сайин мураккаблашиб боради. Машғулотларда, байрамларда, қизиқарли ўйинларда, мустақил фаолиятларда, ритмик ҳаракатларда, чизмачиликда, сайд қилишда таниш бўлган қўшиқлардан фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилади. Шундай қилиб, қўшик ўргатиш дастурининг мазмуни болаларда қўшиқка бўлган қизиқиши, қўшик айтиш малакалари, овоз ва эшитиш қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ижодий фаолиятларини шакллантириш каби вазифалардан иборатdir.

§ 4

Кўшиқчилик репертуарига бериладиган тавсиф

Болалар репертуаридаги асосий талаблар бу маданий йўналтириш, юқори бадиий дид, юксак мусиқий қабул қилиш ва ижро этишдир. Кўшик куйлаш мактабгача таълим муассасаларидаги болаларни мусиқий тарбиялаш ҳамда ўқитиш асосий омил бўлиб хизмат қилиши керак. Кўшик танланаётган вақтда шу ўрганилаётган кўшик болаларда мусиқий тарбия беришда қандай ёрдам бера олади, уларнинг тасаввурини қанчалик кенгайтира олади, хис-туйғуларини қанчалик даражада чуқурлаштира олади, ўрганилаётган жараёнда қандай янгиликларни олиб кира олади, болаларнинг қизиқишини ва талабини қондира оладими, деган вазифалар ҳисобга олиниши керак. Болалар қўшиғида мусиқий тил ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кўшиқлар болаларга мос ва уларнинг тесситурасига мос қилиб ёзилиши керак. Шунинг учун қўшик яратилаётган вақтда болаларнинг овоз диапазонлари дастур бўйича 1-октава ре-товушидан 2-октава до товушигача ҳамда тахминий даражасини 1-октава до товушидан 2-октава ре товушигача .

Кўй ижро этишда куйнинг осон ёки мураккаблиги диапазон ва интерваларнинг ҳаракатига боғлиқдир. Турғун товушлардан тузилган қўшиқлар осонлик билан ижро этилади. Булар 1-3-5 босқичлардан иборат бўлиши лозим.

Бу куйда бор-йўғи иккита турғун бўлмаган товуш учрайди (1- 2) охиридан биринчи тактларда қўшиқни ижро этиш сифати мусиқий фразалари, усули, суръати ва динамик ибораларига боғлиқ бўлади. Асосан болалар қўшиқларида унча катта бўлмаган фразалар учрайди. Масалан, унча мураккаб бўлмаган ритмлар (саккизталик ва чорак хиссалар) тезлиги унча суст бўлмаган, лекин жуда ҳам тез бўлмаган қўшиқлар, товуш кучи унча кучли бўлмаган (меццо форте) ҳамда жуда ҳам баланд (форте) товушга эга бўлган қўшиқлар бўлади. Ҳар бир гурухда алоҳида репертуарлар бўлиб, орасида айрим мураккаб жойлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, айрим интерваллардаги ҳаракатлар, унинг ритмикаси. Бунинг учун болалар билан қўшимча машғулот ўтишга тұғыр келади. Мусиқа раҳбари болаларга қўшиқни ўргатишдан олдин қуидаги жадвални таҳлил қилиб чиқиши керак:

1. Қўшик ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти. Мусиқий асарнинг таҳлили ва тавсифини аниқлаш;

2. Адабий матнинг хусусияти, мазмун жиҳатдан ўзаро муносабатини аниқлаш;

3. Куй. Куйнинг тавсифи, интонация ифодалари, интерваллар, лад, ўлчов, усул, тесситура ва диапазонини аниқлаш;

4. Фортепъяно жўрлиги. Асарнинг бадиий моҳияти, мазмуни ҳамда болаларнинг мусиқий қабул қилиш қобилиятини назарда тутиш;

5. Тузилима. (қўшиқ шакли). Бир қисмлик ёки икки қисмлик, ёки бўлмаса нақорат шаклли.

Бундан ташқари, болаларнинг товуш ҳосил қилиш малакалари асосида машқлар тузиши, нафас олиш ва нафас чиқариш масалаларини, талаффузини, мазмунли ва тўғри интонация қилишни ҳамда куйга ҳамоханг бўлиб, қўшиқ айтиш малакаларини шакллантириб бормоқ керак. Масалан, болаларнинг товуш ҳосил қилиш малакаларини ривожлантириш жараёнида “Кувнок ғозлар” қўшигини ўргатаётган вақтда ўқитувчи болаларга ҳамоханг ва майин айттиришга ҳаракат қилиши керак. Ўқитувчи қўшиқ танлаётганда шундай танлаши қеракки, бу қўшиқлар ўйинларда, марш юришларида ва бошқа ўйин элементларида исплатиладиган бўлсин. Бундан ташқари байрамлар учун қўшимча қўшиқлар ўргатиш мумкин. Бу танлаб айтилган қўшиқлар мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама мусиқий тарбиялаш оиласда, мактабгача таълимда фойдаланишда жуда катта ёрдам беради.

Қўшиқ куйлашнинг метод ва усуллари

Қўшиқ куйлашга ўргатиш услубларини амалга ошириш учун ўқитувчининг қўшимча тайёргарлиги зарурдир. У қўшиқни таҳлил қила олиши, унинг бадиий сифатини аниқлаши, ўргатиш усулининг энг қулай йўлларини ўйлаб топа олиши ҳамда навбатдаги ўкув вазифаларни қандай қилиб амалга оширишини режалаштириб қўйиши керак. Ўқитувчи қўшиқнинг мазмунига, адабий матнига, мусиқага қизиктириш ва қўшиқ айтишга хоҳиш ўйготиши керак. Қўшиқ ўргатиш жараёни икки қисм бўлиб, биринчиси қўшиқ билан таништириш, иккинчиси қўшиқни ўргатиш жараёнидир. Бу жараён қўшиқ айтиш малакалари устидан қилинаётган асосий иш жараёни хисобланади. Қўшиқ ўргатишида куйидаги усулларни бажариш кўл келади: Қўшиқни мазмундор қилиб ижро этиш, қўшиқнинг айрим ижрочилик дақиқаларини кўрсатилишига эътибор бериш, ижро қилиш пайтини кўрсатиб бериш ва ҳ.к. Бу жараёнда ўқитувчининг ишораси, аник талаффузи ва дирижёрлик ҳаракати жуда муҳим хисобланади.

Мазмунли ижро этиш

Болаларни биринчи марта ўргатилиши лозим бўлган қўшиқ билан таништириш ўқитувчининг ёрқин, мазмунли ва образли қилиб ижро этиб кўрсатиб беришига боғлиқки, токи ўқитувчи болаларни ҳаяжонга солиши ва уларнинг ҳис-туйғуларини ўйготиши керак. Агар болаларга шу ўргатилаётган қўшиқ ёқса, айрим мураккаб методик интонацияларни ҳам осонлик билан қабул қиласидилар. Қўшиқни биринчи марта ижро этишдан олдин айрим мураккаб методик интонацияларни ҳам осонлик билан қабул қиласидилар. Қўшиқни биринчи марта ижро этишдан олдин айрим педагогик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Масалан, ўқитувчи болаларнинг олдида тикка туриб “Мен болаларнинг эшитаётган ёки эшитмаётганлигини дарров сезаман” дейиши мумкин ёки бўлмаса ҳамма болаларнинг эътиборини ўзига тортиш учун “Ҳамма тўғри ўтиради, бугун биз янги қўшиқ эшитамиз”, “Шовқин қилаётганлар ҳам эшитади“ деб бир-бири билан гаплашаётган қизларга қаратга гапириши мумкин.

Ўқитувчининг кўшиқ ўргатишида кўшиқ матнининг ёрқин, қисқа ва образли бўлиши катта ёрдам беради.

Кўшиқ куйлаш малакаларини ривожлантириш усуллари

Кўшиқ куйлаш ва кўшиқ куйлаш малакаларини эгаллаш бу энг зарур ва доим давом этадиган жараёндир. Кўшиқлар ўзининг осон ва мураккаблиги жиҳатидан ранг-баранг бўлади. Баъзи бир кўшиқларни такрорлайвериш натижасида болалар уларни осон ўзлаштира оладилар. Бир хил кўшиқларни эса машқ қилиш давомида, мураккаб методик айланмаларни аста-секинлик билан ўзлаштириб борадилар. Шунинг учун ўқитувчи болаларнинг эмоционал туйғуларини ривожлантириб, жамоа бўлиб ҳаракат қилишларига шароит яратиш керак. Товуш ҳосил қилиш устида ишлаш вақтида болаларнинг енгил табиий овозда ифодали куйлашга, аникроқ қилиб айтганда, унли харфлар ёрдамида товушни чўзуб куйлашга ўргатиш лозим.

Дадажоним

Шошилмасдан

Б.Содиков шеъри

Н.Тұраназаров мусықасы

The musical score consists of four staves of music in 2/4 time with a key signature of one sharp. The lyrics are written below each staff:

- Staff 1: Мех - ри - бон - дир ўз - ла - . ри
- Staff 2: Жон - о - зи - ги ѡуз - ла - . ри
- Staff 3: Мун - ча ис - сиқ юз - ла - . ри Да - да - жо - ним
- Staff 4: 1. Жон 2. лар
- Bottom staff: Жон лар.

Далада ишлайдилар,

Оқшом йўлга чиқаман,

Дилимиз хушлайдилар,

Дадам қайтса қучаман,

Полвонга ўхшайдилар,

Севинчимдан учаман,

Дадажоним яхшилар.

Дадажоним яхшилар.

Кўшиқ куйлашда нафас олиш малакалари устида ишлаётган вактда асосий сўзларни бўлмасдан, сўз ўрталарида нафас олмасликка эътибор қаратилади. Доимий равишда қўшиқни тўғри ижро этишни кўрсатиб, эслатиб турилиши вазифанинг тўла бажарилишида имконият яратиб беради. Болаларнинг тўғри талаффуз қилишга (дикция) ўргатиш учун сўзларни мусиқа билан биргаликда мазмунли интонация қилишdir. Товуш ҳосил қилиш устидан иш олиб боришнинг яна бир кўриниши болаларнинг қўшиқ ижро этиш диапазонини мустаҳкамлашdir. Бунинг учун ўқитувчи томонидан ҳар бир боланинг овоз ҳажми текширилиб, қайси болалар қўшиқ айтишда қийналишини ва улар билан қандай машғулот олиб боришни белгилайди (нотўғри айтаётган болаларни олдинги қаторга ўтказиш йўли билан). Шу усул билан ўқитувчи болаларнинг қандай қўшиқ айтишини аниқлаши осон бўлади ва ўз вақтида ёрдам беради. Натижада олдинги қаторга ўтказилган болалар орқадаги болаларнинг қандай ижро этаётганини эшитиб турадилар.


Бундан ташқари талаффуз устида ишлаш жараёнида лабнинг ҳаракатига, пастки жағнинг ҳаракатига эътибор берилади. Матнни шивирлаб айтиш ёки шеър айтишга ўхшатиб талаффуз қилдириш ҳам яхши натижа беради. Масалан, ўзинг кичкина, овозинг яхши ва х.к. Ўқитувчи турли ва ранг-баранг усуллар ёрдамида болалар ижрочилигининг ҳамоҳанглигига (ансамблига) эришадилар. Болаларга ансамбл бўлиб қўшиқ куйлатаётган вактда баландроқ айтинглар, тезроқ айтинглар, деган иборалардан ўзини тийиб, қўшиқнинг мазмунига, ургуларига эътибор берган ҳолда ишора қилиб кўрсатиб бериш керак.

Болалар бу динамик ибораларнинг моҳиятини тушуниб керакли интонацияни бажарадилар.

Соз. Хор бўлиб қўшиқ айтишда асосий ижрочилик маҳорати демакдир. Кўшиқ куйлаш малакалари ва эшитиш қобилиятынинг фаол фаолияти билан қўшиқни тўғри айтиш ўртасидаги ҳамма усуллар бир-бири билан боғлиқлиги тўғрисида белгилаб борилишидир. Айрим усуллардан намуна: Ўқитувчи қўшиқни ижро эттиришдан олдин паст овозда куйлаб бериб, болаларнинг овозини бир маромга келтиради ва диққатини қўшиққа жалб этади. Шундан сўнг шу товушдан янги қўшиқни ўргатиш бошланади ва ўқитувчи “Ҳаммамиз бир бўлиб қўшиқ куйлаймиз” деб таклиф этади. Айрим қўшиқларда ижро этилиши қийин бўлган жойлари ҳам бўлади. Масалан, ҳар хил тугатиладиган иккита бир хил мусиқий фразаларни тўғри айттириш.

Машқлар

Болаларнинг овози ва эшитиш қобилияtlаридан факат қўшиқ ўрганаётгандан эмас, балки маҳсус усул-машқларда ҳам унумли фойдаланилади.



Бу машқлар болаларнинг товуш баландлигини, эшитиш қобилиятыни, қўшиқ айтиш ижрочилиги маҳоратини ва мусиқий қобилиятыни назорат қилишга кўникма ҳосил қилдиради. Машқларнинг биринчи тоифасига қуйидагиларни мисол келтириш мумкин;

1. Куйнинг охирги товуши қачон тугашини аниқлаш ва чўзиб туриш.



2. Ҳар хил тугаган иккита бир хил фразани эшитиш ва фарқлаш.



3. Баланд ва паст товушларни фарқлаш.



4. Күй ҳаракатининг пастга ва юқорига ҳаракатланишини фарқлаш.



5. Тұғри ва нотұғри айтаёттан болаларни аниқлаш.

Машқларнинг иккінчи тоифасига ҳар хил овоз киздириш машқлари орқали маълум вазифаларни бажариш амалга оширилади.

1. Ҳар хил тоналликда кичик терция интервалининг пастги товушига қараб айтиш (үқитувчи күрсатиб бергандан кейин).



лё лё лё лё лё лё

2. Бештә нотадан иборат товуш қаторларни пастки товушга қарат айтиш ва транспозиция қилиб бериш. Масалан, болалар кичик терцияни пастга қараб айтганда бирон боланинг номини құшиб айтадилар (Собир, Фозил ва х.к.).



У - нинг - ис - ми ло - бар.

Бундан ташқари ҳар хил құшиқлардан намуналар эшиттирилади. Машқларнинг учинчи тоифасига қуйидаги вазифалар киради:

1. Берилған тонлика созланишни ўрганиш;

2. Үқитувчи томонидан берилған вазифага биноан болалар мустақил равища товушни керакли тоналликта тушириш ёки күтаришни ўрганиш;

3. Тарбиячининг күрсатмасига биноан күйнинг баландлиги ва оханг тавсифини бошқа болалар билан тенгглаштиришга ўрганиш;

4. Мусиқий киришдан кейин құшиқ айтишни үз вақтида бошлаш, ҳар бир мусиқий фразани алохida айтиш ва х.к.

Методик усуллар

Кичик гурухдаги болаларнинг үқитиши жараёнида ўйинчоклардан фойдаланиш көнг құлланилади. Үқитишида болаларни ўйинчоклар шакли тез жалб қылади ва онгига тез сингади. Айрим вақтда ўйин мусиқий асар мазмунидан ҳам келиб чиқиши мүмкін. Масалан, Мұхамедов мусиқаси, А. Раҳмон шеъри билан айтиладиган “Ғозларимиз” құшиғини ўрганиш вақтида болалар фаол бўлгунга қадар үқитувчи болалардан биронтасини танлайди ва уни гўё ухлатади. Гоз қўғирчогини олади. Қўшиқ тугагандан кейин болалардан бири Жўранинг қулогига “ға –ға- ға“ деб уни уйготади.

Фозларимиз

Т.Адашбоев шеъри

К.Кенжав мусиқасы

Moderato

Болаларга қўшиқ ўргатиш жараёнида адабиёт матни билан биргаликда ўйинчоқлар ҳам кенг қўлланилади. Болалар учун қуён, сичқон, хўрз ўйинчоқларини ёнларига қўйиб, қўшиқ ижро этиш жуда ҳам ёқимли бўлади. Улар қизиқиши билан байроқчаларни силкитишиб, қўшиқнинг бошланиши ёки тугаганини белгилаб берадилар. Ҳамма гуруҳларда ҳам якка тартибда шуғулланиш яхши натижা беради. Ҳар бир болани қўшиқ айтиш имкониятини бир йилда бир неча бор текшириб туриш лозим. Шу мақсадда машғулотларда ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Масалан, ҳар бир болага бир банддан қўшиқ берилади. Биринчиси бир бандини айтса, иккинчиси нақоратини айтадилар. Шу усул орқали болаларнинг қўшиқ айтиш имкониятлари аниқланади. Бунинг учун яхши ўрганилган ва осон айтиладиган қўшиқ танланади. Айрим чегараланган болалар ва нотўғри айтаётган болалар билан якка тартибда шуғулланиш лозим. Машғулотларда эса ҳар хил машқлар бажартириш йўли билан ёрдам бериб борилади. Кўшиқ ўрганиш услуги болаларнинг мустакил ҳаракатини ривожлантириши, нотўғри интонацияларни тўғрилаши, кириш қисмидан кейин қўшиқни ўз вақтида бошлашни ҳамда жўрсиз ижро этишни ўрганиши лозим. Жўрсиз қўшиқ айттириш қийин, шунинг учун олдин фортепъяно жўрлигига айттириб, кейин педагогнинг ёрдами билан жўрсиз айттиришига ҳаракат

қилдириш ва ниҳоят мустақил равишида жүрсиз қүшиқ айтишга ўргатиш керак. Уч-тұрт ёшли болаларға қүшиқ ўргатиша унча катта бўлмаган ижодий вазифалар берилиши керак. Улардан “Кўғирчоғим“ қўшиғини сўраш мумкин.

Кўғирчоғим, аллаё

А.Мухамедов мусиқаси

Andante cantabile

K'y-gir cho - gim, k'y-gir chok. Sen-san men - ga o - vun chok,
ma-йин ку - либ bo - қa- san, sen-la do - im vaq-tim chof,
k'y - gir - cho - gim al - la - e, o - қun - cho - gim
1.2. al - la - e 3. al - la - e,
al - la - e, al - la - e.

Бу қўшиқка қўғирчоқ берилиб ижро этишга ҳаракат қилдириш керак. Натижада болалар қўғирчоқ билан рақсга тушишади, қўшиқ куйладилар. Шу усул билан болалар ижодий вазифани бажарадилар. Беш-етти ёшдаги болаларда қўшиқ ижрочилигини шакллантириш учун махсус усуллардан фойдаланилади. Масалан, ўқитувчи болаларға қаратса “Бу қўшиқни олдин эшигиб кўринглар, ундан кейин ўзларинг сўзига куй басталаб айтасизлар“ деб тушунтиради. Биринчи босқич болаларига ўз исмларини атаб куйлаш таклиф қилинади. Ҳар бир бола ўқитувчига жавоб бера туриб ўзларича куйладилар. Масалан, сўзиз куйлардан ҳам импровизация қилиш таклиф этилади. Бунда болалар маълум ладга кўникма ҳосил қилған бўлиши керак. Бу борада Э. Рахимов шеъри, Й.Хайдаров мусиқаси “Тандирда нон ёпамиз“ қўшиғини мисол қилиш мумкин. Катталар ижросида қўшиқ ижро этилади, ундан сўнг мусиқий кириш қисми ижро этилиб, ўқитувчи жўрсиз куйлаб беради.

Тандирда нон ёпамиз

Э.Рахимов піеъри

Й.Хайдаров мусиқасы

Allegretto

Тан - дир - да нон ё - па - миз дей - ди бог - ча
о - па - миз. Соғ - лом бў - либ ул - гай - санг
баҳ - ти - миз - ни то - па - миз баҳ - ти - миз - ни то - па - миз.
Шўх кув - ноқ дўм - боқ - ча - миз,
та - бас - сум - дир бар - ча - миз.
Ва - та - ни - миз бօғ бўл - са ло - ла - си - миз ў - зи - миз,
ло - ла - си - миз ў - зи - миз.

Ўқитувчи ижро қилиб бергандан сўнг болалар такрорлайдилар. Иккинчи босқич болалариға мусиқий савол-жавоб таклиф этилади. Болаларга нутқ ёрдамида савол-жавоб қилдириллади. Масалан, “Эртага келасанми? Албатта!” кабилар. Ўқитувчи шу савол-жавобни қўшиқ қилиб ҳам бажариш мумкин деб

болаларга айтади. Шундан сўнг болаларнинг савол-жавобига ўқитувчи эътибор бераб, болаларга ҳам шу ифодани уқтиришга ҳаракат қиласди. Учинчи босқичда мусиқа ҳар хил ҳис-туйғуларни ҳам ифодалашда болаларнинг эътибори жалб қилинади. Масалан, қувноқ ёки ғамгин кайфиятни ифодалаш ва бошқалар. Бунда ўқитувчи иккита хил кайфиятдаги қўшиқни олиб болаларга куйлатади. Болалар бу қўшиқни импровизация (сайқаллаш) қилишиб, ундан ғамгин ҳолатни топадилар (болалар мусиқа асбобида асарнинг кириш қисми ижро этилгандан кейин мустақил равишда куй басталashi ва ижро этиб бериши керак). Шундан сўнг мусиқанинг охирги қисми ижро этилиб берилади. Ўқитишнинг методик усуллари умумий тарбиявий вазифаларга, жамоанинг хусусиятларига, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг якка қўшиқ айтиш малакаларига суюнган ҳолда олиб борилади. Болаларнинг эшлиши қобилиятини, овозини ҳамда мувозанатини ривожлантириш учун ҳар хил машқлардан фойдаланиш керак. Болаларнинг қўшиқ айтиш ижодини ўқитиш билан чамбарчас алоқада олиб бориш назарда тутилади. Мана шу умумий олиб борилган услуб ва усуллар болаларнинг қўшиқ куйлаш малакаларини, ижодини йўлга кўйишни тўла таъминлайди.

Илк ёшдаги болаларни қўшиқ куйлашга қизиктириш услублари

Ўқитувчи биринчи ёшдаги болаларнинг қўшиқ айтишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун катталарнинг қўшиқ айтишига қулоқ солишга ўргатади, шунда бола ўзининг овози билан ҳар хил товуш чикариш орқали жавоб беришга ҳаракат қиласди. Бунда мусиқадан тарбия беришнинг методик усуллари негизида мазмундор қўшиқчилик оҳангি, иликлиқ, ҳамдардлик ётади. Натижада болаларнинг эмоционал таъсир олишига имконият яралади. Болаларга қўшиқ куйлатиш жараёнида ҳар бир боланинг ёнига бориб таъзим қилиб қўшиқ айтиб, уларнинг ўхшатиш оҳангини пайдо қиласди ва болаларнинг кайфиятини кўтаради. Каттароқ болаларни қўшиқ айтишга қизиктириш учун қўтирчоқлар кўрсатиш усулидан фойдаланилади. Болаларнинг иккинчи ёшида мусиқа раҳбарининг ижросидан кейин айрим товушларга қўшилиб куйлай бошлайдилар. Мактабгача таълимда мусиқа куйлаш, тарбия бориш ва ўқитиш дастури ўқитувчининг ўз олдига қўйган айрим интонацияларни куйлаш орқали катталарнинг айтишига қараб қўшиқ куйлашга қизиктириш вазифасини кўяди. Бу вазифани амалга ошириш учун болаларга таниш ва тушунарли бўлган образлар (кушлар, қўтирчоқлар ва ҳ.к.) дан фойдаланилади. Тўгри танланган образлар вазифани аста-секин мураккаблаштириб боришга имконият яратади. Болакайлар билан шуғулланиш даврида тарбиячи гоҳ биринчи, гоҳ иккинчи болани қўшилишиб куйлашга таклиф этиб, айрим ундов ва интонацияларни тақрорлашни сўрайди. Бу босқичда болаларнинг қўшиқ айтишга қизиктиришни шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Қўшиқ репертуарлари

Биринчи кичик гуруҳдаги болаларнинг қўшиқ репертуарлари унча катта бўлмаслиги керак. Мазмун жиҳатдан намойишлар, байрамлар, арча ҳакида, Наврӯз ҳақида болаларга яқин бўлган образлардан қушлар, ҳайвонот дунёси ва бошқа қўшиклар бўлиши керак. Бу қўшиқда болалар қисқа-қисқа фразаларни айта оладилар. Шундай қилиб, катталарнинг қўшиқ айтишига қараб болаларнинг қўшиқ куйлаши қўшиқчилик оҳангини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларни

қүшиқ күйлашга ўргатиш услуглари

§- 5

Ўқитишининг вазифалари ва мазмуни

Болалар учинчи ёшга кирганда уларнинг овозлари шаклана бошлади. Лекин қўшиқчилик оҳангидан ҳали йўқ, нафас олиши қисқа бўлади. Катталарнинг қўшиқ күйлашига интилиш билан қўшилишиб, мусикий фразаларнинг охирини айтиш, айрим товушларни интонациясини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш каби вазифалар кўйилади. Болаларнинг тўртинчи ёшида овозлар кучлироқ жаранглайди, улар унча қийин бўлмаган қўшиқларни айта оладилар ҳам. Ўқитувчи болаларнинг қўшиқ айтиш оҳангини шакллантириш билан бирга зўриқмасдан 2-октава ре-ми-ля диапазонлари орасида табиий овоз билан қўшиқ айттиришга ҳаракат қилдириш керак. Болалар қўшиқ айтиш жараёнида сўзнинг мазмунини тушунмаган ҳолда айтишиб, сўзларни нотўғри талаффуз қилишади. Бунда ўқитувчи кичик гурухлар билан талаффуз устида ишлаш учун кўпроқ вақт сарфлаши керак. Масалан; Ўқитувчи болаларнинг тушуниши қийин бўлган сўзларни дарҳол тушунтириши, сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш каби ишларни амалга ошириши керак. Ўқитувчи жамоа бўлиб қўшиқ айтишга ўргатиш вақтида айрим болаларни олдин кетиш ёки орқада қолишини доимо назорат қилиб, бир-биридан ўзмасдан жўрли ва журсиз ҳолда куйлаши керак. Бу вазифалар унча қийин бўлмаган қулай ва қуйчан қушиқлардан фодаланиш орқали амалга оширилиши керак. Учинчи ёшдаги болалар факат фразаларнинг охирини айта оладилар.

Болалар учун ёзилган қўшиқларнинг кўпчилиги шошилмасдан айтиладиган қўшиқлар бўлиши керак, жумладан тезроқ айтиладиган қўшиқлар ҳам керак.

Қўшиқ репертуарлари

Иккинчи кичик гурухда қўшиқ репертуарлари маълум даражада кенгаяди. Бунда кўпроқ 8-март, ёш аскарлар ва табиат манзаралари тўғрисидаги қўшиқлар куйлатилади. Натижада, унча катта бўлмаган диапазон ва қисқа мусикий фразалар болаларда қўшиқни охиригача айтишга имкон яратиб беради.

Методик усуллар

Учинчи ёшдаги болалар билан ишлаш вақтида ўқитувчининг эмоционал ва мазмундор қилиб қўшиқ куйлаб кўрсатиши талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчи қўшиқнинг хусусиятини, унинг тавсифини, кайфиятини болаларга қандай сингдириши пухта ўйлаб қўриши керак. Ўқитувчи янги қўшиқни болаларга биринчи марта ижро этиб бераётган вақтда кўғирчоқлардан, расмлардан унумли фойдаланади. Ундан ташқари ўйин усулларидан ҳам кенг фойдаланилади. Қоида бўйича жўрсиз қўшиқ ўргатиш жараёнида фаол болаларни тақдирлаб, тортиночқол болаларга ёрдам беради. Иккинчи кичик гурухда ўқитиш усуллари кўпроқ ишлатилади. Масалан, тарбиячи мусикий асбобда икки-уч марта фақат қўшиқнинг куйини ижро этиб берса, фаол болалар дарров қўшилиб кетишади, қолганлари эса аста-секин қўшилишади. Қўшиқ ўргатишда асосий эътиборни товушларни чўзиб айтиш устида ишлашга қаратиш талаб қилинади. Чунки, болаларнинг кўпчилиги қўшиқни шеър қилиб айтадилар. Шунинг учун ўқитувчи чўзиб айтиладиган товушларни мазмундор қилиб ижро этиб бериши керак. Болаларга қўшиқ ўргатиши жараёнида ҳар бир боланинг куйлашини эшитиб бориш зарур ва ижро этишини аниқлаб бориши керак. Яхши

куйлаётган болаларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиши, нотўғри айтаётган болалар билан алоҳида шуғулланиб, катталарнинг куйлашидан ўрганишга кўнишка ҳосил қилдириш керак. Кўшиқнинг сўзи куйи билан биргаликда ўзлаштирилиши керак. Жуда қийин бўлган сўзлар устида алоҳида шуғулланиши, йилнинг охирига бориб болаларнинг айрим кўшиқларни жўрли ва жўрсиз ҳолда ижро эта олишини текшириб кўриши даркор. Шундай қилиб, болаларнинг жамоа бўлиб қўшиқ айтишини шакллантиришида кўшиқни бир вактда бошлаб, бир вактда тугатиш, бир-биридан ўзиб кетмаслик ҳамда биргаликда дўстона кўшиқ айтишга ўргатиб борилади.

§- 6

Ўрта гурух болаларига қўшиқ ўргатиш услублари

Болалар бешинчи ёшга етганда ҳар хил қўшиқларнинг кайфиятини эмоционал қабул қиласидилар ва шу кайфиятга қўшиладилар. Чунки, улар маълум даражада тайёргарликка эга бўладилар. Уларда қўшиқчилик малакалари анча шаклланиб овозлари мустаҳкамлашади, диапазонлари анча кенгаяди (1-октава ре-си), нафаси эса мувозанатга келган бўлиб, айрим товушларни аниқ куйлай оладиган бўлишади. Бу эса қўшиқчилик маҳоратини яна ҳам кенгайтишига имконият яратади. Энг аввало, ўқитувчи болаларга зўриқмасдан, табиат билан биргаликда қандай куйлашни мунгизам равишда кўрсатиб бориш керак. Масалан, ўз вақтида нафас олиш усуслари, фразаларни охиригача талаффуз қилиш, оғизни фаол ва тўғри очиши, сўзнинг мазмунини тушунтириш, тушунарсиз бўлган сўзларни тушунтириш ва ҳ.к. Болаларнинг жамоа бўлиб қўшиқ куйлашда бирга бошлаб, бирга тугатиш йўлларига кўпроқ эътибор қилиш талаб қилинади. Ўқитувчи томонидан болаларнинг эътиборини ижро этилган вокал интонацияларига қаратиш керакки, ўқитувчи болаларнинг мусиқий эшитиш қобилиятини яна ҳам фаоллаштиради ва ҳар бир болани умумий ҳолда bemalol ижро этишга ёрдам беради. Болаларнинг бешинчи ёни охирида куйидаги малакаларни эгаллашлари керак:

- а) Мазмундор қилиб қўшиқ куйлаш;
- б) Табиий овоз билан зўриқмасдан ижро этиш;
- в) Қисқа фразалар орасида нафас олиш;
- г) Сўзларни аниқ ва тўғри талаффуз қилиш;
- д) Қўшиқни бирга бошлаб, бирга тугатиш;
- е) Қийин бўлмаган куйларни тўғри куйлаш.

Бошқаларнинг овозига қулоқ солишга ва товушларнинг паст-баландлигини аниклашга ҳамда мусиқий асбобларда ва асбобларсиз куйлашга ўрганишлари керак.

Қўшиқ репертуарлари

Қўшиқ репертуарининг мавзуси кичик гурухга нисбатан ранг-баранг бўлиши керак. Дастурий қўшиқ репертуарлари тўрт-беш ёшли болаларнинг овоз хусусиятларига мос келиши мухимдир. Қўшиқ репертуарлари унча катта диапазонга эга бўлмаган қисқа мусиқий фразалардан иборат бўлиши керак. Бу хусусиятларни қўшиқ ўргатиш жараёнида албатта эътиборга олиш лозим.

Методик усувлар

Тоза оҳанг, интонация ва овоз ҳосил қилиш устида ишлаш жараёнида ўқитувчидан болалар билан доимо машқ қилиб туришни, икки-уч боланинг нотўғри айтиши ҳам қўшиқнинг сифатини пасайтириб юбориши мумкинлигини болаларга доимо эслатиб туриши талаб қилинади. Агар болалар куйнинг бирон-

мелодик айланишини куйлашга қийналишса, ўқитувчи куйнинг шу жойини қилиб ўргатиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар болалар вазифани олмасалар навбат билан куйлатиб, болаларнинг эшитиш дикқатини оллаштиради. Бунда болалар бир-бирини эшитишиб, қўшиқ сифатини белгилаб борадилар. Бу мусобақалаш усули қўшикни яхшилаб куйлашга бўлган хишни қўзғайди ва аниқ қилиб ижро этишга ҳаракат қилдиради. Натижада болаларнинг эшитиш қобилияти ривожланади. Ўқитувчи ҳар бир мусиқа сарининг ўзига хос хусусияти борлигини ва бу тўғрисида кўп изланиш ва педагогик усуллар талаб қилинишини доимо эсда саклашини тақозо этади.

Қўшиқ куйлаш малакаларини ривожлантириш учун қуидаги машқлардан ойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Икки-учта товушдан иборат бўлган машқлар, асосан унли товушлардан иборат бўлиши ва диапазоннинг аста-секин тенгайтириб бориш орқали ижро этиш керак. Бу машқларни иложи борича жўрсиз ижро этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, болалар қўшиқ куйлаш сифатини эшитиб аниқлаб боришади. Қўшиқ ўргатиш жараёнида айрим ижодий қуналишларни ривожлантириш талаб қилинади. Масалан, “Ўйлаб топ ва кўғирчоқка куйлаб бер” деб ўқитувчи қўлига кўғирчоқни ушлаб туриб болага тақлиф қиласди. Шунда бола ўзича бирон-бир куйни куйлаб беради ва шунга ҳаракат қиласди. Қўшиқ ўргатиш машғулотларида вазифани навбат билан мураккаблаштириб бориш орқали амалга оширилади. Масалан, мусиқий асарни оддиндан таҳдил қилиш, дастурий малакаларни белгилаш, педагогик усулларни хисобга олиш орқали амалга оширилади. Биринчи машғулотдаги қўшиқ ўргатиш жараёнида мусиқий асбоблар жўрлигида айтиб борилади, иккинчи машғулотда эса ўқитувчининг ўзи ижро этиб беради ва жуда осон бўлган нақорат кисмларини болаларнинг ўзларига куйлатилади. Учинчи машғулотда болалар қўшикни қийин бўлган мусиқий айланмаларини ўрганадилар. Тўртинчи машғулотда эса яхши ижро этадиган болалар қўшикни, қолганлари эса нақорат кисмини куйлашни ўрганадилар. Кейинги машғулотларда болаларга қўшикни жўрсиз ижро этишга ҳаракат қилдирилади. Йилнинг охирида ўқитувчи болаларнинг қўшиқ айтиш малакалари, овози ва эшитиш қобилаиятларини, таниш бўлган қўшикларни ижро эта олишини, хор бўлиб қўшиқ айтишдаги ижро сифатини ҳамда ҳар хил баландликдаги товушларни ажратга олишини аниқлайди.

§-7

Катта гурухдаги болаларга қўшиқ ўргатиш услублари

Олти ёшдаги болаларнинг умумий ривожланишида жисмоний куч овоз бойламларини мукаммаллаштирга катта таъсир қиласди, малакалар эса катта гурухларда олиб борилган машғулотлар ва берилган вазифалар эвазига аниқланади, мустаҳкамланади. Ўқитувчи томонидан болаларнинг қўшиқ куйлашдаги нафас олиш малакаларини ва талаффузини ривожлантириш давомида болалар қўшиқ айтаётган вақтда ўзларини назорат қилиши, хатосини тузатиш, овоз кучини мувозанатга келтириш, товуш ва сўзларни тушунарли қилиб талаффуз қилиш ўргатилади. Машғулот давомида нотўғри ва ноаниқ айтадиган болалар билан алоҳида ишлаш талаб қилинади. Ҳар доим болаларнинг эшитиш қобилиятига, тўғри ва нотўғри оҳангни ажратишига, болалар овозини мустаҳкамланиб боришига ҳамда қўшиқчилик диапазонига эътибор қилиш лозим. Диапазон 1-октава ре-си товушидан 2-октава ре-си товуши оралиғида бўлиши керак. Катта гурух болаларининг мактабга тайёрлаб бориш билан бирга уларнинг мустақил қўшиқ куйлашини, айрим қийин жойларини ўқитувчи

ёрдамида куйлай олиши, жўрсиз қўшиқ ижро эта олиши, жамоа бўлиб қўшиқ айтиш, ўрганган қўшиқларни яхши билишини ҳамда ижро эта олишини аниқлаш лозим. Мана шу вазифалар аниқлангандан кейин йилнинг охирида куйидаги малакалар текширилади:

- а) Зўриқмасдан мазмундор қилиб қўшиқ куйлапи;
- б) Фразлар орасида нафас олиши;
- в) Сўзларни тўғри талаффуз қилиши;
- г) Баланд ва паст овозда шошилмасдан куйлай олиш;
- д) Ҳар хил тезликда куйлай олиш;

Е) Тарбиячи ёрдамида мустақил жўрсиз куйлай олиши, тўғри ва нотўғри ижрони фарқлай олиши ҳамда товушларнинг паст-баландлиги ва чўзимини фарқлай олиши текширилади.

Қўшиқ репертуарлари хусусиятлари

Қўшиқ куйлаш болаларнинг ижро этиш малакаларини, мусиқий қобилиятини ҳамда қўшиқчилик овозини ривожлантиради. Қўшиқ айтишдаги нафас олиш малакаларини ривожлантиришда бир маромдаги фразаларнинг узунлиги катта ёрдам беради. Лекин бу вазифаларни амалга ошириш учун узун ва қисқа фразаларни: “Қўғирчоғим”, “Нон” ва бошқа қўшиқлар катта гурух болалари билан аниқ вокал интонациялари устида тоза ижро этиш орқали ишлан давом этади. Бу вазифани бажариш кўпроқ тургун товушга эга бўлган қўшиқлар орқали бажарилади. Беш-олти ёшли болалар учун мусиқанинг динамик ибораларини эмас, қўшиқни аниқ қилиб айтиш ва бастакорнинг ҳамма кўрсатмаларига риоя қилиш талаб этилади.

Методик усуллар

Методик усулларнинг ҳамма йўналишлари қўшиқчилик овозини мелодик эшитиш қобилиятини ва малакаларини ўрганишга қаратилгандир. Қўшиқ айтишдан олдин болаларга овоз қиздириш машқларидан куйлашни таклиф қилиши керак. Бу машқлар интонациялар оралиғидаги айрим мусиқа сўзлардан иборат бўлиши керак. Масалан, кичик терция интервалида “Ку-ку” прима интервалида “лё-лё” ва ҳ.к. Мусиқа ҳақида бошланғич маълумотлар болалар кўшиқ ўрганиш жараёнида ўзлаштириб борадилар. Жумладан оҳанг тавсифини (куйчан ёки узун-юлук) ижро этиш темпи (секин, шошилмас), динамик иборалар (баланд, паст). Бу маълумотлардан қўшиқ мазмунини ва тавсифини айтиб беришда жавоб тариқасида фойдаланадилар. Ўқитувчи қўшиқни таҳлил қилиш билан бирга ҳар бир машғулотда ўз олдига янги вазифа кўяди. Масалан, ўқитувчи мелодик айланмалар устида машқлар ўтказиш, динамик иборалар ва суръат белгиларига риоя қилиб айттиришда куйчан ва енгил ҳамоҳангликни шакллантириш шулар жумласидандир. Ҳар бир машғулотда 2-3 тадан қўшиқ ижро этилади. Ишнинг бошида одатдагидай болаларни эшитиш дикқатини қўзғаш учун вокал машқлари ўтказилади. Шундан сўнг янги ёқадиган қўшиқ ўргатилади. Йилнинг охирида болаларнинг қўшиқ айтиш малакалари ва эшитиш қобилияtlари қуйидаги йўл билан аниқланади. Ҳар бир боланинг қандай куйлаши мусиқа асбоби ёрдамида аниқланади. Қандай қўшиқлар қийин бўлмаган қўшиқлар ва ким жўрсиз ижро этиб бера олади, деган саволлар орқали болаларнинг ижро этиб бериши аниқланади. Агар бола ижро этиб беришга қийналса, ўқитувчи унга ёрдам беради. Болаларнинг эслаб қолиш қобилиятини текшириб кўриш учун ўқитувчи ҳамма болаларга қаратада таниш бўлган қўшиқлардан бирини, лекин анча вақтдан бери ижро этилмаган қўшиқдан

ижро этиб беришларини таклиф қилади. Жамоа бўлиб қўшиқ ижро этиб беришнинг сифатини ҳар хил тавсифдаги иккита қўшиқни мусиқий асбоб ёрдамида ижро этиб беришини таклиф қилиш орқали болаларнинг ҳамоҳанглиги теширилиб кўрилади. Бундан ташқари, болаларнинг нечта қўшиқни ижро этиб бера олишини ҳам текшириб кўради. Шундай қилиб, маълум вокал-хор малакалари устида олиб борилган ишнинг бажарилиши мазмундор ижро этиш асосида амалга оширилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга қўшиқ ўргатиш усуллари

§ - 8

Ўқитишинг вазифа ва мазмуни

Дастурнинг мазмuni бошқа гуруҳлар каби мусиқий эстетик тарбияга асосланган бўлади. Олти-етти ёшли болаларга нисбатан қўшиқчиликнинг тарбиявий таъсири туфайли ҳар хил шакллар, мусиқа давомида бўлган фаоллик ҳамда мусиқий эшитиш қобилиятларини ривожлантиришни кучайтириш орқали амалга оширилиб мактабга тайёрланади. Мактабда асосан қўшиқ айтишга кўпроқ эътибор берилади. Шунинг учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларга қўшиқчиликка бўлган эътиборни кучайтириш лозим бўлади ва мураккаблаштирилadi ҳамда қуйидаги талаблар бажарилади.

1. Қўшиқни мазмундор қилиб ижро этишга ўргатиш, жарангли қуйчан, енгил, майнин товуш билан қўшиқ айтишдан олдин фразалар орасида нафас олиш, сўзларни аниқ талаффуз қилиш, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш ва ҳ.к.

Қўшиқни мустақил равишда қуйлаш, бирга бошлаб, бирга тугатиш, қўшиқ суръатини сақлаган ҳолда қуйлаш, ритмик ҳолатларни аниқ бажариш, қуйни тўғри қуйлаш, ўзини ва бошқаларни эшитиб қуйлаш, қилган хатоларни тузатиш, таниш бўлган қўшиқларни жўрли ва жўрсиз ҳолатда мазмундор қилиб ижро этиб бериш, олдинги гуруҳларда ўрганган қўшиқларни эслаш ва ижро этиш, қуйнинг йўналишларини аниқлаш, узун ва қисқа товушларни ажратса билиш ва нота номларини билиш каби вазифаларни бажаришлари керак. Бундан ташқари ау-ау, ку-ку каби унлиларни импровизация қилиш ҳар хил овоз қиздириш машқларини билиш, жамоа бўлиб қўшиқ қуйлай олиш, биринчи октава до-ре ва иккинчи октава до-ре товуши оралиғидаги овоз диапазонларини кенгайтириб ривожлантириш ҳ.к. Шундай қилиб, болаларни мактабга тайёрлашнинг ҳамма вазифалари мактабгача таълимда ўзлаштирилиб, шароитлар яратиб бериш лозим, Чунки, мактабда эшитиб ўрганишдан нотага қараб қуйлашга ўтилади.

Қўшиқ репертуарларининг хусусиятлари

Қўшиқ репертуарлари ўзининг мазмuni жиҳатдан ранг-баранг бўлиши керак. Репертуарлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ҳар хил овоз қиздириш машқлари ва қўшиқлар;
2. Унча катта бўлмаган қўшиқлар ва нотага қараб қўшиқ қуйлаш;
3. Болаларнинг қўшиқчилик ижодини ривожлантириш учун кўргазмали қўшиқлар;

Болаларнинг қўшиқ қуйлаш малакаларини ривожлантириб бориш учун қўшиқлар педагогик вазифалар асосида танланиши керак. Нотага қараб қуйлашга ўргатиш учун ўрганилаётган қўшиқлардан унумли фойдаланиш мумкин. Бу йўналишда ўқитиши учун маҳсус машқлардан фойдаланиш зарур. Бастакорларнинг кўргазмали қўшиқлари фақат ҳавасаки айтиш учун эмас, балки болаларнинг қобилиятини ўстириш, мусиқий ҳис-туйғусини бойитиш учун

күлланилади. Бу ўзига хос кўриниш бўлиб, болаларнинг ўзлари куй басталашга ёки поэтик (шоирона) кайфиятларни ўзлаштиришни бойитади.

Методик усуллар

Болаларнинг дастурий малакаларини ўзлаштириш учун ҳам методик усуллар муҳим восита бўлиб ҳисобланади ва уларнинг кўшиқчилик малакаларини ривожлантиришга йўналтиради. Баланд, енгил, жарагли, куйчан товуш ҳосил қилиш устида ишлаш жараёнида ўқитувчи ўзининг мисолида ёки яхши ижро этадиган болалардан бирининг мисолида айттириб кўрсатади. Бунда болалар кўшиқни эшитиб, ҳудди шундай айтишга ҳаракат қиласидилар. Лекин ўхшатиб айтишда онгли равиша таққослаб, баҳолаб ижро этилиши керак. Товушларнинг майин куйланишига (а-о-у-э-и) унлиларини тўғри талаффуз қилишга катталар ёрдам беради. Бу вазифани ўқитувчи



ля - ля - ля - ля лё - лё - лё - лё

Ля-лё унлилари билан машқ қилдириш, оғизни ярим ёпик ҳолда очиш орқали амалга оширади.

Бу орада унлиларни аниқ айтиш билан бирга динъ-динъ ундошлари орқали сўзни тўлиқ талаффуз қилдиришга эришилади. Кўшиқ айтишда нафас олишни ўрганиш, товуш ҳосил қилиш усули билан боғлиқ бўлиб, у муңтазам равиша машиқ қилдириш ва эслаш орқали амалга оширилади. Талаффузни ривожлантириш усули сўзларни аниқ ва тушунарли қилиб айтиш, адабий матнинг хусусиятларига амал қилган ҳолда сўзларнинг фикр мазмунини тушунтириш орқали бажарилади. Ҳар бир бола сўзларни онгли равиша фикрлаб сўзлашга ўрганиши лозим. Бу вақтда сўзларни мусиқий асбоблар ёрдамида кўшиқ ритмидаги шивирлаб айтиш ҳамда сўзни мусиқасиз мазмунан ўқиш орқали бажарилади. Хор бўлиб кўшиқ куйлаш, мусиқий эшитиш қобилияти, эшитишни назорат қилиб бориш ва бошқаларни эшитиб куйлашдан иборатдир. Бунинг учун куйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

1. Охирги товушларга тўхталиш ва ўқитувчи кўрсатмасига биноан қандай эшитилишига қулоқ солиш.

2. Кўшиқ ўрганишдан олдин ҳар хил овоз қиздириш машқларини, ҳар хил тоналликда куйлаш, қийин интервал оралигидаги товушларни бир неча бор куйлаш ҳамда тақрорлап орқали ҳар бир болани аниқ куйлашга эришиши.

3. Айрим диапазони кенг болалар билан баланд тоналликда машқ қилдириш.

4. Куйнинг йўналиши, энг юқориги ва энг пастги товушларни эслатиб туриш.

5. Болаларнинг эшитиш идрокининг ҳар -хил белгилари: “Кушча дарахтнинг юқорисига кўниб турибди, баланд сайрайти ёки қушча дарахтнинг пастига кўниб турибди, паст сайрайти“ каби кўргазмали сўзлардан фойдаланиб чукурлаштирилади.

6. Кўшиқни паст ёки юқориги товушдан дирижёрлик элементларидан фойдаланган ҳолда куйлашга эришиш.

Жўрсиз (а капелла)да кўшиқ айтиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу усул болаларни аниқ интонация қилиш, кўшиқ айтишга бўлган хоҳишини кучайтиришга, мустақил кўшиқ айтишига катта ёрдам беради. Агар болалар, а

капеллада қүшиқ айтишга қийналишса, қуйидаги усуллардан фойдаланиш мүмкин. Яхши ижро этадиган болаларни үнчә қатта бўлмаган ва қийин қўшиқларни жўрсиз айттириш орқали, таниш бўлган қўшиқни олдин жўрли, кейин жўрсиз айттириш (агар болалар ўша жойини, яъни қийин жойларини куйлашга қийналишсалар), қуйлаб бериш орқали, бажарилади. Жўрсиз қўшиқ айттириш жараёнида болалар тоналликни саклаб туришига эътибор берилади, бундан олдин болаларнинг овозини созлаш, мусиқий кириш қисмини ва қўшиқ тугаганда охирини ижро этиб бериш, олдин ўргангандан қўшиқларини бир неча бор тақрорлаш ҳам фойдалидир. Қўшиқ айтишда ансамблнинг шакллантириш жамоа бўлиб доимий машқ қилдириш орқали бажарилади. Бунда ҳамма мусиқий ифодаларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим. Агар болалар шу мусиқий ифода воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда мусиқий асарнинг мазмунини, кайфиятини сезиб машқ қилса, болалар ким байрамона қўшиқлар, тантанавор, оғир, майин айтилишини ҳис қиласидар. Бунда болалар бирга қўшилишиб қўшиқ айтишлари, ўзларининг овоз кучи, қўшиқ товуши ва тембрини умумий ҳамоҳангликда таққослай олиш бош вазифа бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, қўшиқ айтиш услубида мазмунли ижро этиш усуллари энг муҳим ўринга қўйилади. Бундан ташқари қўшиқ айтиш жараёнида ўқитувчининг қувноқ кулгиси ёки бошқа аломатлари/ҳам, айниқса дириёжорлик қилиш пайтида ёки майин ҳамоҳангликда, қўшиқнинг бошланишида ва тугатиш вақтида ҳамда куйнинг йўналишини кўрсатиш жараёнларида қиёфа аломатлари муҳим ҳисобланади.

Мусиқий саводхонликка ўргатишда илк билимлар бериш

Болаларнинг нотага қараб куйлашлари учун қуйидаги методик усуллардан фойдаланилади:

Болаларнинг икки-уч товушликларни фарқлаш, паст-баландлигини аниқлаб кўйлаш. Масалан,



Юқори паст юқори паст

1. Агар болалар юқориги товушни айтишда қўлларини юқорига, пастги товушларни айтишда қўлларини пастга туширсалар, болалар қўшиқни онгли ва жуда тоза қилиб ижро этади. Лад сезгисини ривожлантириш жараёнида болаларга кичик-кичик қўшиқларда учрайдиган интервалларни айттириш, ҳатто мустақил равищда қўшиқнинг тоникасини (охирги товушини) топишга ўргатиш лозим.

2. Болаларга ёндош товушларни фарқлашни ҳам ўргатиш лозим. Бунда болалар товушларнинг пастга ва юқорига қараб ҳаракат қилишга аста-секин кўникма ҳосил қилишиб боришиади. Бу усул орқали болаларга товушқаторларни (до-ре-ми-фа-соль-ля-си,-до-си ля-соль фа-ми-ре-до) ҳаракат йўналишларини ўрганишади.



3. Бу вазифада болалар товушларнинг чўзимини ўрганишлари лозим. Маласан: Кўнғироқнинг узун ва қисқа жиринглаши ва ҳ.к. Бу усул товушларнинг узун қисқалигини фарқлашда ва мусиқада товуш чўзималари ранг-баранг

хусусиятга эга эканлигини тушунтиради. Бундан ташқари мана бундай усуллар ҳам қўл келади. Масалан, икки хил чўзимга эга бўлган машқ мусиқа асбоби ёрдамида эшиттирилади, бунда чорак товушларни “лё” сўзи билан, нимчорак товушларни эса “ля” сўзи билан белгиланади. Болалар “лё” сўзи билан куйлаган товушларга қўлларини ўнг томонга кенг майин ҳаракат қилиш йўли билан бажаришади. Шундан сўнг болалар ритмлик қарсак чалишиб, қўшикни ижро этадилар. Бундан ташқари, товушларнинг чўзимини ўзлаштириши учун ҳар хил нотали машқлардан фойдаланилади. Масалан, болалар машқни тинглаб фаленографда нота тасвирларини ёки карточкаларни нота йўлларига мос қилиб қўядилар.

Ижодий вазифалар.

Ижодий вазифа – бу болаларнинг импровизация (сайқаллаш) қилиш қобилиятини ўстиришдан иборатdir. Қўшиқ ўргатиш машғулотлари давомида болаларга маълум тартибда вазифа таклиф қилинади. Масалан, импровизация қилишдан олдин вокал интонацияларини топадилар ва “Назокат каердасан? – мен шу ердаман”, “Исминг ким?-Шоҳида” ва x.к. каби сўзлар билан куйга соладилар. Ўқитувчининг таклифи билан болалар орасидан кимдир импровизация қиласи, бошқалари эса уни тақрорлайдилар. Йилнинг охирига бориб ҳар бир боланинг овоз ривожланиши ва эшитиш қобилиятини текшириш жараёнида ўқитувчи қуидаги вазифаларни таклиф қилиш орқали хулоса ясади:

1. Болаларга таниш бўлган икки-учта қўшиқни ижро эттириб, қўшиқнинг ижро сифатини, ҳамоҳанглик тавсифи ҳамда вокал оҳангининг тозалигини белгилайди;
2. Ўқитувчи болаларга жўрсиз қўшиқ айттириб, катталарнинг ёрдамисиз куйлай олишни белгилайди;
3. Икки хил тоналликда қўшиқ айттирилиб, болаларнинг созланишини аниқлайди;
4. Болаларга мусиқали жавоб қилдириш орқали мусиқий савол-жавоб ўюштиради ва бу вазифани қандай уddaрай олишларини белгилайди. Масалан, ўқитувчи куй орқали **исминг ким?** деб сўрайди, шунда болалардан бири куй билан **“Карим”** деб жавоб беради ва x.к.
5. Квинта интервали оралиғида товушларнинг юқори ва пастги ижро этиш усули билан белгиланади;
6. Ўқитувчи ўрганилган қўшиқлардан қайси бирини жўрли ва жўрсиз ижро этиб бера оласиз деб болаларнинг қўшиқчилик малакаларини белгилайди;
7. Ҳар хил интонация қилиш билан икки-учта товуш ёрдамида болаларга ўз исмини айттириш билан товушларнинг паст-баландлигини фарқлашини аниқлайди;
8. Икки-учта товушдан тузилган “ля-ля” сўзи билан болаларга импровизация қилдириб,



Ля - ля - ля - ля - ля

“Ким кўпроқ куй басталай олади?” деган мурожаат ёрдамида болаларнинг ижод қилиш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг овози ва эшитиш қобилиятини ҳамда импровизация қилишни ривожлантириши болаларнинг ҳар томонлама қўшиқчилик фаолиятини мустахкамлайди.

Савол ва вазифалар

1. Кўшиқчиликнинг тарбиявий аҳамиятини мисол билан тушунтириб беринг?
2. Болаларнинг овозини сақлашда қандай талабларни биласиз?
3. Кўшиқ ўргатишида педагогик вазифаларни санаб беринг?
4. Кўшиқ репертуаридаги асосий талабларни санаб беринг?
5. Кичик груп ва катта групнинг кўшиқ ўргатиш услубининг фарқини айтиб беринг?
6. 5-7 ёшли болаларда мусиқий ривожланиши ва ўзлаштирган малакаларининг ҳажми қандай текширилишини айтиб беринг?
7. Бирон групда ўргатилган кўшиқни таҳлил қилиб, дастурий талабга жавоб беришини мисол билан тушунтириб беринг?
8. Бирон таниш кўшиқни ҳар хил тоналликда (секунда, терапия) юқорига ва пастга қаратга транспозиция қилиб беринг?
9. Кўрсатилган тоналликда бирон бир ўрганилган кўшиқни ижро этиб беринг, унинг асосий товушларини ва тоник учтовушлигини мусиқий асбоб ёрдамида аниқлаб беринг?
10. Кичик ва катта групларда кўшиқ ўргатишида қайси услубий усуллардан фойдаланиш мумкинлигини айтиб беринг?
11. Мактабгача тарбия ишидаги болаларга кўшиқ машқларининг уч тури ҳақида маълумот беринг?
12. Асосий кўшиқчилик малакаларини санаб беринг?
13. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни нотага қараб кўшиқ айтишга қандай тайёрланиш ҳақида гапириб беринг?
14. Болаларнинг таниш бўлган кўшиқларини ва машқларини ҳар кунги фаолиятларида фойдаланишини кузатиш йўлларини айтиб беринг (ўйинда, сайр қилишда ва ҳ.к.)?

6-БЎЛИМ

МУСИҚИЙ-РИТМИК ҲАРАКАТЛАР

§ 1

Ритмиканинг аҳамияти ва умумий тавсиф

Болалар ўйини уларнинг мусиқий маданиятининг бошлангич мактаби бўлиб, унда болаларга тушунарли бўлган энг чиройли ритмик ҳаракатлар ўйин орқали акс эттирилади. Бу образли сўзлар замирида халқ педагогикасининг энг юқори усул ва малакалари ётади. Швециялик созанда педагог Э. Жаком - долькрознинг асослаб берган ритмик тарбия тизими кўп мамлакатларда ўзининг машқлари ёрдамида болаларнинг мактабгача ёшдан бошлаб мусиқий қобилиятини, эслаб қолишини, дикқатини ва ҳаракатларни енгил бажаришни ривожлантириши мумкинлиги тўғрисида мулоҳаза юритган. Бу услуб бизнинг педагогикамида ҳам ўрин олган. Бу услублар қайта ишланиб болаларнинг физио-психологик ҳамда мусиқий онгини ривожлантириш борасида унумли фойдаланиб келинаяпти. Болаларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш болаларнинг эшитиш қобилияти билан ҳаракатини мусиқага боғланган ҳолда олиб борилади. Иложи борича бу усулларни мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ритмик машқлар, мусиқий ўйинлар, рақслар орқали шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек психологияси фанида мусиқанинг умум-функционал фаолиятга таъсир қилиши болаларнинг ҳаракат қилиш таассуротларига ижобий таъсир этиши таъкидланади. Психолог Б.М. Тепловнинг

фикрига күра, болаларда мусиқий қабул қилиш билан ҳаракат қилиш тассуротлари түғридан-түғри хамкор келади. Шунинг учун уларга мусиқий ҳаракатларнинг вактингчалик ҳаракатларга узатилишига мос қилиб танланган мусиқий асарлар ўргатилади.

Мусиқа ва ҳаракатлар

Хар хил мусиқий асарлар болаларда маълум хусусият касб этади. Масалан, тантанавор оҳанг болаларга байрамона кайфият ва қувонч баҳш этади. Бу кайфият болаларнинг кўл ва оёқларида аниқ ҳаракатлар орқали акс этади. Вазмин ва майин ҳаракатларнинг хусусияти эса аксинча эркин, шопшилмасдан ҳаракат қилиш уларда анча майин ҳиссиётларни кўзгайди. Мусиқа билан ҳаракат орасидаги боғлиқлик чексиз бўлиб, мусиқий образларнинг ривожланишини, ритмик хусусиятлар, динамик иборалар, суръат буларнинг ҳаммасини ҳаракатларда акс эттириш мумкин. Ҳаракатлар ёрдамида мусиқий асар тўлиқ қабул қилинади ва ўз навбатида унга маълум мазмундорликни ҳам мужассамлантиради. Бу тассуротларда мусиқа етакчи рол ўйнайди, ҳаракат эса бадиий образнинг ўзига хос ифодаси бўлиб хизмат қиласди. Бунда расмийликнинг қизиқарли ва жозибадор фаолият шароити болаларнинг мусиқий-эстетик қобилиятларини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланди. Болаларни ритмика билан шуғуллантириш, уларнинг эркинлик ва эмоционал туйғуларини шакллантиришда юксак шароит яратиб беради. Бадиий образнинг ривожланиб боришини кузатиш билан бирга болалар мусиқий асар ҳажми қанчалик мураккаблашиб борса, шунча диққат билан кулоқ солишадилар ва шунча кўпроқ ҳаракатларадан фойдаланадилар. Бу эса ўз навбатида болаларнинг эслаб қолиш қобилиятини, эшитиш қобилиятини, нафас олиш анализаторларига суюнган ҳолда ривожлантиришга шароит яратиб беради. Мусиқа оҳанти остида ҳаракатларни бажариш жараёнида болалар ҳар вақт мусиқий рақс образларини янги, ўзгача ҳис этадилар. Масалан, болалар ўйинда айёр тулки билан қўрқоқ қуённинг образини яратишлари керак, бунда болалар ҳаракатлар орқали фақат тулки билан қуённинг тавсифини акс эттириб қолмасдан, балки уларга бўлган муносабатини ҳам акс эттирадилар. Мана шундай тавсифли образларнинг мусиқа ёрдамида акс эттирилиши болаларни ижодий тассуротини вужудга келтиради. Мусиқий ритмик ҳаракатлар болаларнинг эркин ҳаракати деб қаралиб, уларнинг олдига қўйилған вазифани онгли равишда тўла-тўқис бажарилишига сабаб бўлади. Мусиқа ва ҳаракат ниманидир ё тантанали, ёки байрам ҳолатларини, меҳнат қувончини, табиатдан завқланишни, ёки фожиаларни ҳикоя қиласди. Мусиқий ритмика машғулотларининг бошлангич босқичларида болалар ҳаракатларида мазмунсизлик ва нўноқликлар сезилиб туради, лекин кейинчалик машқлар, мусиқанинг таъсири болаларнинг эркин ҳаракат қилишига, кейинчалик эркин ҳаракат қилишни ривожлантириб боради. Ўйин ва рақслар ўз вақтида бир ҳаракатдан иккинчи бир ҳаракатга ўтишни, тез ва аниқ тўхташларни талаб қиласди. Масалан, “Айиқ ва қуёnlар” ўйинида қуён образини акс эттирувчи болалар то айиқ етиб келмагунча жойларидан қимирламай туришлари керак. Мусиқанинг катта айиқ образини акс эттириши, қуён образини акс эттираётган болаларнинг эҳтиёт бўлишига ва уларнинг қимир этмай яшириниб туришга мажбур этади. Мусиқий ҳаракатлар болаларни мусиқий асарнинг ифодасини ҳис қилишга ҳам мажбур этади. Бу эса ўз навбатида ҳаракатнинг сифатига таъсир килмай қолмайди. Мусикадан қувонган, ўзларидаги ҳаракат гўзаллигини ҳис

қиладиган болалар эмоционал бойиб, маълум кўтарики рух ва ҳаёт қувончларини сезадилар. Болаларнинг эмоцияси асосан мусиқа тинглаш пайтидаги шартсиз ҳаракатларида намоён бўла бошлайди, уларнинг имо-ишоралари ўзгаради, шартсиз равишда уларнинг қўллари, оёқлари, беллари ҳаракатга кела бошлайди. Катта болаларнинг эмоционал интилишлари эса ўйин жараёнида шартли равишда намоён бўлади. Масалан, Мусобака вақтида (мусиқа тугагандан кейин) болаларнинг яна йигилишиб ўз жойларига туришга мусиқанинг биринчи товушлари кифоя қилади. Шундай қилиб, мусиқий ритмика болаларнинг шахсини, мусиқий эстетик қобилиятини, эмоционал шакланишини ҳамда эркин ҳаракат қилишининг кўп томонларини ривожлантиришда тарбиявий жараён бўлиб ҳисобланади.

Болаларнинг мусиқий-ритмик ҳаракатчанлигини ривожлантиришда дастурий талаблар

§ 2

Болаларнинг ёшлик хусусиятлари

Болаларнинг биринчи ёшида мусиқий ритмик фолияти мусиқий товушга нисбатан (импульс) ифода реакцияси орқали кўринади. Катталар болаларни ижро этишини фаоллаштириб, уларнинг қувноқ рақе куйларига, ёки аксинча вазмин куйларга мос ҳаракат қилишга мажбур этади. Шу орқали болаларда ҳаракат ёрдамида мусиқага бўлган эмоционал хусусият намоён бўлади. Икки-уч ёшли болалар мустақил мусиқий ҳаракатларни ифода этишга тайёр бўлишади. Ўйинларнинг ташки персонажларини ифода этиш жараёнида мусиқа оҳанги таъсирида улар ўша персонажларнинг ҳар хил тавсифини кўрсатишга ҳаракат қиласидилар. Якка тартибда ижро этаётган вақтда улар айрим ҳаракатларни бир-бирига bogлашга қийналишлари мумкин. Албатта, бу ҳаракатларни катталарнинг ёрдами билан амалга оширадилар. Тўртинчи ёшдаги болалар ўйин ва унинг айрим дақиқалари ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Улар, айниқса, икки қисмли асарларда мустақил равишда bemalol ҳаракатларни ўзгартиришлари мумкин. Лекин бу ҳаракатлар ҳали хом бўлади. Болалар ҳаракатнинг метрик хусусиятларини қарсак чалиш орқали ўзгартирадилар. Улар асосан юришда, югуришда анча қийналишадилар. Лекин мусиқанинг суръати ва ифода воситаларининг аниқлиги болаларда югуришта майиллик қўзгайди. Бешинчи ёшдаги болаларга мусиқий-ритмик ўйинлар, машқлар мавзулари бўйича қисқа тушунтиришлар берилади. Кўшиқ ҳақида эса кўп гапириш шарт эмас, ҳаракатларда икки қисмлик шаклларни белгилаб, эркин ҳолатда унинг тавсифи ва йўналишини ўзгартириш, мусиқий-ўйин образлар мазмунини ҳис қилиши, у ёки бу ҳаракат билан уни акс эттириш қобилиятига ҳам эга бўладилар. Олтинчи ёшдаги болалар ўзларининг ҳикояларида мусиқий тавсифларнинг айрим боғлиқликларини гапириб бера оладилар. Улар мусиқий асарни эшитиб, ўзи ўйинларда ҳаракатларнинг навбат билан келишини эсида саклаб қола оладилар. Болалар қайтариладиган ҳаракатларни, мусиқанинг айрим қисмларини, фразаларни (агар улар аниқ ифодаланган бўлса) акс эттира оладилар. Мусиқий образларни акс эттиришда уларда ҳаракат қилиш ифодалари ҳамда рақсга нисбатан аниқ ҳаракат қилиш хусусиятлари мужас-самланади. Етти ёшли болалар мусиқани фаол қабул қилиши унинг ҳаракат билан боғлиқлигини ҳис қилишади, мусиқий оҳангининг ифода хусусиятларини тасаввур қилишади. Улар рақсларда, машқларда эркин ҳаракат қила оладилар. Бу ёшдаги болалар ижодий вазифаларга, ҳаракатларни ўйлаб топишга, мусиқий образларни акс эттиришга

кагта қизиқиши билан ёндашадилар. Болаларнинг мусиқий-ритмик тасаввурнидаги муваффақиятлари уларнинг умумий жисмоний ривожланиш машғулотларининг доимийлигига боғлиқ бўлади.

Вазифалар

Ритмика машғулотларида куйидаги тарбиявий вазифалар мужассамлаштирилади:

1. Мусиқий образларнинг ривожланиб боришини англашга ўргатиш, образ тавсифини тасаввурларида мужассамлаштириш, усул билан ифодали ҳаракат қилиш, машғулотларда ва бошқа фаолиятларда рақслар ижро этиш;

2. Мусиқада усул мавзусини ҳис этиш, ҳаракатларда боғлиқликни шакллантириш;

3. Бадиий ижодий фаолиятларни ривожлантириш, ҳаракатлар ўйлаб топиш, рақс ҳаракатларини бир-бирига боғлашни ўргатиш, ўзлаштирган билимлардан мустакил равишда фойдаланиш. Бу вазифаларнинг тавсифига, мазмунига ва мусиқий образнинг ривожланишига мослаштириб асосий дастурни бажариш жараёни амалга оширилади. Бадиий образ ҳар хил мусиқий воситаларнинг бир-бирига бўлган таъсири орқали намоён бўлади. Масалан, мазмунли куй билан лад, гармоник тузилиш билан жўр бўлиш фактураси ва ҳ.к. Мана шу воситалар ичидан ҳаракатда ва қўшиққа намоён бўладиганларини белгилаш зарур ҳисобланади. Мусиқий-ритмик ҳаракатларда усул хусусияти кенг қўлланилади. Бунга мусиқий образларнинг ривожланиши ва ўзгаришлар (асосий фикр, сезги, асарнинг тузилиши, суръати, динамик иборалари, регистрлар ва метроритмик муносабатлар) киради. Шунинг учун ритмика машғулотлари жараёнида асосан мусиқага бўлган эмоционал муносабат, қабул қилиш малакалари ҳамда асарнинг мусиқий-ритмик асослари муваффақиятли ривожланади. Мусиқий тарбияда ҳамма ҳаракатлар қўлланилмай, балки катта амплитудадан фарқ қиласиган қўл, оёқ ва белларни фаол мувозанатга келтирадиган ҳаракатлардан фойдаланишини эсда тутиш лозим бўлади. Шундай қилиб, мусиқий-ритмик ҳаракатлар дастури иккита кичик қисмдан иборат бўлиб, мусиқий-ритмик мазмун ва ҳаракат малакаларига бўлинади.

Мусиқий-ритмик малакалар

Болалар мусиқанинг тавсифини жуда эрта сеза бошлайдилар. Улар олдин мусиқани ажратадилар, айrim жойларини фарқлайдилар, жуда аниқ бўлган воситаларни (шаклни, суръатини, динамикасини, метроритмларни) ҳис қиласидилар. Буни бешинчи жадвалда яққол кўриш мумкин. Дастурнинг тавсифли хусусиятларидан бири шундаки, талабнинг мураккаблаштирилган ҳолда малакаларнинг у ёки бу тури устида ишлаш жараёни кейинги гурухларда ҳам давом эттирилади. Масалан, агар кичик гурухлардаги болалардан баланд ва паст мусиқий товушларга бўлган фаоллиги талаб қилинса, мактабгача тарбия ёшдаги болалардан оҳангнинг кучайиши ва сусайишини қабул қилиш фаоллиги талаб қилинади. Мусиқий-ритмик малакалар рақс ўрганиш давомида ўзлаштирилади. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун рақс тавсифидаги биронта машқ олинади ва бутун машқ давомида сақланади. Лекин асосан динамик иборалар, яъни аста-секинлик билан оҳангнинг кучайиши, суръатнинг тезлашиши ва тез-тез учрайдиган майда мусиқий чўзимлар ташаббускор бўлади. Натижада болаларга динамик ибораларни, суръат ўзгаришларини, тез ва фавқулотда тўхталиб тугатиладиган ҳаракатларни ўргатишга ва уни

ривожлантиришга имконият яратади. Шундай қилиб, мусиқий образларнинг ривожланиши, мусиқий ифоданинг аниқланиши болаларнинг мусиқий-ритмик малакаларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мазмунли харакатлар

Мусиқий тавсиф билан биргаликда ҳаракат қилиш учун болалар маълум даражада ҳаракат заҳирасига эга бўлишлари керак. Улар жисмоний машқлардан драма ва рақсга ўта боришида фойдаланадилар. Жисмоний машқлардан асосий ҳаракатлар танланиб олинади. Югуриш, сакраш каби машқлар ўйинларда ва рақсларда ишлатилади. Бундан ташқари гимнастик машқлардан ҳам фойдаланилади. Мисол учун елка ижроси, оёғини, белини ҳаракат қилдириш машқларидан фойдаланилади. Бу ҳаракатлар ҳар хил предметлардан (контоклар, байроқчалар, ленталар ва х.к.) ва предметларсиз ўрта ва катта гурухлардаги болаларга ўргатилади. Бу малакалар болаларнинг яхши жиссласишида, ўйин ва рақсларни ўргатишда енгиллик туғдиради. Сюжетли драмалаштиришдан дастурли мусиқалар, қўшиқ сюжетини инсцинировка (саҳналаштириш) қилишлар олинади. Болалар бунда мусиқали-ўйин образларини ифода этадилар. Бу соҳада ҳис-туйғуни чукурлаштирилишида телекўрсатувлар, кинофильмлар, театр спектакллари ёрдам беради. Бундан ташқари болалар мимикасидан (характерли хусусиятларидан, ижод қилиш фантазияларидан) ҳам кенг фойдаланиладилар. Рақсларда асосан болаларнинг тасаввурига сигадиган миллий рақс элементларидан фойдаланилади. Шу билан биргаликда болалар рақси учун характерли бўлган элементлардан ҳар хил ҳаракатлар: Айланиш, қўллар ва бармоқларни ҳаракат қилдириш, оёқларни ҳаракат қилдириш(оёқларни топиллатиш орқали, қарсак чалиш ва х.к.) фойдаланилади. Бадантарбиядан ва сюжетли драмалаштиришдан, рақсдан олинган ҳаракатлар ритмика тарбиясида маълум вазифа мусиқанинг тавсифини ифодалаш каби вазифани бажаради. Масалан, бадантарбия машғулотидаги юриш, қўл ва оёқ ҳаракатларини ҳамда аниқ мувозанатни сақлашига эътибор берилади ва талаб қилинади. Бунда юриш, югуриш тавсифи мусиқанинг жўрлигига қараб ўзгартирилади. Тантанавор марш чалинганда чақон, аниқ, майин куй чалинганда эса вазмин ва куйчан ҳаракатлар қилинади. Гоҳида писиб келаётган айёр тулки образини ифода этаётганда эҳтиёткорлик руҳидаги ҳаракатларга эътибор берилади.

Болаларнинг мусиқий-ритмик ривожлантириш жадвали

Мазмунли ҳаракатлар малакаларини мураккаблашиб бориши гурухдан гурухга кенгайиб боради. Масалан, рақс элементларинин ҳажми, қаторларга сафланиши ва х.к. Бундан ташқари сифат томонлари сюжетли, образли ҳаракатлар (ҳар хил мусиқий ўйин образлари, юриш характеридаги нозик мусиқий иборалар) муносабатларини кўрамиз. Шундай қилиб, мусиқий-ритмик ҳамда мазмунли ҳаракатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар хил ҳаракатлардаги мусиқий қабул қилиш ва ижро этиш хусусиятлари бир жараён бўлиб ҳисобланади.

Асосий малака ва маҳоратлар	Гурухлар	
	1-кичик гурух	2-кичик гурух
Мусиқанинг умумий тавсифи, регистр ўзгаришлар. Динамик иборалар. Темп ўзгаришлари. Метроритм. Мусиқий асарларнинг шакллари.	Аниқ ифода этилган мусиқа тавсифига мос ҳаракатлар ўргатиш (марш, рақс). Мусиқанинг ўзгаришига қараб баланд-паст товушларнинг кучини ўзгаририш.	Вазмин марш ва ракс тавсифидаги мусиқага мос ҳаракатларни ўргатиш. Динамик иборалар паст-баланд товушлар кучини ўзгаририш.
ўрта гурух	кагта гурух	макт.тарбия гурухи
Па Паст ва баланд регистрдаги ко контраст мусиқа тавсифига мос ҳаракат қилиш. Баланд-паст товушдаги ибораларга мос ҳаракат қилиш. Шошилмасдан хамда тез ҳаракат қилиш. Метроритмик пульсация билан мослаштирилган ҳолда ҳаракат қилиб, содда ритмик ҳаракатларни бажариш. Икки қисмлик мусиқавий асарни бирга бошлаб, бирга тутатиш.	Ранг-баранг тавсифдаги баланд-паст регистрдаги мусиқага мос равища ҳаракат қилиши. Шошилмасдан, баланд, паст, баландрок, ўртача баланд каби динамик ибораларга мос ҳаракатлар қилиш. Биргаликда шошилмасдан ҳаракат қилишдан тез ҳаракатга ўтиш. Ҳаракатдаги метр, метрик пульсацияни содда ритмик ҳаракатларни қарсак чалиш орқали белгилаш. Икки-уч қисмлик шаклда мусиқий фразаларга мослаштирилган ҳолда ҳаракатларни ўзгаририш.	Мусиқали образ билан мазмунли, паст, ўрта ва баланд регистрдаги мусиқага мослаштирилган ҳолда усул билан ҳаракат қилиш. Мусика билан биргаликда ҳаракатни тезлаштириш ва секинлаштириш. Ҳаракатлардаги метр, метрик пульсация, зарб ва содда ритмик ҳаракатларни белгилаш. Ҳаракатларни мусиқий фразалар билан мустакил равища мусиқий юриш қисмидан кейин ҳаракатларни ўзгаририш.

Мусиқий-ритмик ҳаракат турлари

Ҳаракат орқали мусиқий тарбия бериш ўйин, рақс, машқлар, драмалардир. Ўйин болаларнинг фаол ижодий фаолиятлари бўлиб, мусиқанинг эмоционал мазмунига образли ҳаракатлар орқали йўналтирилади. Ўйин маълум сюжетли, қоидали, мусиқий вазифали бўлади ва дастурий вазифаларни ўзлаштиришда яқиндан ёрдам беради. Ўйинларнинг мазмуни билан мусиқий асарлар умумий тарбиявий вазифаларни бажаришда кўмаклашади. Уларнинг мавзуй тарбиянинг бошқа қисмлари таъсири остида йигилади (ижтимоий ҳолатлар, табиатдаги ҳодисалар билан танишиш, миллий ўйинлар) ва х.к. Булар ҳикоя персонажларининг айрим тавсифи (айниқса **хайвонот** дунёсида) ва мусиқий ўйинларнинг шаклларини белгилаш мактабгача таълим ёшидаги болаларга мусиқа тарбияси бериш услубида асосан икки хил ўйинлар: Мусиқий асбоблар ёрдамида ва қўшиқ ёрдамида ўйинга тушиш каби қисмларга ажратилади. Мусиқий асбоблар ёрдамида ўйинлар ўз навбатида сюжетли қисмлардан иборат бўлади. Бунда персонажларнинг чиқиши, ҳаракатларнинг кенг қулоч ёйиб кетиши орқали асосий вазифаларни бажарадилар. Қўшиқ ёрдамидаги ўйинлар эса қўшиқни инсценировка қилиш билан рақсларни чамбарчас боғлиқлиги ҳолида бўлиб, уларнинг тузилиш мазмунига боғлик бўлади. Қўшиқ ёрдамида ижро этилган ҳаракатларга айрим болалар навбат билан киришиб кетишади. Бунда катта бўлмаган гурухчалар ёки гурухнинг ҳаммаси ҳаракатларни ўзгартириб қайта тизилиш, давра, қатор, жуфт бўлиб ҳаракат қилишади. Шундай қилиб, мусиқий ўйинлар ўзларининг вазифалари бўйича дидактикага тавсиф жиҳатдан ҳаракатга тегишли бўлади. Уларнинг мазмуни эса мусиқа билан тўлик бирга бўлади.

Рақслар

Болаларнинг асосий мусиқий ҳаракатлари рақслардан иборат бўлиб, бунда миллий ва мумтоз рақсларнинг элементларидан тузилган бўлади. Қўйилган вазифа ва умумий мазмунга қараб гурухларга бўлиш мумкин. Рақслар кўпинча миллий қўшиқлар билан боғлик бўлиб, ижро этиш давомида сюжетларни инсценировка қилишади. Масалан, дам олиш билан бирга бўлган боғлиқлик, байрам-тантаналар ва х.к. Болалар балл ва ҳар хил рақс ҳаракатлар, вокалга ўхшаш ҳаракатлардан тузилган бўлиб, енгил, жонли, тавсифли мусиқа орқали тез-тез такрорланиб турадиган рақс элементларидан ва бошқа ҳаракатлардан тузилган. Бундан ташқари, мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун замонавий рақслар, айланиш, қўлларни баравар ёнга чўзган ҳолдаги элементлардан тузилган ҳаракалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Машқлар

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар асосан ўйинлар, рақслар ўргатиши жараёнида ўзлаштирилади. Лекин улардан айримлари қўшимча кун ва шуғулланишни талаб қиласди. Болаларни аниқ усул билан машқ қилдириш керак дейлик, бунда педагог вазифани қизиқарли қилиб шакллантириб, болаларни ўзлаштиришига яқиндан ёрдам беради. Айрим машқлар эса болаларни ифодали ҳаракат қилиш малакалари, ўйин образларини ифодали юришда, югуришда, сакрашда ҳамда айрим рақс элементларини бажаришда қўлланилади. Шундай қилиб, ритмика билан мунтазам равишида шуғулланиш учун дастурда ҳар хил воситалар: Ўйинлар, сюжетли ва сюжетсиз ўйинлар, рақсли, инсценировкали ўйинлар кўзда тутилади. Бундан ташқари белгиланган ҳаракатлар бажаришда импровизациялик, аралаш балли ва тавсифли ўйинлардан фойдаланилади.

Машклардан эса мусиқий ритмик малакалар ва ифодали ҳаракатлар малакаларини ўзлаштириш учун фойдаланилади.

§- 3

Мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш методик усуллари

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларга ритмика ва кўшиқ айтишга ўргатиш соҳасида жуда кўп усуллар мавжуд. Биринчидан бошланғич услублардан фойдаланиш, кўргазмали эшитиши қобилиятини ривожлантириш, ўқитувчи томонидан мазмунли мусиқа ижро этиш, ўйинларни кўрсатиб, бериш, рақсларнинг айрим қийин унсурларини кўрсатиб бериш, нутқли ракс тўғрисида раҳбарнинг образли тушунтириши, уларнинг усулларини эслатиб туриш ва бир неча бор тақорглаш, таниш бўлган материалларни ривожлантириб бориш ва х.к. Иккинчидан қўшиқ айтиш ва ритмикада навбат билан репертуарларни ўргатиш, ёш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш ва х.к. Лекин мусиқий асарни тўлиқ ўзига сингдириш, ритмикани ўргатиш жараёни ҳамма ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, айрим ҳолда сўз билан ҳам ўзаро муносабатда бўлиши мумкин. Шунинг учун мусиқа билан ҳаракатни тўлалигича ўзига сингдириш қийин. Шундай пайтда ўқитувчи вазифани фақатгина кўрсатиб берибгина қолмасдан, ўйинни образли шаклда, сўз билан биргаликда қисқа-қисқа тушунтиради. Ўйин билан биринчи бор таништиришнинг кўп усуллари мавжуд бўлиб, шулардан қуидагилари мақсадга мувофиқ келади. Олдин куйнинг бошидан охиригача ижро этиб берилади, сўнг қисқа қилиб тушунтириш ишлари олиб борилади охирида эса мусиқий асар тақорланади. Бу усул асосан сюжетсиз ва қўшиқ жўрлигидаги ўйинларда қўлланилади. Рақс ўргатиш услуби бир-бирига жуда ўхшаш бўлади, шунинг билан биргаликда ракс, ўргатиш жараёнида қизиқтириш мухитини вужудга келтириш зарурдир. Рақсларнинг мураккаб элементларини ўргатишда қўшимча машклар қилиш ёрдамида амалга оширилади. Лекин энг асосий вазифа ўқитувчининг тўғри, мазмунли ва уқувли рақсни кўрсатиб бериши ҳисобланади. Бунда болалар ижроилигининг нуфузи аниқланади. Болаларга рақс ўргатишнинг қуидаги турлари яхши натижада бериши мумкин.

1. Ўзлаштирилган малакаларни текшириб бориш, болаларнинг ривожланиш қобилиятини кузатиб бориш орқали текшириш ҳамда болаларнинг хулқи ва муваффақиятини кузатиб бориш орқали.

2. Хар бир болага машғулотлар жараёнида қўлланилган усуллар орқали ўзига ишонмайдиган ва ўзига ҳаддан ташқари ишонган болаларни тартибга солиш учун шароит яратиш, жамоанинг ҳамма аъзоларига кўрсатма бериш, ижро этиб бериш (бунда болалар бир хил вазифани бажарадилар, қолганлари эса кузатиб баҳо берадилар).

3. Зарур бўлганда якка тартибда шуғулланиш (2-3 минутлар давомида).

Бундай методик усуллар болаларнинг мустакил ва ижодий фаолиятларини анча ривожлантиришда мухим восита бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи болаларни мусиқий асар билан биринчи марта таништириш вақтида уларнинг мустакил равишда мусиқанинг тавсифи, ҳаракат қилиши ҳақида ҳикоя қилишга қизиқтириши лозим. Бундан ташқари болалар ижодини фаоллаштириш учун ранг-барагн усуллар, тасаввуридаги предметлар билан машқ қилдириш (тўп ўйини, қорда ўйин ва х.к.) Бунда дастурий мусиқа бир вақтда бошланади ва ўйин

жараёни эслатилади. Шундай қилиб, мусиқий-ритмика ҳаракатларини ўргатиш услугига қуидагича изоҳ берилади:

1. Репертуарнинг ўзлаштириш жараёнида доимий равишда машқ қилдириш, ифодали ҳаракатлар билан биргаликда мусиқий қабул қилиш малакаларини ривожлантириш орқали амалга ошириш;
2. Репертуар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўйин, рақс, ўргатиш вазифасини мураккаблаштириб бориш орқали амалга ошириш;
3. Ўрганилган материалларни бир неча бор тақорлаб болаларни мустақил фаолиятида қўллаши орқали амалга ошириш;
4. Ўйинларнинг турли кўринишлари орқали болаларнинг ижодий фаолиятини мужассамлаштириш ва билимини мустаҳкамлаб бориш орқали амалга ошириш;
5. Болаларга ҳар хил мураккабликда ижодий вазифаларни ёшига, шахсий қизиқишига, қобилиятига қараб бериш орқали тавсиф бериш ва ҳ.к.

Илк ёшдаги болаларни мусиқий-ритмик ҳаракатларга қизиқтириш услуби

§- 4

Биринчи ёшда

Болаларнинг биринчи ойлигига каттагаларнинг қўшиқ қуилаши, лад гармониясида ижро этилган оҳангларни эшлиши уларда мусиқани эшлишига бўлган фаоллигини қўзғайди. Бу фаолликни олдин умумий тарзда ифода этадилар (қўлларини ҳаракатга келтириш, жилмайиш ёки чинқириш орқали) сўнгра аста-секинлик билан жараён ривожланиб бориб, уларда ҳаракат фаоллиги намоён бўла бошлайди. Болаларнинг умумий ривожланиши ва ўсиши олдин манежда ўтади сўнгра ўтирадилар ва кейин тикка туриб улардаги мусиқа садоси остидаги ҳаракат ҳажми кенгаяди. Болаларда бу жарён қарсак чалиш, қўлларини силкитиши, ярим-ёрти ўтириб туриши, қўли билан уриб усулига тушишга ҳаракат қилиши ҳамда катта кишининг қўлидан ушлаб юришга ҳаракат қилиш орқали намоён бўлади. Болалар биринчи ойнинг охирида куйнинг вазмин ёки енгиллигини, тавсифини, ҳамда биринчи ҳаракатнинг ҳаяжон билан рақс усули орқали ҳаракат қилишга ўрганадилар.

Иккинчи ёшда

Болалар бу ёшда улғайиб, бакувват бўлишиб мусиқа ва ҳаракатларнинг элементар боғлиқлигини ўзлаштира оладилар. Масалан, юришга ҳаракат қилиш, маълум оҳанг жўрлигига ҳаракат қилиш ва ҳ.к. Мусиқий-ритмика тарбияси дастури мусиқа оҳангти остида ижро этиладиган айрим ҳаракатларни: юришни, айрим мураккаб бўлмаган ўйин ҳаракатларни ажратишни ва ҳ.к. Тарбиячининг изидан рақс ҳаракатларини тақорлашни (оёғи билан топиллатиш, қарсак чалиш, байроқчаларни айлантиришни, тизза туриб оёқларини пружинасимон эгилтиришни, оёқдан-оёққа сакрашни ва ҳ.к.) ўз ичига олади ва ўз навбатида маълум репертуарлар ҳам танланади. Бу билан эса қуидаги вазифалар ҳал қилинади: усулига бўлган бошланғич ҳаракат ва болалар томонидан асосий ўйин ва рақс ҳаракатларини ўзлаштиришdir. Бунинг учун болаларнинг эътиборини мусиқа оҳангти остида ҳаракат қилишга жалб этилади ва оҳанг тугаши билан ҳаракат тўхтатилади. Тарбиячи оддий усул билан ҳаракат қилишни ривожлантириб, болаларга мусиқа садоси остида тўдаларга бўлиниб қарсак чалишга, хиринглашишиб ҳаракат қилишга таклиф этилади.

Мусиқий-ритмик репертуар

Болаларнинг мусиқий-ритмик малакаларини ривожлантиришда қуидаги тавсифдаги репертуарлар ёрдам беради. “Марш“ болалар бу тавсифдаги мусиқий асар орқали мусиқа оҳанги остида юришларга ўрганадилар. Қувноқ миллий қуйлар ёрдамида эса руқс ҳаракатларини ўрганадилар (оёкларни топиллатиш, кўлларини қирсиллатиш, билакларини айлантириш) ва бошқа ҳаракатлар.

Биринчи ёшдаги болаларнинг мусиқий-ритмик ривожланиши асосида бола билан тарбиячининг биргаликдаги ҳаракати ётади. Биринчи даврда тарбиячи кичкинтойларнинг оёқ-кўлларини ҳаракатини бошқариб, уларнинг усулга бўлган сезгисига имконият яратиб беради. Бола ўтиришга ўргангандан кейин тарбиячи қўлига кўтариб олиб биргаликда рақсга тушади. Бола тикка туришга ўргангандан кейин эса катталарнинг қўлида, манежда тик турган ҳолда ёки кроватга тикка туриб қувноқ мусиқа садоси остида ўйинга туша бошлади. Шундан сўнг тарбиячи боланинг қўлидан ушлаб ҳаракатларни кўрсатади. Бунда болалар кўлларини силкитади, қарсак чалади ва ҳ.к. Иккинчи ёшдаги болаларга ўйин, машқлар ўргатиш услуги қуидагилардан иборат: Катталарнинг кўрсатишига қараб ўхшатиш ҳаракатлари ҳамда биргаликда ҳаракат қилиш, мусиқа раҳбарининг қисқача кўрсатишлари ва болаларнинг муваффақиятли ҳаракатларига ташаккур билдириш. Қийналаётган болаларга кўрсатмасиз ўз ҳолича ҳаракат қилдириш орқали бошқариб борилади. Болаларнинг мусиқий ҳаракат қилишга нисбатан қизиқишини фаоллаштириш учун ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, болаларнинг олдида ўйинчилар қандай ҳаракат қилишаётганлигини кўриб туришни айтайлик. Бундан ташқари болалар предметлар орқали ҳам ҳаракатларни бажариш мумкин. Масалан мусиқа оҳанги остида байроқчаларни силкитишиб “марш“ оҳангида юриш қилиш, қўғирчоқларни жиринглатишиб ёки яширишиб уни топиши, рўмолчалар билан рақсга тушишни бажаришлари мумкин. Ўқитувчи ҳар бир рақсни кўрсатиб бергандан кейин дарҳол болаларни қатнашишга таклиф қилиш керак. Масалан, “Бекинмачоқ“ ўйинида мусиқанинг биринчи вазмин қисмида болалар беркинишади ва жимгина ўтиришади, ўқитувчи мен уларни топа олмаяпман деб айтади. Бу вақтда болалар стулларга ўтиришиб олишадилар. Мусиқанинг тезроқ қисми бошлангандан тарбиячи “Болаларни топиб келинглар, бирга рақсга тушамиз“ деб эълон қиласди. Шундай қилиб, йилнинг охирида биринчи кичик груп илк ёшдаги болалар рақс ва осойишта тавсифдаги мусиқага ўзларининг қарсак чалиш, рақсга тушишга ҳаракат қилишга ўргатишлари керак. Илк ёшдаги иккинчи грухдаги болалар эса мусиқий бекинмачоқ ўйнашга, қувиб етиш ўйинига, байроқчалар билан содда ҳаракатлар қилишга, рақсларга қувноқлик кайфиятларини билдиришига (қарсак чалиш, оёкларини топиллатиш билакларини айлантириш, тиззаларини пружинасимон ҳаракат қилишлари) орқали ўрганишлари керак.

Учинчи ёшдаги болалар

Болаларнинг учинчи ёшида умумий ривожланиш муносабати билан бирга уларда мусиқа оҳангиди остида харакат қилишлари анча ишонарли лекин етарли даражада мужассамлашмаган бўлади. Ҳали уларда мусиқани бирга бошлиб, бирга тугатиш малакалари етарли бўлмайди. Дастурда кўрсатилган мусиқий харакатлар, малакаларнинг ҳажми кўйидагилардан иборат бўлади: Болаларнинг мусиқа оҳангиди билан харакатларни мужассамлаштиришни ўргатиш давомида уларнинг усулга бўлган сезгисини, мусиқий асарнинг тавсифини сингдириш, гоҳида бир мусиқага, гоҳида бошқа мусиқага харакат қилишга болаларнинг эътиборини жалб қилиш керак. Масалан, рақсларни ижро этаётган вақтда болаларнинг ўзлари харакат тавсифини ўзгартириши керак.

Болаларнинг икки қисмлик мусиқий асарларнинг харакатларини паст-баланд товушдаги мусиқа билан бирга юриш ҳамда югуришда усул билан бажаришни ўргатиш керак. Болаларга ўйин билан рақсни таништиришда уларни айланга бўйлаб бир-бирларининг қўлларидан ушлаган ҳолда харакат қилиш малакаларини ривожлантириш ўргатиб бориш лозим. Мусиқа оҳангиди остида харакат қилиш болаларга айрим имитацион-образли харакатларни куёнлар, мушуклар, паравознинг товуши ва бошқа образларни ўзлаштиришларига ёрдам беради. Рақс ҳаракатлари ҳам навбат билан мураккаблашиб бир вақтда ҳам қарсак чалиш ҳам оёғини топиллатиш, оёқдан-оёқка мувозатини ўзгартириш, ярим-ёрти ўтириш малакаларини ўзлаштириш ва бажара олишлари керак бўлади.

Тўртинчи ёшда

Иккинчи кичик групуда мусиқий-ритмик ва ифодали ҳаракат қилиш малакаларини ҳажми бирмунча кенгаяди. Улар енгилроқ товушдаги мусиқада марш, рақсларни ажратса оладилар ва куйга мос қилиб ҳаракат қила оладилар (юришда, югуришда ва сакрашда). Бундан ташқари, оҳангнинг эшигитилиши кучига, яъни паст-баланд товушлар, секин ва тез суръатларни ҳам ўз ҳаракатларида ифода этадилар. Гимнастикали, рақсли, образли ҳаракатларда ўқитувчи болаларнинг эътиборини мусиқий асарнинг бошланишига ва тугашига жалб этади. Педагог болаларнинг ифодали ижро этишига эришиш жараёнида уларнинг усул билан юришга, қўл оёқларини мувозанатига, дукилламасдан чопишга ва икки оёқлаб сакрашни ўргатишга ҳар доим эътибор қилиб боради. Натижада аста-секинлик билан ранг-баранг образли ва рақсли ҳаракатларга бойиб, уларнинг мусиқа тавсифини аниқ ифодалашга, навбат билан оёқларини топиллатишига, билакларини айлантиришга, якка айланишига, жуфт бўлиб айланишига, унча мураккаб бўлмаган кўшиқларни инсценировка қилишга ҳамда мусиқа оҳангиди билан бирга матн музмунига қараб ҳаракат қилишга ўрганадилар. Ҳаракатларнинг ривожлантиришга байроқчаларни силкитиш, рўмочаларни силкитиш, майин ҳаракат қилиш, қўғирчоқларни жиринглатиб ҳаракат қилиш каби ҳаракатлар ёрдам беради.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар

Болаларнинг дастурий малакалари ва маҳоратини ўзлаштириш учун дастур ранг-баранг ўйинлар, рақслар ва машқлардан тузилган бўлиши керак. Уч-тўрт ёшли болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш жараёнида вазифа ва малакалар аста-секин мураккаблашиб бориши лозим. Масалан, болалар стулларга ўтирган ҳолда қўлларини айлантириб ҳаракат қиласидилар.

Мусиқий асбоблар жүрлигидаги ўйинлар болаларнинг ўйин образларини ифода этиши учун қулай восита бўлиб ҳисобланади. Масалан, “Мушуклар секин югураяпти”, “қуёнлар сакрашаяпти”, “Мусичалар енгил учишайпти” ва ҳ.к. Асосан ўйинларни болалар ўз ҳаракатларида қўшиқ оҳангиди остида юриш, югуриш орқали ифода этадилар. Қўғирчоқларни кўлларида тебратишиб, улар билан гўёки рақсга тушадилар. Болалар мусиқа асбобларидан доирачалар, қўғирчоқлар ва бошқа чолғулардан фойдаланадилар. Болалар мусиқий асбобларининг оҳангиди мусиқий асарга ўзгача файз киритиб, анча хамоҳанглигни ифода этади. Масалан, қўғирчоқларнинг аниқ қадам ташлаб юришида ёрдам беради. Қиз болалар эса кўпинча доирача, касталетларни полька рақсларини ижро этаётгандаридан қўллайдилар. Болаларнинг ўйин ва рақсларидан қўғирчоқлардан сичқонлар, мушук, тулки ва бошқа қўғирчоқлардан фойдаланадилар. Бу қўғирчоқлардан фойдаланиши болаларга қизиқиш ўйғотиб, ҳаракатларни чаққон ва эмоционал равищда бажарадилар. Рақслар икки-учта ҳаракатлардан ибораг бўлиб, уларнинг ёшига қараб мураккаблашиб боради.

Методик усуллар

Мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш услублари ўқитувчининг кўрсатиб берип ва қисқа тушунтириши орқали амалга оширилади. Ҳаракатларни аниқ бажариш устидан ишлаш вақтида ҳаракатларни аниқ ва тўғри кўрсатиб берип зарурдир. Буни болаларга бажартириш учун ўқитувчининг эмоционал нутқи ҳисобланади. Бунда болаларга ҳаракат қилишга мойиллик пайдо бўлади ва мусиқа билан биргаликда ҳаракат қилишади. Бундан ташқари, ҳар хизмат қўғирчоқлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўйин ўргатиш давомида ўйин мазмунан тушунтирилиб, дарҳол болаларга ҳаракат қилишни таклиф этиш лозим. Ўйин мазмунини ўзлаштириш учун зарур малакаларни навбат билан кўплаб такрорлаш жараёнида бажарилади. Тўрт ёшли болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатлар ўргатиш жараёнида тарбиячи ўзининг кўрсатиб беринадан ва вазифани тўғри бажаришни болаларга кўрсатиб боришдан фойдаланган холда амалга оширилади. Ўқитувчи болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш жараёнида қуидаги усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи рақсни ёки машқни охиригача кўрсатиб бергандан кейин қисмларга бўлиб ўргатиб бошлади. Болаларни аниқ ва усул билан машқ қилдириш давомида ҳаракатларни олдин ўқитувчининг ўзи кўрсатиб беради ва вазифани тўғри бажараётган айрим болаларга ташаккур билдиради. Болаларга характеристирили ғарнада болаларни руҳини кўтаради. Машқлар эса катталарнинг кўрсатмасига биноан бажарилади. Ундан кейин ўқитувчининг кўрсатмаси, эслатиши орқали болаларга тушунтиришга ҳаракат қилинади. Масалан, кўл ҳаракатини майин ҳаракат қилдиришда ўқитувчи “Болаларни кўллари мунча майин” деб болаларга бу машқни бажаришни таклиф этади. Бундан ташқари болаларнинг бир-бирини масофасини текшириш мақсадида ўқитувчи болаларнинг бир-бирини орасидан ўтаётib “Мен сизларнинг олдингизга келаяпман, мен бу ердан ўта олмайман, сизларнинг олдингизга бора олмайман” деб қаторларни текшириб мувозанатга келтиради. Йилнинг охирида ўқитувчи болаларнинг мусиқий-ритмик малакалардаги текшириб, мусиқанинг контраст ҳарактерини сезишини аниқлайди. Масалан, юриш, югуриш, марш ёки мусиқий тавсифини ифода эта-

тишини, мусиқий асарнинг шаклини сеза олишини ҳамда таниш бўлган рақсни аро эта олишни болалардан сўраб ижро эттириб ҳаракатларни мусиқий ўзаришига қараб аниқ бажаришни текшириб кўради.

Ўрта гурухдаги болаларга мусиқий-ритмик

ҳаракатларни ўргатиш методлари

§ 6

Ўқитишининг вазифалари ва мазмуни

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ташаббусини, қобилияини ўтиришда мусиқий-ритмик ҳаракатлар жуда қизиқарли ва зарур восита бўлиб нисобланади. Улар ўзларича ўйин персонажларининг тасаввур қиласидилар, рақсга тушадилар, ҳаракатларни кетма-кет келишини эсида саклаб қоладилар. Бадий ҳаракатлар эса болаларнинг табиатига нисбатан, атроф-мухитга нисбатан тасаввурини чукурлаштиради, ҳар хил воқеалар ҳакида ҳикоя қиласидилар, уларни тушунтиради ва мусиқага бўлган ҳавас ҳамда қизиқишлигини ривожлантиради. Бешинчи ёшдаги болалар мусиқани бутунлигича қабул қилиш унинг қайфиятини, умумий тавсифини сезган ҳолда энг содда мусиқий элементларни онгли равишда ўрганадилар ва фарқлай олишлари. Суръат, динамик ифода ва регистрлар ёрдамида куйнинг тавсифини, айниқса аста-секин қадам ташлашни, куёнларнинг тез ҳаракатини англаши мумкин. бу ёшдаги болаларга ҳаракатларнинг тез ва енгил ўрганишини, чаққон қадам ташлаш ва ҳ.к. ўргатилади. Бундан ташқари, болаларга усул билан ҳаракат қилишга, аниқ қадам ташлашга, мусиқа билан биргаликда ҳаракатларни аниқ бошлаб аниқ тугатиш ва ривожлантириш ишлари билан ҳар доим шуғулланиб туриш лозим бўлади. Шуни назарда тутиш керакки, мусиқа билан мазмунли ҳаракат қилиш учун болалар мусиқани хис қилиши, ҳаракатларни ўзларига қабул қилиши ва бу ҳаракатлардан фойдалана олиши ҳамда унча-мунча ҳаракат манбасига эга бўлишлари талаб этилади. Шунинг учун мусиқий-ритмика малакалари ва маҳоратлари ҳажми беш ёшли болалар учун қуидагига тузилган ва ўзлаштирилган бўлиши керак:

1. Мусиқа тавсифи билан мос равишда ҳаракат қилиш.
2. Динамик ифодалар ёрдамида (баланд-паст) товушда регистрлар ёрдамида юқори ва қуий пардаларда шошилмасдан ва тез ҳаракат қилиш.
3. Мустақил равишда ҳаракатларни ўзлаштира олиши, шошилмай мусиқа билан бирга юриш, енгил чопиш, олдинга сакрай олиш, байроқчалар ва рўмолчалар билан ҳаракатларни (баландга, пастга, ўнгга ва чапга) бажариш.
4. Оёқларни енгил пружинасимон пастга ва юқорига ҳаракат қилиши, айланадан ҳар томонга қараб тарқаб кетишга ҳаракат қилиш, жуфт бўлиб айланадан ҳосил қилишиб рақсга тушини ўрганиш, рақс ҳаракатларидан ўрганиш, қарсак чалиш, оёқларни топиллатиш, битталаб айланиш (қадам билан мулоим чопиш) орқали.
5. Унча мураккаб бўлмаган рақсларни билиши, ўрганган ҳаракатлардан фойдаланган ҳолда мустақил ҳаракат қилиш, мусиқий ўйин образлар тавсифини мазмунли ифода этишини ўрганишлари лозим.

Мусиқий-ритмик репертуар

Мусиқий-ритмик малакаларни ўрганиш ва ўзлаштиришда мусиқий ўйинлар, рақслар, машқлар билан ўрганиш вақтида вужудга келади. Болалар мусиқа оҳанги билан бирга ўйнаётган вақтларда сюжетли ва сюжетсиз ўйинларни ижро этадилар. Сюжетсиз ўйинларда асосий ўринни мусобақа

дақиқаси әгаллаб туради. Сюжетли ўйинлар эса аниқ мусиқий образга эга бўлиб, ҳар хил персонажлар қўлланилади, ўзаро дўстлик муносабатлар вужудга келади ҳамда бошқа ранг-баранг персонажлардан фойдаланилади. Рақслар ва машқлар асосан ўйин таснифида бўлиб, тузилиш бўйича мураккаб бўлмай болаларнинг ҳаракат қилиш маҳоратини ривожлантиради. Масалан, чопиш ва айланиш, жуфт бўлиб югуриш, оёқларни топиллатиб ҳаракат қилиш, қарсак чалиш, жуфт бўлиб рақсга тушиш ва бошқалар. Бу ўйин болаларга қувонч келтириши билан бирга улардан бу ракслар мусиқанинг енгил ва майнин таснифини ифода этишини, ўз вақтида ҳаракатларни ўзгартиришни, қарсак чалишда метрик пулъсацияни ифода этиш каби малакаларни талаб қиласди.

МЕТОДИК УСУЛЛАР

Методик усуллар вазифанинг мураккаблигига, болаларнинг ўзлаштиришига ҳамда материалларни ўзлаштириш вақтига қараб ўзгаради. Лекин энг асосий ва мажбурий вазифа мусиқанинг мазмуни онгли равишда ижро этиб бериши бўлиб қолиши керак. Бу эса болаларнинг қувончли ҳис-туйғу билан қалбларини тўлдиради, уларда фаол интилиш пайдо бўлади ва мустақил равишда ҳаракат қилишда хоҳиш ва қизиқиш уйғотади. Ўқитувчи бунда қандай қилса болаларга мустақил ҳаракат қилишга, изланишга қизиқиш уйғонади?, қолган вақтда кўрсатиб бериш, кўргазмали равишда катталарнинг ёрдам беришини ўйлаб кўриши керак бўлади. Бундай вазифалар асосан сюжетли ўйинларда амалга оширилади. Масалан, Бу усул айниқса инсцинировкали ўйинларда жуда қўл келади. Бунда болалар мустақил равишда ифодали ҳаракатларни ўйлаб топишига ҳаракат қиласидар. Машқларда кўпроқ ўйин мухитини пайдо қилиш яхши натижা беради. Агар рақс ёки машқ ўрганилаётган бўлса ва рақс ҳаракатлари навбат билан белгиланган бўлса, ундан олдин мусиқа ижро этилиб берилади, сўнгра ҳаракатлар кўрсатилиб, унинг тузилиши ҳақида қисқача изоҳ берилади. Айрим ўйин, рақс, машқларни болалар осонлик билан ўзлаштирадилар. Бунда улар мусиқа оҳангини эшитиб қувонадилар ва ҳаракатларни аниқ бажарадилар. Айрим болалар билан эса кўпроқ шуғулланиш лозим бўлади. Чунки бу болалар қийинчилик билан у ёки бу ўйин, рақсни ўзларига қабул қиласидар. Бу болалар билан кўнимча равишда шуғулланиш лозим бўлади, чунки уларда атроф-муҳитга бўлган муносабати яхши эмаслиги, қаторларнинг ўзгариб туриши ёки айрим ҳаракат элементларини ўзлаштира олмаётганлиги сабаб бўлади. Йилнинг охирига бориб болалар қуидагича текширилади:

1. Болаларнинг мусиқа асарини эшита олишини, унинг тавсифини (қувнок, майнин, рақсли) очиб бера олиши ва ўз ҳаракатларига мос қилиб бажара олишларини текшириши.
2. Болаларнинг ўз ҳаракатлари билан икки қисмлик шаклдаги мусиқанинг биринчи қисмида қарсак чалиш билан, иккинчи қисмида рақсга тушиш орқали бажара олишларини текшириб кўриш.
3. Рақс элементларидан товонни тўғри қўйишни, бармоқларни айлантира олишини, усул билан оёқларини топиллатиб олишларини текшириб кўриш.
4. Рақс ҳаракатларини мустақил ҳамда эркин қўллай олишларини текшириб кўриш.
5. Қаторларга тизилишни ёки қаторлардан тарқалишни ҳамда жуфт бўлиб ҳаракат қила олишини текшириб кўриш лозим бўлади.

Катта гурухдаги болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатларни үргатиш усуллари

§- 7

Ўқитишининг вазифа ва мазмуни

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар мусиқанинг тавсифига, унинг мусиқий образининг ривожланишига қараб аникланади. Олти ёшдаги болалар мусиқанинг бутунлигича қабул қилиб, ўз ҳаракатлари билан унинг тавсифини, кайфиятини ифодалай оладилар. Улар мусиқий асарларнинг суръатини, динамик ибораларини, икки қисмлик шаклли куйларни осонлик билан фарқлай оладилар. Масалан, куй тавсиф жиҳатидан вазмин бўлса, умумий оҳанг паст, сирли, суръат тез бўлмаган, аста-секин вазминлашиб бораётган бўлса болалар буни ҳис килишиб, жуда мазмундор қилиб эҳтиёткор овчининг образини ифодалаб берадилар. Мусиқий-ритмик малакаларнинг ривожлантирилиб борилиши ҳаракат билан ижро этилиши керак бўлган мусиқанинг ўйин, рақс ва гимнастикаларнинг биргаликда ижро этилиб борилишидадир. Бу малакалар эса ўйин образларини ва тавсифли ҳаракатларни мазмунли ижро этишга ёрдам беради. Ритмик дастур мусиқий-ритмик малакалар билан, ифодали ҳаракатлар билан бир вақтда ўргатишни талаб қиласди. Айрим вазифалар осонлик билан болалар томонидан ижро этилади. Вазифани мураккаблаштириб бориш вақтида оҳангнинг кучайиб ва кучсизланиб боришини ҳаракатларнинг торайиб ва кенгайиб боришини болаларга ўргатиб бориш лозим. Болаларнинг усулга бўлган сезгисини ривожлантириш вақтида тактнинг кучли ҳиссасини сингдириб, ҳар хил гимнастик машқлар, ҳар -хил предметли машқлар, рўмолчалар, ленталар, таёқчалар, кўлларини юқорига ва пастга ҳаракат қилдириш орқали ўргатилиб, сингдириб борилиши керак. Болаларга икки-уч қисимлик шаклларни, мусиқий фразаларни, айрим маълум ҳаракатларни бажаришни ўргатиб бориш зарур. Болалар суръат ўзгаришларини асосан мусиқали ўйин, образли ҳаракатларда яхши ўзлаштирадилар. Бунда болалар усул билан аниқ қадам ташлаб пиёдаларни ёки тез чопиб бораётган отларни ифодалайдилар. Болаларнинг ижодий ривожлантиришда қуидагилар аҳамиятга эгадир:

1. Мустақил равишда ҳаракат қилишни билиш.
2. Катталарнинг ёрдамисиз айлана бўйлаб тизилишларни, жуфт бўлиб туришни, қаторларни ўзгартиришни, рақс ҳаракатларини навбат билан келишини эсида сақлашни, ифодали ҳаракатларни топа олишни билишдир. Бешолти ёшли болалар эса қуидаги малакаларни билишлари керак.
3. Ҳар хил тавсифдаги мусиқаларга усул билан ҳаракат қила олишларини, динамик иборалар билан паст, шошилмасдан (баланд, пастроқ, юқори, ўрта, паст регистларда) ҳаракат қила олишни билиш.
4. Шошилмасдан тез ёки вазмин суръатда ва тактнинг кучли ҳиссаларида ҳаракат қила олишни билиш.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар

Дастурга тавсия этилган ўйинлар, рақслар, машқлар ўзларининг турларига, шаклларига, мавзусига қараб аниқ тузилган бўлиши керак. Ўйин мавзуси ҳар хил бўлиши ва номланган бўлиши лозим. Масалан, “Ким ушлари”, “Чаққон бўл” ва х.к. Бу ўйинларда кўп предметлар мусобақа элементлари ҳар хил ҳайвонот образларидан ташкил топган бўлиши керак. Масалан, “Қарға”, “Мушук” ва х.к.. Бундан ташқари, жамоа мавзуси бўйича аниқ ифодаланган бўлиши керак.

Масалан, “Учувчилар аэродромда”, “Бизлар ҳарбийлармиз”, “Биз дўстмиз”, “Ўзингга шерик топ” кабилардан тузилган бўлиши керак. Ўйин тузилишининг шакли ўзининг тавсифи бўйича ёрқин ажралиб туради. Бунда мусобақа элементларини ўз ичига олиб, сюжетли персонаж муносабатлари очиб берилади. Даструрдаги машқлар тахминий бўлиб, амалда эса кўпроқ бўлади. Бу машқлар ёрдамида болалар рақс элементларини ўрганадилар ва мусиқий-ритмик ҳаракатларни машқ қиласидилар. Шундай қилиб, даструрда кўрсатилган мусиқий мисоллар болаларни мусиқанинг кенг миқёсда қабул қилишни ривожлантиришга, унинг образини, тавсифини, кайфиятини ҳис қилишлари ва ҳаракатларида ифода этишга ёрдам беради.

Методик усуллар

Ўйинлар ўргатиш услубидаги рақс машқлари мусиқа раҳбарининг аник қилиб ижро этиб бериши билан тавсифланади. Шуни унутмаслик лозимки, ритмика мусиқий тарбия воситасининг энг муҳим йўналишидир. Ўқитувчилардан талаб қилинадиган умумий вазифа бу аник, мазмунли ҳаракатларни тўғри кўрсатиш ва образли тушунчалардан иборат бўлиши лозим. Ўқитувчининг асосий эътибори болаларнинг мустақил ҳаракатига ва ижодий йўналишини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнида ранг-баранг услубий усуллардан кенг кўламда фойдаланиб ўзига хос ритмик фаолиятни аниқлашдан иборатдир. Ўйин ўргатишида мусиқий-шоирона образлардан унинг жараёни тўғрисида ҳикоя қилиб бериш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш керак. Бунда педагог у ёки бу ўйинни қандай бажариш қулоқ солган ҳолда кўшикни сўзи билан бирга берилган вазифани ифода этишга шароит яратиб беради. Сюжетсиз мусиқий ўйинларда асосан маълум ҳаракатлардан тузилган бўлади. Бундай ўйинларда кўрсатиб бериш ва тушунтириш усуллари қўлланилади. Бундан ташқари усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Олдин болалар мусиқани тавсифини ва кайфиятини ҳис қилдириш учун эшиттирилади, ундан сўнг унинг тузилишини, асарнинг шаклини кўрсатиб беради. Чунки ҳаракатлар қисмдан-қисмга ўтиш вақтида фразалар билан бирга ўзгаради. Ўйин шаклларида ҳар хил қарсак чалишлар, оёқни топиллатиш, қўл силташлар, билакларни айлантириш ва бошқа ҳаракатлар ўргатилади. Ундан сўнг болаларга мусиқа оҳангидага қандай ҳаракат қилиш таклиф этилади. Охирида эса унинг тузилиши кўрсатиб берилади ва болаларга ўргатилади. Бундай усуллар болаларнинг мустақил ҳаракатини, ижодий хусусиятларини ривожлантиради. Рақслар ҳам худди ўйинлар сингари ўргатилади. Лекин тез-тез кўшимича машқларни бажаришни талаб қиласиди. Масалан, “Айлана бўйлаб рақсга тушиш” рақсида болалар бирданига айлана бўйлаб юришга ёки айлана бўйлаб қаторларга тизилишга қийналишади. Айниқса айланани кенгайтириш ёки торайтириш вақтида анча қийналишадилар. Бунда ўқитувчи шунга ўхшаш мусиқа билан, лекин ҳаракатлари мос бўлган ҳолда малакалар устида машқ қилдиради. Мусиқий образларни ифодалашни ўргатиш болаларни ижодий вазифаларни, мустақил ҳаракатларни излаб топишга ёрдам беради. Айрим машқлар эса болаларни рақсларда, ўрганиши қийин бўлган ҳаракат элементларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

Болалар ижоди

Беш-олти ёшдаги болалар нимадир ўйлаб топишни, уни ривожлантиришни, нимадир бунёд қилишни жуда яхши кўришадилар. Бунда ижро этиладиган жуда

кўп мусиқалар болаларнинг ижодий фаолиятини ўз ҳаракатларида фойдаланишга, қўшиқларни инсценировка қилишга яқиндан ёрдам беради. Айрим мусиқий асалар бастакорлар томонидан маҳсус ёзилган бўлиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг мусиқий ўйин ижодини тамомиллаштириш учун фойдаланилади. Топишмоқ, қўшиқлардаги образлар ва ҳаракатларни болаларга ўргатиш айниқса қизиқарли. Масалан, тарбиячи маълум бир топишмоқ айтиб “Ҳамма жойи момик, тўртта панжаси бор, ўзининг эса мўйловчаси бор” деб маълум куйни ижро этиб беради. Шунда болалар топишмоқни мазмунини аниқлаб керак бўлган ўйин образини ифода этадилар. Педагогнинг кўрсатиб бериши бўйича болаларнинг мустақил ҳаракат қилиши ўқув ва ижодий вазифаларни услубини ранг-баранг қилиб болаларнинг ижро этиш фаолиятини фаоллаштиради. Мусиқий-ритмикани ўргатиш жараёнида ҳар бир боланинг билимини текшириб кўришда педагог ҳар хил вазифалар таклиф этиш билан бирга ранг-баранг усуллардан фойдаланади. Асосий малакаларни ўзлаштиришда мусиқий тавсиф билан мос равишда ифодали ҳаракатларни, мусиқий мазмунни тушунишни текширишда куйидаги йўллардан фойдаланиш мумкин. Болаларга таниш бўлмаган куй ижро этилиб берилади ва болалар катнашувчи персонажларни номини айтиб беришади. Сўнг тарбиячи болаларнинг ҳаммасини учта гурухга бўлиб чиқади ва ҳар гурухга образли ҳаракатларни импровизация қиласидилар ҳамда уларнинг тавсифли хусусиятларини берадилар. Рақс ҳаракатларининг аниқлиги ва усул билан ижро этилиши жуфт бўлиб ижро этилаётган вақтда текширилади. Ҳар бир жуфт алоҳида ҳаракат қилиб бошқа қатнашувчилар эса уларни кузатишади ва ижро этилишини баҳолаб борадилар. Болаларнинг айрим рақс элементларини, ўтириб туриш билан бирга оёқларни алмасиб ташлашлар, енгил сакрашда оёқларни олдинга навбат билан қўйиш малакалари, якка тартибдаги машғулот давомида текширилади. Болаларнинг рақсга нисбатан ижодий ёндашишларини қуйидаги усул билан текшириш мумкин: Гамма қатнашувчиларни гурухчага бўлиб, миллий рақс мусиқаси ижро этилиб берилади ва ҳар бир гурухга ўзининг композициясини кўрсатиб бериши таклиф қилинади. Бунинг учун аввало ижодий ва қизиқарли муҳит вужудга келтирилиши керак. Педагог рақс элементларининг айрим кўринишларини кўрсатиб беради, болалар эса рақсни ривожлантириб ижро этиб берадилар. Шундан сўнг педагогнинг ҳаракатлари ёрдамчи сифатида бўлиб, болалар фаол ҳаракат қилишиб рақсни ижро этиб берадилар. Шундай қилиб машқларнинг мазмуни ва тури ўқув вазифаларига боғлиқ бўлиб, айрим рақс элементларининг яхши ижро этилишига боғлиқдир. Бунинг учун болаларнинг енгил ва осонлик билан ҳаракатларни бажариш учун болаларни доимий равишда шугуллантириб борилиши лозим.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш услублари.

§-8

Ўқитишнинг мазмун ва вазифалари

Етти ёшли болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш болаларнинг олган билимларини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, олдинги гурухларда қилинган барча ишларнинг холосаси ҳисобланади. Лекин шу борада бир нарсага эътибор бериш лозимки, агар қўшиқ ўргатишда боғча билан мактабнинг бир-бирига боғланиши жуда яхши бўлса унда иш бошқача тус олади. Масалан,

мактабга ритмикага жуда кам ўрин берилиб, етарли даражада олиб борилмайды. Бунинг учун мактаб билан мактабгача тарбия соҳасини бир-бирига яқин эмаслигини таъкидлаш керак. Лекин мактабда ритмиканинг аҳамиятини юқори баҳолаш лозим, чунки ритмика мактаб болаларини эстетик ривожланишига, ақлий қобилиятига, маънавий эркинлик сифатига бўлган таъсир мактабда шуғуланиш учун зарур восита бўлиб ҳисобланади. Сабаби шундан иборатки, ритмика болаларнинг тасаввурини жуда яхши ривожлантиради. Бундан ташқари ҳар хил персонажлар билан ҳам кўшилиб кетаверади, мусиқа оҳангидан бирга болалар ҳаракат қиласидилар, аниқ шароитда ижодий вазифаларни бажарадилар, фикрларни фаоллаштиради ва ифодали ҳаракатларни мужассамлаштиради. Рақснинг у ёки бу элементини ўзлаштириш учун машқлар бажариш, қаторларга тизилиш, гимнастик ҳаракатлар болаларни мунтазам равишда меҳнат қилишга ўргатади. Ритмика билан шуғуланиш жараёнида болаларнинг мусиқий эшлиши қобилиятини ривожлантиради. Болалар ўзларининг ҳис туйғуларини ифода этишилари учун болалар доим мусиқага бўйсуниши ва ёрқин образли ҳаракатлардан унумли фойдаланиш лозим. Хуллас, ритмика мусиқа тилиниг мазмунини тушунишда муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Олти-етти ёшли болаларни ўқитиши дастури олдинги гуруҳлардаги қилингандан ишлар каби бўлиб асосий талаб мусиқага тавсифига мос равишда ифодали ҳаракат қилишни шакллантиришга қаратилган. Рақсларни аниқ ва ифодали ижро этиш, ижодий интилиш малакалари, фаоллик ва мустақил ҳаракат қилиш устидан ишлаш давом эттирилади. Дастурда талабга бўлган мураккабликлар яна ёрқин кўрсатилади. Болаларнинг мусиқага бўлган фаоллигини яна ҳам оширишда, эмоционал муносабатига эътибор берилади. Ўйин сюжетларига ҳаракатларни ифодали ижро этиш, персонажларнинг ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатлар ўргатилади. Болалар бу ёнда факат қуёнга ўхшаб сакраб, айнқа ўхшаб секин ва вазмин ҳаракат килмай балки улар ҳаракат килаётган персонажларнинг тавсифини уларнинг сифатини (ботирлик, кўрқоқлик, вазминлик ва х.к.) ҳамда воқеанинг ривожланишини, ҳаракатдаги қаҳрамоннинг дўстона муносабатини ҳам ифодалашлари керак. Олти-етти ёшли болаларга анча мураккаб бўлган ҳамда ҳар хил мусиқий ифода воситаларига эга бўлган (кучайтиши, кучсизлантиши, тезлатиши ва секинлатиши) бир регистр оралиғидаги анча юқори ва паст жарангдорликка эга бўлган, етарли даражада метроритмик асослари ривожлантирилган асарлар билан таништирилади. Болалар мусиқий вазифаларни бажариш давомида юришни, байрамона кўтаринки рухни, вазмин ҳамда майин ҳаракталар тавсифларини дифференция қилишни ўрганадилар. Ўқитиши жараёнида болалар ”Мусиқий ўйин“ терминлари нимани ўргатишини хоровод, рақс, полька қадами, алмаш қадам ва бошқа ҳаракатларни яққол тушунишади. Айниқса болаларда ижодий фаолият анча мукаммаллашади. Бунда дастурда мустақил равишда ўйин кўшиқларини инсценировка қилиш, ўйинда қаҳрамонга бериладиган мусиқий тавсифномани ижро этишни, айрим вақтда унча мураккаб бўлмаган рақс композицияларини ўйлаб топиш каби фаолият турлари назарда тутилади. Дастурий малака ва маҳоратларнинг ҳажми куйидагича бўлади: Болаларни мусиқий образ билан бирга ифодали ҳаракат қилишга ўргатиш, мусиқанинг ранг-баранг тавсифини, динимикасини, ҳаракатни тезлаштириш ва секинлатиши, метрик пульсация ҳаракатлари орқали метрни аниклаш, мусиқий фаразалар билан бирга ҳаракатларни ўзгартириш, мусиқа бошлангандан кейин мустақил равишда ҳаракат қилиш ўргатилади. Мусиқа

тавсифи билан мос равиша умумий ҳаракатлар: Тантанали ва байрамона юриш, майин ва мулойим, енгил чопиш, интилиш ва кенг ҳаракат қилиш, оёқдан-оёқга сакраш, предметлар ва предметларсиз ҳаракат қилиш, ҳар хил ўйин образларини ифодали бажариш ва рақс ҳаракатларини билишлари лозим. Болаларнинг жойдий қобилиятини ривожлантиришда мустақил равиша ўйин қўшикларини инсаенировка қилишни, ўйинда ифодали ҳаракат қилиш учун янги-янги вариантларни ўйлаб топишга, рақс элементларини бир-бирига қўшишга, унча мураккаб бўлмаган рақсларни композиция қилишга ўргатиш керак.

Мусиқий-ритмик репертуар

Ўйинларда, рақсларда мусиқани ўрни жуда юқори бўлиб, болаларнинг ифодли ҳаракат қилишида энг асосий кўзговчи восита бўлиб ҳисобланади. Шу фикрдан келиб чиқиб, мусиқага бўлган асосий талаб юқори бадий савия, ва маънавий йўналиш ҳисобланади. Бундан ташқари мусиқий асар жуда мазмунли, кулай, шаклан яхши тузилган ҳамда болаларга қувонч бағишлийдиган ва уларнинг ҳаракатларини мукаммаллаштиришга ёрдам бера оладиган бўлиши керак. Ҳаракат қилишга ўргатиш амалиётида вокал ва чолғу мусиқалардан (ўзига хос ва миллий) фойдаланилади. Тарбияда асосий йўналишни бастакорларнинг болалар мусиқасидаги ижоди эгаллайди. Бастакорлар томонидан ёзилган болалар рақси, ўйинлар, машқлар педагогларнинг фаол ёрдами туфайли педагогик йўналишни вужудга келтириш ва болаларнинг мусиқий ритмик ривожланишида фаол восита бўлиб хизмат қиласи. Болаларнинг мусиқий ўйин, рақс ижоди уларнинг ўйинида, композицияларда ва рақсларда мустақил импровизация қилишга мойиллик туғдиради.

Метод ва усуллар

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашдаги услуб ва усуллар ранг-баранг бўлиб қуидагича изоҳланади:

1. Фаолиятнинг ҳар хил турларини бўлиши-мусиқий ўйинлар, хороводлар, рақс ва машқлар.
2. Ўйиннинг, рақснинг, машқларнинг ва дастурий мажмua маҳоратнинг тузилиш хусусиятларини мазмуни.
3. Ҳар хил ўйинларни, машқларни ва бошқа ҳаракатларни ўргатиш давомида ўша малакаларнинг навбат билан ўзлаштирилиши.
4. Айрим ўйин, рақс ва бошқа ҳаракатларни навбат билан ўргатилиши.
5. Дастурий репертуарларни ўзлаштиришда болаларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва х.к.

Бундай методик усуллар унча мураккаб бўлмаган ҳаракатларни навбат билан ўргатиш анча қулайликларга эга. Рақс ўргатиш ҳам мусиқани эшишиб кўришни, айрим мураккаб элементларни кўрсатиб беришни талаб қиласи. Агар рақс икки қисмли шаклдан иборат бўлса (нақорат) бунда тушунтириш бутун композиция бўйича тўлиқ ёки қисмларга бўлинади. Агар жуда мураккаб мусиқий шаклдан – масалан, ҳаракат тузилиши ранг-баранг бўлса, унда қисмларга бўлиб тушунтириш ва кўрсатишни талаб қиласи. Машқларни ўргатиш услуби олдинги гурухларга ўргатиш услубларига ўхшаш бўлади. Методик усуллар ўйин мазмуни, хоҳиши ва дастурий маҳоратига қараб ривожлантирилади. Олдиндан ўйин тахлил қилиниб, кейин ижро этиш қандай малакалар кераклиги зарурлиги тўгрисида режа тузилади. Бу ёшдаги болаларнинг ҳаракат қилиш малакалари унча мураккаб бўлмайди. Шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи керакли методик усулни танлайди.

Энг мураккаби охирги ҳамоҳанглиқдаги фразалар бўйича ҳаракатларни якка тарзда бошлашидир. Бу ерда таниш бўлган машқлар керак бўлади. Бунинг учун мустақил равишда бажариладиган машқлардан фойдаланилади ва ўйинни таҳлил қилиш ва ўйинни ўзлаштиришда болаларнинг олдига қўйиладиган вазифаларни белгилапда қўлланилади. Методик усулларнинг йўналиши бир маромда мунтазам равишда болалар маҳоратини ва қобилиятини ривожлантиришга ҳамда репертуарни ўзлаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Бу усуллар ўзига хос тавсифга эга бўлиб, болаларнинг мусиқага қулоқ солишини, уни ҳис қилишини ўз ҳаракатларида белгилаб боришни тақазо этади. Усуллар босқичлар бўйича материалларни ўргатиши туфайли ўзгартириб борилади. Масалан, биринчи босқичда мусиқани тўлиқ қабул қилишни талаб қиласди. Бунда болалар уни умумий тавсифини, кайфиятини ҳис қилишлари лозим. Навбатдаги босқичда эса ўргатиш бир неча машғулотларга чўзилади. Бунда энг мураккаб ва ифодали ижро этиш элементларини ўзлаштириш учун машқлар қўлланилади. Болалар билан якка тартибда шугулланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин бунда уларнинг имкониятлари хисобга олинади. Охирги босқич такрорлаш бўлиб, бунда болаларни қийналмасдан ва мустақил равишда ижро этишга қаратилади. Методик усуллар болаларни қайси сифатлари ва қобилиятиларни ривожлантиришга қараб педагог томонидан мукаммалаштириб борилади. Мусиқий-ритмик фаолият ижодий ва маҳорат билан ижро этиладиган фаолият бўлиши керак.

Болалар ижоди

Болаларнинг ижодий ҳаракат қилиши учун кўплаб ўйинлар, хороводлар, инсценировкалар мавжуд бўлиб, болаларнинг ижодий ёндашибшига шароит яратиб беради. Педагог болалар фолиятини ижодини йўналтириш давомида ижодий вазифаларни аста секинлик билан мураккаблаштириб бориш орқали бажаради. Масалан, болаларга айрим персонажларни импровизация қилдиради, кейин эса улар бир неча персонажлар ролини бажарадилар ва уларни тавсифли белгиларини аниқлайдилар. Шу мақсадда маҳсус мусиқий-адабий сценарийлар, кўшиқлар, пьесалардан фойдаланиш зарур. Бу эса болалар томонидан жуда қизиқиши билан ижро этилади. Рақсларда ҳам ўзига яраша ижодий вазифаларга ўрин берилган. Бунда болалар энг содда инпровизациялар рақсчалардан тортиб, таниш бўлмаган мусиқа орқали бажара оладилар. Болалар жамоа тарзда ҳам вазифалар олишлари мумкин. Бунда болалар маслаҳат қилишиб рақс композициясини ўйлаб топишга ҳаракат қилишади. Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда асосан икки қисмлик шаклли куйлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу болаларнинг ижодий ёндашувига ёрдам берибгина қолмасдан балки уларни фаоллаштиради, ташаббускорлик кўрсатади ҳамда мустақил равишда ҳаракат қилишади. Йилнинг охирига бориб педагог ўқитиши хуносасини чиқариш учун болаларга қўйидаги вазифаларни таклиф қиласди:

1. Персонажларнинг тавсифли хусусиятларини ифода этиши (юриб келаётган қўғирчоқ, айёр тулки ва бошқа образлар).
2. Жуфт бўлиб рақсни чиройли, тўғри ва ёрқин ижро этишини таклиф этиш. Бунда болалар жуфт бўлишиб, алоҳида алоҳида рақсга тушадилар, қолганлари эса баҳо беришади, ўқитувчи эса белгилаб боради.
3. Ўйланган режа бўйича рақс тузилади, болалар жуфт бўлишиб рақсни қандай ижро этилишини маслаҳатлашадилар. Шу борада ўқитувчи икки болани чақириб рақсга туширади, натижада бир-биридан яхшироқ рақсга тушишга

харакат қилаётган болалар ҳаракатлар ўйлаб топишига интиладилар. Бундан ташқари ўқитувчининг нотаниш бўлган мусиқа ёки қўшиқ ижро этиб бериши орқали ҳам болалар ўзининг ҳаракат қилиш услубини, инсценировка қилиш пайтида ҳаракатларни инсировизация қилишга интилишига қараб ўқитувчи бир йиллик якун ясади. Шундай қилиб, олти-етти ёшли болаларнинг мусиқий-ритмик фаолиятида мусиқий ўйинлар, рақс ва машқлар фақатгина ижрочилик маҳорати бўлиб қолмасдан, балки ижодий ҳам бўлиши лозим. Болалар ўйинларини мустақил равишда импровизация қилишлари, унча мураккаб бўлмаган композицияларни, ҳамда рақсларни тузабилишлари керак.

Савол ва вазифалар

1. Болаларнинг умумий ривожланишида мусиқий-ритмик ҳаракатлар қандай ахамиятга эга?
2. Мусиқа билан ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлиги нима билан ифода этилади?
3. Мусиқий ритмик ҳаракатларнинг вазифаларини санаб беринг?
4. Мусиқий-ритмик ва ифодали ҳаракатлар малакаларига тавсиф беринг?
5. Ҳар хил мусиқий-ритмик ҳаракатларнинг (жисмоний, хореографик, образли, драмали) асосий хусусиятлари нима билан изоҳланишини аниқ мисолида кўрсатиб беринг.
6. Болалар боғчаларидаги ҳар хил гурухлардаги дастурий ритмиканинг талабларининг фарқига тавсиф беринг?
7. Болаларнинг ёшига қараб мусиқий-ритмик ҳамда ифодали ҳаракатлар малакаларининг жадвал бўйича тахлил қилиб беринг ва мураккаблашиб боришини тушунтириб беринг?
8. Ўйинларда, рақсларда, инсценировкаларда, сюжетли ва сюжетсиз ўйинларда ва машқлар қандай тавсифли хусусиятлари бор?
9. Ўйин, рақс ўргатиш услубининг хусусиятларини кўрсатиб беринг.
10. Рақс, сжюетли ва сюжетсиз ўйинларни навбат билан ўргатилишини кўрсатиб беринг?
11. Ўйин ва рақсларни ўргатишда қандай якка тартибда ёндашиш кераклигини тушунтириб беринг?
12. Болалар боғчаларида кичик ва катта гурухлардаги болаларга мусиқий-ритмик ҳаракатларни ўргатишда методик усулларнинг хусусиятлари нимадан иборат?
13. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга биронта рақс ёки ўйин ўргатиш учун методик усул тузаб беринг?
14. Халқ қўшиклари мисолида хоровод учун биронта композиция тузаб беринг?

7-Бўлим

Болалар мусиқа асбобларида ижро этиши

§-1.

Болалар мусиқа асбобларида ижро этиши фаолият туридир.

Болаларнинг ҳаётида қўғирчоқлар ва мусиқа асбоблари ҳозирги замон шароитида болаларга эстетик тарбия бериш вазифаларининг ўсиши натижасида мусиқий қўғирчоқлар ва болалар мусиқий асбобларига алоҳида ўрин берилиши талаб қилинмоқда. Болаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш учун оиласда, болалар боғчаларида мусиқа асбобларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Мусиқий асбоблардан фойдаланишнинг турли имкониятлари

мавжуд бўлиб, боғчаларда якка тартибда давом эттирилади. Педагог, авваламбор, мусиқий асбоблар ёрдамида болаларда мусиқа билан мустақил равишда шуғулланишга мойиллик уйготишга эришиши керак. Болалар таниш бўлган нақоратларни, унга мураккаб бўлмаган ритмикаларни, айrim интонацияларни импровизация қилишни, таниш бўлган айrim куйларни ижро этишга ўрганадилар. Болалар боғчаларида мусиқий асбоблар тўлиқ даражада бўлиши лозим, чунки бу асбоблардан ансамбл ёки кичик оркестр тузишга имконият бўлсин. Болалар мусиқий асбоблари тўлиқ жарангли, ўзига хос оҳангдор бўлиши ва оғирлик бўйича енгил бўлиши керак. Ҳозирги ишлаб чиқаришда ҳамда сотувда бир қанча мусиқий қўғирчоқ ва асбоблар бор. Бу асбобларда ўрганиш учун унинг тузилиши, қандай ижро этиш кераклиги, ўрганиш товушини қандай ҳосил қилиш кераклигини билиш лозим бўлади. Мусиқий қўғирчоқлар асосан сюжетли ва дидактик ўйинларда фойдаланилади. Мусиқий қўғирчоқлардан энг кичик ёшдаги болалар фойдаланилади. Кейинчалик айrim мусиқий қўғирчоқлар оркестрда ҳам қўлланилади.

Мусиқий асбоблар турлари

Болалар мусиқий асбоблари ўзининг оҳанги ва тавсифи жиҳатидан маълум гурухларга ажратиш мумкин:

1. Товушсиз мусиқий асбоблар.

Бу асбоблар фақат мусиқий асбобларнинг кўринишигина ўхшаб товуш чиқармайди. Масалан, пардасиз пианино, торсиз дўмбира ва ҳ.к. Бу асбоблар товуш чиқармаса ҳам, уларнинг ташқи кўриниши болалар учун қизиқарли бўлиб, ижро этиш жараёнини ифода эта олади. Бунда болалар кўпинча ўзларини мусиқий раҳбар ўрнида кўришиб, мусиқий машгулотлар, ёки бўлмаса ўзларини пианиночи ўрнига қўядилар ҳамда ўзларига таниш бўлган куй-қўшиқларни ижро этишга ҳаракат қилишади. Мана шу ҳамма фаолиятлар болаларнинг ижодий тасаввурини ва мусиқий эшлиш қобилиятларини ривожлантириб боради.

2. Товушли мусиқий асбоблар.

Шақилдоқлар, бубнлар, доирачалар, кастанетлар ва учбурчак чолғулар киради.

3. Бир хил товушга эга бўлган мусиқий асбоблар.

Болалар сурнайчалари орқали ҳар хил усуллар бериш мумкин.

4. Маълум даражада куйга эга бўлган мусиқий асбоблар.

Бу мусиқий қуттилардир. Бу асбобларда ижро жараёнида механик куч таъсир эттирилади.

5. Бу ўйинчоқ асбоблар диатоник ва хроматик товуш қаторга эга бўлиб, пианино, кларнеетлар ва бошқа мусиқий ўйинчоқ асбоблар. Бу асбоблар маълум даражада юқоридаги мусиқий асбоблардан фарқ қилиб, уларни ижро этишда, айниқса, хроматик товушқаторлик асбобларда ҳар хил мусиқий куйларни ижро этиш мумкин. Шунинг учун бу асбобларни кенгрок ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Диатоник ва хроматик товушқаторга эга бўлган мусиқий ўйинчоқ асбоблар

Бу асбоблар маълум тавсифга эга бўлиб, пуфлаб чалинадиган мусиқий асбоблар гурухларига бўлинади.

Торли мусиқий асбоблар

Дүмбіралар, дуторлар, рубоблар (ғижжаклар) киради. Бу асбобларда товуш ҳосил қилиш учун бармоқлар билан торларга тегизиш орқали юпқа пластинка ёки медиаторлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Пуфлаб чалинадиган асбоблар

Най, сурнай, карнай ва бошқа асбоблар киради. Бу асбобларни пуфлаш орқали товуш ҳосил қилинади.

Уриб чалинадиган клавишили асбоблар

Бу асбоблар үйинчоқ рояль, пианинолар бўлиб, клавишиларни босгандা товуш ҳосил бўлади.

Уриб чалинадиган асбоблар

Металлафонлар, барабанлар, кастанетлар, ксилофонлар, доиралар, ногоралар киради. Бу асбобларнинг асбоб танасига қўл билан ёки тайёқча билан уриш орқали товуш ҳосил қилинади. Бу асбобларнинг мусиқий тарбиядаги вазифалари у ёки бу гурухларга қараб белгиланади. Илк ва кичик гуруҳдаги болалар билан ишлаш вақтида асосан шақилдоқлар, қўнғироқчалар, найчалар ва бошқа асбоблар. Айрим үйинларда үйинчоқ асбоблар жихоз сифатида хам фойдаланилади. Масалан, болалар қўнғироқчаларни тақиб олишиб, "Тойчоқ" үйинида бубнларни уриб жўр бўлишиб рақсга тушишади. "Поезд" үйинида эса қўнғироқларни жиринглатишиб поезднинг жўнашини ифода этадилар. Мусиқий дидактик үйинларда асбобларнинг роли бирмунча ошади. Болаларга асбобларнинг товушига товуш баландлигига, чўзимиға, тембрига, динамикасига қараб фарқлаш таклиф этилади.

Болаларнинг товуш баландлигини фарқлаш кобилиятини ривожлантиришга қуйидагича ёндашилади. Қайси қўнғироқ баланд эшитилашти ёки қайси қўнғироқча паст эшитилашти деб ижро этиб кўрсатилиб, уларнинг товуш баландлигини аниқлаш ривожлантирилади. Болаларнинг усулига бўлган сезгисини ривожлантиришда қуйидаги усуулардан фойдаланиш мумкин: Бир бола ҳар қандай асбобда битга маълум товушни усул билан беради, иккинчи бола эса тақрорлайди ва х.к. Болаларнинг товуш тембрига бўлган ҳис туйғусини ривожлантиришда фақатгина асбобларнинг товушини таққосламасдан балки асбобларнинг тембрини ва товуш тавсифини хам фарқлашни таклиф этиш керак. Масалан, доирачалар билан бубнлар ва х.к. Бу машқларни, айниқса, мусиқий топишмоқ сифатида олиб борса мақсадга мувофиқ бўлади. Болаларнинг динамик ибораларга бўлган муносабатини ривожлантиришда болаларнинг имкони борича ижро этишини назарда тутган ҳолда ҳамма асбоблардан фойдаланилади. Масалан, болаларнинг ижро этиш вақтида товушларни кучайтириши ёки кучсизлантириши орқали амалга оширилади. Оркестрни ёки ансамблни жамлаш учун ҳамма асбоблар торли, пуфлаб чалинадиган ва клавишили асбобларнинг ҳаммаси бўлиши керак. Лекин болалар эътиборни майин, паст охангдаги асбобларнинг кўпроқ бўлишига жалб қилиш керак. Бошқа асбоблар иложи борича камроқ бўлгани дуруст, чунки бу асбобларнинг товуши баланд бўлиб, юкоридаги асбобларнинг товушини бўғиб кўйиши мумкин. Болалар оркестри учун гуруҳ қуйидагича бўлиши керак. Доирачалар 6-8 киши, металлафонлар 5-7 киши, бубн бир киши бўлиши керак. Оркестрга болаларни шундай кўйиш керакки, раҳбарнинг ўнг томонида паст товушли асбоблар, чап томонда эса баланд товушли асбоблар, орқа тарафга эса уриб чалинадиган асбоблар жойлаштирилиши керак. Лекин айрим вақтларда

оркестр түлиқ бўлмайди. Масалан, Уриб чалинадиган асбоблар олиб ташланади. (Айрим куйларда) ёки фақат миллий асбоблардан тузилган оркестрдан фойдаланиш мумкин. Бундай оркестр тартиби фортепъяно жўрлигига ва фортепъяно жўрлигисиз ҳам ижро этилиши мумкин.

Ўқитишининг вазифаси

Ҳамма гурухларда мусиқий асбоблар билан машғулотлар олиб борилади. Агар энг кичик гурухдаги болаларга асосан ўйинчоқ мусиқий асбоблар таништирилса, юқори гурухларда эса ҳар хил мусиқий асбоблар билан танишиб, аста-секинлик билан бу асбобларда ижро этиш малакаларини ўзлаштира бошлийдилар. Болалар мусиқа асбобларида ижро этишни ўрганиш дастур билан мос равишда ўрта, катта ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ўргатилади. Даструрнинг мазмунига катталарнинг ижросидаги куйларни эшлиши ҳамда болалар мусиқий асбобларларига ўргатиш каби вазифалар киради. Болаларнинг боғчага келганлигининг охирида куйидаги билим ва малакаларга эга бўлишлари керак:

1. Асбобларнинг номларини билиш, унинг оҳанг тавсифини ва ҳ.к.
2. Асбоблардан фойдаланиш йўлларини ва уларда ижро этиш маҳоратини билиши.
3. Баланд ва паст товушларда фойдаланилишни ҳар бир асбобда билишлари.
4. Мусиқий чолғулар пардаларидағи нота товушларини (до-ре-ми-фа-сол-ля-си) ни билиш.
5. Ҳар хил асбобларда энг содда ижро этиш маҳоратига эга бўлишлари, бармоқларни майин ҳаракат қилиб, металлафонда, ва бошқа чолғуларда ижро эта олиши.
6. Кларнетда, нафасни тўғри тақсимлаш, пианинода товушларни бўғиши йўлларини билиши.
7. Бубн ва кастанет чалишда тўғри ушлашни билиш.
8. Ансамблда ижро этиш вақтида умумий динамикага риоя қилишни, суръатига қулоқ солишни ва мусиқани бир вақтда бошлаб бир вақтда тугатишни билиш.
9. Энг содда динамик ибораларнинг элементларини билиш.
10. Якка тартибда содда қўшиқлар ва нақоратларни билиши.
11. Таниш бўлган кичик қўшиқларни эшлиши орқали териб чалишни билиш.
12. Ритмик ва мелодик нақоратларни импровизация(сайқаллаш) қилишни билиш каби билим ва малакаларини ўзлаштиришлари керак.

Мусиқий репертуар

Болалар мусиқий асбоблари учун тузилган репертуар ўзининг бадиийлиги ва қулайлиги билан ажralиб туриши керак. Булар мавзу жиҳатдан ранг-баранг, миллий мусиқа ва замонавий бастакорлар ижодидан тузилган мусиқалардан иборат бўлиши керак. Болаларнинг ҳис-туйғулари кўинча жамоа тавсифида бўлиб, уларни мусиқа оҳанг ҳаяжонга солади. Катта гурухдаги болалар эса лирик қўшиқларни қабул қилишни ва ижро этишни яхши кўришади. Бундан ташқари болаларнинг қизиқишига яқин бўлган асарлардан ҳайвонот дунёси ҳақидаги асарлардир. Бу борада гап репертуарнинг катталигига бўлмай, балки жанрларнинг бир-бири билан ўзаро киришиб кетишидадир. Масалан, “Маршлар” ўзининг тавсиф жиҳатидан ҳар хил бўлиб, “Рондо” турк услубида

бўлади. Кўшиқ куйлашда Н. Тўраназаров мусикаси “Бахтиёрлар қўшиғи” ўзининг енгил ва аниқ марш усуллари билан ажралиб туради.

Бахтиёрлар қўшиғи

Тантанавор

У.Курбон шеъри
Н.Тўраназаров мусикаси

The musical score consists of four staves of music with lyrics in Russian. The first staff starts with a treble clef, a common time signature, and a key signature of one sharp. The lyrics are: Кучок очиб, мехринг сочиб, она ватан, яиранг дер. The second staff continues with the same key signature and lyrics: Кувноқ кулиб, завқка тўлиб, булбул каби сайранг дер. The third staff begins with a new section labeled '1.' and has lyrics: Хал-ким бул-о-мон, юр-тим бул-о-мон. The fourth staff begins with '2.' and has lyrics: мон, Хал-ким бул-о-мон, юр-тим бул-о-. The fifth staff concludes with '3.' and has lyrics: мон.

Кучок очиб, мехринг сочиб,
Она ватан, яиранг дер.
Кувноқ кулиб, завқка тўлиб,
Булбул каби сайранг дер.

Накорат:

Халқим бул омон,
Юртим бул омон.

Кўп миллатли ҳамдаммиз,
Кўллар кўлда, кўзлар йўлда.
Шон кучамиз хардам биз,
Зехнимиздан, меҳримиздан.

Накорат:

Халқим бул омон.
Юртим бул омон.

Рақсларда эса бундан ҳам хилма-хилликларни кузатиш мумкин. Лекин умумий талаблар билан биргаликда мусиқий репертуарда маҳсус талаблар ҳам бўлиб, болалар мусиқа асбоблари жиҳатидан тавсифли хусусиятларга ҳам эга. Оркестр учун мўлжалланган асарларда албатта болаларнинг имкониятларини эътиборга олиш зарур. Булар куйидагилардан иборатdir. Кўйнинг диапазони унча катта бўлмай товушлар кетма-кет келган бўлиши ёки бўлмаса унча катта бўлмаган интервал орасида бўлиши ва такрорланиб туриши, фактураси эса анча ёрқин, усул жиҳатдан унча мураккаб бўлмаслиги, яъни кўп такрорланиб турадиган усул айланмаларидан тузилган бўлиши керак. Агар динамик ривожланиш ўзгартирилишини талаб қиласа, унда жуда аниқ килиб ўзгартирилиши керак. Чунки ҳали болаларнинг эътибори аниқ бўлмай ижро этиш маҳорати анча суст бўлади. Ўқитувчининг энг асосий вазифаси болаларга мусиқий асбобларда ижро этишни ўргатиш бўлиб, уларни мусиқага қизиктиришдир. Болалар мусиқий асбобларида ижро этиш учун репертуарлар куйидагича бўлиши керак:

1. Бошлиғич машқлар учун кичик-кичик куйчалар.
2. Якка тартибдаги ўйинлар учун қўшиқлар, айтишувлар ва х.к.
3. Жамоа бўлиб ижро этиш учун куйлар, кичик қўшиқлар.

Мусиқий асбобларда ўзлаштириш машғулотлари катта қизиқиши билан олиб борилиши керак. Шунинг учун ҳам болаларни катталарнинг оркестрда ижро этиши туфайли эшигилган мусиқий оҳанг билан таништирилади. Энг аввало, тўғри ижро этишга ўргатиш булиб, Биринчи навбатда усул билан ижро этишга ўргатишидир.

Бошланишда бир товушга эга бўлган куйлар ўргатилади. Бундай мусиқий асарларни болалар осонлик билан ўзлаштира оладилар. Якка тартибда машқлар ўтказиш учун ҳар хил айтишувлар (шоирона мати билан)дан фойдаланиши мумкин. Бу эса болаларнинг эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш билан биргаликда улар қўшиқ айтишади ва мустақил равишда ўзлари ижро этадилар. Жамоа бўлиб ижро этиш оркестр гурухига боғлиқ бўлади. Оркестрга ижро этишни ўргатиш учун мусиқий фразаларни аниқ қилиб ижро этишга ўргатиш лозим. Айниқса аралаш оркестрда аниқ кўринади, чунки ҳар бир асбоблар гурухи ўз вақтида мусиқий боғланишлари керак. Шундай қилиб, болалар мусиқий асбобларида ижро этаётисб улар ўзларининг шахсий ҳожатларини чиқарадилар ва жамоада келишган ҳолда ҳаракат қилишга қўникма ҳосил қиласидилар.

Болалар мусиқий асбобларида ижро этишга

Ўргатиш услублари

Ўргатиш усуллари

Ҳар бир ЧОЛГУ асбобини ижро этишда ўзига яраша қийинчилиги бўлиб, болаларнинг имкониятига қараб вазифа берилади. Мусиқий асбобларда ижро этиш услубида ҳар хил мусиқий вазифалар навбат билан ўргатилиши керак. Бу борада ҳали педагогик анъаналар етарлича эмас. Бошқа ижролар қатори куйларнинг ўргатишда тўғри ижро этиш усулларидан унумли фойдаланиши зарурдир. Бу ерда асосан жамоа билан якка тартибда ишлашдаги боғлиқлик равшан кўриниб туриши керак. Амалда мусиқий асбобларда ўргатишда ҳамма билан бир вақтда шуғулланишади ёки мусиқий асарни ҳаммага бараварига ўргатишади. Бу усул болаларни чарчатиб, эътиборини чалғитиб юборади. Бу борада бошқа усуллардан фойдаланиши мумкин. Масалан, умумий машғулотда болаларга чолғу асбоблари таништирилиб, унинг асосий ижро этиш усуллари билан таништирилгандан сўнг асбоб бошқа гурухларга узатилади. Бу гурухда энди болаларнинг ўзларининг ташаббуси билан бир-бирига танита бошлайдилар. Мусиқа раҳбари фақатгина ёрдам бериб боради. Бу вақтда умумий машғулотда бошқа асбоб билан таништириш давом эттирилади. Аста-секинлик билан диатоник ва хроматик товушқаторларга эга бўлган асбоблар билан таништирилиб борилади. металлафонлар, аккордеонлар, уриб чалинадиган асбоблар билан таништиришда оз вақт кетади. Шунинг учун машғулотда иккита ёки учта асбоб олиб кириш мумкин. Масалан, доира, бубн, кастанетлардир. Бу асбобларда болалар фақат усул беришини ўрганадилар. Мусиқий асбобларда ижро этишни ўргатиш услубида тахминан қуидаги вазифалар бажарилиши керак.

1. Ижро этиш техникаси малакаларини ўзлаштириши.
2. Айрим асбобларда ижро этишга ўргатишда ва ўзлаштиришда вазифаларни навбат билан бажариш.
3. Айрим мусиқий асбобларга ўргатиш.

Техник маҳоратлар

Ижро этиш маҳорати чолғу асбобининг тузилишига боғлиқ бўлиб, болага биринчи навбатда асбобни жойлаштириш усулини топиш керак. Металлафон ва қсилофонларни асосан бирон нарсанинг устига қўйиб боланинг тиззаси баробар қилиб жойлаштириш лозим. Барабан ва бубни бел атрофига қўйилгани маъқулроқдир. Учбурчакни эса бирон нарсага илиб қўйиш керак. Мусикий асбобларда ижро этишга ўргатишида товушни тўғри ҳосил қилдириш зарурдир. Масалан, металлафонда ижро этиш пайтида ургични кўрсатгич бармоқ билан чўпни ост қисмига, бош бармоқни эса чўпни уст қисмига қисган ҳолда уилаш керак. Зарб пластинканинг ўрта қисмига тегиши керак, лекин енгил урилиши лозим. Бунда билак жуда эркин тутилиши керак. Чунки агар чўпни қаттиқ қисиб ушлаб урса товуш жуда баланд чиқади ёки ургични пластинканинг устига қолдирса, товуш ёқимсиз ва хира чиқади. Кастанетнинг товуши жуда баланд шунинг учун уни қўлга олиб енгилгина уриш керак. Бунда товуш пастроқ эшитилади лекин усули аниқ эшитилади. Учбурчакда ижро этишда чўп билан горизонтал қисмининг ўртасига урилади. Зарб енгил ва қисқа бўлиши керак. Агар товуш кўп чўзилса, унда қўл билан ушлаб тўхтатиш керак. Бубнинг товуш хусусияти ҳар хил бўлиб, зарбнинг қандай урилишига боғлиқ. Агар бубнинг четига ва ўрта қисмига бирин-кетин урилса ўзига хос ҳар хил товуш ҳосил бўлади. Болалар товушнинг сифатини ҳис қила бошласалар унда ҳар хил усулларга тезда кўникма ҳосил қилишиб, эшитиш қобилияtlари ўсади ва ўз хатоларини тузатишга ўрганадилар.

Вазифаларнинг кетма-кетлиги

Ўргатиши жараёнида мусика раҳбарнинг ўргатиши усули болаларнинг янги машгулотга қизиқтиришига қаратилган бўлиши керак. Ҳар бир мусика асбобининг товуш тавсифига бирон бир табиат манзараси ифода этиб туриши лозим. Масалан, қушлар, ҳайвонлар товушига, инсоннинг нутқига ўхшатишга ҳаракат қилиши керак. Педагог қушларнинг овозини ўхшатиш учун болаларга “Кушчалар жарангли ва баланд сайрашади” деб цитрада ижро этиб беради.

Металлафон ёмғир томчисини яхши ифода этади. Олдин томчилар секин томади сўнг тезлашади ва кучаяди. Масалан, намгарчилик ҳамма болаларга гўёки походга кетдик, дегандек бўлади.

Бу усуллар билан педагог ҳар бир асбобнинг ифода этиш имкониятлари билан таништиради. Чўпдан, пластмассадан, металл предметлар ранг-баранг товуш хусусиятларига эга бўлиб, болалар бунга катта қизиқиш билан қулоқ солишиб, навбат билан ҳаракат қилиши ва ҳар хил ритмик усулларни ва вазифаларни бажарадилар. Бунда болалар қуйидаги машқларни бажариши мумкин.

Мусикий садо

Болалар иккита кичик гурӯхларга бўлинишади.

1-зиқ. Ўқитувчи чўп билан тақиљлатади.

2-зиқ. Биринчи кичик гурӯхча оёқларини товони билан топиллатишади.

3-зиқ. Иккинчи гурӯхча бармоқлари билан иккинчи қўлига уриб товуш чиқаришади.

Шунга ўхшашиб машқлар ривожлантирилиб, усул сифатида ҳам қўлланилса бўлади. Бундан ташқари инсон нутқини интонацияларини ифодали ижро этиш усули билан речитатив тарзда кўникма ҳосил қилдириш ҳам мақсадга

мувофиқдир. Бу усулда урғулар, тинишлар аниқ эши билади. Болаларнинг хар хил фаолиятларида ритмик айтишувлар ва мусиқий нутк интонациялари бўйича ҳам кўникма ҳосил қилиш яхши самара беради. Масалан, тарбиячи болалардан “Кимни чақирдим? ”Анварними ёки Лоланими?” деб сўрайди. Болалар буни ритмик ҳолатда аниклаб олишлари керак (тарбиячи бу усулни металлафонга ижро этади): Масалан, Ан-вар-жон. Ёки ўғил болалар қиз болаларни қандай чақиришини аниқлайдилар: “Ло-бар, Ло-бар-хон” ва ҳ.к.



Ан – вар- жон Ло- бар Ло-бар-хон.

Мана шу усуллардан кейин болалар бир-бирларининг исмини мустақил равишда айта олаверадилар. Маълум бир ритмик усул ўйлаб топган ҳолда фланелографга карточкалар кўйиб, “Мусиқий алифбога” мослаштирилади. Карточкаларнинг энлиги чорак товушларни белгилайди, энсизи эса саккизталик товушларни белгилайди. Масалан, Усул билан ижро этишдан энди речитатив ижрога ўтилади. Бунда болалар бир-бирларини ҳар хил оҳангда майнин, хафа, ҳаяжон билан, тантанавор тарзда чақиришадилар.

Бунда болалар гоҳида баланд, гоҳида интонацияларини пасайтирган ҳолда усул билан чақиришадилар. Шу билан бир қаторда улар асбобларда жўр бўла оладиган кичик-кичик қўшиқчалар басталашадилар. Кейинги ўргатиш ўз навбатида битта асбобда ўргатилади, кейин иккинчиси ўргатилади. Натижада, ижро этиш малакалари ҳам кенгайиб боради. Булар олдин усул билан кейин куйни, сўнгра тор интервалда тузилган куйларни, ундан сўнг эса анча кенг оралиқдаги интерваллардан тузилган куйларни ўзлаштирадилар. Болалар унча мураккаб бўлмаган мусиқий асарларни, қўшиқчаларни ўрганиш вақтида иккита кийинчиликни енгишлари керак. Усул ҳолати ва куй ҳолатини ҳосил қилиш. Бунда товушнинг тўғри ҳаракатини ҳосил қилиш усули ўзлаштирилаётганда мусиқа раҳбари усулни ҳосил қилиш, тўғри товуш ҳосил қилиш усулини, ҳамда бошлангич кичик-кичик қўшиқларни вазифа тариқасида бажаришиб, товуши майнин, ва ритмик усулда кўрсатишни сўрайди. Ўқитувчи фортечъяномда ижро этиб кўрсатишда асар иккинчи марта такрорланганда жамоа тарзда ижро этилади ва вазифа бажарилади (бу борада болалар ноталарнинг жойлашиши доимий тарзида ўрганилиб осонлашган бўлиши керак).

Навбатдаги машғулотда савол-жавоб қилиниб, ўрганилган қўшиқлар ҳар хил товушларда ижро этирилади. Тарбиячи бу вақтда уларга таниш бўлган ноталарни айтиб кўрсатиб туради. Масалан, “Ми” нотасини чал ёки “ре” нотасини чал” деб тарбиячи томонидан таклиф этилади. Лекин шуни эсда сақлаш лозимки, болаларга куйни ижро эттиришдан олдин уларга куйни яхши ёдлаттирган бўлиши керак. Чунки металлафоннинг товуши кучли бўлса болаларнинг овозини босиб кетиши мумкин. Бу эса ўз навбатида болаларни адаштиришга олиб келади, сабаби металлафоннинг товуши бир октава баланд эшитилишидадир. Шунинг учун болаларнинг овозига унча мос тушмайди. Болалар бир неча нақоратларни ўргангандан кейин қуидаги вазифаларга ўтса ҳам бўлади. Энг аввало, яқин интервалдаги нақоратларни ўргатиш, кейин эса кенг интервалдаги нақоратларни ўргатиш керак. Шоирона текст болаларни эслаб қолишга ёрдам беради ва ўрганишда асарларни мустақил равишида бажарадиган машғулотларида фойдаланадилар. Шу билан бир қаторда вазифани

мураккаблаштириб бориш керак. Бу борада секунда интервали оралигидаги күйларни ижро этиш енгилрок бўлади. Шунинг учун машқдан кейин бигта товушдан накоратларни ижро этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, куй интонациялари майин бўлиши, халқ йўлида айтиладиган қўшиклар мисол бўла олади.

Анча мураккаб бўлган ижро этиш маҳоратини ўзлаштиришда репертуарни аста-секинлик билан мураккаблаштириб боришга имконият яратади. Асосан болаларнинг мусиқага бўлган сезгисини, унинг кайфиятига, мусиқий воситага тулоқ солиши мухим ҳисобланади. Чунки ҳар бир бадиий асар ўзгача, ва ўзига хосdir. Шунинг учун ўзлаштириш услуби ҳар хил бўлади. Агар болалар биринчи маротаба бирон мусиқий асарни тинглаган пайтида уларнинг мусиқий кабул қилиш қобилиятини фаоллаштиради. Бунда болаларга шу куйни қайси асбобларда ижро этса яхши, қайси жойини бошқа асбобда ижро этса бўлади, ғана саволлар берилади. Бунда жуда қизиқ усулни қўлласа бўлади. Болалар куйни басталашга ҳаракат қилишиб, ўзларини қарорини чиқаришиб қайси асбоб куйни гўзаллаштиради ёки қайси асбобда куй чиройли чиқади деб айтишадилар.

Мусиқий асарларни ўргатиш услублари

Куйлар қанчалик мураккаблашиб борса фортяньно жўрлиги ҳам шунча ривожлантирилган бўлади, шунинг учун ўргатиш жараёнини шошилмасдан ривожлантириб бориш керак. Кўпинча педагогик амалиётда шундай усул тутланилади: Болалар ўзларининг асбобларида куйни ижро этадилар, катталар ва фортяньонода жўр бўладилар. Ҳамоҳангликни ранг-баранг қилиш учун бошқача усулда олиб борса бўлади. Масалан, педагог томонидан куйни ҳаммаси эро этилади, болалар эса металлафонга куйини эмас, балки гўёки турнавозликни ижро этадилар, яъни ладни товушга мос қилиб биринчи ва бешинчи, ёки биринчи, тўртинчи, бешинчи босқичларни ижро этадилар. Мусиқий асарларни асбобларга бўлишда енгил ва қисқа товушли асбоблардан ўзгариши мухимдир. Бу металлафон ва учбурчакдир. Мусиқий асбобларда ўзгатиш фақат репертуарни ўрганишдан иборат бўлмай, балки ижодий тавсифда ўзмоги лозим.

Болаларнинг мусиқий ижодини ривожлантириш усуллари

Болаларнинг мусиқий ижодий фаолиятлари мусиқий асбобларнинг товуш имкониятларидан бошланади. Бу изланиш педагог томонидан йўналтирилади. Масалан, “Какку қандай сайрайди”, “Ёмғир қандай ёғади”, “Момақалдиrok салай гумбурлайди” деб болаларга ижро этишини таклиф этади. Мактабгача маълум муассасаларида болаларга мусиқий асбобларда ўргатиш жуда тикилотчилик ва навбат билан амалга оширилиши, ҳамда мухим саналиши ўз. Ўргатишнинг муваффақияти болаларга мусиқий машғулотларнинг ҳамма ҳарини мужассамлаштиришга боғлиқ бўлиб, машғулотларда маълум даги билим ва малакалар ҳамда репертуарларни анча кўпайтиришдир. Болалар ўрганган қўшикларини жуда қизиқиши билан ўзларининг асбобларида ишга, байрамларда ва дам олишларида қўллайдилар. Болаларнинг янги мусиқий асбобларда ўргатишда қизиқтириш вазифаларини бажаришга у ёки бу вазифаларни ижро этишда асбоблар танлаш, ўзларининг ижросини сифатига баҳо каби вазифаларни бажарадилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг умумий мусиқий ривожлантиришда жуда қимматли манба бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи ҳараларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантиришда уларга ҳар хил ҳаралар беради. Масалан, Ижро этган таниш мусиқий асарнинг баҳолашлари

ёки бирон бир асбобда ўзининг шахсий ижроси, қушларнинг сайрашини ифода этадиган асбобларни танлаш ва ҳ.к. Бу борада тарбиячи билан мусиқий раҳбарнинг роли жуда муҳим ҳисобланади. Улар фақат машғулотларга раҳбарлик қилиб қолмасдан, балки болалар мусиқий асбобларида эркин ижро этишлари, асбобларнинг тузилиши ва ижро этиш усулларини билишлари керак. Шундай қилиб, мусиқий асбоблар ва мусиқий ўйинчоқлар болаларнинг ҳаётини гўзалаштириб, уларнинг шахсий ижодига мойиллик қўзгайди. Мусиқий асбобларда ижро этишни ўрганиш болаларнинг эшитиш қобилиятларини, усулга бўлган сезгисини, тембрларнинг фарқлаши, динамикани ҳис қилишларини ривожлантиради. Болалар ҳаракати жараёнида уларда мустақиллик, эътибор ва ташкилотчилик аломатлари намоён бўлади.

Савол ва вазифалар

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мусиқий асбоблар ва мусиқий ўйинчоқларнинг қандай аҳамияти бор?
2. Болалар мусиқий асбобларининг турларига изоҳ беринг?
3. Болалар мусиқий асбоблари ва ўйинчоқларининг хусусиятларини айтиб беринг?
4. Қайси ёшдаги болаларга мусиқий асбобда ижро этиш ўргатилади?
5. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мусиқий асбобларда ижро этишга ўргатиш услублари қандай бўлиши керак?
6. Болалар мусиқий асбобларида ўргатишнинг шаклларини санаб беринг.
7. Мусиқий асбобларда ижро этишда болаларнинг ижодий фаолиятини очиб беринг.

III-кисм

8-Бўлим

Болаларнинг мусиқий фаолиятини ташкил қилиш шакллари Мусиқий манигулотлар

§- 1

Мусиқий машғулотларнинг таркиби ва мазмуни

Болаларга билим беришнинг асосий шакли мусиқий машғулот бўлиб, мунтазам равища аниқ бир мақсадга йўналтирилган ва ҳар томонлама болаларни тарбиялаш ва мусиқий қобилиятларини шакллантиришдан иборатdir. Машғулотлар кетма-кет тузилган бўлиб, ҳар хил мусиқий фаолиятларни ўз ичига олади. Булар қўшиқ айтиш, ритмика, мусиқа тинглаш ва мусиқий асбобларда ижро этишни ўрганиш ҳамда элементар мусиқа саводига эга бўлишдан иборат. Мусиқий машғулотлар бир вақтда ҳамма гурухлар билан олиб борилади. Бу машғулотларнинг таркиби ва мазмуни болаларнинг ёши ва ўкув вазифасига боғлиқ бўлади. Болаларнинг биринчи ёшидан ўқитишнинг бошлангич босқичида қабул қилинади ва бола билан катталарнинг фаол муносабатига асосланади. Илк ёшдаги иккинчи гурухдан бошлаб ҳамма гурухлар билан олдин майда гурухларга бўлиб, кейин эса ҳамма билан 10-13 минутдан ҳафтасига икки мартадан ўtkазилади. Машғулотларнинг мазмуни қўшиқ айтишга ўргатишни, ритмика билан шуғулланишни, мусиқа саводи элементларини ўргатишни, мусиқий асбобларда ижро этишни ўргатишни ўз ичига олади. Бу турлар бўйича билан ҳажми мусиқий тарбиянинг дастур ва вазифаларига ҳар бир гурух бўйича белгиланади. Машғулотларнинг мазмунини очиш учун айrim умумий саволларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мусиқий машғулотларда ва бошқа машғулотларда умумий тарбиявий ишлар бажарилиб, ўкув

материалларига ижодий ва ташаббускорлик муносабатлари шаклланади. Ўзлаштирилган малакалар сифатига бўлган талаб гурухдан-гурухга ўтиш жараёнида кенгайиб мураккаблашиб боради. Болалар бу машғулотлардан бирданига бир неча мусиқий фаолият турларини ўрганадилар. Масалан, Қўшиқ айтиш, мусиқий ҳаракатлар қилиш ва х.к. Машғулотнинг тузилишини мураккаблиги шундан иборатки, ўқитувчининг мохирлик билан болаларнинг эътиборини бир турдан иккинчи турга алмаштиришдир. Машғулотнинг бошқа бир мураккаб томони бу ўқув материалини навбат билан ўргатиш, бошланғич таништирув, ўқитиши давомида малакаларни ўзлаштириш, такрорлаш, ўрганилган вазифаларни ижро этиш ва х.к.

Машғулотлар тузилишига қўйиладиган асосий талаблар

Мусиқий машғулотларни режалаштириш вақтида тарбиячи қўйилган талабларни қуидагича ҳисобга олиши керак:

1. Ақлий, жисмоний ва болаларнинг эмоционал шаклланиши.

2. Ўргатилиши керак бўлган репертуарларни навбат билан ўргатиш.

3. Болаларнинг мусиқий қобилиятини ривожланишида малакаларнинг ўзлаштирилиши, билими, мусиқий репертуарларни ўргатишни мужассамлашишига эътибор қилиш.

4. Болаларнинг ёшига мос бўлган мусиқий вазифалар ва х.к.

Бу талабларни кенгроқ қўриб чиққанимизда қуидагиларни бажариш лозим. Ўқув материаллари ўзининг мураккаблиги бўйича ҳар хил бўлиб, вазифа етарлича ақлий фаолликни талаб қиласди. Шунинг учун машғулотларнинг бошланишида мураккаблигига қараб вазифалар берилади. Масалан, Қўшиқ айтишдан олдин жисмонан кийин бўлган машқлар бериш мақсадга мувофиқ эмас, чунки болаларнинг нафас олиш ритмiga таъсир этиб, қўшиқ айтиш сифатига анча таъсир этади. Шунинг билан бир қаторда машғулот охирида кетма-кетли ҳаракат қилдириш ва умумий оғирликни пасайтириш лозим. Ўқитиши амалиётида фаолиятларнинг ҳар хил турларини аниқ мақсадга қаратиб бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун машғулот бошида унча катта бўлмаган мусиқий ритмик машқлар, айрим рақс элементларидан тузилган машқлар берилади. Бу ҳаракатлар вазифани тўлиқ бажаришда имконият яратади. Машқларни бажариб бўлгандан кейин болаларни ўтиргизиб қўшиқ айттирилади, мусиқа тинглайдилар. Ўқитишининг кейинги босқичи уй шаклидаги мусиқий ритмик фаолият бўлади. Бунда кувноқ рақс ва хороводлардан иборат бўлади. Ниҳоят кейинги босқичда яъни комплекс тарзда олиб бориладиган машғулотда мавзу фақат мусиқа билан уйғунлаштирилмасдан, балки тасвирий ва бадиий санъат ҳам иштирок этади. Мусиқа асосий бадиий образ бўлиб тавсифли белгилар, поэзия, чизмачилик, театрлашган ҳаракатлар фаол иштирок этади. Шу билан бирга умумий тарбиявий вазифалар космос билан таништириш, қишини ўтказиш, армия, она ва х.к. Бу йўллар болаларни бадиий тажрибаларини бойигади. Машғулотнинг таркиби эгилувчан бўлиб, болаларнинг ёшини эътиборга олиш, унинг мазмунни, материалларнинг хусусиятларини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади. Илк ва кичик мактабгача тарбия ёшидаги болаларга гурухлардаги машғулот анча ёрқин тусда ўтказилади ва ўйин тавсифида ўтади. Педагог мусиқий машғулотларни режалаштириш вақтида фаоллик ва ижодий ёндашиши лозим бўлади. Шундай қилиб, мусиқий машғулотларнинг таркиби болалар фаолиятининг турли шаклларини ўз ичига олиб, дастурий ва умумтарбиявий вазифалар амалга оширилади.

Мусиқий машғулотларнинг режалаштириш ва ҳисобга олиш

Мусиқий машғулотларни режалаштириш бу педагогик жараённинг энг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мусиқий машғулотларнинг талаби истиқболли тарбиявий вазифаларни ҳисобга олиш ва режалаштиришдан иборатдир.

Катта гурухлардаги тахминий истиқболли режалаштириш.

6-илова

Мусиқий вазифалар	Билим ва малакалар	Репертуар		
		Март	апрел	Май
Болалар овози ва эшитиш қобилиятини ривожлантириш да кўшиқчилик малакаларини ўзлаштириш.	2-3 ёндош тоналликда ва куйчан кўшиқ айтиш (журли ва журсиз) Кўллари билан юқориги ва пастги товушларни кўрсатиши орқали терция интервали оралиғидаги баланд ва паст товушларни фарқлаш Ватанга муҳаббат руҳидаги мусиқий асарларнинг жонли тавсифини қабул қилдириш.	Ф.Назаров “Ватаним” мусиқаси.	Д.Омонуллаева”. “Кел ўртоқжон ўртоқ “	Д.Омонуллаева. ”Онажонлар байрами”

Истиқболли режалаштириш

Болалар боғчаларида тарбия бериш ва ўқитиш дастуридаги ўқув материаллар чораклар бўйича бўлинган бўлиб, унда аниқ шартлар кўйилмаган, шунинг учун дастурда истиқболли режа тузиш зарурати туғилади. Бу режа педагогнинг кўшиқлар, рақсларни, хороводларни ўргатишида ва уларнинг вазифаларини тасаввур қилишга ёрдам беради. Раҳбар бира-тўла ҳамма гурухларда бир вақтда машғулот ўтказади. Истиқболли режа эса қилинадиган вазифаларни мувофаққиятли бажаришида яқиндан ёрдам беради. Машғулотлардаги истиқбол режалардан 2-3 ойлик иш учун тузилган вазифаларни кўриб чиқамиз.

1. Мусиқий фаолият турларининг ҳаммаси.
2. Билим ва малакалар ҳажми.
3. Мусиқий фаолият турларининг барчаси бўйича репертуарлар.
4. Болаларнинг умумий ва мусиқий ривожланиши, билими ва ижро этиши маҳоратини текшириб кўриш.

Мусиқий фаолиятнинг ҳар хил турлари бўйича режа тузиш вақтида унинг вазифалари аниқлаш. Масалан, Катта гурухларда қуйидағича аниқланади:

Кўшиқ куйлаш. Бунда кўшиқ ўрганиш жараёнида вокал малакаларини ўзлаштириш, машқлар, овозларни ривожлантириш, нота саводини ўргатишига тайёрлаш ва кўшиқ ижрочиликлари кўрилади.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар. Бунда рақс ҳаракатларини бажарып малакаларини үзлаштириш, үйинларда персонажларни якка тартибда ижодий тасаввур қилиш, ҳаракатнинг ифодалилiği, мусиқий үйин ва рақс ижодкорлығы үрганилади.

Мусиқа тинглаш. Мусиқага бўлган муносабатини тарбиялаш, мусиқани фаол қабул қилиш, мусиқа тўғрисида бошланғич маълумотларни ўзлаштириш.

Болалар мусиқа асбобларида ижро этишни үрганиш.

Айрим асбобларда ижро этиш малакалари ва маҳоратлари, якка тартибда ижро этиш, жамоа тарзда ижро этиш малакаларини ўрганишларидан иборатdir. Болалар фаолиятининг у ёки бу тури бўйича билим ва малакаларни режалаштириш вақтида режадан кўчириб олиш тавсия этилмайди. Чунки режадаги кўшиқда Масалан, М.Икромова мусиқаси, Д.Омонуллаева шеъри "Баҳор гуллари" кўшигини олайлик бунда енгил кўтаринки рухда, шодон кайфият билан куйлаш дейилган.

Бахор гуллари


Д.Омонуллаева шеъри

М.Икрамова мусиқасы


Үртacha тезликда



Най, най, на, на, най, на, най, най, най, на, на, най, на, най.



Ат - роф ям - я - шил, ба - хор чо - ги - да



Бу малакалар дастурга мос келади, лекин бу малака фақат шу құшиққа мүлжалланған. Мусиқий фаолиятнинг ҳамма турлари бүйіча режалаштирилған репертуарда шуғулланиш вақти бирон бир құшиқни ўргатиш вақти құрсатилади. Бу эса асарнинг умумий сонини аниклашда имконият яратади. Истиқболли режа қуидаги билимларни текширишни ўз ичига олади. Мусиқий әшитиш қобилятини, овозини, харакатдаги ифодаликни, ижөдий ёндашишни ва х.к текширишга мойиллик берган құрсатгычлар эътиборга олинади. Масалан, Мусиқа асбобларида құшиқларни ижро этиш, мусиқий асбоблар жүрлигіда құшиқни мазмунли ижро этиш, қанча болалар у ёки бу құшиқни нечтасини

ёддан билишади ва ҳ.к. Бундан ташқари түғри ижро этадиган болаларнинг сонини билиш, мусиқий эшитиш қобилиятини ривожлантириш кўрсатгичини, товушларнинг баландлигини, чўзимини, мусиқага қулоқ солган ҳолда катталарга кўшилиб кета олиш малакаларини ва ҳ.к. Мусиқий ритмик харакатларда ҳам таниш бўлган айрим ўйин элементларини ўзлаштириш, ўйинда ижодий ёндашиш сифатларини текшириб кўрилиши мумкин. Мусиқа тинглаш жараёнида мусиқий қабул қилиш малакаларини текширишда педагог қўйидаги хусусиятларни текширади. Болаларнинг кувноқ ва вазмин қўшикларни фарқлай олишини, катта гурухдаги болалар эса мусиқий бошланишни, янги қўшиқда айрим ёрқин воситаларни фарқлаш ва шунга ўхшаш ритмикадан, мусиқа тинглашдан, мусиқий асбобларда ижро этишдаги вазифалар режалаштирилади.

Тақвим режа

Тақвим режа келгуси машғулотларнинг дастурий вазифаларини ўз ичига олади. Булар репертуарлар ва энг керакли методик усуллардан иборат бўлади. Режа бир-икки ҳафтага мўлжалланиб, яъни иккита тўртта машғулотни ўз ичига олади. Чунки ўқув материаллари етарли даражадаги ҳажмга эга бўлиб, ҳар хил фаолият турларидан иборат бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳамма машғулотлар юқори ташкилий савияда ўтадиган бўлиши керак.

Бир машғулотдаги тахминий тақвим режа.

(Катта гурухларда)

Болаларни қатор шаклида туришиб, марш садоси остида зал бўйлаб юриш, атроф мухитга нисбатан мувозанатини кўнитириш, марш суръатига мос равища юриш.

1. Рақс элементлар бўйича машқлар. Мусиқа тавсифига мос равища пружинасимон ўтириб-туриш.

2. Оёқларни олдинга қўйиб енгил, усул билан сакраш.

3. Қўшиқ куйлаш. Эшитиш ва овозларни ривожлантириш учун қўшиқни чўзиб, куй ва усулинин аниқ бажарган ҳолда ижро этиш.

4. Берилган матнга импровизация қилиб(сайқал бериб) қайта ишлани учун ижодий вазифа беришдаги методик усуллар. Педагогнинг ижро этиб бериб кўрсатиши, болаларнинг ўzlари қилган импровизациясини якка тартибда ижро этиш. Жамоа бўлиб қўшиқ айтиш, сўнг кичик гурухларга бўлинниб айрим бандларини ижро этиш.

5. Болаларнинг нозик ва лирик тавсифдаги қўшиклар билан таништириш ва онага бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссини қўзгаш.

Методик усуллар. Педагог томонидан бирон қўшиқни ижро этиб берилиши, қўшиқ тавсифи тўғрисида саволлар берилиши, унинг мазмунин ҳакидаги саволлар.

6. **Мусиқа тинглаш.** Куйни эслаш учун тақороран эшиттириш, куйнинг тавсифини фарқлаш, қисмларнинг сонини аниқлаш.

Методик усуллар. Мусиқий асарнинг айрим жойларини ижро этиб кўрсатиш, дисқда тинглаб сўнг фортеپъяно жўрлигига тақорорлаб кўриш.

7. **Мусиқий-ритмик тавсифлар.** Ҳар хил тавсифдаги ўйин образларини ўргатиш, ниёда кавалерчилар марш суръатида келиши.

Методик усуллар. Вазифани якка тартибда бажариш, учта образни ифода эттириш учун учта кичик гуруҳчаларга бўлиб чиқиш, болаларнинг ҳаракатини енгил ва ёрқин бўлишини назорат қилиб туриш, уларни ўз вақтида йўналишларини кузатиб туриш, болаларнинг ҳаракат қилиш бўйича педагогнинг

изоҳ бериши ва бошқалар. Тақвим режада ҳар бир машғулотнинг натижаси белгилаб борилади. Режада қайси болалар яхши ўзлаштирилар, қайси жойида қийналишшаётган, қандай кўшимча машқлар кераклигини белгилаб бориш лозим. Ҳисобга олиб боришда албатта яхши ижро этаётган болаларнинг исмлари кўзга ташланиб туриши керак. Чунки, уларнинг ривожланиб боришини таҳлил қилишда керак бўлади. Йилнинг охирига бориб ўтилган дастур бўйича болаларнинг мусиқий ривожланиши ва фаолият турлари бўйича қўшиқ айтиш, мусиқа тинглаш, ритмикада 4-5-6 бўлимлар бўйича хулоса ясалади. Шундай қилиб, раҳбар ҳар хил услубларни кўллаб (жамоа тарзда, гуруҳ билан ва якка тартибда) болаларнинг тўлиқ ривожланишини кузатади. Ундан ташқари машғулотларни тўғри ташкил қилиш, қилинган ишларни ҳисобга олиб боришда яқиндан ёрдам беради.

Савол ва вазифалар

1. Болалар мусиқий фаолиятининг ташкил қилишнинг аҳамияти нимадан иборат?
2. Болаларнинг тарбиявий вазифалари ва ёшлик хусусиятларига боғлиқ машқлар тузилиш талаблари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Мусиқий машғулотларнинг режалаштириш қандай амалга оширилади?
4. Берилган 6- режа бўйича истиқболли тақвим режа тузиб беринг (мусиқий-ритмик ҳаракатлар бўйича ўёки бу гуруҳга).
5. Турли гуруҳлар учун мусиқий машғулот режасини тузиб беринг.
6. Мактабгача таълим муассасаларида Болалар мусиқий машғулот ўтказиш ва овозларни таҳлил қилиб беринг.
7. Болаларнинг билимини текшириш қандай амалга оширилади?.

9-Бўлим

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятлари.

**Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларининг
аҳамияти ва мазмuni.**

1-§

Мустақил мусиқий фаолиятга бериладиган тавсиф

Болаларни мактабга тайёрлаш, уларни фаол ҳаракат қилишга ўргатиш, уларнинг ижодий фаолиятлари ва онгини ривожлантириш каби вазифаларни бажаришдан иборатdir. Бу мақсадга эришишда асосан қилинадиган ишларни тўғри ташкил қилиш имконияти яратиб беради. Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия бериш дастурида ”Мустақил бадиий фаолият” номли қисм бўлиб, болаларнинг хатти-ҳаракатини, фаолиятини ҳар хил турлари бўйича бирлаштиради. Масалан, Чизмачилик, қўшиқ айтиш, шеърлар айтиш ва х.к. Фаолиятнг бу турларини ҳар бирини ўзини мустақил ривожланиши бўлади. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларида уларнинг ўзларини ташабbusи билан қўшиқ куйладилар, ўйнайдилар, металлафонга енгил куйларни танлайдилар, унча мураккаб бўлмаган рақсларни ижро этадилар. Болалар фаолиятига тавсиф беришда қуидагиларга эътибор бериш лозим бўлади. Бирон-бир фаолият туридаги ўёки бу қўшиқ мусиқий хис-туйғуни каердан олишга, мустақил фаолиятни ташкил қилиш шаклларига эътибор бериш лозим бўлади.

Мустақил мусиқий фаолият манбалари

Болаларнинг мусиқий жараёнига асосан мусиқа машғулотлари кириб, улар қўшиқ, рақс, ўйин репертуарларини ўрганадилар. Машғулотларда олган билимларини эса мустақил фаолиятларида қўллайдилар. Масалан, Болалар кўпинча мусиқа асбоблари ёрдамида қўшиқ куйлайдилар. Агар болалар мусиқа асбоблари жўрлигисиз ўргансалар, унда болалар ўзларининг ҳохиши билан жўрсиз куйлай оладилар. Болаларнинг кўпчилиги рақсга тушишни, мусиқа садоси остида марш юришида юришни яхши кўрадилар. Агар бунда улар рақс куйини ўргансалар унда катталарнинг ёрдамисиз ўзлари қўшиқ куйлаб ҳаракат қила оладилар. Болаларнинг мустақил мусиқа билан шуғулланишини бошқа йўли байрамлар, кўнгилочар вақтлар ҳисобланади. Бу байрамлар ва кўнгилочар вақтлар болаларнинг энг қувончли дамлари ҳисобланади. Оиладаги мустақил мусиқий фаолият манбаси бу мусиқий эшиттиришлар ҳисобланади. Булар радио ва телевизион эшиттиришларидир. Ота-оналарнинг қўшиққа, мусиқий асбобларда ижро этиш, дискларни йиғиши, болаларнинг мусиқий ривожланишида катта таъсир қиласи. Болаларнинг диафильмлар, мультфилимларни қўриши хамда персонажлар билан шуғулланиши уларда севган куй-қўшиқларини такрорлашга қизиқтиради

Мустақил мусиқий фаолият турлари

Болаларнинг мустақил ҳаракатларида мусиқий ўйинлар ва рақслар катта имкониятлар тутғиради. Уларда сюжетли роллар, рақслар кўпроқ мужассамлашиб асосий ўринни қўшиқ айтиш ташкил этади. Болаларнинг ўйинлари орасида асосан мусиқий машғулотлар ва концертлар қизиқарли бўлиб, мусиқий малакаларни мусиқий машғулотларда олишади. Болалар ўйинида катта мураккабчиликлар бўлиб, фаолиятнинг бир неча турлари бирлашади. Булар металлафонга ижро этиш, рақсларда қўшиқни куйига қараб топиш ва ҳ.к. Болаларнинг мусиқий ривожланишида асосан ўйинлар ташкил этиб, уларда ижодий фаолиятлар белгиланади. Унда болалар нақоратлар, қўшиқлар басталайдилар. Бу эса ижодий ҳаракатлардан фойдаланишга майиллик тутғирадилар. Болалар ўзларининг мустақил фаолиятларида кўпинча мусиқий асбоблар ёрдамида бажаришга ҳаракат қилишади. Улар металлафонда, доирачаларда, барабан, болалар пианиносида, ва бошқа асбобларда ижро этишадилар. Бунда болалар тулки тўғрисида жуда мулойим, айик тўғрисида эса қаттиқроқ ижро этишга ҳаракат қилишади. Болалар мусиқий асбобларидан якка тартибда, икки-уч киши бирлашиб, айрим ҳолларда ўзларининг ташаббуси билан оркестр бўлиб фойдаланадилар. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятлари амалиётда мусиқа тинглаш бўйича ўз ўрнини топган бўлади. Бунда болаларнинг таклифи билан тарбиячи дисклардан фойдаланади ва болаларнинг вокал - чолгу мусиқа асарларини санъат усталари ижросида тинглайдилар. Болалар мустақил мусиқий фаолиятга интилиш жараёнида ўзларининг ташаббуси билан мусиқий тажрибаларидан мусиқий амалиётнинг ҳар хил турларида фойдаланадилар.

Мустақил фаолиятларни ташкил қилиш шакллари

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларини ташкил қилиш шакллари турли хил бўлади. Болаларнинг якка тартибдаги машқлари мусиқий машғулотларда олган билим ва малакаларини мустаҳкамлайди. Унда болалар фақат таниш бўлган ўйинлар, рақслар ва қўшиқларни такрорлаб қолмасдан уларнинг айрим элементларини ҳам такрорлайдилар. Улар ҳаракат қилиш жараёнида машқ тавсифини вужудга келтириб, қўшиқнинг куйини тўғри

куйлашга ўрганадилар ва шу билан бир қаторда у ёки бу янги ҳаракатларни бажаришдаги ноаниқликларни: қандай рақсга тушиб, қандай қўшик куйлаш кераклигини ҳам аниқлайдилар. Ўйин бу мустақил мусиқий фаолиятларнинг навбатдаги шакли ҳисобланади, бунда кўпинча қўшик жаранглайди. Мусиқа, адабий матн уларни ўйиндаги фикрлашларига анча аниқлик киритади. Мусиқий дидактик ўйинлар болаларни ўйинчоқлар ва кўргазмали ўйинчоқлар билан ҳаракат қилишларига катта қизиқиш уйғотади. Болалар "Мусиқий лото" машғулотида ўйнаш вақтида ҳар хил мусиқий асбобларнинг тембрига қараб эшитиб фарқлашга ҳаракат қилишади, расмларни мазмунига қараб, органчада ижро этилган куйга қараб таниш бўлган куйларни аниқлайдилар. Мусиқий нарвоннинг тузилишига қараб куйнинг йўналиши, товушларнинг паст баландлигини, уларнинг жойлашишини аниқлайдилар. Шунинг билан бирга ҳар хил мусиқий асбобларда кучли ва кучсиз товушларни ҳосил қилишади. Шундай килиб, мустақил мусиқий фаолият болаларнинг ташаббусини, ижодий тавсифини, шаклларнинг ранг-баранглиги билан ажаралишини ва мустақил ўрганишнинг бошланғич малакаларини ривожлантиришда муҳим бир восита бўлиб хизмат қиласди.

§- 2

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларига раҳбарлик қилишининг хусусиятлари

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларига раҳбарлик қилиш машғулотларда таълим-тарбия бериш усусларидан фарқ қиласди. Машғулотларда катталар мусиқий фаолиятнинг ташкил қилиш шаклларини мазмунини белгилайди. Болалар ўзларининг мустақил фаолиятларида машғулотларни ўзлари танлайдилар ва фикрларини ифода этадилар. Лекин бу катталарнинг керак бўлганда ёрдам бермайди дегани эмас. Бу ерда факат раҳбарлик қилиш тавсифи ўзгариб, мусиқа раҳбари кейинги даражада бўлади. Биринчидан, тарбиячи мактабгача таълимда ва оиласдаги мусиқий ҳис-туйғуларга таъсир килишга эришишга ҳаракат қиласди. Иккинчидан, болаларнинг ўз ташаббускорлиги билан фаолиятларини кенгайтиришни ташкил қилиб беради. Учинчидан, тарбиячи жуда маҳорагли бўлиши ва болалар ўйинида катнашиб бориши керак.

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларини шакллантиришда педагогик шароитлар

Болалар ўзларининг мустақил фаолиятларида жуда кўп нарсани кўллаб фаол ҳаракатлари натижасида тўғридан-тўғри машғулотларига ўтказадилар. Булар асосан мусиқий репертуарлар : Ўйинлар, рақслар, мусиқий асбобларда ижро этиш учун кичик-кичик қўшиклар ва ҳ.к. Болалар мусиқий фаолиятнинг бу турларини яхши ўзлаштирган бўладилар ва катта қизиқиш билан ўйинларда ва кўнгилочар вақтларда фойдаланадилар. Шунинг учун болаларда мусиқий машғулотлар қизиқарли ва ўрганган асарларини такрорлашга хоҳиш бўлинни керак. Мустақил мусиқий фаолият ва ташки шарт-шароитлар маълум материал муҳитини пайдо қилишни талаб қиласди. Айниқса, болаларнинг мусиқий бурчаклари бўлиши шарт. Бу бурчак анча четда жойлашган бўлиши керак: Уларнинг ихтиёрида унча кўп бўлмаган мусиқий асбоблар, мусиқий дидактик ўйинлар тўплами ва ҳар хил ноталар, пардалари чизилган пианинонинг расмлари,nota лотоси ва бошқа материаллар бўлиши керак. Тарбиячи ҳар бир

боланинг оиласида қандай мусиқий мухит борлигини билиши керак. Чунки ҳар бир оиласида ДВД дискларда ёзилган грамёзувлар бор. Болаларни театр ва киноларга олиб бориш ҳам уларнинг кайфиятига катта таъсир қилади. Булар маҳсус мусиқий спектакллар, болалар операси, балетлар ва концертлардир. Болалар оиласида кўпинча радио тинглаб, телекўрсатувларни томоша қилишади. Бу эса уларнинг ҳис-туйғуларини яна ҳам бойитади ва ўзларининг мустақил фаолиятларида акс эттиришга ҳаракат қилишади. Бундан ташқари болалар катта қизиқиши билан мактабгача таълимдаги тарбияланувчиларнинг чиқишиларини томоша қиладилар, таниш бўлган куй ва қўшиқларни тинглайдилар ва шу заҳотиёқ ижро этишга шошиладилар. Яна тарбияланувчиларнинг таклифига биноан ота-оналар радио ва телекўрсатувларга болаларнинг яхши кўрган у ёки бу куй- қўшиқларини буюртма сифатида илтимос қилишлари мумкин. Бундан ташқари болаларнинг диа-мултфильмларни томоша қилиш уларга катта эмоционал қониқиши ҳосил қилдиради. Болаларда фақат маҳсус болалар кўрсатуви таъсир қилиб қолмасдан, уларни илиб ҳам оладилар ва катта кишиларнинг қўшиқларини, рақсларини эслаб қоладилар. Шу борада бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, бу ота-оналарнинг болаларига ҳаддан ташқари маълумотларни бериб толиктириб қўймасликдир. Чунки ҳали болаларнинг нерв фаолиятлари мустаҳкамланмаган бўлади.

Тарбиячининг роли

Ўкув йилининг бошида тарбиячи болаларнинг қайси фаолият қизиқтиришини аниқлаб олиши керак. Масалан, қўшиқ айтишга, мусиқий асбобларда ижро этишга ҳамда қайси болалар мусиқага қизиқмаслигини билиб олиши керак. Айрим вақтларда машгулотларда фақат фаол болалар ижро этадилар. Бу уларнинг мусиқага қизиқиши билан бирга уларнинг жамоа орасига кўзга кўринишни яхши кўришидир. Айрим болалар эса бунинг аксидир, улар фаолиятнинг бу турига жуда бўш муносабатда бўлиб, бошқа болаларнинг ижро этишига қараб ўтирадилар. Тарбиячи бундай воқеаларга эътиборсизлик билан қарамаслиги керак. Тарбиячи бундай энг зарур шарт-шаротларни яратиб бериши лозим. Тарбиячи ўзининг кузатиши асосида ҳар бир боланинг мусиқий фаолиятига қизиқтиришини ташкил қилиб беради. Тарбиячи болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятга қилган асосий раҳбарлиги бу болалар билан бирга қатнашиб боришлири ҳисобланади. Катта киши болалар билан гўё маслаҳат қилиб ”Биз мана бу мусиқий асбобларни қандай жойлаштирамиз, мана, мен қандай ижро эта оламан” деб мусиқий асарни ижро этиб бериши лозим. Болаларнинг мусиқий шуғулланишини режалаштириш вақтида тарбиячи қуидаги ҳолатларни белгилайди: Масалан, мусиқий асбоблар, қўлланмалар, қўлда тайёрланган ўйинчоқлар ва х.к. Буларни қандай ҳолатда тайёрлаш керак, қайси болаларни кузатиб туриш керак, уларнинг қайси фаолият турларини ёқтириши ва бу фаолият турларига ёндашиши бир томонлама эмасми, деган вазифаларни олдига кўяди. Қилинган ишларни режалаштириш вақтида ҳар томонлама бу ишга ижодий ёндашиш керак. Болаларга фақат ўргатиш керак деган мақсадга тўхталиш керак эмас, балки тарбиянинг вазифаларини эътиборга олиб, уларни ”тарбиялаш керак, кузатиш керак”, ”қизиқишини ўйготиш керак”, ”хатосини тузатиш керак ва ўзи ижро этиб бериши керак” болаларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини мувозанатга келтириш керак” деган мақсадни ўз олдига қўйган бўлиши керак. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятига тарбиячи жавобгар бўлиб, болалар билан ҳар куни ишлаш

жараёнида уларнинг билим ва қобилиятларини мустаҳкамлаб боришида тарбиячининг ўз олдига қўйган вазифасини бажаришга имкониятлар яратади.

Мусиқий раҳбарнинг роли

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларида мусиқа раҳбари катта ёрдам бериши лозим. У машғулотларда зарур бўлган репертуарларни ўзлаштиришга шароит яратиб беради. Мусиқий фаолиятнинг йўлларини кўрсатиб бориши, болаларнинг қўшиқ айтиш сифатини яхшилашда тарбиячига яқиндан ёрдам бериб, қўшиқ, рақс, мусиқий асбобларда ижро этишга қўмаклашиб туриши керак. Ундан ташқари қилинадиган ишларни режалаштираётган вақтда бирга режалаштириш, шуғулланадиган жойларни танлашга ёрдам бериши лозим. Хулоса қилиб айтганда, фақат мусиқа раҳбарнинг ёрдами билан болаларнинг муваффақиятига эришиш мумкин. Шундай қилиб, болалар билан ҳар куни шуғулланиш туфайли, уларнинг билим ва малакаларини ҳамда қизиқишини ривожлантириш тарбиячи ва мусиқа раҳбари билан биргаликда болаларнинг бадиий ривожланишини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари мусиқа раҳбари тарбиячига маслаҳатлар орқали болаларнинг мустақил фаолиятларига амалий ёрдам бериб боради.

Савол ва вазифалар

1. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятлари қандай амалга оширилади?
2. Болаларнинг мустақил мусиқий ҳаракатларининг манбаси қандай?
3. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларидағи шартларни айтиб беринг?
4. Болаларнинг ижодий мусиқий ҳаракатларини ривожлантиришда педагогнинг ролини очиб беринг?
5. Болаларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил мусиқий бурчакларни топиб беринг?
6. Болаларга қандай қилиб мусиқий қизиқиши уйғотиш мумкин?
7. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятида тарбиячи билан мусиқа раҳбарининг ўзаро бирлиги нималардан иборат?

10-Бўлим

Мактабгача тарбия муассасалари болаларнинг кундалик ҳаётида мусиқа.

§-1

Мактабгача таълим муассасаларида мусиқанинг аҳамияти

Болаларга мусиқа тарбиясини бериш фақат машғулотларда, кўнгилочар соатларда эмас, балки мустақил ўйинлар, томоша қилиш вақтида, эрталабки бадантарбияда ҳам амалга оширилади. Болаларнинг кундалик ҳаётида мусиқанинг киритилиши, тарбиячи томонидан аниқ раҳбарлик қилиниши, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олиниши ва уларнинг имконият ва қизиқишлигини ҳисобга олишдан иборатdir. Тарбиячи гурухлардаги болаларнинг кундалик ҳаётини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг фаолияти ёрқин ва ранг-баранг бўлиши, машғулотлар давомида олган билимларини мустақил равишда фойдаланадиган бўлиши лозим. Болаларнинг имкониятларидан ўйин вақти, томошага чиқиш вақти, болаларнинг бадиий фаолияти билан биргаликда болаларнинг ҳар хил машғулотлардаги имкониятларини кўриб чиқамиз.

Болаларнинг дам олиш соатларида мусиқанинг роли.

Болалар факат мусиқий машғулотлар вақтида мусиқани севиб қолмасдан балки, улар катта қизиқиш билан қўшиқ, рақс, мусиқий асбобларда ижро этилган мусиқий асарларни ҳам тинглашни яхши кўрадилар. Катта гурухдаги болаларда мусиқага бўлган қизиқиш маълум тавсифли бўлиб, уларда севимли қўшиклар пайдо бўлади ва улар бу қўшикларни тез-тез тинглашни хоҳлайдилар. Шунинг учун ҳар бир боғчада Т.В. (техник воситалар) бўлиши шарт. Шунинг билан биргаликда болалар қўшиклари, мусиқий эртаклар, инсценировкалар, ёзилган дисклар бўлиши лозим. Болаларнинг бу вақтдаги фаолиятларининг вазифаси уларнинг мусиқий машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлашдан иборатdir. Шу мақсадда тарбиячи болалар билан биргаликда таниш бўлган қўшикларни куйладилар, айrim болалар билан алоҳида шуғулланиб мусиқий асбобларда ижро этишни ўзлаштиришга ёрдам беради ҳамда мураккаб ракс элементларини ҳам ўргатади. Шу билан бир қаторда тарбиячи мусиқий машғулотларда ўрганиладиган репертуарларнинг ҳаммасини билиши керак. Кўпинча мактабгача таълим муассасаларида тугилган кун билан табриклиш ташкил этилган. Бундай кунларда болаларнинг мустақил қўшиқ айтиши, рақсга тушиши жуда ҳам маъқул бўлади. Болаларнинг ўзлари ўртоғига атаб қўшиклар басталайдилар, мусиқий асбобларда куй ижро этиб берадилар. Бу эса нафақат болаларнинг қобилиятини ўстириб қолмасдан, балки бир-бирига бўлган муносабатларини яхшилайди.

Болалар ўйинида мусиқанинг аҳамияти

Болалар бўш вақтларида тез-тез ҳар хил ўйинлар ташкил қилишиб туришади. Бу борада мусиқага кўпроқ ўрин берилади. Масалан, концертларда, ўйнаётган вақтларида, мусиқий машғулотлар вақтида улар таниш бўлган қўшикларни эслаб ижро этадилар. Болаларнинг мусиқий тарбиясида асосий ролни мусиқий-дидактик ўйинлар бажаради. Бу эса болаларнинг мусиқий эшлиши қобилиятини ва нота саводини мустаҳкамлайди. Булардан айримлари кўшимча машғулотларда ўргатилади. Тарбиячи болаларнинг ҳар кунги ҳаётларида бу ўйинларни такрорлайдилар, мустаҳкамлайдилар ва янгиси билан таништиради. Кўпгина мусиқий-дидактик ўйинларда болалар мусиқий асбобларидан фойдаланилади (металлафон, қўнғироқчалар, бубн, учбурчаклар) ва ҳ.к. Тарбиячи бунда ҳар хил тембрли асбобларда ижро этиб, болалардан қайси асбоблигини сўрайди ёки карточкалар орасидан топиб беришни таклиф қиласди. Болаларнинг усулга бўлган сезгисини мустаҳкамлаш учун тузилган дидактик ўйинлар учун тарбиячи олдиндан усулни шартли белгилар билан ёзилган карточкаларни тайёрлаб қўяди. Ўйин бошланишдан олдин ҳар бир бола ўзига мусиқий асбоблардан танлаб оладилар (металлафон, бубн ва ҳ.к.). Бунда тарбиячи болаларга ҳар -хил рангдаги тўғри бурчак ва тўртбурчак орасига чизилган чорак ва саккизталик усулларни кўрсатади. Бунда болалар олдин қарсак билан усулини кўрсатадилар, сўнгра мусиқий асбобда ижро этиб нақоратчаларни куйлаб берадилар. Рақс тавсифини ажратиш учун Т.В. фойдаланиш мумкин. Бунда болалар мусиқанинг қайси тури - польками, вальсми ёки ўзбекча рақсми, деган саволга жавоб топишлари керак.

Болаларнинг сайр қилиш вақтида мусиқанинг роли

Болалар фаолиятини, мустақиллигини, ҳар хил эмоционал ҳис-туйғуларини мужассамлаштиришда ва яхши кайфиятни вужудга келтиришни ташкил этиш вақтида болаларга мусиқа тарбияси катта тарбиявий таъсир кўрсатади.

Болаларнинг мусиқий ҳиссиётини фаол қўзғашда ёзги мавсум аҳамиятли ҳисобланади. Бу мавсумда майдончаларда ҳар хил ўйинлар ташкил қилинади. Болалар мустақил равишда тарбиячи билан биргаликда энг севган қўшиқларини куйладилар. Ўзлари билан мусиқий асбобларини олишлари ҳам мумкин. Бунда улар унча мураккаб бўлмаган куйларни импровизация қилишга ҳаракат қиласидилар. Сайр вақтида мусиқий-дидактик ўйинларга ҳам ўрин берилади. Бунда асосан болаларга ҳаракат ўйинлари маъкул қўрилади. Булардан “Овозидан таниб ол”, “Бубнга қаттиқ ва баландроқ ур” ва х.к. Ўйинни мусиқий асбобларнинг тембрига асослаб “Қайси асбобда ижро этаяпмиз?” каби ўйинлардан фойдаланилади. Тарбиячи олдиндан сайр қилиш режасини тузиб қўйган бўлиши керак. Бу ишнинг муваффақиятли чиқишида тарбиячи билан мусиқа раҳбарининг ҳамкорлигига боғлиқ бўлади.

Бадий машғулотарда мусиқанинг роли

Бадий адабиёт, тасвирий фаолият билан болаларни таништиришда ҳам мусиқадан кенг миқёсда фойдаланилади. Масалан, Ф.Назаровнинг “Кўзиларим” қўшиғи болалар учун жуда қизиқарлидир, ёки бўлмаса кичик гурухда чизмачилик бўйича машғулотларда тарбиячи чўткача билан чизишини ўргатиб, уларга маълум усул билан ҳаракат қилишга ўргатади ва шунинг билан бирга болалар ўйин элементларини чизиш орқали ўзларига сингдиришга ҳаракат қиласидилар. Усул билан чизища “Ёмғир томчилари” деб ном қўяди ва тарбиячи Д.Омонуллаеванинг “Ёмғир ёғар” қўшиғини ижро этиб беради. Шундай қилиб, мусиқа фаолиятининг турли соҳаларида педагогнинг фаол иштироқида ўз мавқейини топиши, Болаларнинг дам олиш соатлари, сайр қилишларидаги фаолиятлари уларнинг янги ҳис-туйғуларини бойитади. Бундан ташқари уларнинг мустақил ижод қилиш ташабbusларини ривожлантиради.

§- 2

Мусиқа ва жисмоний маданият

Эрталабки бадантарбия жисмоний маданият машғулотларини мусиқа жўрлиги билан олиб борилиши, уларнинг бажарадиган машқларини сифатини яхшилаб жамоатчиликни ташкил қиласиди. Маълумки, мусиқий асарларнинг жарангি юрак-томир, нафас олиш тизимларини ишлаш сифатини яхшилайди. Шу фикрлардан келиб чиқиб мусиқа жўрлигига бажарилган машқлар ёрдамида ўпкани мувозанатга келтириш, нафас олиш амплитудасини кенгайтириш каби ишлар бажарилади.

Мусиқий жўрлик хусусиятлари.

Мусиқа жўрлигига жисмоний машқларни бажариш маълум талабларга жавоб бериши керак. Асосий ролни ҳаракат вазифаларига ажратиш лозим. Бу ҳолатлар куйидагича қўрилади: Болалар организмини мустаҳкамлашга кумаклашиши, ҳаракат қилиш малакалари ва маҳоратларини шакллантириш, жисмоний сифатини ривожлантириш (чидамлилик, чаққонлик, фаоллик, тезлик, тезлик фаоллиги) ва х.к. Мусиқа жўрлигига асосан айрим ҳаракатлар юриш, сакраш каби машқларни бажариш мақсаддага мувофиқ бўлади. Ҳар бир ҳаракатнинг ўзига хос тавсифи мавжуд бўлиб, у ёки бу машққа мос мусиқий асар танлаш керак бўлади. Масалан, аниқ қулоч ёзишда хушёр мусиқа, қисқа-қисқа сакрашларда енгил рақсона, ленталар билан қулоч ёзишда нозик, куйчан мусиқалар танланиши керак. Шу билан бирга ўша ҳаракатлар турлари ҳар хил тавсифни ифода этиш мумкин. Масалан, Жисмоний маданиятнинг бошланишида ёки эрталабки бадантарбиядаги ҳаракатлар хушёр ва қувноқ тавсифда бўлиши

керак. Шунинг учун бу ҳаракатларда чаққон ижро этиладиган марш суръатидаги асарлар танланади. Машғулот охирида эса юриш бошқа функцияни бажаради, бунда физиологик юкни пасайтириб шу билан бирга марш суръатидаги мусиқа ҳам вазмин ижро этилади. Жисмоний маданият байрамларида мусиқа тантанавор, кўтаринки рухда ижро этилади. Жисмоний машқлар учун мусиқа танлашда болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиб танлаш таклиф этилади, чунки ҳали болаларнинг физиологик имкониятлари чегараланган бўлади.

Эрталабки бадантарбияда мусиқанинг роли

Болаларни эрталабки бадантарбия билан шуғуллантириш, уларда кўтаринки рух ва кайфият пайдо қиласи ҳамда уларнинг организмларини ҳар хил фаолият турларига тайёрлайди. Мусиқий жўрликни танлаш вақтида болаларнинг физиологик хусусиятларини, ёшлик хусусиятларини, ҳаракатига мос равишда мусиқа танлашни ва мактабгача таълим шароитини ҳисобга олиш керак. Кичик гуруҳдаги болалар бир хил суръатдаги машқларни бажаришда қийналишади, шунинг учун мусиқа жўрлигига эрталабки бадантарбияни агар болалар ҳамма ҳаракатларни ўзлаштирган бўлсагина амалга оширади. Агар эрталаб жуда салқин бўлса унда жисмоний машқларни бажариш суръатини тезлаштириш ёки аксинча иссиқ бўлса пасайтиришга маслаҳат берилади. Бундай ҳолда яхши мушқларни мусиқа жўрлигисиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жисмоний маданиятда мусиқанинг роли

Жисмоний маданият машғулотларида мусиқа эпизод шаклида янграши керак. Масалан, юриш, югуриш, қаторларда тизилиш ҳамда умумривожлантириш пайтларида фойдаланилади. Машғулотнинг асосий қисми мусиқасиз бажарилади. Фақат айрим ҳаракат ўйинларигина мусиқа жўрлигига амалга оширилади. Асосан машқлар марш садоси ёрдамида тугатилади. Жисмоний ва эрталабки бадантарбияда қўшиқ янгравайди (айрим ҳаракат ўйинларини ҳисобга олмагандан) бу эса болалардан қўшимча куч талаб қиласи ва тўлиқ нафас олишга йўл қўймайди.

Мусиқий жўрликдан фойдаланишининг айрим шартлари

Мусиқа жўрлигига ҳар хил жисмоний машқларни бажариш, куйидаги мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилиши мумкин. Жисмоний ва мусиқий тарбия яхши йўлга қўйилган мактабгача таълимда, яъни болаларнинг кўпчилиги дастурий талабларни ўзлаштира оладиганмактабгача таълим муассасаларда бажарилари мумкин. Жисмоний машқларни ўргатиш жараёнида мусиқий жўрликдан фойдаланишга ўргатиш босқичларига боғлиқ бўлади. Болаларга ҳаракатларни кўрсатиш давомида мусиқадан фойдаланиб ҳаракат қилиш тўғрисида тавсиф берилади. Масалан, тарбиячи вальс мусиқаси жўрлигига машқни кўрсатаётуб, “Мусиқа вазмин, куйчан, унча баланд бўлмаган, шунинг учун ҳаракатлар жуда мулойим, шошилмасдан бажарамиз” деб айтилади. Айрим ҳаракат элементлари мусиқа жўрлигисиз ўргатилади. Машқ ўзлаштирилиб бўлгандан кейингина мусиқий жўрлик билан бажарилади. Ўргатишнинг бундай усули ҳаракатларни аниқ ва равшан ҳамда мазмунли бажарилишга имконият яратади. Эрталабки бадантарбияда ва жисмоний машғулотларда дисклардаги мусиқий асарлар ҳам муваффақият билан қўлланиши мумкин. Шундай қилиб, жисмоний тарбия машғулотларида мусиқанинг қўлланиши болалар организмининг мустаҳкамланишига ва уларнинг мусиқий қобилиятларини ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Мусиқа ва кўнгилочар соатлар

Болаларнинг кўнгилочар вақтларида концертлар, болалар опералари, кўғирчоқ спектакллари, қувноқ мусобақалардан фойдаланиш уларнинг мусиқий тасаввурларини чукурлаштириб, мусиқий қабул қилишини мукаммалаштиради. Кўнгилочар вақтдан унумли фойдаланиш педагогик таъсир доирасини кенгайтириб, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишида ижодий натижаларни беради. Кўпгина кўнгилочар вақтлар ранг-баранг санъат турлари билан боғлиқ бўлиб, мусиқа, адабиёт, театр, кино каби санъат турларини ўз ичига олади. Кўнгилочар вақтларнинг мазмуни маҳсус танланган ранг-баранг тавсифдаги бадиий материаллардан тузилган бўлади ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлади. Шу материал орқали кўнгилочар вақтларни фикрий йўналишларини, уларнинг тематик бирлигини ва жанр хусусиятларини аниқлайди. Кўнгилочар вақтларнинг мазмуни концерт, композиция ёки ўйин ҳаракатларини шаклларига ва уни ўтказиши ташкил этишга таъсир қиласди.

Кўнгилочар вақтларда мусиқанинг тутган ўрни

Кўнгилочар вақтларда мусиқадан турлича фойдаланилади. Биринчи ҳолатда асосий мазмун мусиқий ўйинлардан, концертлардан, болалар операларидан ташкил топган бўлади. Иккинчи ҳолатда эса кам қўлланиладиган спекгакллардан, ўйин драмаларидан, мусиқий адабиий композициялардан ташкил топган бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолатларда ҳам мусиқадан маълум мақсадда фойдаланиш зарур. Кўнгилочар вақтларда мусиқадан тўғри фойдаланиш мусиқий асарни тўғри танлашга имконият туғдириб, зарур бўлган муҳитни пайдо қиласди. Бу усул педагогик усулни мақсад сари йўналтиришда йўл очиб беради. Болаларнинг бундай вақтларда янги мусиқий асарлардан тез-тез фойдаланиши мақсадда мувофиқ эмас. Болаларнинг таниш бўлган куйлари кутилмаган вақтларда эмоционал кўтаринки рух вужудга келтиради, уларнинг мусиқий тасаввурини кенгайтиради. Болаларнинг кўнгилочар вақтларида таниш бўлган қўшиқларни, рақсларни, ўйинларни киритилиши уларда ҳақиқий қувонч ва қоникиш багишлайди. Коида бўйича кўнгилочар вақтлар катталарнинг болаларга мусиқий асарларни ижро этиши, болаларнинг қўшиқ куйлаши, рақс ва ўйинга тушишларидан иборат бўлади. Лекин бу борада болаларнинг шу асарларни ўзига сингдиришни ҳисобга олиш зарур. Болаларнинг бу вақтларида товуш чиқариш воситаларининг ҳар қандай туридан фойдаланиш мумкин. Бу воситалар театр ҳаракатини ташкил этишда жуда қўл келади. Бундан ташқари умумий мусиқий ёки ритмик фоннинг вужудга келтириш ва айrim кўнгилочар вақтларнинг турларига мослаштириш мумкин.

Кўнгилочар вақтларнинг турлари ва шакллари

Мактабгача таълим муассасаларида кўнгилочар вақтларнинг ранг-баранг турлари мавжуд бўлиб, болаларнинг қатнашиш тавсифига боғлиқ бўлади. Бир томондан кўнгил очиш вақтда болалар тингловчи ролини ёки томошабин ролини бажариб, катталар томонидан ташкил этилиб ижро этилади. Чунки сценарий анча мураккаб репертуарларни ўз ичига олади. Бу сценарийлар мазмунни аниқловчи тавсифга эга бўлиб, бастакорларнинг ижодий фаолиятлари, шоирлар, ёзувчилар ижодий фаолиятлари, санъатнинг жанр хусусиятлари, жамият ва ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг томонлари билан таништирилади. Иккинчи томондан кўнгилочар вақтларда катталарнинг раҳбарлигига болаларнинг ўзлари қатнашувчи ва ижрочи бўлиб, репертуар ёшлик хусусиятига мос равища бўлишиб, уларнинг билим даражаси, маҳорати ва малакалари ҳисобга олинган

бўлиши керак. Бундай кўнгил очиш вақтларнинг аосий мақсади болаларнинг ижодий инитилишларини фаоллаштиришдан иборат бўлиши лозим. Болаларнинг кўнгил очиш соатларида қўшимча фаолият турлари ҳам киритилади. Бунда катталар ҳам болалар ҳам қатнашадилар. Бундай кўнгил очиш вақтни шундай ишлаб чиқиш керакки, болаларнинг ҳаракати билан катталарнинг ҳаракати бир-бири билан мантиқан бирлашган бўлиши керак. Бундан ташқари кўнгилоchar вақтларнинг бир мунча умумий дақиқалари ҳам бўлади. Шулардан айримлар билан танишамиз.

1. Концертлар

Бунда асосан ҳар хил турдаги номерлардан ташкил топган бўлади. Булар яккахонлар, ансамбл бўлиб ижро этиш, хор бўлиб қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, бадиий ўқиш ва мусикий асбобларда ижро этишга ҳаракат қилишдан иборатdir. Бундан ташқари фаолиятнинг битта туридан концерт уюштириш мумкин. Масалан, хор бўлиб қўшиқ куйлаш, болалар мусикий асбобларидан тузилган оркестр ижросида ижро этиш ва ҳ.к. Концертларда катта гурухдаги болаларнинг ижро этиши маъқулдир. Улар ўртоқларига ўзларини маҳоратларини кўрсатишиб, уларда ижрочилик малакалари, интилиши, ижодий йўналишлари пайдо бўлади. Болалар концертини ўтказиш вақтида раҳбарлик қилиш катталарнинг зиммасида бўлади. Тарбиячи концерт дастурларини болаларнинг қатнашишига ва уларнинг буюртмаларига асосланиб тузади. Бундан ташқари фаолият турларининг навбат билан бажарилишини кузатиб туради.

2. Мусикий-адабий композиция

Фаолиятнинг бу тури турли жанрларнинг бир-бири билан бўлган муносабати асосида ва бадиий-адабий асарларнинг мазмунига асосланиб, болалар томонидан жамоа тарзда ва катталар ижросида ёки бўлмаса болалар ва катталарнинг биргаликдаги ижросида амалга оширилади. Композицияда мусиқа ранг-баранг бадиий матннинг битта мустақил асарга бирлаштирилишига ёрдам беради. Иккинчи томондан олдиндан кўрилган эмоционал таъсир билан тенг иштирок этади. Композиция драматургияси ҳаракатнинг шиддат билан ривожланиб боришини талаб килади. Бу ҳолат усулнинг кутилмаганда ўзгариши хисобига эришилади. Бунга сабабчи элементлар ёруғлик, шовқин ва диапозитивлар хисобланади. Композиция ўзининг кўпчилик хисобига бажарилиши билан қизиқарлидир. Лекин буни жуда чўзиб юбормаслик ёки ҳаддан ташқари дабдаба қилиб юбормаслик керак.

3. Мусикий ўйинлар ва ҳазил ўйинлар.

Бу ўйинлар гурухлардаги ҳамма ёшдаги болалар билан ўтказилиши мумкин. Бу ўйинларнинг сюжетлилиги ва образлилиги мусиқа билан бирга олиб борилади. Мусикий ўйинлар ўзининг мазмун жиҳатдан фаолият турларидан, ҳазил ўйинларга нисбатан жуда кенгайтирилган фаолият турларидан бири хисобланади. Кўнгилоchar вақтларда театрлашган машғулотларга нисбатан янги дақиқалар билан тўлдирилган бўлади. Мана шу янгиланган элементлар болаларни қизиқтиради, ижрочилигини фаоллаштиради ва кўтаринки рух бағишлиди. Бу кўнгилоchar вақтлар болалар учун томоша қилиш бўлмайди, чунки бунга ўзлари қатнашадилар. Шунинг учун тарбиячи ёки мусикий раҳбар қувноқ ёки кўтаринки рухдаги муҳитни пайдо қилиши ва имкониятли шароитни яратиб беришлари керак. Ҳазил ўйинлар асосан энг кичик болалар билан ўтказилади. Бунда қуйидаги асарларни киритиш мумкин: Б. Рустамова "Бекинмачоқ ўйини", С. Абрамова "Тулки ва қуёнлар" ва ҳ.к. (бошқа мусикий

асарлар ҳам бўлиши мумкин) Бунда тарбиячи болаларни ахтариш вақтида ёки ўзи яширинган вақтида мусиқа билан биргаликда болаларга ҳаракат қилишдаги мажбурийликни йўқотиб, ўйин ҳазил ҳаракатларни вужудга келтиради. Ҳазил ўйинлар болаларнинг эътиборини жалб этишда, чарчаş аломатларини ёзишда, дам олишда ва уларнинг руҳини кўтаришда катта ёрдам беради. Бунинг учун бу ўйинлар ўрта ва катта гуруҳдаги болалар билан ўтказилади. Ҳар хил ритмик усулларни қарсак чалиш билан биргаликда ижро этиш болалар учун қизикарли бўлиб, тарбиячи билан биргаликда ёки мустақил равишда бажаришлари мумкин. Масалан, овунмачоқлардан, график ноталардан “Хай-ри-хон қай-да-сан? Қизлар-би-лан-бог-да-ман. Бог-да-ни-ма-қи-ла-сан? Ол-ма-те-риб-юрибман”.

Бу ерда асосан болаларнинг ҳаракат қилиши давомида усулни ушлаб туриш зарур ва ҳар бир сўзнинг биринчи ҳарфи билан қўшиб қарсак чалиш зарур.

4. Гурухга янги қўғирчокни олиб кирилиши.

Кўнгилочар вақтдаги шакллардан бири гурухга янги қўғирчокни олиб кирилиши ҳисобланади. Бунда болаларни янги нарсанинг ташки кўриниши қизиқтиради. Тарбиячи бу борада қўғирчоқ билан ҳаракат қилиб, бу қўғирчоқ билан қандай ўйнаш кераклигини тушунтиради ҳамда бадий образига тавсиф беради. Катта кишининг кўлида қўғирчоқ жонланади ва болалар учун севимли бўлиб қолади. Шу вақтда рақсга тушиш ёки қўшиқ айтиш болаларни қўғирчоқقا бўлган муносабатини яна ҳам фаоллаштиради ва кейинги мустақил ўйинларида катта ёрдам беради. Масалан, тарбиячи болаларга қўғирчоқ қуённи кўрсатиб, шеър айтади:

Кулогимни юракка
алишворсам-а?
Бўри, тулкилар билан
олишворсам-а?

5. Инсценировкалар, саҳналаштирилган ўйинлар, қўғирчоқ спектакллар

Фаолиятнинг бу тури мактабгача таълим муассасаларида энг кўп тарқалган фаолият турларининг бири ҳисобланиб, болалар ўzlари қўшиқ куйлашни, ҳикоя ҳаракатларини бажаришни, таниш бўлган адабиёт сюжетларини ижро этишни яхши кўришади. Қўғирчоқ театри эса улар учун ҳақиқий байрам бўлади. Қўғирчоқ театри асосан катталар томонидан тайёрланади.

Унча катта бўлмаган қўғирчоқлар билан ижро этиладиган ўйинларни кўпинча мактабгача тарбия ёшидаги болалар ижро этишади. Саҳналаштирилган ўйинларда эса асосан кичик ва катта гуруҳдаги болалар қатнашадилар. Ижроциларнинг ёши репертуарнинг мураккаблигига қараб белгиланади. Тарбиячи ва мусиқий раҳбар у ёки бу ролни ўзлаштиришда ёрдам бериб, ўзларининг ҳаракатларини болаларнинг ҳаракатларига мослаштирадилар. Драматизация (саҳналаштирилган) қилинган ўйинларда ва спектаклларда мусиқа персонажларининг куйлаш вақти сюжет давомида янграйди. Мусиқанинг киритилиши асосан маълум кайфият вужудга келтиришда мусиқий шакллантириш учунгина фойдаланилади. Спектаклларда мусиқа бутун ўйин давомида янграмаслиги керак, ундан фақат сайқал сифатида фойдаланиш лозим.

Чунки мусиқани кўп ижро этилиши болаларнинг эътиборини чалғитиб, куйнинг мазмунини бузади ва фўнкционал аҳамиятга зарар қилади. Мусиқадан жўрнавоз сифатида фортеяно ижросидаги кўйлардан ва дисклардан фойдаланиш мумкин. Мусиқанинг персонажларга тўғри тавсиф берилиши болаларнинг тасаввурини бойитади, уларнинг эстетик ҳис-туйғуларини ривожлантиради.

Кўнгилочар соатлар учун сценарий тузиш талаблари

Сценарий, у ёки бу адабий қайта ишлаш бўлиб, ҳаракатнинг ҳамма элементлари илова қилинади. Бунда кириш қисмини аниқ тушунчалари берилади ҳамда болаларнинг фаоллигини ошириш услублари эътиборга олинади. Шундай қилиб, сценарийни қайта ишлаш вақтида, авваламбор, унинг мавзуси ва маъноси аниқланади ҳамда унинг тарбиявий мақсади ва уни ўтказиш вазифалари белгиланади. Бирон-бир кўринини кўрсатишдан олдин шу кўриниш ҳақида қисқача ҳикоя қилиб берилиб, қандай воқеалар, холатлар бўлиши ҳақида ҳам маълумот берилади. Сўнг сценарийнинг асосий ҳаракатлари бошланади ва навбатдаги талабларга бўйсунган ҳолда давом этади. Булар кўйидагилардан иборагдир:

1. Ҳар бир эпизод навбатдаги ва кейингилари билан боғлиқ бўлиши керак.
2. Ҳаракатлар энг суст эмоционал эпизоддан анча кучли бўлган эмоционал эпизодларга караб ўз йўли бўйича ривожланиб боради.
3. Ҳар бир эпизод ўзининг ички мантиқ тузилмасига эга бўлиши, бошқаси бошлангунга қадар тугаши керак. Бу ўйиннинг “Финал” (тугаш қисми) болаларнинг ҳаммасини фаол ҳаракат қилиши билан тугаши керак.

Кўнгилочар соатларни режалаштириш

Кўнгилочар соатларни ҳар хил турларини ўз вақтида режалаштириш уни яхши ўтказиш ва таёrlаш ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг ҳамма тарбиявий ишларини ҳисобга олишни яхши ташкил қилишни тақозо этади. Мусиқий раҳбар тарбиячи билан ҳамкорликда олдин мавзуий режани тузади (чорак бўйича), сўнг сценарий режасини бир ойлик қилиб ёзади ҳамда шу сценарий қаердан олиб ёзилганлиги кўрсатилади. Умумий режа мактабгача таълим мудири ва катта тарбиячи томонидан тасдиқланади. Шуни эсда сақлаш керакки, кўнгилочар соатлар икки ҳафтада бир марта ўтказиш режалаштирилади. Иложи борича ўтказиш вақтини ҳар бир груп бўйича аниқ кунини белгилаш керак. Кўгиричоқ театрини, умумий композицияларни, ҳаваскорлик концертларини ташкил этишда икки-уч групни бирлаштириб ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чорак бўйича кўнгилочар соатларни режалаштириш мавсум вақтини, тантанали кунларни, тарбиявий вазифаларни ва дастурий репертуарларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Масалан, биринчи чорак (сентябрь, ноябрь) ойлари бўлиб, мактабгача тарбия ёшидаги груп болаларига қўйидаги кўнгилочар вақт турлари киритилади:

1. Куз ҳақида мавзуий концерт. Бунда чолғу мусиқа, табиат ҳақида катталарнинг вокал садоси, болаларнинг шеърлар ўқиши ва куз ҳақидаги қўшиқларни кўйлаш киритилади.
2. Мусиқий жўрликдаги диафильмларни кўрсатиш (катталар ташкилотчилигига).
3. Мусиқа раҳбари ва тарбиячи ҳамкорлигига мусиқий викториналарни ташкил қилиш.

Бунда болаларга таниш бўлган асарлардан фойдаланилади.

4. Болаларга мемон бўлиб бориш. Бунда ҳазил кечалари, топишмоқлар ва бошқа фаолият турларидан фойдаланилади ҳамда катталар томонидан ташкил этилади.

5. Катталарнинг ташкилотчилигига ва ижросида қўғирчоқ театрини кўрсатиш.

6. Болаларнинг буюртмасига биноан “Дилга яқин наволар” деб номланган концерт уюштириш (дастурни тузишда болалар мусиқий ва адабий асарлардан фойдаланадилар).

7. Катталарнинг ташкилотчилигига мултфильмлар кўрсатиш.

8. Катталарнинг болалар билан биргаликдаги шўх мусобақалар, рақслар, атракционларни уюштириш.

9. Болалар ижросида мусиқий драматик ўйинларни ташкил қилиш.

10. Катталарнинг ташкилотчилигига ҳазил кечаларини ўтказиш.

Ҳар бир кўнгилочар соат ўзининг мазмунига, репертуарига ва керакли тарбиявий вазифаларига эга бўлади. Масалан, кўнгилочар соат вақтида мусиқий драматик ўйинларни ижро этишда “Ким айборд?” ўйинида болаларнинг қўғирчоққа нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабат қилиш руҳида тарбиялаш вазифаси қўйилади. Бу ўйин дастурий бўлмай болалар билан олдиндан якка тартибда тайёрлаш ишини олиб бориш тавсия этилади. Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаларида кўнгилочар соатларни ўтказиш машғулотларини ташкил этишнинг энг зарур шаклларидан бири ҳисобланади. Бунда болаларнинг муносабати эмоционал таъсирида бўлиши, уларнинг сезги доирасининг кейгайини, жамоага бўлган муносабатини яхшиланиши ва уларда кувноқ мухитни вужудга келиши кузатилади. Энг муҳими, мактабгача таълим муассасаларида кўнгилочар соатларни ташкил қилиш педагогик вазифаларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланадигидир.

Савол ва вазифалар.

1. Болаларнинг ҳар кунги ҳаётида мусиқадан фойдаланишни қайси шаклларини биласиз?

2. Болаларнинг ҳар кунги фаолиятларида мусиқий фаолиятларни киритилишида тарбиячининг роли қандай?

3. Тарбиячи томонидан дам олишда, мусиқий машғулотлар вақтида ҳамда машғулотдан бўш вақтларда фойдаланадиган қўшиқлардан мисол келтиринг?

4. Мактабгача таълим муассасаларида Т.В.(техник восита)ларнинг қайси турларини биласиз ва қандай фойдаланилади?

5. Эрталабки бадантарбия ва жисмоний маданиятда мусиқадан фойдаланишнинг аҳамиятини очиб беринг?

6. Ўқигишнинг қайси босқичида ва қайси жисмоний машқларда мусиқа жўрлигидан фойдаланиш мумкин?

7. Бирон гурухдаги болаларга мусиқадан фойдаланган ҳолда жисмоний машғулотлардан бирини тузиб беринг (Т.В. ёрдамида)?

8. Кўнгилочар соатга тавсиф бериб, болаларнинг ҳар кунги ҳаётида тутган ўрнини айтиб беринг?

9. Кўнгилочар соатларнинг турларини санаб беринг?

11-Бўлим

Байрам эрталикларида мусиқа

§-1

Байрамларда мусиқанинг роли

Мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган байрам эртаклари тантанали қунларга мослантирийлган бўлиб, педагогик жараённинг энг зарур бўғинларидан бири ҳисобланади. Болаларнинг бадиий фаолиятлари жуда хилмажил бўлиб, тантанали дақиқалар, сафга тизилиш, қўшиқ куйлаш, ўйинлар ва рақслардан иборатdir. Болаларнинг бадиий образ орқали умумхалқ байрамларини нишонлаш ва шулар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиявий ишлар амалга оширилади. Эртакларда асосий ролни мусиқа санъати ўйнайди ҳамда болаларга нисбатан маълум бир кайфият пайдо қиласди. Олдин болаларнинг онгига байрамнинг асосий йўналишини сингдириш каби вазифа бажарилади. Шу мақсадда эрталикнинг бошланишида яъни биринчи қисмида тантанали маршлар, байрамона қўшиқлар танланади. Эрталикларда фаолиятнинг ҳамма турлари қўлланилиб болаларга қўшиқлар, рақслар ва бошқа ҳар хил ўйинларни бажаришадилар. Бундан ташқари эрталикларда тез-тез мусиқий драматик саҳналар киритилади. Бунда болалар ўзлари ўйлаб топган куй-ва қўшикларни кўрсатадилар. Мусиқий репертуар мусиқий фаолиятнинг ҳар -хил турларига мос равишда танланади. Булар қўшиқлар, мусиқий ўйинлар, рақслар ва инсценировкалардан иборат бўлади. Шунинг учун асосан ўзбек бастакорлари, шу жумладан, ҳамма миллат бастакорларининг куй ва қўшиқлари танланади. Мусиқий репертуарнинг мазмуни ҳам эрталик мавзусига асосланган ҳолда белгиланади. Масалан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллик кунига мўлжаланиб уюштирилган эрталикни ватанимизнинг туғилган кунига бағишлиланади, кишлоқ хўжалик ютуқларига хulosалар қилинади. Бу хulosалар эрталикларда куй, қўшиқ, ўйинлар ва шеърлар орқали ифода этилади. Мустақиллик байрамида асосий мавзуу байналминалчилик олинади. Бунда инсценировкалар, ҳар хил миллат куй-қўшиқлари рақсларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари шу эрталика бахорнинг кириб келиши ҳам эътиборга олинади ва мусиқий репертуарда байрамона услугуб билан баҳорги мавсум репертуарлари ҳам бирлаштирилади. 8-март байрами болалар учун энг севимли образ бўлиб, бунда она ҳақидаги куй ва қўшиқлар ҳамда рақслар ижро этилади. Репертуардаги она ҳақидаги лирик қўшиқлар болаларнинг уларга бўлган садоқатини ифода этади. Мактабгача таълим билан хайрлашиш ҳамда мактаб билан учрашиш мавзуси мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ўтказиладиган эрталиқда ўз аксини топади. Бунда болаларнинг севимли қўшиқлари билан бирга жисмоний машқлар ва атракцион ўйинлар киритилади. Болаларнинг эрталиклардаги фаолиятларида мусиқий фаолият асосий ўринни эгаллаб, мусиқий репертуарнинг ролини ва талабини белгилайди. Эрталикнинг аҳамияти фақат мусиқанинг таъсири билан бўлмасдан, балки санъатнинг ранг-баранг турлари билан биргалиқдаги барча воситалар орқали белгиланади. Бунда бир мавзуни очишжараённида бир-бiriни тўлдиради ва уни тўлиқ ифода этишда катта ёрдам беради. Залнинг ёрқин ва бадиий жиҳатдан етарли қилиб жиҳозлаш болаларнинг залга киришидан бошлаб кўтариинки кайфият бахш этади. Шундай қилиб, байрам эрталиклари болаларнинг ҳар томонлама ривожланишида катта имкониятлар тутдиради.

Эрталикларнинг тузилиши.

Ҳар бир эрталиктининг сценарийси унинг асосий маъносини ва ўтказиш анъанасини белгилайди. Масалан, умумсиёсий воқеаларга бағишланган байрам дастурлари уч қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми унча кўп бўлмаган вақтда (5-6 минут) болалар кийинишиб байроқчалар ёки гуллар билан тизилишади. Бунда болалар шеърлар айтишиб, битта ёки иккита қўшиқ айтишади. Иккинчи қисми анча давом этиб, болаларнинг жамоа ва якка тартибда ҳамда томоша дақиқаларидан иборат бўлади. Бу борада асосий ўринни болаларга таниш бўлган куй ва қўшиқлар, ўйинлар ва хороводлар ва шу жойда анъана бўлган рақслар эгаллайди. Чиқишлиарнинг ҳаммаси концерт ҳолатида ўтиши мумкин бўлиб, фаолиятининг ҳар хил турларини навбат билан келиши ҳамда ҳар бир мавзуга репертуарнинг бир қисми бирлаштирилиши мумкин. Охирги учинчи қисмидан болаларнинг эътибори яна асосий мавзуга қаратилади. Эрталикни олиб борувчи қатнашувчилар ва томошабинларни байрам билан табриклиди ва қатнашувчилар марш садоси ёрдамида чиқиб кетишади. Болаларнинг мактабгача таълим билан хайрлапиши ҳамда мактабга кузатишга бағишланган эрталик бошқачароқ қилиб ўтказилиди. Бу ерда алоҳида бир усул қўлланилмасдан балки содда қилиб дўстлик муҳити вужудга келтирилади. Улар ўзларининг севимли қўшиқларини, рақсларини, ўйинларини ижро этадилар ва бошқа гурух болдаларининг ижросини томоша қиласилар ҳамда улардан табрик, гуллар, эсдаликлар олишади. Болаларнинг ижро этган қўшиқларида, шеърларида тарбиячиларни ва ходимларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишади. Охирги йилларда мактабгача таълим муассасаларида түғилган кунни нишонлаш анъана бўлиб, ҳар бир гуруҳларда ўзига хос равишда ўтказилиб келинади. Бунда болалар учун кичик импровизация қўрсатилиб совға берилади. Бу ишларнинг ҳаммаси куннинг иккинчи ярмида ўтказилиб, охирида чой ичиш ва ҳар -хил ширикликлар билан тутатилади.

§ -3

Байрам эртакларини тайёрлаш ва ўтказиш

Мактабгача таълим муассасаларида эрталикларни ўтказиш умумий тарбиянинг бир қисми бўлиб, маънавий, аклий, жисмоний ва эстетик тарбия бериш каби вазфалар амалга оширилади. Бунинг учун байрамларни тайёрлаш, уни ўтказиш ва олган ҳис-туйғуларини педагогик жараённинг бир бутун маъноси сифатида қўриш лозим. Эргаликларнинг дастури камидан бир ярим ой олдин режалаштириб қўйилади. Бу дастурда ҳар хил рақслар, мусиқа ва ўйинлар, қўшиқлар киритилади. Шу муносабат билан мусиқий материалларнинг танлашда болаларнинг имкониятини тўғри ҳисобга олиб тайёрлаш зарурдир. Танлаб олинган репертуар аста-секинлик билан машғулотларга киритилиб борилади. Энг мураккаб қўшиқлар, рақслар бир, бир ярим ой олдин ўргатилади. Репертуарнинг бир қисми мавҳум совға дақиқалар, унча мураккаб бўлмаган ўйинлар, инсценировкалар болалар билан байрамгача оз фурсат қолганда тайёрланади. Байрамга болаларни тайёрлаш, айниқса, умумий сиёсий йўналишлар бўйича ҳар хил машғулотларда ўтказилади. Эрталикни муваффақиятли ўтказиш, авваламбор, сценарийни яхши тузиганлигига боғлиқ бўлади. Эрталик ўтказиш вақти катта ва мактабга тайёрлаш гуруҳлари учун 35-45 дақиқа, кичик гуруҳ болалари учун 25-30 дақиқадан ошмаслиги керак. Яхши гузилган дастурда ҳаракат дақиқалари навбат билан бажарилади. Бунда

тантанали, күтарикиң қисмдан кейин болалар ўтиришиб шеърлар тинглайдилар, кувноқ рақслардан кейин болалар инсценировка томошы қилишади. Бунда факат бир неча болалар машгул бўладилар. Энг кичик ёшдаги болалар (агриутлар, байроқчалар, шеърлар, гуллар) хонанинг байрамона безатилганини тезда илғаб ололмайдилар, шунинг учун болаларнинг эътиборини мавзуга қаратиш таклиф қилинади ва уларга томошы қилишга вақт берилади. Кичик гуруҳ болалари учун ёрталиклар кўпроқ катта гуруҳ болалари ижросидаги томошы дақиқалари кўлланилади.

Кичик гурухдаги болаларнинг тавсифлари ҳали мураккаб бўлмайди ва уларнинг мустақиллигини оз миқдорда ифода этади. Катта гуруҳ болалари кўпроқ мустақил равишда ҳаракат қилишиб, тарбиячининг ёрдамисиз ишонч билан таниш бўлган ўйинларни, рақсларни ижро этадилар ва инсценировкага қатнашишади. Мусиқий чиқишлиарда болаларнинг ҳаммаси қатнашиши керак. Бунга қўшиқни, рақсни, ўйинларни, хороводларни жамоа тарзда ижро эттириш орқали эришилади. Шу билан биргаликда ҳар бир бола якка тартибда ёки унча катта бўлмаган гуруҳлар билан ижро этишлари керак. Жамоа бўлиб ижро этиш ҳар доим навбати билан амалга оширилиб, якка тартибда шеърлар ўқишилари, болалар мусиқавий асбобларида ижро этишлари орқали бажарилиши керак. Мусиқий тарбия ишларининг яхши ташкил қилиниши болаларнинг ҳамма дастурий мазмунни ўзлаштиришларига имконият яратади, шунинг билан бир қаторда гуруҳларда ҳамиша вазифани енгил ва тез ўзлаштириб оладиган болалар бўлади. Бундай болаларнинг ривожланишини давом эттириш учун анча мураккаб асарларни қўллашни талаб қиласди. Бундай болаларга мураккаброк бўлган қўшиқ орқали ижро этиладиган ҳамда уларнинг қобилиятини тўла ифода эта оладиган роллар топширилади. Шунинг билан бирга гуруҳда вазифаларни қийинчилик билан бажарадиган болалар ҳам бўлади. Бундай болаларга иложи борича енгилроқ вазифалар берилади. Лекин бу болалар ҳам умумий қувончлы соатларда қатнашиши лозим. Тарбиячининг фаолияти байрам ёртакларида жуда хилма-хилдир. Бунда энг жавобгарлик дақиқалардан бири ёрталикни олиб бориш ҳисобланади. Пухта ишланмаган вазифалар, ижро этиш вақтидаги чўзишилар, болаларнинг сон жиҳатдан ҳаддан ташқари кўплиги болаларни зериктириб, уларни эмоционал ҳамда жисмоний оғирлиги бирлигини бузади. Бундан осонлик билан чиқиб кетиш катталарнинг байрамда фаол иштирок этиши туфайли амалга оширилади. Сценарийни педагогик кенгашда кўрилаётган вақтда ҳар бир тарбиячининг роли аникланади. Булар уларнинг бажарадиган вазифалари, болаларни кийинтиришда жавобгар шахс тайинлаш, айрим персонажларнинг аниқ чиқиши, совға дақиқаларини ўtkазиш ва ҳ.к. Тарбиячи байрам мавзусини бошлаш вақтида энг мазмунли ва гўзал ҳис-туйгуларни мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди. Булар расмларда, ҳикояларда ва сухбатларда ўз аксини топади. Бунда болалар айрим персонажларни ижро этиш вақтида севган қўшиқларини ва рақсларини тақрорлайдилар. Айрим мактабгача таълим муассасаларида байрам туйгуларини мусиқий машғулотларда мустаҳкамлайдилар. Бунда педагог болалардан ёрталиқда нималар ёққанлигини сўрайди, фикр алмашади, шунинг билан бирга болаларнинг хоҳишилари бўйича қўшиқ ижро этадилар, рақсларни тушадилар, шеърлар айтишадилар. Бу эса болаларнинг ҳис-туйгуларини чукурлаштириб, байрам мазмунини яхши англайдилар ва уларда байрам ҳақидаги энг яхши таассурот қолади. Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаларида байрамларни нишонлаш, тарбиявий жараённинг энг асосий қисмларидан бир

ҳисобланади. Бу болаларнинг шаклланишига фаол таъсир қилиб, ўзларининг малакаларини, маҳоратини, ижодий интилишларини ифода этади. Шунинг билан бирга педагогик ишларга якун ясашга маълум хулоса ясади.

Савол ва жавоблар

1. Болалар эрталикларида мусиқий рол қандай?
2. Эрталикларда санъат турларининг боғлиқлигини айтиб беринг?
3. Умумий сиёсий байрамларга бағишлиланган эрталиклар ва Мустақиллик кунига бағишлиланган эрталикларни бир-бирига таққосланг?
4. Эрталикларда болаларнинг якка тартибда ва жамоа тарздаги чиқишлиари тўғрисида ҳикоя қилиб беринг?
5. Байрам дастурида болаларнинг мусиқий фаолиятининг қайси турлари киритилади?
6. Болаларнинг қандай қилиб байрамга тайёрлайди?
7. Эрталикларда тарбиячининг роли қандай?
8. Болалар эрталикларида катталар ижросидаги якка тартибдаги ҳамда жамоа тарздаги ижро этилиши режасини тушиб беринг?
9. Хоҳлаган гурухда байрам эрталиги режасини тушиб беринг?
10. Т.В.ни қўллашнинг афзаллик томонларини кўрсатиб беринг (видеомагнитофонлар, видеопроекторлар, экранли компьютерлар, диапроектор, двд дисклари ва бошқалар)?

12-Бўлим

Боғчада мусиқий фаолиятларни ташкил қилиш ва

зални жиҳозлаш

§-1

Болаларнинг мусиқий фаолиятни ташкил қилишда мусиқий раҳбар ва тарбиячининг ўрни

Мактабгача таълим болаларининг умумий ва мусиқий-эстетик ривожланишини маҳсус мусиқий билимга эга бўлган мусиқий раҳбар амалга оширади. Бундан ташқари мусиқий раҳбар педагогик жараённинг назарияси ва услубини яхши эгаллаб олган бўлиши керак. Тарбиячи эса умумий мусиқий тайёргарликка эга бўлган бўлиши керак. Бундан ташқари тарбиячи мусиқанинг элементар назарияси асосини, хорда ижро этиш, сольфеджио қилиш, ритмикани ҳамда мусиқий асбоблардан бирортасини ижро эта олиши керак. Бунинг учун мусиқий раҳбар ва тарбиячи бир-бири билан мустаҳкам боғланган ҳолда мусиқий машғулотларни олиб бориши керак.

Мусиқий раҳбарнинг иш фаолияти ва вазифаси

Мусиқий тарбиянинг умумий ҳолда ташкил қилиш ва ўтказишни мусиқа раҳбари амалга оширади. Улар куйидаги ишларни бажаради:

1. Иш жадвалига мос равишда ҳафтада икки марта ҳар бир гурухда мусиқа машғулотларини ўтказади. Бунда раҳбар болаларга ҳар хил мусиқий материаллар ўргатади, дастурий малакаларни режалаштириб уни қайта ишлайди, грамёзувлар тинглашадилар, агар зарур бўлса, болалар билан якка тартибда иш олиб боради;
2. Байрам сценарийларини тайёрлашга, кўнгилочар соатларнинг режасини тузишда ҳамда ўтказишга жавобгар бўлади;
3. Тарбиячиларга маслаҳат бериш йўли билан болаларнинг мусиқий ривожлантиришга раҳбарлик қиласи. Маслаҳатда мусиқа раҳбари тарбиячини иш режаси билан таништиради, болалар асарларидан ўргатади, ўтказилган

машғулотларни таҳлил қиласи, эрталабки бадантарбияда тингланадиган репуртуарларни танлашда ёрдам беради, сайр этиш режаларини ўргатади ва х.к. Гурух бўлиб машғулот ўтказиш вақтида раҳбар мунтазам равишда тарбиячига ўргатиб бориб, харакат қилиш ва кўшиқ ижро этиш малакаларини ўргатиб боради;

4. Ҳар доим педагогик мажлис ўтказиб борилиб, байрам эртакларини ва кўнгил очиш соатларини таҳлил қилиб боради. Бундан ташқари ўқув жараёнини мукаммаллаштириш мақсадида қўшимча вазифаларни белгилайди;

5. Болаларнинг умумий мусиқий жараёнини эътиборга олган ҳолда отоналар билан ҳам иш олиб боради. Бундан ташқари тарбиячига якка тартибда ва мажлисларда маслаҳатлар бериб, болалар билан радио эшиттиришларни, телевизион кўрсатувларни қандай тинглаш ва кўриш кераклигини тушунтириб боради.

Тарбиячининг иш вазифаси.

Тарбиячи болаларни мусиқага қизиқтиришда катта имкониятларга эга бўлиб, булар қуидагилардан иборатдир:

1. Мусиқий машғулотларда болаларга мусиқий ишларни олиб бориша фаол қатнашади. Масалан, кичик гурухларда тарбиячи болаларнинг овозини босиб кетмасдан бирга қўшилиб куйлади, ўрта ва катта гурухларда эса мусиқа раҳбари билан биргаликда қўшиқ ўргатишда ёрдам беради. Бундан ташқари агар тарбиячи тоза ва мазмунли ижро этса, фортепъяно жўрлигида ҳам янги қўшикни ижро этиши мумкин. Болаларга мусиқий-ритмик харакатларни ўргатиш вақтида тарбиячи мусиқий фаолиятнинг ҳамма турларига қатнашади ва уларни фаоллаштиради. Ўрта, катта, айникса, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг роли ўзгача бўлади. Бунда у ёки бу харакатларни кўрсатади ҳамда уларга эслатиб, айрим кўрсатмаларни бериб боради;

2. Тарбиячи болаларнинг ижодини мужассамлаштириб, бориб мавзуларни айтиб туради, ролларни тақсимлайди ва сюжетларнинг умумий ривожланишини белгилайди;

3. Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятга йўналтириб, ўйинларда, сайларда, меҳнат жараёнларида ўргатилган қўшиқлардан фойдаланиб олиб боради;

4. Мусиқий материалларни танлашда қатнашиб, болаларнинг тасвирий фаолиятини, нутқини ривожлантиришни ва атроф-муҳит билан таништириш ишларини олиб боради. Шундай қилиб, тарбиячи мусиқа раҳбари билан мақсадга эришади ва болалар умумий мусиқий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга фаол қатнашади.

§- 2

Мусиқий тарбия жараёнида жихозлаш.

Олдинги бўлимларда кўрсатилганидек, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбияси ранг-баранг шакллар бўйича амалга оширилади. Булар мусиқий машғулотларда, мустақил бадиий фаолиятга, байрам ва кўнгилочар ва дам олиш соатларида бажарилади. Шулардан бири доимий равишида ташкил этилади. Масалан, мусиқий машғулотлар. Бу машғулот ҳафтада икки марта ўтказилади. Ҳамма қилинадиган ишларни педагогик жамоа, мактабгача таълим мудири, катта тарбиячи, мусиқа раҳбари ва тарбиячи амалга оширадилар. Лекин мусиқа тарбияси жараёнини ташкил қилиш фақат услубий вазифаларни бажариш эмас, балки зарур бўлган жихозларни ташкил қилиб беришдан ҳам иборат. Мусиқий

ўйинчоқлар, мусиқий дидактик құлланмалар, құлда тайёрланған үйинчоқлар, техник воситалар, методик адабиётлар, ҳар хил атрибутлар ҳамда маңсус мебеллар билан таъминлаш мүхимдір.

Залини жиҳозлаш

Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа машғулотларини үтказиш боғча залида ёки гурух хонасида үтказилади. Зал жуда шинам, ёруғ, чиройли, тоза бўлиши, айниқса байрам эртаклари үтказилаётган вақтда жуда гўзал бўлиши керак. Девор пардаларининг рангиға мос равища оқланған бўлиши, гулдонларга эса гуллар бўлиши керак. Хонани жиҳозлашда ҳар хил декоратив панеллар, бастакорларнинг портретлари ва бошқалар осиғлик туриши лозим. Эътиборни девор марказини жиҳозлашга қаратиш керак. Пианинони шундай жойлаштириш керакки, болаларнинг ҳаммаси раҳбарга кўриниб турсин. Шу билан биргаликда спорт инвентарлари ҳам бўлиши керак, чунки хонада жисмоний гимнастика машғулотлари ҳам ўтилиши мукин. Мусиқий асбоблар ва мусиқий машғулотларга керакли инвентарлар секцион шкафларда ёки услубий хоналарда сакланиши керак. Машғулотдан кейин албатта хона тозаланади ва шамоллатиб қўйилади, бу эса гигиеник талабга мос усул ҳисобланади. Чунки, мактабгача таълим муассасаларида гигиеник талабларга риоя қилиш энг мүхим омиллардан бири ҳисобланади. Хонанинг полига иложи борича қалин гилам ёки палас тўшаб қўйилиши керак, чунки болалар машғулот пайтида оёқлари сирпаниб кетиб йиқилиб тушмайди. Болалар машғулотга унча тор бўлмаган кийимда ёки спорт кийимида келишади.

Болаларнинг мустақил мусиқий фаолиятларида жиҳозлашнинг тутган ўрни

Болалар машғулотлардан ташқари вақтларида якка тартибдаги интилишлари билан шуғулланишади, бунда улар чизмачилик, қўшиқчилик, яна бири мусиқа асбобида куй изжро этиши лўнда қилиб айтганда, мустақил равища ҳаракат қилишади. Бу фаолиятни ривожлантириш учун тарбиячи жой ажратиб бериши, ўзига хос мусиқий бурчак ташкил қилиб бериши ва керакли мебеллар билан таъминлаши керак. Бурчакда қўйидаги нарсалар бўлиши лозим: Иккита стол стуллари билан, дидактик ўйинлар учун стол, болаларнинг ўzlари чизган расмлари, бастакорларнинг портретлари осиғлик туриши керак. Бурчакнинг асосий мазмуни ҳар хил мусиқий қўлланмалардан иборат бўлади. Биринчи навбатда мусиқий ўйинчоқлар ва болалар мусиқий асбоблари ҳисобланади. Иккинчи навбатда ранг-бараңг дидактик ўйинлар ва қўлланмалар бўлиб, мусиқа машғулотларида, инсценировкаларда ва рақсларда фойдаланилади. Тарбиячи бу асбобларни эҳтиётлик билан ишлатишни назорат қиласи ва машғулотдан кейин жойига олиб қўйишни таклиф қиласи. Бундан ташқари ҳар бир гурухда болалар қўшиқлари ёзилган дисклар, халқ ракс куйлари, мусиқий ҳикоялар, инсценировкалар бўлиши лозим. Бунда тарбиячи шу манбалар асосида болаларнинг қўшиқ ёки куй танглашга бўлган хоҳишини, рақсга тушиши ва ҳ.к. қондира олади.

Мусиқий дидактик ўйинлар ва қўлланмалар

Дидактик ўйинлар ва қўлланмалар болаларнинг мусиқий ривожланишида яхши имкониятлар яратади. Унинг ёрдамида болалар товушнинг баландлигини, тембрини, ритмик хусусиятларини ва куй йўналишларини аниқлаб борадилар. Бунда болаларнинг ижодий қобилияти ўсиб, мусиқа тинглашга, мусиқий асбобларга бўлган қизиқиши кучаяди. Педагогик амалиётда мана шундай

дидактик қўлланмалардан кенг фойдаланиш мумкин. Масалан, “Мусиқий лото“ бу кичик органчалардан иборат бўлиб, таҳтадан ясалган карточка ва ҳар хил рангдаги белгилардан иборат бўлади. Карточкаларда мусиқий образ тасвир этилиб, қўшиқ “Куёнча“ ҳақида бўлса, бунда болалар қуёнчанинг тасвири туширилган карточкани ёпдилар ва х.к.

Куёнчам

М.Икромова шеъри ва мусиқаси

Шопнилмай



Мен - га са - лом бе - ра - ди шал-панг қу - лоқ қу - ён- чам,



ля - ля - ля - ля, ля - ля - ля, шал-панг қу - лоқ қу - ён- чам.

Карточкалар ўйиндан олдин тарқатилади. Бунда болаларнинг қайсиси аниқ ёпсалар, ўша болалар ютади. Мусиқий дидактик ўйинларни “Товуш тембри“ бўйича ташкил қилишда “Топ-чи, қайси асбоб жаранглайти?“ деган ўйинни кўрсатиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Бунда тарбиячи бир неча хил тембрга эга бўган асбоблар (рубоб, дутор, ғижжак, доира) танланади. Тарбиячи ҳар бир асбобда ижро этиб, “Мен қайси асбобда ижро этаямсан?“ деб сўрайди. Нота нашриётлари, “Мусиқа алифбоси“дан ва бошқа манбалардан ҳам юқоридаги усул учун фойдаланиш мумкин. Бунда жуда кўп қизиқарли қўшиқлар ва машқлар мавжуд бўлиб, ўйин шаклида бошлангич маълумотларни барчасини олиш мумкин. Бу китобда нота лотоси, нота чизиқлари, нота илмакчалари бўлади ва бундан ҳар хил ўйинлар учун қўлланмалар тузиш ва тайёрлаш мумкин. Мусиқа алифбосини асосидан мусиқий дидактик ўйинлар ҳам тайёрлаш мумкин. Бунда китобнинг расмини каттароқ ҳажмда чизиш керак. Охирги йилларда кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳақида илмий хуносалар чиққанлиги туфайли шу мақсадда дидактик қўлланмалар ишлаб чиқилган. Бу қўлланмалар болаларга мусиқанинг тушунарли шакли мусиқий жанр, мусиқий асарнинг шаклини ва айрим мусиқий воситаларнинг мазмуни билан таништиришда педагогика анча ёрдам беради. Болалар мусиқий машгулотда бошлангич таассурот олиб, унда мусиқий товушнинг асосий хусусиятларини аниклайдилар. Болалар мусиқанинг суръатини ёки мусиқада бўлаётган ўзгаришларни аниқлашлари учун “Карусел“, “Поезд“ каби қўлланмалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, “Карусел“ қўлланмасида тарбиячи болаларга мусиқани эшитиб, карусел бурагичини айлантиришни таклиф қиласди. Бунда болалар мусиқани тезлашишига ва секинлашишига қараб айлантирадилар. “Поезд“ қўлланмасида эса педагог поездчани рельсга кўйиб болаларнинг биронтасига поездни юргизиб юборишини таклиф қиласди, бунда болалар олдин мусиқани эшитиб кўриб сўнгра мусиқа қайси тезликда ижро этилаётганлигига қараб шу тезликда поездчани юргизиб юборишадилар. “Кучли-кучсиз“ деб номланган қўлланма эса болаларнинг мусиқий динамик

ифодаларига бўлган сезгиларини ривожлантиради. Бунда болалар товушларнинг кучини асбобларнинг ҳар хил кучда эшитилаётган товуш кучига боғлаган ҳолда аниқлайдилар. Мусиқий дидактик қўлланмалар билан мусиқий дидактик ўйинлар бир-биридан анча фарқ қиласа-да, болаларнинг мусиқа тилининг хусусиятларига ва тасаввурiga йўналтирилгандир.

Янги ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш

Умумий ахборот воситаларидан радио, телекўрсатувлар тингловчи ва томошабинларга катта эмоционал таъсир кўрсатади. Илмий техник прогресс фаннинг ривожланиб боришига боғлиқ бўлганлиги учун мактабгача таълимда ҳам техник воситалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Мактабгача тарбия педагогикасида қўлланиладиган янги ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда эшитиш ва томоша қилиш бўлиб, экранлашган товушли воситалар ҳисобланади. Экранли воситаларга товушсиз дисклар, кинофильмлар, диафильмлар киради. Товушли воситаларга эса видеодисклар, экранли компьютерлар, теле-радиоэшиттиришлар киради. Экранли товушли воситаларга эса товушли кинофильмлар, видеофильмлар ва ўкув телекўрсатувлари киради.

Мусиқавий дисклар

Бу педагог учун қулай восита бўлиб, мусиқий асарларнинг ҳар қайсисини юқори даражада ижро этишини таъминлайди. Бунда чолғу ва вокал мусиқага кўргазмали тасаввур қолдиради. Масалан, хор, оркестр оҳанглари билан таништиради, бундан ташқари болалар учун мусиқа тинглаш, мусиқавий ҳаракатлар қилиши учун мусиқалар ва миллий куйлар ёзилган дискларни тинглаш мумкин. Мусиқавий дисклардан машғулотларда ҳамда байрам эртакларини ташкил қилишда, кўнгилочар соатларда ва мустақил фаолиятларда фойдаланиш мумкин.

Диск ёзувларидан фойдаланиш

Диск ёзувларидан фойдаланиш зарур қизиқарли машғулотлардан биридир. Бунда бажариладиган материалларни ёзиб олиб бирданига эшитиш педагогик жараённи сезиларли даражада бойитади. Дисклардан зарур бўлган мусиқий асарларни, мусиқий-адабий композицияларни ёзиб олиш, кўнгилочар соатларда, болалар байрамларида, қўғирчоқ спектакларида ҳамда қулай бўлган дақиқаларда мусиқа тинглаш мумкин. Мусиқавий дискларнинг қулайлик томонларидан яна бири, ўрганилган у ёки бу қўшиқни муваффақиятли чиққан-чиқмаганлигини аниқлашда катта ёрдам беради.

Радио ва телекўрсатувлардан фойдаланиш

Радио ва телекўрсатувлар болаларнинг ҳис-туйгуларини бойитади, уларни маънавий ва эстетик жиҳатдан тарбиялайди, мусиқани тушуниши ҳамда севишга ўргатади. Лекин бу борада гигиеник қоидаларга риоя қилиш талаб этилади. Бунинг учун товуш ва тасвир жуда сифатли бўлиши керак. Тарбиячи болаларни ҳар қайсисига товушни эшитиш қобилиятига қараб радио ва телекўрсатув ўтказади. Шуни эсда сақлаш керакки, болаларнинг ортиқча томоша қилиши уларни толиктириб қўяди ва салбий таъсир қиласади.

Бунинг учун болаларни экран қаршисида 20 минутдан ортиқ ушлаб турмаслик лозим. Болаларга радио ва телекўрсатувлар дастурини эшиттирилиши ва кўрсатилишида улар гўёки ўzlари ҳам қатнашаётгандай тасаввур қилишади.

Ундаги воқеаларда ўзлари қатнашаётгандек ва қаҳрамонларга ҳамдардлик билан муносабатда бўладилар. Мултфильмларда эса қувониб, улар билан бирга образга тушадилар.

§- 3

Мусиқа ишлари бўйича қилинадиган ишларни режалаштириши.

Болаларга мусиқа тарбияси бериш вазифаси ҳамма қилинадиган ишларни яхшилаб режалаштиришни ва ҳисобга олишни талаб қиласди. Мактабгача таълим муассасаларида ўқитишни ва тарбия бериш дастури чорак бўйича тақсимланган амалий маҳорат ва билим, ўқув материаллари каби иш ҳажмини ўз ичига олади. Мусикий тарбиянинг мазмуни йилнинг ҳар бир чорагига қараб белгиланади.

Бириинчи чорак. (сентябр, октябрь, ноябрь) ўқув йилини бошлаб беради. Бунда гуруҳлар ташкил қилинади, мактабгача таълим муассасаларига янги болалар қабул қилинади ва бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтказилади. Уларнинг тайёргарлиги ҳар хил бўлиб, маълум даражада вазифалар кўйилади. Энг аввало болалар жамоасини ташкил қилиш, уларнинг маданиятига, хулқига, мусикий машғулотлардаги мувозанатига эътибор бериш керак бўлади. Педагог ҳар бир боланинг мусикий ривожланишини назорат қилиб боришини ва келгуси ривожланишини белгилаб бориши лозим. Сўнг ҳар бир гуруҳда ҳамма мусикий вазифалар: Кўшиқ айтиш, рақсга тушиб, мусиқа тинглаш каби фаолият турлари белгиланади. Репертуар танлашда шуни ҳисобга олиш лозимки, сентябрь ойида Ватанимизнинг улуғ байрамини нишонлайди. Бу Ўзбекистонимизнинг мустақиллик кунидир, шу мазмундан келиб чиқиб иш режасини тузади.

Иккинчи чорак. (декабр, январ, февраль) ойи бўлиб, педагог болалар жамоасини тузиб бўлган, гуруҳдаги ишлар йўлга кўйилган ва болаларнинг имкониятлари аниклаб олинган бўлади. Машғулотлар давомида болаларнинг маҳорати мукаммаллаштирилади, мусикий қобилияtlари ривожлантирилади. Ҳар бир боланинг мусикий ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳонда ўқитувчи машғулот вақтида болаларнинг қайсиdir қўшиқ ёки ҳаракат қилаётган жараёнда кийналаётган бўлса, шу болаларга ёрдам беради. Мусикий раҳбар ўзининг истиқбол режа тузиш вақтида ўзининг ижодий фаоллигини кўрсатади ва боғчанинг аниқ шароитини ҳисобга олади ҳамда ҳар хил ёзма шакллардан фойдаланади.

Учинчи чорак. (март, апрель, май) бу ойлар якунловчи ўқув йили ҳисобланади. Бу ойлар болалар боғчасининг умумий ишида кўпгина воқеалар нишонланади. Мустақиллик байрами, ўқитувчилар байрами, конститутция куни, 8-март хотин-қизлар куни, Наврӯз байрами ва бошқа байрамлардир. Машғулотлар давомида ўқув натижалари текширилади ва мустаҳкамланади, чунки дастурий талаблар ўзлаштирилган, репертуарлар ёдланган бўлади. Мусикий ривожланиш икки йўналиш бўйича текширилади. Ҳамма гуруҳ болалари билан бир вақтда ва ҳар бир бола билан алоҳида текшириш ўтказилади. Чорак охирида эса болаларнинг билим ва малакаларини текширишда қуйидагича режалаштириш мумкин. Йил бўйи ўрганилган асарларни такрорлаш, қўшиқ, рақс, ўйинлар ва ҳ.к. Бундан ташқари болалар ўзларининг қанча билимга эга бўлганликларини аниқлайдилар. Бу машғулотлар болаларда маълум манба бўлиб, мактабга турли мусикий репертуарлар билан келишади.

Тўргинчи чорак. (июнь, июль, август). Бу фасл болалар учун соғломлаштириш фасли бўлиб, ўтилган материаллар такрорланади ва чукурлаштирилади. Асосан машғулотлар очиқ ҳавода ўтказилади. Машғулотлар

якка асбобда ёки мусикавий дисклар ёрдамида ўтказилади. Машғулотлар сони бу вақтларда камаяди, унинг тавсифи ўзгаради. Кўпроқ рақс ва предметлар билан машқ қилдирилади. (таёқчалар, байроқчалар ва х.к.). Бунда жўрсиз қўшиқ куйлаш асосий ўринни эгаллайди.

Режалаштириш турлари.

Режалаштиришнинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчиси истиқбол режадир. Бу режа бир-икки ойга мўлжалланиб, иккинчиси (кундалик) режадир. Бу режа бир-икки ҳафтага мўлжалланиб тузилади. Мусиқий тарбия ва ривожлантириш турли шаклларга эга бўлиб, кўнгилочар соатлари, байрамлар, мустақил фаолият ва ҳар кунги хаётда мусикадан фойдаланиш вазифалари бажарилади. Мусиқий тарбиянинг айрим шакллари мунтазам равишда режалаштирилади, бошқаси эса эпизодик шаклда бўлади. Истиқбол режа тарбиявий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда мусиқа раҳбари томонидан тузилади. Шунинг билан бир қаторда мусиқий фаолиятнинг машғулотдан ташқари ҳар хил шакллари билан ҳам таништирилиб борилади.

Мусиқий фаолиятнинг турли шакллари бўйича тахминий истиқбол иш режа иловаси.

7-илова

Мусиқавий фаолият шакллари	Мусиқий тарбиявий ишлар	Репертуар ва қўлланмалар
1. Байрамлар. 2. Кўнгилочар соатлар. 3. Мустақил фаолият. 4. Болаларнинг ҳар кунги фаолиятида мусиқа.	Байрам мавзуси ва тарбиянинг асосий вазифалари. Кўнгилочар соатларни ўтказиш шакллари, мавзуси ва вазифалари. Болалар фаолиятини мукаммаллаштириш учун якка тартибда ёндашиш ва кузатиш. Эрталабги гимнастикада мусиқий жўрлиқдан фойдаланиш. Мусиқанинг бошқа машғулотларга киритилиши (сайрда, ўйинларда ва х.к.)	Байрам сценарийси рўйхати. Репертуар, театрлашган персонажлар ва бадиий шакллантириш. Мусиқий дидактик қўлланмаларни киритиш тартиби ва асослари ҳамда ўйинчоқлар. Репертуар, машғулот ва машқлар бажаришда мусиқадан фойдаланиш. (дисклар, мусиқий асослар ва ўйинчоқлар).

Истиқбол режа асосида тақвим режа (ҳар кунги режа) тузилади. Бу режада кун бўйи қилинадиган тарбиявий ишлар белгилаб қўйилади. Бунда мусиқий машғулотнинг мазмуни эрталабки, кундузги, кечки вақтдаги ўйинлардан иборат бўлади. Тақвим режани мусиқа раҳбари тузади. Мусиқий раҳбар доимий равиша ҳар бир боланинг мусиқий ривожланишини назорат қилиб боради ва ҳар доим машғулот вақтида ёки машғулотдан сўнг 5-7 минутга бир икки болани қолдириб билимини текширишни ташкил қиласи. Текшириш натижасини алоҳида дафтарчага қайт қилиб, керакли белгиларни қўйиб боради. Доимий равиша дафтарчага қайт қилиб бориш болаларнинг билимини ўзлаштириш

сифатини аниқлашда катта ёрдам беради ва ўз вактида камчиликларни йўқотишида анча қулайликлар яратади. Шундай қилиб, қилинадиган мусиқавий ишларнинг мунтазам равишда режалаштириш ва ҳисобга олиб бориш педагогик жараённинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Савол ва вазифалар

1. Болаларнинг мусиқий тарбиявий ишларини ташкил этишда мактабгача таълим мудири, мусиқа раҳбари ва тарбиячининг вазифаларига тавсиф беринг.
 2. Мусиқа раҳбарининг мактабгача таълим тарбиячиси билан ишлашнинг қандай шакллари бор?
 3. Кичик ва катта гуруҳдаги болалар билан мусиқий машғулот ўтишда тарбиячининг фаолияти нималардан иборат?
 4. Мусиқий машғулот учун зални қандай жиҳозлаш талаб қилинади?
 5. Гуруҳда мусиқий бурчакни қандай ташкил қилиш керак?
 6. Истиқбол режа билан календар режани ўзаро боғлиқлиги нимада?
 7. Гуруҳда хонанинг қайси жойида мусиқий бурчакни ташкил қилиш мумкин?
- 8.7-илова бўйича бир чораклик истиқбол режа тузиб беринг ва болаларнинг ҳар кунги ҳаётида қўлланиладиган мусиқалардан хоҳлаган гуруҳдаги болалар учун тузиб беринг?
9. Т.В.дан фойдаланиш имкониятларини айтиб беринг?
 10. Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий тарбия ишлари қандай режалаштирилади?

Мусиқий атамалар лугати

Аккомпанемент. Бу мусиқий жўрнавозлик бўлиб, хор, ансамбл, рақс ва гимнастик рақсларга жўрнавозлик киласди.

Аккорд. Ҳар хил баландликка эга бўлган уч ёки ундан кўп товушларнинг бир вақтда эшитилиши.

Акцент. Мусиқанинг айрим товушларига бериладиган зарби. Бу белгилар нота йўлининг юқорисига қўйилади.

Альтерация. Бу белгилар орқали бирон товушни ярим тонга юқорига кўтариш ёки пастга тушириш ёки бир тонга кўтариш ёки туширишни билдиради. Бекар белгиси орқали кўтарилиган ёки туширилган ярим ёки бир тонни ўз ҳолига қайтаради.

Ансамбл. Бир неча ижрочилар учун ёзилган мусиқий асарни ижро этувчи созандалар жамоаси: Дуэт- икки ижрочи, трио- уч ижрочи, квартет - тўрт ижрочи, квинтет- беш ижрочи ва ҳ.к.

Аппликатура. Ноталарга қўйиладиган белги бўлиб, мусиқий асбобларда ижро этиш давомида бамоқларнинг навбат билан ишлатиш учун қўлланилади.

Арпеджио. Бир ҳамоҳангликтан иккинчи ҳамоҳанглика навбат билан ўтилиши.

Вольта. Бирон куйнинг бир бўлагини такрорлаш учун ишлатиладиган белги.

Гамма. Ўз баландлигига қараб жойлашган товушлар қатори.

Гармониялаш. Миллий ёки бошқа услубда ёзилган куйнинг мусиқа асбоби жўрлигидаги ижроси.

Гармония. Лад ва тонликдаги берилган қонуний ҳамоҳанглик.

Диапазон. Инсон овози ва мусиқа асбобининг энг юқори ва энг пастги товушининг ҳажми.

Динамика. Ижрочиликда мазмунли восита сифатида кучли ёки кучсиз оҳангнинг қўлланиши. Асосий график белгилар: форте-баланд, пиано-паст, меццо форте-ўртача баланд, меццо пиано-ўртача паст, крешендо-товушнинг кучайиб бориши, демуниэндо-товушнинг кучизланиб бориши ва ҳ.к.

Товуш давомийлиги. Товушлар чўзилишини билдирадиган асосий товуш чўзимлари: Бутун нота, яримталик, чораклик, ўн олтиалик нота ва ҳ.к.

- Бутун нота.
- Яримталик нота.
- Чорак нота
- Нимчорак нота.
- 16 талик нота.

Дақиқа. Оҳангнинг вақт бирлиги бўлиб, кучли ҳисса билан кучсиз ҳиссани бир-биридан ажратиб туради.

Дессонанс. Товушнинг ёқимсиз эшитилиши.

Консонанс. Товушнинг ёқимли эшитилиши.

Жанр. Бирон мусиқий асарнинг мазмуни, тавсифи ва йўналиши ҳақидаги тушунча бўлиб, опера жанри, симфоник, вокал ва камер мусиқалардир.

Такт олди. Кучсиз ҳисса билан бошланадиган товуш бирлиги.

Мусиқий товуш. Тебранаётган товуш манбаси бўлиб, баландлик, товушнинг давомийлиги, тембри ва ифодасини ифодалайди.

Товушқатор. Ладнинг асосий босқичларини навбат билан келиши бўлиб, до-ре-ми-фа-соль-ля-си деб ўқилади.

Импровизация. Мусиқий асарнинг ижро этиши вақтидаги вариантига қўшиб ижро этилиши.

Интервал. Иккита ҳар хил баландликка эга бўлган товушлар оралиғи бўлиб, пастги асосий товуш, юқоригиси чўққиси ҳисобланади: Прима-битта, секунда-иккита, терция-учта, кварта, квинта, секста, септима, октава ва ҳ.к.

Интонация. Энг майда мусиқий тузилиш бўлиб, мустақил мазмунга эга бўлади.

Калитлар. Нота чизигининг бошланишида қўйиладиган белги бўлиб, товушларнинг баландлигини ва номини белгилайди: Соль калити, бас калити, алт калити ва ҳ.к.

Лигато. Бир неча товушнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда ижро этилиши.

Мелизм. Битта товушнинг ўзига хос жилюси.

Метр. Тактдаги кучли ва кучсиз ҳиссанинг бирин-кетин келиши.

Минор. Ўйчан, ғамгин кайфиятдаги лад оҳангি.

Мажор. Қувноқ кайфиятдаги лад оҳангি.

Кўп овозлик. Бир неча мустақил мелодик қуйнинг йўналиши.

Модулация. Бир тонлиқдан иккинчи тонликка ўтиш.


Мусиқа саводи. Мусиқанинг назарияси миқёсидаги элементар билимлар.

Нота. Мусиқий товушнинг график белгиси.

Нота йўли. Нота товушларини ёзиш учун чизилган ёндош чизиклар.

Нюанс. Мусиқа тавсифини белгилаш тушунчаси булиб, мусиқий товушнинг маълум бир вақтда узилиши ҳамда товуш бўлиншига мос чўзимга эга бўлади. Бутун, яримталик, чорак, ним чорак, 16-талик ва ҳ.к.

Саноқ. Маълум чўзимга эга бўлган кучли ва кучсиз ҳиссанинг сони. Саноқлар нота йўлининг калитдан кейин бошида қўшилади ва шу саноқ орқали товуш чўзимлари саналади. Масалан,



ва х.к.

Регистр. Мусиқа асбоби ва инсон овозининг товуш диапазони бўлиб, юқори, ўрта ва пастги регистрлар деб айтилади.

Ритм. Ҳар хил чўзимга ва саноққа эга бўлган товушларнинг бирин-кетин келиши бўлиб, фикр ва мазмундорлик аҳамиятига эга бўлади.

Синкопа. Кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг бир-бирига қўшилиши, зарби.

Стоккато. Ижро маҳорати бўлиб, товушнинг қисқа ва қалинлиги билан тавсифланади.

Лад босқичлари. Товушларнинг навбат билан жойлашиши.

Такт. Мусиқий асарнинг бир бўлаги бўлиб, кучли ҳисса билан тугайди, кучли ҳисса билан бошланади ва кучли ҳиссадан олдин тугайди.

Темп (суръат). Метрик бирликнинг тезлик ҳаракати бўлиб, бу белги мусиқий асарнинг бошланишида нота йўлининг юқорисига қўйилади. Масалан, шошилмасдан, тез, тезроқ ва х.к.

Тон. Иккита ярим тонга эга бўлган икки товуш оралиғи.

Тоналилк. Белгиланган ладнинг маълум товуш баландлиги бўлиб, ўзининг калит белгисига эгадир ва бу лад босқичлар билан белгиланади.

Транспозиция. У ёки бу қўшиқ куйининг бошқа тонликда ёзилиши ва ижро этилиши.

Учтовушлик. Терция оралиғидаги ҳамоҳанглик бўлиб, до-ми-солъ товуши билан белгиланиб, мажор ёки минор тонлигига бўлади.

Фактура. Мусиқий мазмуннинг ҳар хил ифода воситаси бўлиб, куй, жўрнавозлик ва айрим ёрдамчи товушларни белгилайди.

Фермато. Катта мазмундорликка эга бўлган оҳангни давом эттириш учун қўйиладиган график белги.

Мусиқий шакл. Мазмун воситаларини кенг миқёсида мужассамлациши бўлиб, куй, ритм, гармония, структуралар, тор миқёсида эса икки қисмли ёки уч қисмли шакл ҳисобланади.

Хроматизм. Альтерация белгилари ёрдамида товуш баландлигини ярим тонга ўзгариб бориши.

Вокал-хор санъати

Акапелла (жўрсиз). Мусиқа асбоби жўрлигисиз ижро этиладиган кўп овозли хор ижрочилиги.

Вокализация. Қўшиқ айтиш учун мўлжалланган ижрочилик маҳорати бўлиб, унли товушлар билан машқ килиш йўли ҳисобланади.

Вокал мусиқаси. Қўшиқ айтиш учун мўлжалланган учта асосий тур бўлиб, булар якка ижрочи, ансамбл, дуэт, трио, хор бўлиб ижро этиш учун бир овозда ёки кўп овозда мусиқа асбоби жўрлигидаги ёки жўрлигисиз ижро этиладиган мусиқий асарларни ифодалайди.

Вокал санъати. Қўшиқ айтиш маҳорати.

Детонирование. Ноаниқ ва нотўгри оҳанг.

Диапазон. Қўшиқ айтиш овозининг ҳажми.

Дикция. Сўзларнинг аниқ ва мазмунли талаффуз этилиши.

Припев. (накорат). Бир хил матнининг такрорланиб ижро этилиши.

Канталена. Куйчан, майин ижро этиш усули.

Вальс. Куйчан, шошилмасдан ёки тезроқ ижро этиладиган бал рақси.

Галоп. Тез суръатда ижро этиладиган бал рақси бўлиб, 2/4 га саналади.

Хоровод. Айлана бўйлаб кўпчилик иштирокида кўшиғи билан ижро этилади.

Мусиқа машғулотлари учун йиллик иш режасини тузишда кўйиладиган талаблар

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мусиқа машғулотларини режалаштириш намунаси мактабгача тайёрлов гурухига мўлжалланган бўлиб, қолган қуий гурухлар учун ҳам худди шундай тузилишда тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу бир йиллик иш режа 10 қисмдан иборат бўлиб, бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирини мантиқий тўлдирувчи қилиб режалаштирилади.

Мусиқа раҳбари йиллик режани тузиш жараёнида кўрсатилган мавзуларга мос бўлган бошқа куй-кўшиқ репертуарлари билан янада бойитиши мумкин. Мактабгача тайёрлов гурухида мусиқа машғулотларининг йиллик режаси:

7-илова

Сентябр	Кириш	Мусиқа тингланиш	Кўшиқ репертуари	Мус-ритмик харакатлар	Рақс репертуари
октябр	Мусиқага мос шаҳдам қадам ташлаш, тиззала рни кўтариб юриб кириш.	“Ўзбекистон давлат мадхияси”. М.Бурхонов мусиқаси. “Оҳангидан топ” ўйини.	Такрорлаш. “Гул яхши, лола яхши”. А.Муждабоева “Ўзбекистон онажон”. М.Отажонов. “Юртим чиройли”	Пружинасимон ҳаккалаб сакраш, енгил югуриш, ўзбек рақс элементлари безак ҳаракатлари билан бирга.	“Асп бўламан” ўзбек халқ куйи.
Ноябр	Эркин ҳолда юриб жойларига туриш.	“Оҳангларда эртаклар” А.Мансуров. “Куз”. Абрамова. “Ойижон”.	1. “Ўзбекистоним” А.Муждабоева мусиқаси 2. “Булбулча” С.Бобоев мусиқаси. 3. “Шафтолига саволим” Н.Норхужаев мусиқаси. 4. “Куёшли ўлка”. К.Кенжаев мусиқаси.	Тактнинг кучли кисмига оёқ топиллатиш, шаҳдам қадам ташлаш, мусиқага мослаб рўмолча узатиш, ўзбек рақс ҳаракатлари, “Рўмолчани топ” ўйини.	“Асп бўламан” ўзбек халқ куйи.
Декабр	Бир катор бўлиб бошлари устида чапак чалиб юриб кириш.	“Суворий” Д.Кабалевский.	1. “Арча кўшиғи” F.Қодиров мус. 2. “Қорбобо” 3. “Қорқиз”. 4. “Ялмоғиз кампир”. В.Рузметова мус.	Олдинга ва ёнга ҳаккалаш, ўзбек рақс ҳаракатлари безак ҳаракатларини мустақил бажариш. “Бойланди” ўйини”.	“Чаманда гул” ўзбек халқ куйи.

Январ	Бошлари устида чапак чалиб ҳаккалаб, сакраб киришга ўргатиш.	“Туркча марш” В.Моцарт. “Чилдирма чалай” Д.Омонуллаева. “Арча қўшиғи” F.Қодиров.	1. “Биз аскармиз” Н.Норхўжаев мус. 2. “Алла” Д.Омонуллаева мус. 3. “Офтоб яхшими, одоб яхшими” М.Икромова мус. 4. “Қадим турон” Н.Норхўжаев мус.	Юриш, югуриш, олдинга ва ёнга ҳаккалаш. Ўзбек рақс ҳаракатлари. Безак ҳаракатлари, рақс ҳаракатлари, рақсга тайёргарлик машқлари, қаторларга сафланиш.	“Гуллар рақси” Ўзбек халқ рақси.
Февраль	Ўғил болалар киз болаларни қўлларидан ушлаб рақс куйига кириш.	“Қўнгирокчалик чана” В.Агафонников. мус. “Дутор баёти” Ўзб.ҳ.к	1. “Шўхчумчук” М.Отажонов мус. 2. “Боғча опажон” В.Рўзметова мус. 3. “Онажоним” М.Дадабоев мус.	Жуфт бўлиб юриш, югуриш, олдинга ҳаккалаш, ўзбек рақс ҳаракатларини жуфтликда бажариш.	“Дутор баёти” Ўзбек халқ куйи.
Март	Аввал ўғил болалар кейин кизлар кириб ярим доира шаклини куришни ўргатиш.	“Тановар” Т.Ражабий (рубоб ёзувида). “Нола”танбурда Т.Алматов (танбур ёзувида).	“Нурли қуёнча” В.Рўзметова мус. 2. “Майса”. 3. “Камалак”. 3.Қаюмова мус. 4. “Булбулча” А.Мансуров мус.	Қаторларга сафланиш. Қатордан қайта давра куриш. Ўзбек рақс ҳаракатлари. Халқ ўйинларини ўнаш, “Бойланди”, ”От ўйини”.	“Баҳор вальси” М.Мирзаев мусикаси.
Апрель	Вальс” оҳангига мос қадам ташлаб залга киришга ўргатиш.	“Полька” Рахманинов мус. Қўғирчокнинг алласи” А.Муҳамедов мус. “Турғай” П.Чайковский мус.	1. “Наврўз муборак” М.Дадабоев мус. 2. “Онажон” 3.Қаюмова мус.	Жуфт бўлиб “Вальс” куйига айланиш. Қаторларга сафланиш. Доирада ва қаторларга бўлинниб ҳаракатлар бажариш.	“Олмани отдим” Ўзбек халқ куйи.
Май	Марш куйига қадам ташлаб қаторларга бўлиниш.	“Оҳангидан топ” ўйини.	1. “Неварапар қўшиғи” “Полвон бўламан” Н.Норхўжаев мус. “Космонавтлар” Д.Омонуллаева мус.	Йил давомида ўрганилган материалларни такрорлаш.	Йил давомида ўрганилган рақсларни такрорлаш.

Мусиқа саводи	Овоз созлани машиғи	Дидактик ўйинлар	Болалар чолғуларида ижро	Чиқиши
Катта гурухда ўтилган материалларни тақорлаш.	Товушқатор.	Катта гурухда таниширилган чолғулар асосида “Қайси чолғу чалағапди” ўйини.	Катта гурухда ўрганилган асарларни зарбли чолғуларда тақорлаш.	Марш күйига мос қадам ташлаб чикиш.
Мажор товушқатори	“Асалари”	“Қуёшпим булут” “Асалари” ўйини.	“Олма” Қ.Абдуллаев мус.	Доира бүйлаб енгил югуриб чикиш.
Минор товушқатори	“Пастдан юқорига”	“Кайфиятлар ўйини” “Қуёшми булут”	“Олма” Қ.Абдуллаев мус. Жүр бўлиш.	Доира бүйлаб енгил югуриб чикиш.
Регистрлар.	“Тепадан пастга”	“Ўрмонда” ўйини.	“Ғамгин қўғирчоқ”. А.Тамаси. Жўр бўлиб, Зарбли оркестр.	Рақс ҳаракати билан чикиш.
Товуш баландлиги.	“Бум-бак”	“Қўғирчоқлар ўйини”, “Ўрмонда”	“Марш” И.Акбаров мус (Зарбли оркестр).	Рақс ҳаракати билан чикиш.
Торли чолғулар.	“Дор ўйини” М.Икромова мусиқаси.	“Қайси чолғуда чалағити” “Қуёш ва булут”	“Яллама ёрим” ў.х.к.	Аввал қизлар сўнг ўғил болалар чикиши.
Танбур, дугор, Конун, фортепъяно.	“Бармоклар”	“Оҳангидан топ” “Қайси чолғуда чалағити”. “Кайфиятлар”, “Онажоним” М.Дадабоев мус.	“Бибигул” қ.х.к. (Торли чолғулар)	Қўшиқ айтиб чикиш.
Торли чолғулар оркестри.	“Товушқатор”	“Созли сандик”, “Кайфиятлар”	“Лайлак келди” ў.х.к. “Айласа” ў.х.к.	Жуфт бўлиб чикиш.
Халқ чолғулари оркестри.	Ихтиёрий.	“Созли сандик” “Оркестр”	Тақорлаш.	Эркин юриб чиқиб кетиш.

Ўзбекистон мустакил

М. Дадабоев шерни ва мусиқаси

Allegretto

Кан - дай гү - зал у - дуг кун, ку - вонч - лар - га тү - дик кун.

Яй - ранг ауст - лар ту - ну кун, Ўз - бе - кис - тон мус - та - кил!

Яп - на - мок - да гул - да - ёр, бул - син сен - га за - фар ёр.

Ке - линг ай - тай - лик ал - ёр, Ўз - бе - кис - тон мус - та - кил.

Яшнамоқда гул диср,
Бўлсин сенга зафар ёр.
Келинг айтайлик алёр,
Ўзбекистон мустакил.

Тинч оқмоқда дарёлар,
Бўлмас бизда гавғолар.
Пучдир барча иғволар,
Ўзбекистон мустакил.

Энди эркимиз кўлда,
Моду мулкимиз кўлда.
Бирлашибиз биз ҳақ йулда,
Ўзбекистон мустакил.

Чилдирма чалай

Г. Комилов шеъри
Н. Тураназаров мусикаси

Ўртacha

Чил - дир - ма ча - лай ўр - ток - жон ўй - наң,
 Ко - йил - ми ка - ранг бүм - бак - бак - бүм - бак
 Ки - зиг - ган - ман хүб тар - ди - ши - та - ранг
 Хал - қа - ча - си күп бүм - бак - бак - бүм - бак

Овоздари ҳам,
 Роса жержаранг.
 Шундайми Алхам,
 Бум-бак-бак-бум-бак

Дадажоним

Б.Содиков шеъри

Н.Турназаров мусикаси

Шошилмасдан

Meh - ri - bon - dir uz - la - - ri
Жон о - зи - ги сұз - ла - - ри
Мун - ча ис - сик юз - ла - - ри
Да - да - жо - ним

Далада иштайдилар,

Оқшом йүлга чикаман,

Дилимиз хушлайдигар.

Дадам кайтса күчаман.

Полвонға үхшайдилар,

Севинчимдан учаман,

Дадажоним яхшилар.

Дадажоним яхшилар.

Тезриқ

Күзичок

Б.Содиков шеъри
Н.Тураназаров мусикаси

Кү - зи - чо - гим кү - зи - чок ик - ка - ла - миз дүст и - нок

пе - пю - наң дум - ду - ма - лок пе - шо - наң би - рам ба - рок

Ta - rap - la ял - ла яп - ла та - rap - la ял - ла ял - ла

Ta - rap - la ял - ла яп - ла та - rap - la ял - ла ял - ла

Түннің майин юм-юмшөк.

Ялтирадар худди чакмок.

Бекавергин хар ёкка,

Чонкиялаңвер үтлокса.

Накорат:

Кейнг яйловинг Боботөг,

Дикирлайсан вактынг чөз.

Күшик куйлар қизалок

Үртача
шұх ва енгіл

Р.Толіб шевері
Н.Тұраназаров мусиқасы

Kү - ши - к куй - лар ки - за - лок тиңг - лар бөг - лар да - ла - лар

о - во - зи шұх күн - ги - рок кү - ши - к нур - дай та - ра - лар.

Kү - ши - к куй - лар ки - за - лок жа - ранг - лай - ды ос - мон - лар

Бог - лар а - ро ча - ман - да теб - ра - нар гул раи - хон - лар

Нақорат:

Бирдан тұхтаб эсішдан,

Күшик куйлар қизалок,

Елшар күлеқ солади.

Жаранглайди өсмөнлар.

Бийрон-бийрон бұлбуллар,

Боглар аро чаманда,

Аста жиміб қолади.

Тебранар гүл раихонлар.

Күшлар

С.Тожи шеъри
Н.Тураназаров мусикаси

Шүх-енгил



Сай-ранг бо - гим - да күш - лар яй - ранг - бо - гим - да күш - лар



Кү - пи - гин - гиз күнг - лим - да зав - ку о - ром ба - гин - лар.



Сай-ранг бо - гим - да күш - лар яй - ранг бо - гим - да күш - лар

1.



Сай-ранг бо - гим - да күш - лар яй - ранг бо - гим - да күш - лар

2.



яй - ранг бо - гим - да күш - лар

Күчогим көнг очамад,

Қиност қоқиб осмонда,

Сизларга дөн сочаман.

Яйранг түлзор чаманды.

Күшик күйнгиз қүшлар.

Сизларға ҳеч хавф йүк,

Күнгил бөгимни қүшлар.

Бизнинг гүзал ватанда.

Нақорат:

Нақорат:

Сайранг бөгимда қүшлар,

Сайранг бөгимда қүшлар,

Яйранг бөгимда қүшлар.

Яйранг бөгимда қүшлар.

Гулчиройнинг момоси

Н.Тұраназаров шеъри ва мусыкасы

Майин-өгіррок

Гүл - чи - рой - нинг мо - мо - си бор се - хр - ля - дир ка - ра - ши.

Гул - чи - рой - нинг мо - мо - жон деб тал - пи - ни - ши о - да - ти

Йиг - лаб йи - лаб туй - май - ди жон хо - лим га күй - май - ди.

Ка - ни мо - мом деб Гул - чи - рой о - на - си - ни кий - най - ди. кий - най - ди.

Момоси ҳам Гулчирой деб,

Моможоним, моможон,

Эркаланиб үйнайди.

Сиз ҳам ҳамдарад, снаажон.

Гулчирой ҳам моможон деб,

Эркалайсиз қазижен деб.

Сүйіб-елиб қувнайди:

Мәхрибоним опогим деб.

Йиглаб-йиглаб түймайман,

Онағоним кани сиз деб.

Хархашалар киламан,

Мени сүйіб құксин деб.

Совуқ кимни излайди?

П.Мұмін шеъри
Н.Тұраназаров музикасы

Үртаса - кескін

Со - вук ким - ни из - лай - ди ша - мо - ли низ - гиз - лай - ди.
 У ким - дар - ни из - лай - ди кан - дай - мар - ни кий - най - ди.
 Со - вук ким - ни из - лай - ди, со - вук ким - ни из - лай - ди.
 Ки - ин - во - либ шай - ла - ниб юр - са кий - наб ай - ла - ниб
 Бү - шаш - ма - са ким а - гар ун - дай - лар - га бүйин - э - гар.
 Со - вук ким - ни из - лай - ди, со - вук ким - ни из - лай - ди.

Бұлса ланжу дангаса,

Кийинволиб шайланиб.

Тұгмасини тақмаса.

Юрса қийнаб айланиб.

Совуқ тездә йықади,

Бүшашмаса ким агар,

Уңдан голиб чикади,

Ундайларга бүйин зғар.

Совуқ кимни излайди?

Совуқ кимни язлади?

Күвентириб янада,

Учиради чанада.

Бұлинг дея қаҳрамон,

Кийнайди кор-бүрон,

Совуқ кимни излайди?

Ўзбекистоним

Вальс

Т.Усмонов шеъри
Н.Тураназаров мусикаси

Жонли

1. 2.

Ўзбекистон гўзал бўстон бокий баҳорим,

Хавас бирлан бокар жаҳон гулгун диеrim.

Мехрим ишқим ҳам йўлларим кон гулу-нурга

Ардоқлагум бир умрга жон Ўзбекистон.

Карвон келади бобожон

Х.Хурсандов шерни
Н.Тураназаров мусикаси

Шұх

Норту - я - да бур - жо - ма - си жун - ли чак - мо - ни жо - ма - си.

Ба - во - ра - си пий - жо - ма - си кар - вон ке - ла - ди бо - бо - жон.

Кар - вон ке - ла - ди бо - бо - жон, мех - мон ке - ла - ди бо - бо - жон.

Кар - вон ке - ла - ди бо - бо - жон, мех - мон ке - ла - ди бо - бо - жон.

Но - го - ра - син на - най ки - либ, тан - га - ча - син мү - май - ки - либ.

Иш - та - ха - син кар - най ки - либ кар - вон ке - ла - ди бо - бо - жон.

ди бо - бо - жон Иш - та - ха - син кар - най ки - либ кар - вон ке - ла - ди бо - бо - жон;

Кар - вон ке - ла - ди бо - бо - жон мех - мон ке - ла - ди бо - бо - жон ди бо - бо - жон.

Ногорасин нанай килиб,

Тантасин мұмай килиб.

Иштахасин карнай килиб,

Карвон келади бобожон.

Накорат:

Карвон келади бобожон,

Мехмон келади бобожон.

Карокчиға ҳавас килиб,

Савдогарға ғараз килиб.

Әшагига араз килиб,

Карвон келади бобожон.

Накорат:

Карвон келади бобожон,

Мехмон келади бобожон.

Кимлигини билиб олинг,

Хизматини қилиб қолинг.

Ақчасини шилиб олинг,

Карвон келади бобожон.

Накорат:

Карвон келади бобожон,

Мехмон келади бобожон.

Ўзбекистон мустакил

М.Дадабоев шеъри ва мусикаси

Allegretto

Кан - дай гү - зал у - лут кун, ку - вонч - лар - га ту - лик кун.

Яй - ракт дуст - лар ту - ну кун, Ўз - бе - кис - тон мус - та - кил!

Яш - на - мок - да гул - ди - ёр, бўн - син сен - га за - фар ёр.

Ке - линг ай - тай - лик ал - ёр, Ўз - бе - кис - тон мус - та - кил.

Яшнамокда гул диёр,

Тинч оқмокда дарелар,

Бўлсин сенга зафар ёр.

Бўлмас бизда ғавголар.

Келинг айтайлик алёр,

Пучдир барча иволар,

Ўзбекистон мустакил.

Ўзбекистон мустакил.

Энди эркимиз кўлда,

Молу мулкимиз кўлда.

Бирлашдик биз ҳақ йўлда,

Ўзбекистон мустакил.

Бахтиёрлар күшиги

Ұ.Курбон шеври
Н.Тұраназаров мусикасын

Тантанавор

Күчөк очиб, мехринг сочиб, она ватан яйранг дер.

Күвноқ кулиб, завқка түлиб, булбул каби сайранг дер.

Халким бул омон юртим бул омон

мән Халким бул омон юртим бул омон

МОН

Күчөк очиб, мехринг сочиб,
Она ватан яйранг дер.
Күвноқ кулиб, завқка түлиб,
Булбул каби сайранг дер.

Накорат:

Халқим бул омон,
Юртим бул омон.

Күп миллатли хамдаммиз,
Күллар күлда, күзлар йүлда.
Шон кучамиз хардам биз,
Зекнимиздан, меҳримиздан.

Накорат:

Халқим бул омон,
Юртим бул омон.

Аллаё, алла

Д.Омонуллаева шеъри ва мусиқаси

Оҳиста, майин

The musical score consists of three staves of music in G major, 8/8 time. The first staff features a soprano vocal line with lyrics in Russian and Kazakh. The second staff contains an accompaniment for piano or guitar, indicated by a dynamic marking 'p'. The third staff provides harmonic support with a bass line.

Staff 1 (Soprano):

- (俄из юмиб) Кү-ғир - чо - фим,
- ал - ла ё, кү - зи чо ғим, ал - ла, Кү - зинг юм - гин,
- о - ром ол, о - вун - чо ғим, ал - ла. Ал - ла ё,

Staff 2 (Accompaniment):

p

Staff 3 (Bass):

ал - ла,
кү - фир - чо - гим, ал - ла - ё,

Ал - ла - ё,
ал - ла,
о - вун - чо - гим, ал - ла - ё.

Күгирчогим, аллаё,
Күзичогим аллаё.
Күзинг юмгин, ором ол
Овунчогим, алла.

Аллаё, алла
Овунчогим, алла.
Аллаё, алла
Күзичогим аллаё.

Аллаё, алла
Күзичогим алл
Аллаё, алла
Овунчогим, алла.

Сен ухласанг, иш қилай,
Ширингинам, алла
Кийим-кечагинг ювай,
Жажжигинам, алла.

нақорат

Боғчам

Б.Содиков шеъри

Й.Хайдаров мусиқаси

Andante

The musical score consists of seven staves of music in G major, 2/4 time. The vocal line is accompanied by a piano or guitar part.

Lyrics:

- Staff 1: Сен боғ- ча - сан меҳ - ри бон у - ии - миз - сан жо - на - жон.
- Staff 2: Ис - сик бағ - ринг биз - лар - ни ку - тиб ту - пар ҳар қа - чон.
- Staff 3: Ис - сик бағ - ринг биз - лар - ни ку - тиб ту - пар ҳар қа - чон
- Staff 4: Боғ - чам боғ - чам
- Staff 5: жон боғ - чам о - шин - га, но - нин - га,
- Staff 6: чо - йин - га минг раҳ - мат. Боғ - чам боғ - чам жон боғ чам
- Staff 7: Дар-син- га, меҳ-рин- га, жо - йин - га минг раҳ - мат.

Сен боғчасан меҳрибон
Уйимизсан жонажон,
Иссик бағринг бизларни
Кутиб турар ҳар қачон.

Билим, дўстлик ўргатган
Ҳар ишга йўл кўрсатган
Сенсан жонажон боғчам
Эркалатган ўйнатган.

Нақорат:

Нақорат:
Боғчам, боғчам
Жон боғчам
Ошингга, нонигга
Чойингга, минг раҳмат!

Бизлар сенга фарзандмиз,
Яхшилигинг сезганмиз.
Сенсан жонажон боғчам,
Сендан жуда хурсандмиз.

Нақорат:

Боғчам, боғчам
Жон боғчам
Дарсингга, меҳрингга
Жойингга, минг раҳмат!

Боғчамиз

Ғ.Махмуд шеъри

Ш.Ёрматов мусиқаси

Allegro moderato



Бог - ча - миз,
 бог - ча - миз,

 биз-нинг гү - зал бог - ча - миз.
Такрорлаш Тамомлаш
 миз.

Бизга ғамхўр, меҳрибон,
 Тарбиячи опамиз.
 Қўшиқ айтиб барилла
 Топишмоклар топамиз.

Копток ўйнар Мавжуда,
 Барно учар ағимчоқ,
 Шахнозга ёқар жуда,
 Қўнғир сочли қўғирчоқ.

Боғчамиз

ҲҚаюмов шеъри

Г.Кодиров мусиқаси

Tempo di marsia



Нур - га тү - ла боғ - ча - миз, боғ - ча - миз, боғ - ча - миз.



Бағ - ринг - да шод бар - ча - миз, бар - ча - миз, бар - ча - миз.



Се - винч со - либ дав - ра - га, дав - ра - га, дав - ра - га.



Тов - ла - на - ди ар - ча - миз, ар - ча - миз, ар - ча - миз.

Нурга тўла боғчамиз,
Боғчамиз, боғчамиз.

Бағрингда шод барчамиз,
Барчамиз, барчамиз.

Севинч солиб даврага,
Даврага, даврага,
Товланади арчамиз.
Арчамиз, арчамиз.

Нурга тўла йўлимиз,
Йўлимиз, йўлимиз.

Шодон, қувноқ дилимиз,
Дилимиз, дилимиз.

Бахт улашиб бизларга,
Бизларга, бизларга.
Келди янги йилимиз,
Йилимиз, йилимиз.

Богимизга марҳамат!

Ҳ.Муҳаммад шеъри

Ғ.Қодиров мусиқаси


Allegro moderato




Бо - ги - миз - га ю - ринг - лар ки - рай - лик, хо ки - рай - лик.



Ме - ва - лар - ни кў - ринг - лар, чи - рой - лик, хо чи - рой - лик.



Чи - рой - лик боғ - лар - ни биз я - рат - дик, хо я - рат - дик,



Гў - зал, бўл - ди ўл - ка - миз, япи -нат - дик, хо яш -нат - дик.

Богимизга юринглар,
Кирайлик, хо кирайлик.
Меваларни кўринглар,
Чиройлик, хо чиройлик.

Чиройлик боғларни биз,
Яратдик, хо яратдик.
Гўзал бўлди ўлкамиз,
Яшнатдик, хо яшнатдик.

Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб

Л. Турсунова шеъри ва мусиқаси

шүх

Шун - дай гү - зап за - мон - да,

Кү - шиқ айт - гим ке - ла - ди.

Куй - лаб ва - тан мад - хи - ни, жо - ней,

жү - шиб айт - гим ке - ла - ди.

Дил - дан куй - лаб, ўй - на қув - наб

қү - шиқ куй - лай, жү - шиб куй - лай.

Шундай гүзәл замонда, Юртлар күпdir дунёда,

Күшик айтгим келади. Бир-биридан зиёда.

Куйлаб ватан мадхини (жон-еý) Мустақил она юртим (жон-еý)

Жүшиб айтгим келади. Хаммасидан зиёда.

Нақорат:

Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб,
Күшик куйлай, жүшиб куйлай.

Нақорат:

Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб,
Күшик куйлай, жүшиб куйлай

Дилоромнинг қўшиғи

Д.Омонуллаева шеъри ва мусиқаси

Куйчан

Кув - ноқ хуш о - воз жаж - жи Ди - ло - ром
кў - ши - ги дил - га бахш э - тар о - ром
А - ям ва да - дам бўл - син - лар бар - дам
Дун - ё тур - гун - ча тур - син - лар хар дам.

Кувноқ хуш овоз
Жажжи Дилором.
Кўшиғи дилга
Бахш этар ором.

Аям ва дадам,
Бўлсинлар бардам.
Дунё тургунча
Турсинлар ҳар дам.

Богчамизда у
Барчага ёққан.
Ёш қалби жўшиб,
Дарёдай окқан.

Кўшиқ севмаслар,
Йўқдир оламда.
Мен катта бўлсам,
Бўлай хонанда.

Фозларимиз

Т.Адашбоев шеъри

К.Кенжав мусиқасы

Moderato

Moderato

Роз -ла -ри - миз ғақ, ғақ, ғақ, қүй -ла -ги - миз օқ, օқ дер.

Биз -ни ях -ши бок, бок дер, Сүнг бү -ла -миз ўр -тоқ дер.

ғақ ғақ ғақ Биз - лар дүст -и - нок,

ғақ ғақ ғақ Биз - лар дүст -и - нок.

Фозларимиз
Ғақ, ғақ, ғақ,
Күйлагимиз
Оқ, оқ дер.

Бизни яхши
Боқ, боқ дер
Фоқ, фоқ, фоқ
Бизлар дўст-иноқ.

Ювош, ахил гозлармиз,
Жүр овоздир созимиз.
Сувда куйлаб, ўйнаймиз,
Кувноқ ўтар ёзимиз.

ФОҚ, ФОҚ, ФОҚ

Гулнаврӯз келди

Халқ сузи

Х.ИНОГОМОВ мусикаси

Шүх, кувнок

Шух, кубок

Тонг - ни уй - го - тиб дил - га сүз кел - ди.

Тонг - ни уй - го - тиб дил - га сүз кел - ди.

TAMON

Дил - ни куй - ла - тиб, гул - нау - руз кел - ди.

A musical score for piano in G major, 2/4 time. The left hand plays a sustained note on the third line of the treble clef staff. The right hand plays eighth-note chords on the first and second beats of each measure. Measure 10 ends with a fermata over the eighth note. Measure 11 begins with a grace note before the main eighth-note chord.

A musical score for a three-part setting. The top part is in soprano C major, the middle part in alto F major, and the bottom part in bass G major. The score consists of two systems of music. The first system starts with a treble clef, a key signature of one flat, and a common time signature. The second system starts with a bass clef, a key signature of one flat, and a common time signature. The vocal parts are accompanied by a piano, indicated by a piano icon and the letter 'P'.

На - си- бам бир - ла, риз - ку руз кел - ди.

Тонгни уйғотиб,
Дилга сўз келди.
Дилни куйлатиб
Гулнаврўз келди.

Олам уйғонди,
Юрак тұлғонди.
Насибам бирла
Ризқу рүз келди.

Нақорат:
Шудрингдан маржон
Тақиб бүйнимга
Баҳору наҳор
Юзма-юз келди.

Нақорат:
Олам уйғонди,
Юрак тұлғонди.
Насибам бирла
Ризқу рүз келди.

Хур ўлкам

Х.Рахмат шеъри

Г.Жумаева мусиқаси

Ўртacha



Хур ўл - кам ме - нинг гул ўл - кам ме - нинг



дун - ё - да ўл - кам энг кўр - кам ме - нинг.



Кун - дан кун яш - нар Тинч - лик деб я - шар,



эл - лар - нинг ун - га хур - ма - ти о - шар.



Кун - дан кун яш - нар Тинч - лик деб я - шар,

Хур ўлкам менинг,
Гул ўлкам менинг.
Дунёда ўлкам,
Энг кўркам менинг

Үйнасангчи, типратикон

П.Мүмин шеъри

Н.Норхұжаев мусикаси

Allegretto

Сен ҳам ке-либ

ўй - на-санг - чи,

хи-жо - лат - га күй - ма санг - чи,

Тип - ра - ти - кон, тип - ра - ти - кон, ў - йин - га туш ди - кон, ди - кон!

Тип-ра-ти-кон,

Coda

Тип-ра-ти-кон.

Сен ҳам келиб, ўйнасангчи,
Хижолатта күймасангчи.

Қараб туринг, ўйин тушай,
Күшдай учай – күшдай учай!

Нега ҳамма ёғинг тикон?
Кийиб олгин қалин чопон.

Аста ўзим ўргатаман,
Кўлинг ушлаб ўйнатаман.

Нақорат:

Типратикон, типратикон.
Ўйинга туш дикон-дикон!
Типратикон.

Ўзбекистон

Н.Маматқұлов шеъри

Г.Жумаева мусиқасы

Вальс темпидә



Шод-лик би-лан бок қа кир-сак,

Боғ-да на-во жа-ранг-лай-ди.

Ку чок, ку чок гул-лар тер-сак,

о-ром о-либ дил яй -рай-ди.

Нақорат:

Қай юрт бўл-ган гул-га ма-кон

Гул-лар юр-ти Ўз-бе -кис-тон

Яш-на кўр кам ё-руг жа-хон,

о - на юр-тим Ўз-бе -кис-тон.

Бо киб ас -ло тў-йол - май-миз

лол қол-ди-рар юрт жа - мо -ли

Бир кун ал-бат бў-ла - жак-миз

Ўз-бек э - ли баҳт иқ - бо -ли

ту - га - ма -син тинч -лик за мон

баҳ -ти кул -син Ўз-бе - кис-тон.

Шодлик билан бокқа кирсак,

Боқиб алсо тўймаймиз,

Боғда наво жаранглайди.

Лол қолдирапар юрт жамоли.

Кучок-қучок гуллар терсак,

Бир кун келиб албат бўлажакмиз,

Ором олиб дил яйрайди.

Ўзбек элин баҳт, иқболи.

Қай юрт бўлган гулга макон

Тугамасин тинчлик замони,

Гуллар юрти Ўзбекистон.

Бахти кулсин Ўзбекистон!

Яшна кўркам, ёруг жаҳон,

Она юртим Ўзбекистон!

Күгирчоғим, аллаё

А.Мухамедов мусиқасы

Andante cantabile

Сүзлар топдим алламга,
Сени мақтай оламга.
Ухламасанг агар сен,
Айтиб берай аямга.

Сен мисли гулғунча,
Ухламайсан намунча.
Яхш ухлаб ором ол
Опанг ўйнаб келгунча.

Күгирчоғим, аллаё
Овунчоғим аллаё.

Күгирчоғим, аллаё
Овунчоғим аллаё.

Корбобо

Х.Қаюмов шеъри

Ғ.Қодиров мусиқаси

Тезрок

Кор - бо - бо - жон қор - бо - бо дав - ра - миз - га мар - ха - бо,
 кор - бо - бо - жон қор - бо - бо ар - ча - миз - га мар - ха - бо,
 кор - бо - бо - жон қор - бо - бо ар - ча - миз - га мар - ха -
 бо. бо.

Болалар: Корбобожон, қорбобо,
 Даврамизга марҳабо!
 Корбобожон, қорбобо,
 Арчамизга марҳабо!

Корбобо :Салом, ўғил-қизларим,
 Шўх, чақноқ юлдузларим!
 Янги йил кутлуғ бўлсин,
 Даврамиз нурга тўлсин!

Болалар: Салом сизга қорбобо,
 Даврамизга марҳабо!
 Корбобожон, қорбобо,
 Арчамизга марҳабо!

Корбобо: Сиз билан бирга қувнай,
 Янгроқ қўшиклар куйлай.
 Деб, сиз томон шошилдим,
 Мана, етиб ҳам келдим

Болалар: Хуш келибсиз, қорбобо,
 Даврамизга марҳабо!
 Корбобожон, қорбобо
 Арчамизга марҳабо!

Күёнчам

М.Икрамова шеъри ва мусиқаси

Шошилмай

Musical notation for the song 'Күёнчам'. The music is in 2/4 time with a key signature of one sharp. The melody consists of eighth and sixteenth notes. The lyrics are written below the notes.

Мен - га са - лом бе - ра - ди шал-панг қу - лок қу - ён - чам,
ля - ля - ля - ля, ля - ля - ля, шал-панг қу - лок қу - ён - чам.

Мендан ҳеч ҳам күркмайди,
Шалпанг қулоқ қүёнчам.
Ля-ля-ля-ля-ля-ля
Шалпанг қулоқ қүёнчам.

Дикир-дикир сакрайди,
Шалпанг қулоқ қүёнчам.
Ля-ля-ля-ля-ля-ля
Шалпанг қулоқ қүёнчам.

Тандирда нон ёпамиз

Э.Рахимов шеъри

Й.Хайдаров мусиқаси

Allegretto

Тандирда нон ё - па - миз дей - ди бог - ча
о - па - миз. Соғ - лом бў - либ ул - гай - санг
баҳ - ти - миз - ни то - па - миз баҳ - ти - миз - ни то - па - миз.
Шүх кув - ноқ дўм - бок - ча - миз,
та - бас - сум - дир бар - ча - миз.
Ва - та - ни - миз бод бўл - са ло - ла - си - миз ў - зи - миз,
ло - ла - си - миз ў - зи - миз.

“Тандирда нон ёпамиз”
Дейди боғча опамиз.
Соғлом бўлиб улгайсанг,
Бахтимизни топамиз.

Ўша боғчани боғбони,
Юртимизнинг сарбони,
“Кўп яшасин” – дейдилар
Хур йигит-қиз, ўғлони.

Нақорат:

Шўх, қувноқ дўмбоқчамиз,
“Табассум”дир боғчамиз.
Ватанимиз боғча бўлса,
Лоласимиз ўзимиз.

Нақорат:

Шўх, қувноқ дўмбоқчамиз,
“Табассум”дир боғчамиз.
Ватанимиз боғча бўлса,
Лоласимиз ўзимиз.

Ухлаб турдим

П.Мұмін шеъри

Ф.Назаров мусиқасы

Тезрок

O - йи - жо - ним, бу - гун ях - пи ух - лаб тур - дим.

Жу - да ки - зик, жу - да ши - рин туш - лар күр - дим.

Сиз - га, сиз - га ас - са - лом! Ҳам - ман - гиз - га ас - са - лом!

О - йи - жо - ним ас - са - лом! Ҳам - ман - гиз - га ас - са - лом!

Ойижоним,
Бугун яхши ухлаб турдим
Жуда қызик, жуда шириң
Тушлар күрдим.

Нақорат:
Сизга, сизга ассалом!
Ҳаммангизга ассалом!
Ойижоним ассалом.
Ҳаммангизга ассалом!

Юмшок ёстиқ,
Иссиқ күрпа, роҳат, роҳат
Ўз вақтида уйғонишга
Қилдим одат.

Нақорат:
Сизга, сизга ассалом!
Ҳаммангизга ассалом!
Ойижоним ассалом.
Ҳаммангизга ассалом!

ЯНГИ ЙИЛИМ

П.Мўмин шеъри

Д.Зокиров мусиқаси

Кувнок, шошилмай

Хуш ке - либ-сан ян - ги йи-лим,
Йил - дан йил - га ях - ши йи-лим.
Ян - ги - йи - лим ях - ши йи-лим.

Хуш келибсан
Янги йилим
Йилдан-йилга
Яхши йилим

Богчамизда
Ўз сафимда
Кувнаб-кувнаб
Ўсдим бардам.

Нақорат:
Янги йилим - Яхши йилим,
Яхши йилим - Янги йилим.

Нақорат:
Байрам тўйинг,
Қўшиқ куйинг.
Очар доим
Баҳри дилим

Нақорат:

Асп бұламан
(Ўзбек халқ қуи)
Тез суръатда



1-4-тактлар.

1. Ҳаракат:

Асосий ҳаракат сакрама. Бу рақсда 6 та қиз иштирок этади. Қизлар давра бўйлаб юриб, доира ҳосил қиласидилар. Қизлар даврада туриб пастга қарсак чалишиб, қўлларини юқорига кўтарадилар. Давра бўйлаб юриб 2 қаторга сафланадилар.

5 -12-тактлар.

2. Ҳаракат:

Қизлар аввал икки қўлларини ўнг ёнига узатиб, сўнг юқорига кўтарадилар. Сўнгра қўлларини чап ёнга узатиб юқорига кўтарадилар. Бу ҳаракат 4 мартадан бажарилади.

1-4-тактлар.

3. Ҳаракат:

Қизлар ҳар икки томонга “шоҳ” ташлайдилар. Бунда биринчи қўллари ёнда, иккинчи қўллари юқорида бўлиб, қарсак чалиб қўлларини ўзгартириб турадилар.

5-8-тактлар.

4. Ҳаракат:

Биринчи томон қизлари ўтириб, иккинчи томон қизлари улар атрофида айланадилар, сўнгра ўрин алмашадилар.

9-12-тактлар.

5. Ҳаракат:

Қизлар қўлларини белда қўйиб елка учирадилар. Сўнгра давра бўйлаб юриб биринчи қаторга сафланиб, салом бериб чиқиб кетадилар.

Чаманда гул

(Ўзбек халқ куйи)

Тез суратда



Бу рақсда тўртта ёки олтига қиз иштирок этади. Асосий ҳаракат сакрама. Кўллари юқорида “Шамол” ҳаракати билан икки қатор бўлиб икки томондан чиқадилар.

1-4 тактлар.

1. Ҳаракат:

Икки томондан чиқишиб доира ҳосил қиласидилар. Қизлар навбатма-навбат ўтириб бир-бирларини атрофида айланадилар.

5-8-тактлар.

2. Ҳаракат:

Қизлар давра бўйлаб юриб биринчи қаторда тизиладилар. Қизлар ўз жойларида тўрт томонга пастга қарсак чалиб, сўнг кўлларини юқорига кўтарадилар. Бу ҳаракатлар ўнг ва чап томонга бажарилади.

9-12-тактлар.

3. Ҳаракат:

1,3,5- қизлар кўлларини “Чироқча” қилиб олдинга чиқадилар ва яна ўз жойларига қайтадилар. Бу ҳаракатлар 2,4,6- қизларда тақрорланади.

1-4-тактлар.

4. Ҳаракат:

Қизлар уч кишидан бўлиб қўл ушлашиб айланадилар. Қизлар давра бўйлаб юриб, бир қаторга сафланиб салом бериб чиқиб кетади.

**Гуллар рақси
(Ўзбек халқ рақси)**

Ўртача



Бу рақсда олтига қиз иштирок этади. Улар қўлларида гуллар билан енгил сакрама ҳаракатлар билан чиқадилар ва бир қатор бўлиб турадилар.

1-4-тактлар

1. Ҳаракат:

Қизлар қўлларини юқорига “Шамол” қилиб олдинга чиқадилар ва яна жойларига қайтадилар. Қизлар алмашадилар. Энди 2,4,6- қизлар шу ҳаракатлар билан чиқадилар ва ўз жойларига қайтадилар.

5-8-тактлар.

2. Ҳаракат

Қизлар давра бўйлаб юриб доира ҳосил қиласадилар. Икки кишидан қўл ушлашиб чиқиб кетадилар.

**Олмани отдим
(Ўзбек халқ куйи)**

Ўртача тез



Рақсда олтита қиз иштирок этади. Асосий ҳаракат ўнг оёқда депсинини.

13-14 тактлар.

1 - Ҳаракат.

Қизлар давра марказидан бир қатор бўлиб чиқадилар ва икки қаторга бўлинадилар.

15-16-тактлар.

2. Ҳаракат.

Қизлар бир-бирига юзма-юз туриб қўлларини икки ёнга очиб бир-бирларига қараб юрадилар, “қўришиб” ўрин алмашадилар ва шу ҳаракатлар билан ўз жойларига қайтадилар.

17-24-тактлар.

3. Ҳаракат:

Қизлар “Шоҳ” ҳаракати билан ёнига юриб ўрин алмашадилар ва ўз жойларида айланадилар. Бу ҳаракат икки марта бажарилади.

1-8-тактлар.

4. Ҳаракат:

Биринчи томон қизлари иккинчи томон қизлари атрофида айланадилар ва ўз жойларига қайтадилар.

9-16-тактлар.

5. Ҳаракат:

Қизлар давра бўйлаб юриб, доира ҳосил қиласадилар. Қизлар биринчи-иккинчи қўлларини юқорига, иккинчи қўлларини кўкрак олдига қўйиб қўлларини қирсиллатиб ўз жойларида ўнг ва чап ёнга айланадилар.

17-24-тактлар.

6. Ҳаракат:

Қизлар давра бўйлаб юриб қаторга сафланиб, салом бериб чиқиб кетадилар.

Дутор баёти

(Ўзбек халқ куий)

шўх



Рақсда асосан олтита қиз иштирок этади. Асосий ҳаракат ўнг оёқда депсиниб, қўлларини юқорида “Шамол” қилиб турадилар.

1.Ҳаракат:

Қизлар икки томондан ярим доира бўлиб юриб, иккинчи қаторга турадилар ва пастдан юқорига қўлларини “қирсиллатиб” юрадилар.

2-ҳаракат:

Қизлар елкама-елка икки мартадан айланадилар. Қизлар давра бўйлаб биринчи қўлларини давра марказига узатиб, иккинчи қўлларини “Шамол” қилиб юрадилар

3. Ҳаракат.

Қызлар яна иккинчи қаторга турадилар. Бириңчи қатор қыздары ўтириб, иккинчи қатор қыздары улар атрофида айланадилар (2 марта).

4. Ҳаракат:

Қызлар жуфт-жуфт бўлиб биринчи қўлларида бир-бирларини белини ушлаб, иккинчи қўлларида “Шамол” ҳаракатини бажариб ўнг ва чап томонга айланадилар.

5. Ҳаракат:

Қызлар пастдан юқорига қўлларини алмаштириб қарсак чалиб, бир қаторга сафланадилар ва салом бериб чиқиб кетадилар

Баҳор вальси

М.Мирзаев мусиқаси

Вальс суръатида



Бу рақсда 8 та қиз иштирок этади. Асосий ҳаракат: Қўлларини юқорига кўтариб, енгил оёқ учida югуриб чиқиб кетишади.

1. Ҳаракат.

Қизлар гүё “**Ухлаётган дарахт**” ҳолатида турасынан көзөн көрсөткөнде өзүннөң күтариб уйғотиб, иккиси үз жойларыда айланадилар.

2. Ҳаракат.

Қизлар икки гурухга бүлиниб қарама-қарши томонга юриб икки қаторга юзма-юз бүлип турасынан көзөн көрсөткөнде өзүннөң күтариб уйғотиб, иккиси үз жойларыда айланадилар (2 марта).

3. Ҳаракат.

Қизлар давра бўйлаб юриб айланадилар. Биринчи қўлларини давра марказига узатиб, иккинчи қўлларини “Шамол” қилиб юрадилар. (2 марта).

4. Ҳаракат:

Қизлар доира ҳосил килип турасынан көзөн көрсөткөнде өзүннөң күтариб давра марказига тўпландилар ва яна үз жойларига қайтадилар (2 марта).

5. Ҳаракат:

Қизлар бринчи қўлларида этакларини, иккинчи қўлларини юорига кўтариб 1, 3 саноғига үз жойларыда айланадилар.

6. Ҳаракат:

Қизлар давра бўйлаб юриб дастлабки ҳолатига келип турасынан көзөн көрсөткөнде өзүннөң күтариб ўртага қўлларини юорига чўзди, қолганларнинг ҳаммаси Баҳорийни кузатиб қоладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Ўзбекистон Республикаси мактабгача тарбия концепцияси 1992й
- 2.Мактабгача тарбия муассасаси тўғрисидаги низоми Т.1995 3.Мактабгача таълим журнали.
4. А.В.Позняк,А.К.Бондаренко. “Болалар боғчаси катта тарбиячиси” Т.1993й.
5. “Болалар боғчаси” (мудирлар учун кўлланма) Т.1995 й.
6. Ш.Ф.Тошибулатова. “Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш” маърузаалар матни.2001 й.
7. “Мактабгача таълим муассасалари тўғрисида низом”Т.2000 й.
8. “Давлат талаблари” Т.1995й.
9. “Учинчи минг йилликнинг боласи”таянч дастури.Т.2000й.
- 10.О.А.Фролова. “Мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш”М. 1994й.
- 11.Р.Т.Акбарова. “Нафосат тарбиясида узвийлик”
- 12.Р.Т.Акбарова. “Мусиқа рақс маданиятининг ўзига хос хусусиятлари” Т.1998й.
- 13.А.В.Кенеман, Н.А.Ветлугина. “Мусиқа таълим тарбия методикаси” М.1985й.
- 14.Р.Рахимова “Тарбиячига 1001 маслаҳат” Т.2007й.
- 15.Р.Юсупова. “Мактабгача тарбия педагогикаси” Т.1993й.
- 16.Н.А.Ветлугина. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбияси бериш методикаси” М.1987й.
- 17.Г.Шарипова, Ш.Воҳидова. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиши методикаси” Т.2007й.
- 18.Н.Солиев. “Мусиқа саводи алифбоси” Т.2003й.
- 19.Витлугина.Н.А. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбияси ва тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш” М.1973 й.
- 20.Витлугина.Н.А. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбияси бериш методикаси” М.1981 г.
- 21.Н.А.Витлугинанинг таҳрири остида “Мактабгача таълим муассасаларида нафосат тарбиясини бериш” М.1985 г.

ҚАЙДЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3	
I-Бўлим		
Мактабгача таълим муассасаларида мусикий тарбиянинг аҳамияти ва вазифалари.....	4-9	
II-Бўлим		
Болаларда мусикий фаолият шакллари ва кўринишлари.....	10-14	
III-Бўлим		
Мусикий тарбия беришнинг йўл-йўриқлари.....	15-20	
IV-Бўлим		
Болаларнинг мусикий фаолият турлари.....	20-38	
V-Бўлим		
Қўшик куйлаш.....	38-63	
VI-Бўлим		
Мусикий-ритмик харакатлар.....	63-83	
VII-Бўлим		
Болалар мусика асбобларида ижро этиш.....	83-92	
VIII-Бўлим		
Мусикий машғулотларнинг таркиби ва мазмуни.....	92-97	
IX-Бўлим		
Болаларнинг мустақил мусикий фаолиятлари.....	97-101	
X-Бўлим		
Мактабгача тарбия муассасалари болаларининг қундалик ҳаётида мусика.....	101-109	
XI-Бўлим		
Байрам эрталикларида мусика.....	110-113	
XII-Бўлим		
Боғчада мусикий фаолиятларни ташкил қилиш ва зални жиҳозлаш.....	113-120	
Мусикий атамалар лугати.....		120-126
Кўшиклар репертуари.....		126-171
Фойдаланилган адабиётлар.....		172

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

Н.Тўраназаров, Н.Худойбердиев

Мактабгача таълимни модернизациялаш
жараёнида мусиқа тарбияси
(Методик қўлланма)

Муҳаррир: И.Шомиров
Техник муҳаррир: А.Бўриев
Мусаххих: Қ.Абдуллаев

Босишига 13.05.2015 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84^{1/8} “Times New Roman” гарнитурасида оғсет усулида чоп этилди. 14 босма табоқ.
100 нусхада.

“Тафаккур” нашриёти, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.
“Ҳамидий” фирмаси босмахонасида тайёрланди.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 14-уй.

ISBN978-9943-24-096-4

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-24-096-4.

9 789943 240964